**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

# ПЕДАГОГИКА ФАНИДАН

# МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**ГУЛИСТОН - 2010**

**О.Сувонов, С.Астанова Педагогика фанидан маърузалар матни**

**Ушбу маъруза матни кундузги таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган бўлиб, унда мавзуларнинг назарий асосларини мукаммал ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослашга мўлжалланган вазифалар, айрим жиҳатларини чуқур эгаллашга қаратилган топшириқлар, олган билимларни амалда татбиқ этиш йўл-йўриқлари таҳлил этилган.**

**Маъруза матни Гулистон давлат университети Ўқув-услубий кенгаши томонидан (  - баённома,  ) нашрга тавсия қилинди.**

**Масъул муҳаррир: п.ф.д. Б. Раҳимов**

**Тақризчилар: ЎзПФИТИ катта илмий ходими, п.ф.н. А.Сулаймонов,**
**п.ф.н., доцент Р.Эргашев,**

**ГулДУ @**

# Кириш

Мустақиллик барча жабҳаларда бўлгани каби халқ таълими соҳасида ҳам катта ўзгаришлар ясади. Таълим самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларининг бажарилиш сифатини таъминлаш, ҳозирда педагогиканинг олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш жараёни сифат босқичга кирди. Янги ўқув дастурлари, ўқув режалари, янги авлод дарсликлари, таълим стандартларига мувофиқ ҳолда таълим муассасаларига тақдим этилди. Таълим олдида турган вазифаларни ҳал этиш бевосита ўқитувчи фаолиятига боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчиларни билим эгаллашда фаоллаштирадиган, барча учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, таълимнинг турли хил воситаларини ва вазиятларини излайди. Улардан фойдаланган ҳолда педагогик жараёнининг самарадорлигини оширади. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ижодий изланишга, эгаллаётган касбининг сирларини билиб олишга йўналтиради.

Педагогика фани жамиятнинг ривожланиш қонун-қоидаларига таянган ҳолда тараққий этади. Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш йўлида амалга оширилаётган ишлар миллий онг кун сайин юксалаётганидан далолат беради. Инсон онги таркқий этмас экан, ижтимоий ҳаёт жабҳаларида ҳеч бир ўзгариш сезилмайди. Ушбу қўлланмада педагогика фанидан ўтиладиган мавзулар бўйича мустақил иш топшириқлари берилган. Талаба ҳар бир мавзу бўйича янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиши, керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаши, ахборот манбаларидан унумли фойдаланиши, анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаши, интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиши ва берилган топшириқларнинг ечимини белгилаши, топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошишлари зарур. Тўпламда мавзуларнинг назарий асосларини мукаммал ўрганиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослашга мўлжалланган вазифалар, айрим жиҳатларини чуқур эгаллашга қаратилган топшириқлар, олган билимларни амалда татбиқ этиш йўл-йўриқлари ишланган.

Маъруза матни талабаларнинг педагогика фанидан оладиган билимларини кўникма ва малакага айлантириш учун, педагогик касб хусусиятларидан воқиф бўлишлари ҳамда кафолатланган натижага эришишларига ҳисса қўшишга йўналтирилган ва олий ўқув юртининг барча йўналишдаги талабалари учун мўлжалланган.

## 1-мавзу. Педагогика фани, предмети ва асосий тушунчалари

**Ажратилган вакт-2 соат**
**Машгулот тури- маъруза**

### Асосий саволлар

1. **Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари.**
2. **Педагогикани фан сифатида шаклланиши.**
3. **Педагогиканинг асосий тушунчалари.**
4. **Педагогиканинг методологик асослари.**
5. **Педагогика фанлари тизими ва бошқа фанлар билан алоқаси.**

**Таянч тушунчалар**

Педагогика, педагог, таълим, тарбия, педагогиканинг предмети, фаннинг мақсади ва вазифалари, миллий тарбия, умуминсоний тарбия, педагогик технология, ахлоқ, Шарқ уйғониш даври, жадидчилик, маълумот, шахс камолоти, педагогик маҳорат, дунёқараш, методология, ислом фалсафаси, материализм, идеализм, прогматизм, педагогика фанлари тизими, махсус педагогика, олигофренопедагогика, сурдопедагогика, тифлопедагогика, логопедия, психология, ўқувчилар гигиенаси.

### 1. Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари.

**Ўқитувчининг мақсади:**

Педагогика фани, предмети ҳақида тушунча бериш, педагогиканинг таърифини изоҳлаш, уни ҳар бир талабанинг ўзлаштириб олишига эришиш. Педагогиканинг мақсад ва вазифаларини баён этиш.

Талабаларда педагогика фанини ўрганишга қизиқиш ҳосил қилиш. Ўқитувчилик касбини эгаллашга йўналтириш. Ўзининг педагогик маҳоратини тўла ишга солган ҳолда ибрат-намуна кўрсатиш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

Педагогика фанининг моҳиятини изоҳлаб беради.
Педагогиканинг предмети ва таърифини асослайди.
Педагогиканинг ўқитувчилик касби ҳақидаги фан эканлигини далиллайди.

Ер юзида одам зоти пайдо бўлибдики, у таълим тарбия билан шуғулланиб келади, комилликкка интилади. Катталар ёш авлодга ўзларининг тажрибаларини, инсоний фазилатларини, билим кўникма ва малакаларини сингдиришга ҳаракат қилади. Бу вазифалар турли усулларда турлича ҳал этилган бўлиб, уларнинг натижаси сифатида, педагогика фанининг дастлабки таълимотлари таркиб топиб борган. Инсон тафаккури, билими унинг ижтимоий тажрибаларида акс этган.

Қадимшунос олимларнинг таъкидлашларича, минглаб йиллар олдин кишилар етук онглилик асосида маданий мерос намуналарини яратганлар. Аммо уларга берилган таълим-тарбиянинг мазмуни ва моҳияти. қандай амалга оширилганлиги мукаммал тарзда бизгача етиб келмаган. Айниқса кўҳна шарқ мамлакатлари Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Арабистон, Эрон, Туркия ва бошқа жойларда ўта мукаммал таълим тарбия тизими мавжуд бўлганлиги маданий-меъморий ёдгорликда турли саънат ва мухандислик иншоатларида учратиш мумкин.

Ҳозирги кунда сақланиб қолган энг эски педагогик таълимот қадимги Юнонистон давлатлари: Спарта ва Аттикада амалга оширилган. Педагогика тушунчаси ҳам ўша замонларда қўлланила бошлаган.

Аввало «pais ageines» «яъни бола етаклаш» деган маънони англатади. Қулдорларнинг болаларини қўриқлаб, ҳимоя қилиб юрадиган кишиларни шундай атаган. Кейинчалик мактабларнинг кучайиши, таълим тарбиянинг такомиллашиб бориши натижасида таълим-тарбия билан шуғулланувчи кишиларни педагоглар деб аташган.

Педагогика таълим-тарбия ҳақидаги таълимотларни ўрганадиган соҳа сифатида фалсафанинг таркибида шаклланиб борди.

Педагогиканинг предмети сифатида таълим-тарбия жараёни ва унда амалга оширишга қаратилган махсус тайёргарлик кўрган кишиларнинг фаолияти тушунилади.

Турли манбалар ва муаллифларнинг педагогикага берган таърифларидан келиб чиққан ҳолда уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Педагогика жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий эҳтиёжга мос ҳолда тарбиялаш, шахс сифатида шакллантириш, замонавий билим кўникма ва малакалар беришнинг йўл-йўриқлари қонуният ҳамда мазмун моҳиятини ўрганувчи фандир.

Бу таъриф маълум даражада «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мазмунига мос келади. Фақат ўқувчи ёшлар эмас, жамиятнинг барча аъзолари таълим ва тарбиядан бахраманд бўлишлари, узлуксиз таълим тизими таъсирида камолот сари интилиш зарур. Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришиши педагогика фанининг мақсад ва вазифаларини янгиланишига олиб келди.

Шўролар тизими давридаги комунистик мафкурага асосланган тарбия кўп жиҳатлари билан барча халқлар ва миллатларни бир қолипда «улуғ оға» руҳига мослаштириб улғайтиришга мўлжалланган эди. Бу иллатдан воз кечиб, биринчи навбатда миллий руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Президент И.Каримов таъкидлаганларидек: «Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонларни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир».[1]

Халқимиз бой миллий тарбия анъаналарига эга, унга суяган ҳолда комилликка интилувчи шахсни таркиб топтириш мумкин. Лекин педагогика фани умуминсоний тарбиянинг нодир намуналари таъсирида миллий тарбияни бойитиб боришни ҳам мақсад қилиб қўйган. Бу буюк мақсадлар ўз навбатида таълим ва тарбиянинг тажрибада синалган шакллари билан бир қаторда, жаҳондаги илғор педагогик технологиялардан қўлланиш, етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг қобилияти, қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

**Назорат топшириқлари:**

1. Педагогика нимани ўрганади?

а) инсоннинг пайдо бўлиши ва онгли фаолият юритиш қоидаларини ўрганади.

в) одамларнинг руҳий, ақлий, ахлоқий ва жисмоний хусусиятларини ўрганади.

---

1. Каримов И.А. «Истиқлол ва маънавият». Т.: 1994 й. 2-бет

с) ёшларга билим бериш, касб ўргатиш, ҳаётда ўз ўрнини топишга

д ўргатади.

е) ижтимоий эҳтиёжга мос ҳолда таълим ва тарбия беришнинг қонуниятлари ва йўл йўриқларини ўрганади.

2. Педагогика предмети

а) таълим- тарбия жараёнининг амалга ошириш учун педагогик тайёргарлиги бўлган кишиларнинг фаолияти тушунилади.

в) ёш авлодни тарбиялаш учун олиб бориладиган табдирлар тизимидир.

с) ўқувчиларни билимли қилиш учун бажариладиган меҳнат фаолияти англанилади.

3. «Педагогика» тушунчаси қайси тилдан олинган?
   а) қадимги Хитой тилидан
   в) араб тилидан
   с) эски ўзбек тилидан
   д) юнон тилидан
   е) рус тилидан
4. «Pais ageines» (пайс агайнес) тушунчаси қандай маънони англатади?
   а) бола етаклаш
   в) ёшларни ўқитиш
   с) болаларни тарбиялаш
   д) ҳимоя қилиш
   е) болани қўриқлаш
5. Педагогика даставвал қайси фаннинг таркибида шаклланиб келган?
   а) тарих фанида
   в) адабиётда
   с) психологиянинг таркибида
   д) табиатшуносликда
   е) фалсафада
6. Педагогиканинг таърифини ёд олинг ва ҳар бир тушунчани моҳиятини изоҳланг. Сизнингча таълимни қандай ўзгартириш мумкин, фикрларингизни ёзма баён этинг.
7. Педагогиканинг масалаларини ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни таҳлил қилинг.

1. Миллий ва умуминсоний тарбиянинг ўзига хос томонлари ҳамда узвий боғлиқлигини таққослаб кўринг.
2. Педагогиканинг касб тайёргарлиги беришдаги аҳамиятини асослаб беринг.

2.**Педагогиканининг фани сифатида шакллланиши.**

**Ўқитувчининг мақсади**. Педагогиканинг фан сифатида шаклланишида босқичларини ўқувчилар онгига етказиш дунё олимлари орасида педагогикага хисса қўшган Марказий Осиё алломаларини ажратиб кўрсатиш миллий ғурур хиссини туйдириш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Педагогика хақидаги қарашларнинг пайдо бўлишини аниқлаб олади.
2.2. Олимларнинг педагогик таълимотларини эслаб қолади.
2.3. Педагогиканинг умумбашарий тараққиётини далиллаб беради.

Педагогика инсонлар томонидан яратилган энг қадимги фанлардан бири саналади. Одамлар ўзларининг дастлабки онгли харакатларини ахлоқий фазилатларини ўзларининг насл-насабидан бўлган ёшларга ўргатганлар.Шунинг учун ҳам олимлар педагогик таълимотларнинг дастлабки кўринишлари ибтидоий жамиятда пайдо бўлганлигини асослашадилар. Оиланинг келиб чиқиши педагогик қарашларнинг ривожига катта хисса бўлиб қўшилди. Хатто буюк алломалар Сукрот (469-399й эрага қадар) Афлотун (427-347й). Арасту (384-322й) ва бошқалар дунё илмига улкан хисса қўшганлари холда кулларни одам ўрнида кўрмаганлар. Қуллар кундалик турмуш тарзида жисмоний меҳнатгагина ўрганганлар. Педагогика фанининг тараққиёти Шарқ уйғониш даври алломаларининг қўшган хиссалари баракали бўлган. Айниқса Мусо Ал-Хоразмий, Ахмад Ал-Фарғоний, Ахмад-Югнакий, Имом Ал-Бухорий, Исо Ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Хожиб, Бурхониддин Ал-Марғилоний, Ахмад Яссавий ва бошқалар ўзларининг буюк илмий кашфиётлари билан бирга педагогиканинг турли муаммоларини ишлаб чиқдилар. Х1У-ХУ1 асрларда Марказий Осиё худудида кучли ривожланган давлат

таркиб топди. Бу давлатнинг асосчиси улуғ соҳибқирон Амир Темур эди. У илм-фаннинг тараққиётига маданият ва маориф равнақига алоҳида эътибор берди. Ёшлар тарбияси кенг кўламда олиб борилди.Шу даврда ўзларининг педагогик қарашлари билан машҳур бўлган олимлар фаолият юритдилар. Улар қаторида Муҳаммад Тарағай Улуғбек Абдураззоқ Самарқандий Алишер Навоий Жалолиддин Давоний Хусайн Воиз Кошифий Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар эди. Педагогика назарияси ва амалиёти Х1Х-ХХ асрларда ўзининг энг юқори тараққиёт даражасига эришди. Жадидчилик харакати таълим-тарбиянинг янги шакл мазмун ва усулларини илгари сурди. Исмоилбек Гаспирали таълимоти тарафдорлари сифатида Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон, ўғли Исхоқхон Ибрат, Абдулқодир Шакурий, Х.Х. Ниёзий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва кўплаб ўзбек зиёлилари мактаб маориф масалларини илмий асослашга харакат қилдилар. Шўролар тизими шароитида педагогика фани ўзига хос ривожланди. Аммо бунда рус миллий устунлиги барча халқларнинг илғор ғояларини руслаштирди. Шундай бўлсада бу даврдаги фан тараққиётини инкор этиб бўлмайди. Жаҳон педагогикаси илғор ғоялар билан бойиб боради. Европада ХУ-ХУ111 асрларда кўп педагогик таълимотлар ишлаб чиқилди. Ян Амон Каменский, Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, И.Г. Пестолоцци, Р. Оуэн, А. Дистервег, И.Гербард ва бошқалар ўз таълимотларини яратдилар. Россияда педагогика фанини ривожлантиришга М.Ломоносов, В.Белинский, А.Герцен, Н.Чернишевский, К.Ушинский, Н. Пирогов, П.Лесграфт ва бошқалар хисса қўшганлар. Шўролар тузуми шароитида А. Макаренко, С.Шатский, П.Блонский, Н.Крупская, В. Сухомлинский, М. Данилов, И.Огородников, Н.Болдрев, М.Скаткин, Юбабанский, И.Лернер, В.Краевский ва кўплаб бошқа олимлар педагогика соҳасида илмий ва амалий фаолият юритдилар.

Ўзбек олимларидан С.Ражабов, Э.Қодиров, Ж.Умурбоев, А.Бобоханов, И.Хусанхўжаев, З.Миртурсунов, М.Очилов, К.Хошимов, О.Тўраева, Н.Шодиев, Э.Чориев ва бошқалар педагогиканинг долзарб муаммоларини ишлаб чиқишди хаётга тадбиқ этишда фаоллик кўрсатдилар.

**Назорат топшириқлари;**

1.Дастлабки педагогик ғоялар нимада ифодаланган
  а) ёзма педагогик адабиёт намуналарида.
  в) халқ тажрибаси ва оғзаки ижод намуналарида.
  с) давлатнинг таълим –тарбия хақидаги хужжатларида.
  д) санъат асарларида.
  е) олимларнинг китобларида.

2.Қулдорлик жамиятида таълим ва тарбия кимларга берилган
  а) жисмонан кучли ва вояга етган кишиларга.
  в) фақат эркак кишиларга.
  с) аёлларга.
  д) имкони бўлган барча кишиларга.
  е) қулдор ва унинг фарзандларига.

3.Ноёб ёзма педагогик адабиёт намунаси.
  а) «Бахт саодатга эришувчи хақида»
  в) ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар»
  с) донишмандномa»
  д) »Авесто»
  е) »Қутадғу билиг»

4.Асарларнинг муаллифини аниқланг.
  а) »Қобуснома» А.Навоий Ал-Форобий
  в) »Фозил одамлар шахри» А.Авлоний Кайковус
  с) »Ахлоқи мухсиний» Кошифий.
  д) »Махбуб ул-қулуб».

е) »Туркий гулистон ёхуд ахлоқ».

5.Х1У-ХУ1 Асрларда яшаган педагогикага хисса қўшган олимлар.

а) Афлотун.
в) А.Яссавий.
с) Х.В.Кошифий
д) А.Авлоний
е) Ҳ.Ҳ.Ниёзий

6.Педагогика фан тараққиёти ҳисса қўшган чет эллик олимларни таълимотларини қисқача баён этинг.

7.Чет эллик буюк педагог олим.

а) Я.А.Коменский
в) И.Ньютон В.
с) Галилей
д) Ж.Бруно
е) И.Павлов

**3.Педагогиканинг асосий тушунчалари. Ўқитувчининг мақсади**. Педагогика фани учун умумий бўлган зарур тушунчаларни изоҳлаб бериш фаннинг моҳиятини тўла талабалар онгига сингдириш, ўқувчилик касбига қизиқиш кучайтириш

**Идентив ўқув мақсадлари**

3.1. Педагогиканинг асосий тушунчаларини изоҳлайди.
3.2. Асосий педагогик тушунчаларини фарқига боради.
3.3. Тушунчаларга мос ҳолда ўқитувчилик касби ҳақида хулоса чиқаради.

Педагогика фани барча фанлар қатори ўзининг мазмуни-моҳиятини ифодаловчи махсус тушунчаларга эга. Бу тушунчалар фаннинг ўзига хослигини ифодалаши билан бирга унинг ривожаланиши, янгиланиши учун ҳам хизмат қилади.

Энг умумий бўлган, фаннинг асл моҳиятини ифодаловчи тушунчаларга «таълим», «тарбия», «маълумот», «шахс камолоти», «усул», «принцип», «ўқитиш», «ўқиш», «билим», «педагогик маҳорат» ва бошқалар киради.

Таълим-кишиларнинг онгига таъсир этиш, ақлий қобилиятларини ўстириш, билим бериш, кўникма ва малакалар эгаллаш билан боғлиқ бўлган фаолият турларини ўз ичига олади. Айрим манбаларда ўқитиш ва ўқиш жараёнининг натижалари таълим деб тушунилади.

Таълим ёшларга бериладиган билимларнинг босқичларини ҳам ифодалаши мумкин, масалан, бошланғич таълим, ўрта умумий таълим, махсус таълим, олий таълим ва ҳ.к.

Тарбия тушунчаси ёшларнинг хулқ-одоби, хатти-ҳаракати, инсоний фазилатларни эгаллашини ифодалайди. Тарбия кишилардаги маънавий-ахлоқий кўринишлар билан бир қаторда касб фазилатлари, дунёқараш, жисмоний ва меҳнат лаёқатларини ҳам қамраб олади. Тарбия бола дунёга келгандан, умрини охиригача давом этадиган, ёшга қараб такомиллашиб борадиган жараёндир. Тарбия таълим билан узвий боғланган бўлиб, кишиларнинг ақлий баркамоллиги натижасида янада такомиллашади. Таълим билан тарбия қўшиб олиб борилганда шахс камолоти мукаммалликка яқинлашади.

Маълумот таълим ва тарбия натижасида инсон онгида ва бутун шахсиятида ҳосил бўлган билим, кўникма, малака ҳамда касбий хусусиятларнинг намоён бўлиш тушунилади. Инсонга маълум бўлган зарур бўлганда, амалиётга татбиқ этиладиган, тегишли натижага эришишни таъминлайдиган хусусиятлар тизими маълумот саналади. Маълумот инсоннинг ҳаётидаги мавқеини, касб ва лавозимининг юқори баҳолашини таъминлайди.

Шахс камолоти тушунчаси, инсоннинг улғайиши, вояга етиши, ҳар томонлама шаклланиши, таълим ва тарбия олган, билимдон, одобли, жисмонан ҳамда руҳан етилиши тушунилади. Шахснинг камолоти чексиз бўлиб, инсон унга қанча интилса ва яқинлашса у шунчалик юксакроқ бўлиб бораверади. Шунинг учун ҳам улуғ сиймолар, алломалар, донишмандлар, олим ва мутафаккирлар содда, ҳокисор, камтарин бўладилар. Айниқса бу фикримизга жаноби пайғамбар Муҳаммад Саллоҳу Алайҳи ва Салламнинг ҳаёти ва фаолиятларини ибрат қилиб кўрсатиш ўринлидир. Бошқа тушунчаларга дарҳол мавзуларни ўқитишда изоҳ беришни маъқул кўрдик.

**Назорат топшириқлари**

1. Фаннинг асосий тушунчалари нимани ифодалайди?
   а) фаннинг пайдо бўлиши ва тараққиётини.
   в) фаннинг ўзига хослиги ва асл моҳиятини.
   с) фаннинг бошқа фанлар билан алоқасини.
   д) фаннинг амалиёт билан боғлиқлигини.
   е) илмий тадқиқот олиб боришнинг йўналишларини.
2. Таълим-тарбия натижасида шахсда ҳосил бўладиган хусусиятларнинг акс этиши.
   а) билим.
   в) кўникма.
   с) малака.
   д) одатлар.
   е) маълумот.
3. Инсоний фазилатларнинг ифодаси:
   а) ўқитиш.
   в) мустақил билим олиш.
   с) меҳнатсеварлик.
   д) тарбияланганлик.
   е) инсонпарварлик.
4. Педагогик тушунчаларнинг рўйҳатини тузинг. Унга асосланиб ўқитувчилик касби ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ёзма баён этинг.
5. Президент И.Каримовнинг фазилатларини тавсифланг. Улар қандай педагогик тушунчаларда ифодаланганини изоҳлаб беринг.
6. Педагогик тушунчалардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчилик касбига хос бўлган хусусиятларни айтиб беринг.

## 4. Педагогиканинг методологик асослари

**Ўқитувчининг мақсади.** Методологиянинг моҳияти ва фан учун аҳамиятини талабаларга тушунтириш, педагогиканинг методологик асосларини изоҳлаш, билим асосларини чуқур эгаллашга қизиқтириш ҳосил қилиш. Илмий-назарий билимлар асосида методологик маданият эгаллашга йўналтириш.

**Идентив ўқув мақсадлари**

4.1. Фаннинг методологик асоси ҳақида тушунчаларни аниқлайди.
4.2. Педагогика учун методологик асос бўладиган таълимотларни тавсифлайди.
4.3. Педагогиканинг тараққий этишида методологиянинг ролини кўрсатиб беради.

Инсон ақл-заковати билан яратилган барча фанлар маълум таълимотларга суянади.

Фан учун илмий-назарий асос таянч бўладиган таълимот, шу фаннинг методологик асоси ҳисобланади. Педагогика фани пайдо бўлибдики, ҳар доим ўзининг аниқ методологик асосларига амал қилиб келади. Турли жамият ва тузумларда педагогиканинг методологик асоси сифатида фалсафанинг ҳар хил оқимлари алиб келинган.

Шўролар тизими шароитида марксча-ленинча таълимот педагогиканинг бирдан-бир энг "тўғри" методологик асоси ҳисобланган.

Миллий истиқлол педагогикасининг таркиб топиши унинг методологик асосларини тубдан ўзгартирди.

Профессор Қ.Йўлдошев ўзининг фан докторлик диссертациясида ("Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларда адабиёт ўқитишнинг илмий-методологик асослари") педагогика фанининг методологик асосларига янгича ёндашувни атрофлича баён этган. Олимнинг таъкидлашича, биринчи навбатда ўзбек миллий педагогикаси учун Ислом фалсафаси методологик асос вазифасини ўтайди. Чунки ҳеч бир таълимотда инсоннинг камолотга етишиши ислом фалсафасидек ишончли ва мукаммал асосланмаган. Муқаддас битик "Қуръон" инсоннинг моҳияти, яшаш тарзи, таълим-тарбиясини ундан эришиладиган натижаларни мукаммал кўрсатиб берган.

Халқимиз бой илмий-назарий меросга эга. Уларни яратган улуғ алломаларнинг таълимотлари ҳам педагогика фани учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги шароитда янгиланаётган педагогика учун "Таълим тўғрисида»ги қонун ва "Кадрлар тайрлаш миллий дастури" ҳам илмий-назарий асос бўла олади. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган таълим-тарбия ва мактаб-маорифга дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳам таянч вазифасини ўтай олади. Давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилаётган меъёрий ҳужжатларга асосланиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Республика Президенти И.Каримовнинг кўпгина асарларида педагогика учун назарий асос бўладиган ғоялар илгари сурилмоқда. Улардан ҳам ўринли фойдаланиш фаннинг тараққиётига ҳисса қўшади.

**Назорат топшириқлари.**

1. Методология бу:

а) фанда илмий тадқиқотлар олиб боришнинг методлари йиғиндиси.
в) айрим фанни ўқитишнинг методикаси.
с) таълим-тарбиянинг методлари.
д) фан учун илмий-назарий асос бўладиган таълимот.
е) бажарилиши мажбур бўлган давлат ҳужжати.

2. Педагогиканинг методологик асосларидан бири:

а) ислом фалсафаси.
в) программатик ғоялар.
с) етакчи партия мафкураси.
д) назария ва амалиётнинг бирлиги.
е) ўкув режа ва дастурлари.

3. Методологик асоснинг фанни тараққий эттиришдаги аҳамиятини таҳлил қилинг.
4. Ислом фалсафасининг педагогика учун аҳамиятини далиллаб беринг.
5. Методологиянинг педагогик илмий тадқиқотлар олиб боришдаги моҳиятини очиб беринг.
6. Педагогика фани учун методологик асос бўладиган таълимотларга ёзма тушунча беринг.

**5. Педагогика фанлари тизими ва бошқа фанлар билан алоқаси.**

**Ўқитувчининг мақсади:** Педагогика фанлари тизимига кирувчи соҳалар ҳақида тушунча ҳосил қилиш, педагогика билан мустаҳкам алоқада бўладиган фанларни асослаш, педагоглик касбига қизиқишни кучайтириш, педагогика-нинг ихтисосли фани билан алоқасини ҳис эттириш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

Педагогиканинг тармоқларини кўрсатиб беради.

Махсус педагогик турларни фарқлайди.

Педагогика билан ҳамкорлик қиладиган фанларни аниқлайди.

Педагогика фанлари тизимининг аҳамиятини тавсифлайди.

Педагогика фани жамиятнинг барча аъзоларига таълим-тарбия бериш муаммоларини ҳал этишда ўзининг бир қанча тармоқларига эга. Фарзанд дунёга келиши билан оилада, турли таълим муассасаларида, ҳар хил шароит ва ҳолатларда улғайиб боради. Бу улғайишнинг кенг қамровли бўлиши учун педагогиканинг тармоқлари ҳисса қўшади. Педагогиканинг қуйидаги асосий тармоқларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: оила педагогикаси, мактабгача тарбия педагогикаси, мактаб педагогикаси, ҳунар-касб таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси, педагогика тарихи, ҳарбий педагогика, театр педагогикаси, фанларни ўқитиш методикаси, махсус педагогика (олигофренопедагогика - ақлий камолотдан орқада қолганлар таълим-тарбияси, сурдопедагогика - кар-соқовларга таълим-тарбия бериш, логопедия - тил камчиликларини тузатиш).

Педагогика фани қатор фанлар билан мустаҳкам алоқада бўлади. Бу фанларнинг ютуқлари педагогик муаммоларни ҳал қилишда қўшимча восита сифатида кучли таъсир этади. Фалсафа юқорида таъкидлаганидек, методологик асос сифатида педагогика билан мустаҳкам алоқада бўлади. Психология фани инсон шахси руҳий жараёнлари ва камолот хусусиятларини ўрганади. Бу таълимот педагогика учун энг қимматли манба бўлиб, ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг самарадорлигини оширади. Адабиёт, она тили, тарих, табиатшунослик, болалар саломатлиги ва бошқа фанлар педагогикага зарур маълумотлар бериши билан унинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшади.

**Назорат топшириқлари:**

1. Педагогика фанлари тизими ...

а) тарбиянинг самарали бўлишини таъминлайди.
в) таълим жараёнини такомиллаштиради.
с) жамият аъзоларини ҳар томонлама камол топтириш учун хизмат қилади.
д) халқ таълими тизимини бойитади.
е) етук малакали мутахассисларни тайёрлайди.

2. Педагогиканинг тармоқларидан бири ...

а) жисмоний тарбия.
в) бадиий тарбия.
с) махсус педагогика.
д) психология.
е) фалсафа.

3. Ақлий камолотдан орқада қолганларга таълим ва тарбия беришни ўрганадиган соҳа.

а) логопедия.
в) психология.
с) сурдопедагогика.
д) тифлопедагогика.
е) олигофренопедагогика.

4. Педагогика билан доимий алоқада бўлади:

а) сиёсатшунослик.
в) иқтисод асослари.
с) психология.
д) тарих.
е) математика.

5. Педагогиканинг тармоқларини кўрсатинг.

а) она тили, адабиёт, тарих.

в) математика, табиатшунослик, психология.
с) фалсафа, иқтисод, сёсатшунослик.
д) ҳарбий педагогика, махсус педагогика, методика.
е) тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат.

6. Тифлопедагогика қандай кишиларга таълим-тарбия бериш қонуниятларини ўрганади.

а) кар-соқовларга.
в) кўзи ожизларга.
с) ақли заифларга.
д) гапиришга қийналадиганларга.
е) тарбияси қийин болаларга.

7. Педагогика ҳамкорлик қилиши шарт бўлган фанлардан бири:

а) фалсафа.
в) ҳуқуқшунослик.
с) тиббиёт.
д) табиатшунослик.
е) география.

8. Педагогика фанлари тизимининг ёшларга таълим-тарбия беришда аҳамиятини тавсифланг.

## Адабиётлар рўйҳати:


1. И.Каримов "Истиқлол ва маънавият". Т., 1994.
2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998.
3. Маънавият юлдузлари. Академик М.Ҳайруллаев таҳрири остида. Т., 1999.
4. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Т., 1997.
5. Ҳошимов К. ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т., 1996.
6. Йўлдашев Қ. "Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларда адабиёт ўқитишнинг илмий-методологик асослари". Докторлик диссерта-цияси автореферати. Т., 1997.


## 2-Мавзу. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг педагогика назарияси ва амалиёти ривожланишидаги ўрни

**Ажратилган вакт-4 соат**
**Машгулот тури- маъруза**

### Асосий саволлар

1. «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»нинг қабул қилиниши ва долзарблиги.
2. «Таълим тўғрисида» қонуннинг мазмуни.
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»и, «Таълим тўғрисида» қонуннинг мантиқий давоми сифатида.
4. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»ининг назарий ва амалий қиймати.

### Таянч ибора ва тушунчалар

« Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»и, узлуксиз таълим тизими, таълим турлари, ижтимоий ҳимоялаш, таълим стандартлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, ҳуқуқий мақом, атесттация, аккредитация, нодавлат таълим муассасаси, бакалавриат, магистратура, аспирантура, доктарантура, давлат гранти, Республика бюджети, маҳаллий бюджет, бюджетдан ташқари жамғарма, таълимни тараққий эттириш фонди, миллий модел, шахс, давлат ва жамият, умумий ва ўрта таълим, интеллектуал ривожланиш, диссертация, фан номзоди, фан доктори, малака ошириш, мониторинг, муассаса, ташкилот, молиялаш. Яхлит ахборот макони. Ахборот технологияси. Маркетинг. Таълим тизимини интеграциялашуви

## 1.«Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»нинг қабул қилиниши ва долзарблиги.

**Ўқитувчининг мақсади:** «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»нинг қабул қилиниши ва долзарблигини талабаларга тушунтиради. Уларни мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотади.

### Идентив ўқув мақсадлар (вазифалар):

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»нинг қабул қилиниши ва долзарблигини тушунтиради.
«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»нинг қабул қилиниши ва долзарблигини асослаб беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг жамият тараққиётида қонун устиворлигига алоҳида эътибор бериб бошланди. Демократия ва инсонпарварлик тамойилларига ҳар томонлама мос бўлган Конституция ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унга суянган ҳолда 1997 йилнинг августида Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур» тўғрисида қонунлари қабул қилинди.

Бу ҳужжатлар бир қараганда мамлакатимизда маъориф ишларини тартибга солиш, маълум бир муддат давомида унинг ривожланишини таъминлаш мақсадига қаратилгандек туюлади. Аслида эса уларнинг моҳиятига чуқур ижтимоий –сиёсий, маънавий, маърифий мақсад ва вазифалар киритилган бўлиб, яқин келажакда Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ўзига хос модели ишлаб чиқилган.

Мазкур қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши халқ хўжалигининг барча соҳаларини янги тараққиёт босқичига кўтариш учун хизмат қилади. Чунки бу қонунлар жамиятнинг ҳар бир аъзосига қобилияти, қизиқиш, ва интилишларига мос бўлган таълим –тарбия бериш, шахсий сифатларни тўла таркиб топтириш ҳамда намоён этиш имконини яратади. Узлуксиз таълим тизими барча кишиларга мос бўлган таълимни олиши, касб эгаллаши, уни такомиллаштириб боришларига тўла шароит яратишга мўлжалланган.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»и ўзаро мантиқан бир –бирига боғланган бўлиб, ҳозирги шароит учун энг мукаммал таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг методологик асоси вазифасини ўтайдиган мазмунни касб этади. Бу ҳужжатлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўта ҳаётий бўлиб, уни синчковлик билан ўрганишни, таълим –тарбиянинг илмий асосларини ишлаб чиқишда ва ҳаётга тадбиқ этишда унга амал қилишни тақозо этади.

### Назорат топшириқлари:

1. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур» нечанчи йил ва қаерда қабул қилинди?
   а) 1997 йил 19 август Олий мажлиснинг IX сессиясида.

в) 1998 йил 29 август Олий мажлиснинг X сессиясида
с) 1997 йил 29 август Олий мажлиснинг IX сессиясида
д) 1992йил 29 август Олий мажлиснинг XI сессиясида.

2. «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур» қонунларининг ҳаётга тадбиқ этилиши қандай аҳамиятга эга?
   а) халқ хўжалигини тубдан ислоҳ этилишини таъминлайди.
   в) халқ хўжалигининг барча соҳаларини янги тараққиёт босқичларга кўтариш учун хизмат қилади.
   с) халқ хўжалигини барча босқичларини тубдан исолоҳ этилишини таъминлайди.
   д) олий, ўрта махсус ва халқ таълимини ислоҳ этилишини сс таъминлайди.
3. «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур тўғрисида»ги қонунларнинг моҳиятини тушунтиради.
4. «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида»ги қонунларнинг моҳиятини изоҳлайди
5. «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида»ги қонунларнинг мазмунини шарҳлайди
6. «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тўғрисида»ги қонунларнинг моҳиятини асослайди.

## 2. «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг мазмуни:

**Ўқитувчининг мақсади:** «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг мазмунини талабаларга тушунтиради. Қонунни мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотади.

### Идентив ўқув мақсадлари (вазифалари):

2.1. «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг мазмунини айтиб беради
2.2. «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг мазмунини асослаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1 - чақириқ 9 сессиясида 1997 йил 29 августида тасдиқланган қонун 5 бўлим, 34 моддадан иборат.

1. Умумий қоидалар Ғ8 моддаҒ.
2. Таълим тизими ва турлари Ғ11 моддаҒ.
3. Таълим жараёни иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш 5 ҒмоддаҒ
4. Таълим тизимини бошқариш Ғ5моддаҒ
5. Якунловчи қоидалар Ғ5моддаҒ.

### 1. **Умумий қоидалар:**

Бу бўлимда мазкур қонуннинг мақсади, қонун ҳужжатлари, халқаро шартномага амал қилиш йўллари, давлат (сиёсатининг таълим соҳасида асосий тамойиллари принциплари), маълумот олиш ҳуқуқлари, педагогик фаолият юритиш ҳуқуқи, таълимий муассасаларнинг ҳуқуқий мақомлари, давлатнинг таълим тўғрисидаги стандартлари ва таълимни қандай тилда олиш каби ҳолатлар кўрсатилган.

Қонун барча фуқароларнинг таълим, тарбия ва касб тайёргарлиги олишининг конституциявий асосларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг таълим соҳасидаги асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

-таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик ва демократияга амал қилиши;

-таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

-ўрта умумий, ўрта махсус ҳамда касб таълимининг мажбурийлиги;
-ўрта махсус, касб таълими берувчи академик лицей ҳамда, касб-ҳунар коллежини танлашнинг ихтиёрийлиги;
-таълим тизимининг дунёвийлик хусусияти;
-давлат таълими стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун тенглиги;
-таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
-истеъдод ва таълимга қизиқишни рағбатлантириш;
-таълим тизимини бошқаришда давлат ва жамоатчиликнинг уйғунлиги.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир киши таълим олиш ҳуқуқига эга бўлиб, барча тафовутларга қарамасдан тенг ҳуқуқлидир. Таълим олишнинг бепул ва пуллик шаклларидан фойдаланиш мумкин.

Чет эл фуқаролари халқаро шартномалар асосида таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олишда тенг ҳуқуқли саналади.

Таълим муассасалари ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, аттестациядан ўтказилган ҳолда аккредитацияга ҒрухсатномагаҒ эга бўлади. Нодавлат таълим муассасалари Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартиб асосида аккредитациядан ўтказилгандан кейингина ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлади.

Таълим муассасалари қонуний ҳужжатлар асосидаги устав билан иш юритади. Бир қанча таълим муассасалари бирлашиб, ўқув тарбия комплекси, ёки ўқув илмий ишлаб чиқариш уюшма ва ассоциациялари тузиши мумкин.

Устав асосида пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тадбиркорлик фаолият-лари билан шуғулланиш мумкин.

## 2. Таълим тизими ва турлари:

Ўзбекистонда таълим тизими давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ўз ичига олади. Давлат таълим стандартлари асосида таълим дастурларини амалга оширувчи, илмий педагогик муассасалар ва бошқариш ташкилотлари ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмаларидан иборат бўлади.

Ўзбекистонда таълим тизими яхлит ва узлуксиздир.

Таълимнинг қуйидаги турлари мавжуд:

-мактабгача таълим: (6-7 ёшгача);
-ўрта умумий таълим: (бошланғич 1-4,ўрта умумий1-9 синф);
-ўрта махсус касб таълими: (3 йиллик академик лицей, касб- ҳунар коллежи);
-олий таълим (бакалавр 4 йил, магистратура-2 йил );
-олий ўқув юртидан кейинги таълим (аспирантура, доктарантура, адъюнктура, илмий тадқиқотчи);
-кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
-мактабдан ташқари таълим.( ёшлар ижодий саройлари, уйлари, клублар, марказлар, жисмоний тарбия ва спорт мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш оромгоҳлари); Булардан ташқари оила таълими ва мустақил таълим шакллари ҳам давлат томонидан қўллаб қувватланади.

Аккредитациядан ўтган таълим муассасаларини битирганлар учун давлат тартибидаги хужжатлар берилади. (гувоҳнома, диплом, сертификат, ёрлиқ).

## 3. Таълим жараёнини иштирокчиларини ижтимоий ҳимоялаш:

Ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида имтиёзларини белгиловчи махсус қонуний ҳужжатлар билан бир қаторда, нафақа, ётоқхоналар бериш мўлжалланган.

Таълим соҳасидаги хизматчилар қуйидагича ҳимояланади:

Кисқартирилган иш вақти, ўқув йили сўнгида узайтирилган меҳнат таътили, қонун асосидаги имтиёзлар (энергия воситаларига 50% ҳақ тўлаш, турар жойларни хусусийлаштириш ва х.к.) хизматчини раҳбатлантириш учун имконият даражасида қўшимча иш ҳақи тўлаш мумкин.

Етим ва қаровсиз қолган болалар тўла давлат ҳисобидан таълим- тарбия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жисмоний ва руҳий камолоти издан чиққан ёшларни тарбиялаш учун махсус ўқув муассасалари ташкил этилади. Уларга қабул қилиш ва қайтариш махсус руҳий тиббий педагогик комиссия томонидан йўлга қўйилади. Махсус ўқув муассасалари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

### 4. Таълим тизимини бошқариш:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси таълим соҳасидаги яхлит давлат сиёсатини амалга оширади. Таълимга раҳбарлик қилувчи давлат ташкилотларини бошқаради. Таълимни ривожлантиришнинг дастурларини ишлаб чиқади ва амалга тадбиқ этади. Таълим муассасаларини очиш, ўзгартириш ва ёпишнинг тартибини ишлаб чиқади ва бажаради.

Таълим–тарбия муассасалари ва илмий кадрларни аттестация ва аккредитациядан ўтказиш.

Ўзбекистонда чет эл таълим муассасаларига фаолият юритишига рухсат бериш. Чет эл таълим ҳужжатларини тан олиш тартибини ўрнатиш. Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш. Таълим муассасаларига қабул қилишнинг давлат (грант) миқдорини белгилаш ва қабул тартибини ишлаб чиқиш. Олий ўқув юртларининг ректорларини тайинлаш ва бошқалар.

Таълимни бошқаришнинг давлат ташкилотлари вазирликлар, халқ таълими бошқармалари ўз имконияти ва таъсир доираларида таълим муассасалари фаолиятини тартибга солиб боради.

Таълим муассасасини бошқарувчи раҳбар масъул шахс ҳисобланади. Белгиланган тартиб асосида жамоатчилик бошқарув ташкилоти тузилиши мумкин.

Нодавлат таълим муассасалари давлат таълимни бошқариш ташкилотлари томонидан назорат қилиб борилади.

### 5. Якуний қоидалар:

Ота-оналар ёки қонун бўйича вакилларининг вазифалари. Таълимни маблағ билан таъминлаш республика ва маҳаллий бюджет (сармоя) ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар асосида бўлади. Таълимни тараққий эттириш фонди ихтиёрий тўловлар (юридик ва жисмоний шахсларнинг) асосида бўлади. Таълим муассасалари халқаро ҳамкорлик имкониятларига эга бўлиб, тўғридан–тўғри таълимий муаммоларни ҳал этиш бўйича алоқалар ўрнатиш мумкин. Қонунга мос ҳолда биргаликда муассасалар очиш ҳуқуқи берилган. Таълим қонунини бузган шахслар жавобгарликка тортилади.

### Назорат топшириқлари:

**1.** « Таълим тўғрисида»ги қонун неча бўлим ва моддадан иборат?

а) 4 та бўлим ва 34 та модда;
в) 3 та бўлим ва 54 та модда;
с) 5та бўлим ва 44 та модда;
д) 5та бўлим ва 34 та модда;

**2.** Қайси қаторда таълим турлари тўғри кўрсатилган?

а) мактабгача таълим, ўрта умумий таълим, ўрта махсус касб- ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим.

в)мактабгача таълим, оила таълими, ўрта умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим

с)мактабгача таълим, оила таълими, мустақил таълим, ўрта умумий таълим, ўрта махсус касб- ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

д)мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим.

3.Олий таълим босқичлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) магистратура, аспирантура ;

в) бакалавриат, магистратура;

с) докторантура, магистратура;

д) илмий тадқиқотчи, магистратура аспирантура, бакалавриат, докторантура;

4.таълим тизими қандай бошқарилади?

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан;

в) Халқ таълими Вазирлиги томонидан;

с) Вазирлар маҳкамаси томонидан;

д) Таълимга раҳбарлик қилувчи давлат ташкилотлари томонидан.

5. Ота –оналар ёки қонун бўйича вакилларнинг вазифаларини ёзма равишда изоҳлаб беринг.

6. «Таълим тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган таълим тизимини яхлит ва узлуксизлигини асослаб беринг.

## 3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг мантиқий давомчиси сифатида.

**Ўқитувчининг мақсади:** Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги қонуниниг мантиқий давоми сифатида эканлигини талабаларга тушунтиради. Давлатимизнинг таълим соҳасига оид қонунларни ўрганишга қизиқиш уйғотади.

### Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»и «Таълим тўғрисида»ги қонуниннг мантиқий давоми сифатида эканлигии тушунтиради

3.2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»и «Таълим тўғрисида»ги қонуниннг мантиқий давоми сифатида эканлигини асослайди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»и «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»нинг мақсади –таълим соҳасида тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш (дастури) Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни руёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади.

Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув илмий ишлаб чиқариш мажмуа сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»ининг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич руёбга чиқарилади.

Биринчи босқич: (1997- 2001 й.) -мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий, моддий шарт-шароитлар яратиш.

Иккинчи босқич (2001-2005 й.) –«Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»ни тўлиқ руёбга чиқариш, меҳнат бозорииНг ривожланиши ва реал иқтисодий ижтимоий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш. Мажбурий умумий, ўрта ва ўрта махсус, касб -ҳунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Учинчи босқич. (2005-ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

Шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси:

Давлат ва жамият-таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари:

Узлуксиз таълим-малакали рақобатдаги кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимини тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади:

Фан-юқори малакали мутахассис тайёрловчи ва улардан фойдаланув-чи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи:

Ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси:

## Ш А Х С

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади.

## Д А В Л А Т ВА Ж А М И Я Т

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиш ва ривожлантиришнинг кафиллари, юқори малакали рақобат бардош мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

## У З Л У К С И З Т А Ъ Л И М:

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси. Узлуксиз таълим қуйидаги турларни ўз ичига олади:

-мактабгача таълим;

-умумий ўрта таълим;
-ўрта махсус, касб- ҳунар таълими;
-олий таълим;
-олий ўқув юртидан кейинги таълим;
-кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
-мактабдан ташқари таълим.

## М А К Т А Б Г А Ч А   Т А Ъ Л И М:

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш хиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди.

Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади.

## У М У М И Й   У Р Т А   Т А Ъ Л И М:

Тўққиз йиллик ( 1-9 синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан таъминланган намунадаги аттестат берилади.

## Ў Р Т А  М А Х С У С,  К А С Б - Ҳ У Н А Р  Т А Ъ Л И М:

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб- ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб- ҳунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб- ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей – давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларни жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишни таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фани чуқур ўрганишга қаратилган махсус ҳунар кўникмаларини ўзида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида руёбга чиқаришлари мумкин.

Касб- ҳунар коллежи - тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб – ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб- ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш танлаб олинган касб- ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

## О Л И Й   Т А Ъ Л И М:

Олий таълим ўрта махсус, касб- ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичига эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик шартномавий асосида амалга оширилади.

Бакалавриат – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалавриат дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан

тасдиқланган намунадаги, касб- ҳунар фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида 2 йил давом этадиган олий таълимдир.

«Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг ихтихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган, касб- ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

## О Л И Й  Ў К У В  Ю Р Т И Д А Н  К Е Й И Н Г И  Т А Ъ Л И М:

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим касб- ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий тадқиқот муассасаларида олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари диссертация ҳимояси билан якунланади.

Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

## КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ:

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта мутахассисларнинг касбий билимларини ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўрни натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

## МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ:

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, талаб эҳтиёжларини қондириш; уларни бўш вақтини ва дам олишни ташкил этиш учун, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоий шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш ва шакллантириш қуйидаги устивор йўналишларни қамраб олади.

**Таълимни узлуксизлигини таъминлаш:** Таълимни ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб- ҳунар таълимини қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий касб- ҳунар таълимнинг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура ва доктарантура фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келитирилади

Таълим муассасаларини худудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устиворлиги таъминланади.

## ПЕДАГОГИК ВА ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни жадал қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади. Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқувчилар тайёрлаш бўйича махсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб- ҳунар таълим учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан махсус марказлар ташкил этилади.

**Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш:**

Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш милий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умубашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилиш талаб этилади. Таълим олувчининг шахсига, ундан таълим ва билимларга бўлган иштиёқларни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиймат туйгусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Педагогик кадрларнинг обрў- эътибори маъсулият ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собит қадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологияси, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

**Маънавий –ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар:**

Ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устиворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштирилиб борилади.

Ўзбекистон Мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила маҳалла қўмиталари « Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

**Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар**

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъат ўргатиш марказлари ҳамда милий таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касб жиҳатидан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собиқ қадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларга, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз тиббий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни руёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

### Таълим тизимини бошқариш:

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълими муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида» ги қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгаяди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассаса ташкилотларнинг, маҳаллий хокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва хомийларнинг вакилларини ўз ичига восийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб- ҳунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади.

### Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шаклллантириш

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-ҳунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади.

### Таълим тизимини молиялаш:

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаш-тирилади, унинг кўп вариантли тизими жорий этилади, таълим муасса-саларининг ўзини-ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбат-лантирилади.

### Моддий техника таъминоти:

Моддий техника таъминотида барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

**Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш:** Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради.

**Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш:** Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади.

## ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА БУ СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИАН ҚЎЛЛАБ КУВВАТЛАШ

Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиги ва дам олиши учун давлат томонидан зарур шароитлар яратилади.

### Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш

Ўқув ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади.

Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади, ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлантирилади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

**Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Кадрлар тайёрлаш соҳасида илмий педагогик кадрлар талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгаяди.

**Назорат топшириқлари**

1. Ўрта махсус, касб- ҳунар таълимининг босқичлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган.
   а) бакалавриат, касб- ҳунар коллежи.
   в) бакалавриат ва магистратура.
   с) академик лицей ва касб- ҳунар коллежи.
   д) академик лицей, магистратура.
2. Таълимнинг қайси турлари мажбурий ҳисобланади.
   а) ўрта махсус касб- ҳунар таълим.
   в) олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим.
   с) мактабгача таълим, умумий ўрта таълим.
   д)мактабдан ташқари таълим, умумий ўрта таълим.
3. Таълимнинг қайси турлари ихтиёрий.ҳамда мажбурийдир.
   а) ўрта махсус касб- ҳунар таълим.
   в) олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим.
   с) мактабгача таълим, умумий ўрта таълим.
   д)мактабдан ташқари таълим, умумий ўрта таълим
4. Мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим бу.
   а) магистратура
   в) аспирантура.
   с) бакалавриат
   г) докторантура.

5. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»ининг моделини ёзма равишда изоҳлаб беринг.
6. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»и таълим тўғрисидаги қонуннинг мантиқий давоми сифатида эканлигини асослаб беринг.

## IY. «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА» ҚОНУН ВА «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛИЙ ДАСТУР»ИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ КИЙМАТИ

**Ўқитувчининг мақсади:** «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»ининг назарий ва амалий қийматини талабаларга тушунтиради ва қонунларнинг моҳиятини чукур ўрганишга қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари**

1.1. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»ининг назарий ва амалий қийматини тушунтиради.
1.2. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»ининг назарий ва амалий қийматини изоҳлайди.

1.3. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»ининг назарий ва амалий қийматини асослайди.

«Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»и педагогика фанининг асрлар давомида тўплаган бой илмий ва назарий таъминотларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Унда жаҳондаги энг илғор педагогик гояларнинг моҳияти акс этган. Чунки педагогика фани шахснинг ҳар томонлама камол топишини: ақлий, ахоқий, жисмоний ва рухий улғайишини тадқиқ этиб келади. Таълим қонуни ва милий дастурда шахс, унинг жамиятдаги ўрни, илм-фан, ишлаб чиқариш ҳамда таълим тарбия муассасаларининг узвий боғлиқлиги чуқур илмий асосланган. Ҳозирги замон шароитида халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг тамойиллари, узлуксиз таълим тизими, унга кирган муассасаларнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган. Мазкур ҳужжатлар шунчалик давлатнинг таълим тарбия соҳасидаги сиёсатининг ифодаси бўлиб қолмасдан, аниқ бажариладиган, босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиладиган вазифалар мажмуи ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий ислоҳатларнинг такомиллашиб боришига мос ҳолда таълим соҳаси ҳам янгиланиб бориши назарда тутилган.

Таълим соҳасидаги амалий ўзгаришлар ёшларга бериладиган билим мазмунининг янгиланиши, илғор педагогик технологиялдарнинг жорий этилиши, замонавий таълим воситаларининг кенг кўламда қўлланилиши, ёш авлоднинг маънавий дунёсининг бойиши. Касб сир ва маҳоратларини мукаммал эгаллашларида намоён бўлади.

Республикамиздаги барча таълим муассасалари ҳам шакланган, ҳам мазмунан ўзгариб, XXI аср талабларига мос ҳолатда етказилади. Чунки уларда таълим ва тарбия оладиган ёшлар халқимиз тақдирини янги асрда қандай бўлишини ифодалайди.

### Назорат топшириқлари

1. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур» нималарга асосланади?
   а) педагогиканиг асрлар давомида тўплаган бой илмий ва назарий таълимотларига.
   в) ривожланган давлатларининг педагогика тўплаган илмий назарий таълимотларига.
   с) давлат томонидан таълим соҳаси бўйича чиқарилган қонунларга ва конституцияга.
   д) вазирлар маҳкамаси томонидан чиқарилган қонунларга.

2. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»да шахс, унинг жамиятдаги ўрни, илм-фан, ишлаб чиқариш ҳамда таълим тарбия муассасаларининг узвий боғлиқлиги қандай асосланганлигини ёзма равишда изоҳлаб беринг.
3. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»ининг назарий ва амалий қийматини тушунтиринг.
4. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»ининг назарий ва амалий қийматини шарҳлаб беринг.
5. «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш милий дастур»ининг назарий ва амалий қийматини асослаб беринг.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. Баркамол аволд орзуси, Т., 1999.
2. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори , Т., 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси , Т., 1992.

4. Ғайбўллаев ва бошқалар, Ижтимоий islоҳатлар ва таълим тарбия, Т., 1995.

## 3-мавзу: Тарбиянинг мақсад ва вазифалари

**Ажратилган вақт-2 соат**
**Машғулот тури-маъруза**

### Асосий саволлар

1. Педагогикада тарбия мақсади муаммоси
2. Тарбиянинг бугунги кун асосий мақсади ва вазифалари

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** мақсад, тарбия муаммоси, тарихий характер, мафкура, жаҳон стандартлари, баркамоллик, фикрларимиз мероси, тарбия вазифалари, тарбиянинг таркибий қисмлари, ақлий, аҳлоқий, жисмоний, эстетик, экологик, иқтисодий, меҳнат, ҳуқуқий тарбиялар.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:** Педагогика учун тарбия мақсадини белгилаб олиш муҳим муаммолардан бири эканлиги, унинг доимо ўзгариб ривожланиб боришини талабаларга етказиш, ушбу масалага нисбатан уларда муносабатни шакллантириш.

### Идентив ўқув мақсадлари

Педагогиканинг асосий муаммоларидан бирига аниқлик киритадилар
Тарбия ижтимоий ҳаётда қандай характерга эга бўлиб келганлигини асослаб берадилар

**1-асосий масаланинг баёни:**

Бундан ўн йил олдинги даврда ёшларни тарбиялаш мақсади билан бугунги кундаги бу масалага тегишли муносабат ўртасида катта фарқ борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун ҳам тарбиянинг аниқ мақсадини белгилаб олиш педагогиканинг биринчи масалаларидан ҳисобланади. Ёш авлодни қандай руҳда тарбиялаш, бунга эришиш учун қайси йўлни танлаш тарбия мақсади муаммосини ҳал қилиш билан белгиланади.

Тарбия ижтимоий ҳаётнинг ҳаётий ва узлуксиз тушунчаси бўлиб, у тарихий характерга эга бўлиб келган.

Қадимги Грецияда тарбиянинг мақсади ўсиб келаётган ёш авлодда яхши фазилатга эга фуқарони, ватанпарварликни, жаъсурликни, садоқатни, дўстликни ривожлантириш бўлган.

Ўрта асрларга келиб, яъни феодализм даврларида ёш авлод диний эътиқод, иймон, аҳлоққа эга бўлиши керак бўлган, Марказий Осиё ҳалқлари бу йўналишда катта муваффақиятларга эришган. Бу давр буюк мутафаккирларни дунёга келтирган.

Сиёсий-ижтимоий тузум ўзгариши билан тарбия мақсади муаммоси ҳам янгиланиб борди.

Бизнинг ҳаётимизга қизил империя кириб келиши билан коммунистик мафкура ёшларимизнинг тарбиясида бош мақсад бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунга қадар

унинг руҳий асоратларидан тўлиқ қутилдик деб бўлмайди. Чунки у 70 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди. Бу даврда бир қанча ютуқларга эришган бўлсак-да, лекин жуда кўп нарсадан ҳам жудо бўлдик. Жумладан, миллий қадриятларимиз, маънавий-маърифий бойликларимиз, диний эътиқод ва иймонимиз каби кўплаб тарбиявий озуқа воситаларимиздан узоқлашиб кетдик.

Мустақиллик шарофати билан эркинликка эришдик, бой маънавий қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланди. Ҳаммамиз азалдан орзу қилган кунларга эришдик. Ўзбекистоннинг эртанги куни, равнақи, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиши албатта бугунги кун ёшларига боғлиқ. Бунинг учун ёш авлодга дунё стандартлари даражасида замонавий билимлар бериш, уларни ҳар томонлама етук, маънавиятли этиб тарбиялаш лозим.

**Назорат топшириқлари**

1.1.1. Педагогиканинг бош муаммоларидан бири
а) ўз предметини аниқлаб олиши
в) тарбия мақсади муаммоси

1.1.2. Тарбия доимо қандай характерга эга бўлиб келган?
а) анъанавий
в) тарихий
с) миллий

1.1.3. Жасур, ватанпарвар фуқарони тарбиялаш мақсади муаммоси қайси даврга хос бўлган?
а) феодализм
в) қадимги Греция
с) мустақил Ўзбекистон

1.1.4. Иймон-эътиқод тарбияси асосан қайси даврга хос?
а) бугунги
в) ўтмиш
с) федализм

1.2.1. Мустамлака даврида тарбиянинг бош мақсади?
а) коммунистик мафкура
в) қарам қилиш
с) ўзлигидан айириш

1.2.2. Тарбия мақсади муаммоси ўзгаришининг сабаби нимада?
а) жамият тараққиёти
в) сиёсий-ижтимоий тузум
с) илмий-техникавий тараққиёт

1.2.3. Мустамлака даври бола тарбиясида нималарга суянилмади?
а) миллий қадриятларимизга
в) динимизга
с) маънавий бойликларга

1.2.4. Тарбия миллий қадриятларимиз анъаналаримиздан узилиб қолган даврни асослаб беринг.

**2-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:** тарбиянинг бугунги кун асосий мақсади ва вазифалари ҳақида маълумот бериш, талабаларда ўз шахсий фазилатларига нисбатан муносабатни шакллантириш.

**Идентив ўқув мақсадлари**

Тарбиянинг асосий мақсади ва унга эришиш йўлларини изоҳлайдилар
Тарбиянинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқани кўрсатадилар

Тарбия вазифаларини ўз моҳиятига кўра бир-биридан фарқлайдилар

**2-асосий масаланинг баёни:**

Президентимиз И.А.Каримовнинг бир қанча асарларида, «Таълим тўғрисида» ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа манбаларда Республикамиз ёшларини қандай инсонлар этиб тарбиялаш лозимлиги аниқ белгилаб берилган. Педагогика бугунги кун ҳаётимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз тарбия мақсади ва вазифаларини белгилаб олган.

Тарбиянинг асосий мақсади – ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар этиб шакллантиришдир. Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етукликни мужассам этади.

Ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда Шарқ мутафаккирларининг мерослари дастурамал бўлиб хизмат қилади. Ал- Форобий, А.Яссавий, Б.Нақшбандий, Ал-Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, А.Темур, А.Навоий, Бобур сингари жаҳонга таниқли бир неча ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларига таяниб иш кўрилса тарбия таъсирчанлиги янада мукаммаллик касб этади.

Ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш – бизнинг муқаддас бурчимиз, ор-номусимиз. Лекин, баркамол инсонни тарбиялаб етиштириш оддий, осон эмас. У кўплаб, ойлаб, йиллаб, сабр-тоқат, чидам ва қатъиятлилик, ирода талаб этади.

Ҳозирги пайтда жуда кўплаб иқтидорли ёшларимиз олий мақсадларни кўзлаб чет эллардаги нуфузли ўқишларда таҳсил олмоқдалар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ этиб, Республикамиз истиқболини белгиловчи ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол шахс, ривожланган демократик давлатлар даражасида рақобатбардош кадрлар этиб тайёрлашни олий мақсад қилиб қўйди. Бундай инсон, касб-ҳунар эгаси оилада, мактабда ва бошқа таълим тизими жабҳаларида таълим-тарбия олади.

Тарбияда олий мақсадга эришиш учун, маълум вазифаларни бажаришимиз лозим бўлади. Бу вазифаларни эса тарбиянинг таркибий қисмлари деб аташ ҳам мумкин.

**Ақлий тарбия -** бу баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми бўлиб, ўқувчи ёшларни табиат ва жамият, киши тафаккури ҳақидаги билимлар тизимини илғаб олиши, уларда илмий дунёқараш, юқори онглилик ҳислатларини парваришлаш, фан асосларидан хабардор қилиш, тафаккур ва нутқ қобилиятларини ўстириш учун мақсад қилиб қўяди.

Айниқса, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш долзарб муаммолардан саналади. Инсон камолотида илм эгаллаш улкан фазилатлардан бири ҳисобланади.

Ҳадис китобларида, мутафаккирларимиз ижодларида илмнинг ҳар бир мўмин мусулмон учун нақадар зарурлиги баён этилган. Бунга кўплаб Ҳадисларни мисол этиш мумкин: «Бешикдан то қабргача илм изла», «Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгайдир. Илму ҳунарни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганинглар...», «Илм олмоққа интилиш ҳам ҳар бир муслим-муслима учун қарзу фарз» дейилади. Юсуф Хос Ҳожиб, А.Навоийлар ҳам ўз асарларида илмни инсон учун ўта қадрлайдилар. Демак, ўқувчиларни илм олишга даъват этишимиз лозим. Ақлий тарбия ўқув режаси асосидаги фанларни ўқитиш орқали илмий дунёқараш негизида амалга оширилади.

Ўқувчиларга ақлий тарбия беришда биринчи навбатда унинг фикрлаш, ҳис қилиш, тасаввур, идрок, ҳаёл, хотира қобилиятларини ўстириш, ички дунёсини маънавий жиҳатдан бойитиш ҳақида ўйламоқ лозим.

**Аҳлоқий тарбия** – бу ўқувчиларда жамиятга, Она-юртига, меҳнатга, бошқаларга ва ўз-ўзига нисбатан аҳлоқий муносабатларни шакллантириш жараёнидир.

*Аҳлоқ* - ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, инсонларнинг жамиятга, бошқаларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳулқ-одоб меъёрлари, қонун-қоидалари мажмуасидир. Ана шу ҳулқ-одоб қонун-қоидаларини

ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига сингдириш учун кўрсатилаётган таъсир аҳлоқий тарбия дейилади.

Мусулмон аҳлоқининг асослари мазмунан бой ва ранг-баранг кўринишларда ўзлигини намоён этади. Марказий Осиё ҳалқлари аҳлоқшунослик соҳасида энг бой тажрибага эгадирлар. Қуръони каримда ва Ҳадису шарифлардаги аҳлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ота-боболаримиз яратган маънавий мерослар, мутафаккирларимизнинг аҳлоқ ҳақидаги фикрлари бугунга қадар ҳам ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ. Аҳлоқий тарбия энг муҳим инсоний фазилатларни шакллантириш воситасидир.

**Меҳнат тарбияси** – бу тарбиянинг олдида турган асосий вазифа ўқувчиларга меҳнат таълимига оид илмий билимлар бериш, меҳнат қуроллари билан муомила қилишга ўргатиб бориш, ҳаётга, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашдир.

Меҳнат ва меҳнат тарбияси инсон камолотининг асоси, ҳаёт манбаи, умр мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад аввало меҳнатнинг моҳиятига, мазмунига, теран нигоҳ ташламоқ, муайян хулоса чиқармоқдан иборат. Меҳнат қилаётган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса, ҳис қилса, ўша натижалардан айниқса, роҳатлансагина меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади.

Меҳнат жараёнида кишиларда дўстлик, биродарлик, жамоа бўлиб ишлаш маданияти, барча тарбиявий сифатлар шаклланади. Энг муҳими, меҳнат муҳтожликдан, бекорчиликдан, юрак сиқилишидан, аҳлоқий бузилишидан сақлайди. Меҳнат орқали инсон ўзини, ўз қадрини билади, уни эл-юрт улуғлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош вазифаларидан бири ҳам ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш, уларни аниқ бир касб-ҳунар эгаси қилиб тарбиялашдир.

**Эстетик тарбия** – ўқувчиларда санъатга, табиатга, ҳаётга нисбатан эстетик муносабатларини шакллантиришдан иборатдир. Эстетика лотинча «Esteticos» – ҳис этаман деган маънони билдиради. Ақлий, аҳлоқий, меҳнат, жисмоний ва бошқа тарбияларни эстетик ҳис-туйғусиз тасаввур этиб бўлмайди.

Эстетик тарбиянинг мақсади ўқувчиларни табиат, жамият ва санъатдаги гўзалликларини идрок этиш, уни тўғри тушуниб етиш, қадрига етишга, ҳаётга қайта гўзаллик олиб кира олишга ўргатишдан иборатдир. Мактабда тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт, табиатшунослик дарслари эстетик тарбиянинг асосий воситалари ҳисобланади.

Биз нафақат нарса ва ҳодисалар, балки инсоннинг ҳулқ-атвори, фазилатларини ҳам эстетик жиҳатдан баҳолашимиз мумкин. У инсоний гўзаллик, ақл, бурч, иймон, инсоф, камтарлик, латофат, лафз, меҳмондўстлик, меҳр, мулойимлик, поклик, яхшилик ва ҳоказо сифатларни ўзида намоён қилади.

Эстетик тарбия гўзалликдан завқлаланишга, хунукликдан нафратланишига, кулгиликдан кулишга, фожеаликдан истиробга тушишга ўргатади. Бу ҳолатларни киши ҳаёт ва санъат воқеликларда учратиш мумкин.

**Ҳуқуқий тарбия** – бу ўқувчиларни ривожланган демократик давлат қонун-қоидалари асосида шахс ҳақ-ҳуқуқлари меъёрлари билан қуроллантиришга қаратилган жараёндир.

Биз демократик давлат барпо этмоқдамиз. Президент тили билан айтганда «демократия- бу адолат дегани». Демак адолатли давлат қурмоқдамиз. Бундай мамлакатда ҳар томонлама етук, ўз ҳақ-ҳуқуқларини биладиган, уларни ҳимоя қила оладиган кишилар яшайдилар. Бугунги кундаги ёшларимизни мустақил фикрлайдиган сиёсат ва инсон ҳуқуқини чуқур биладиган, конституция қонунларига амал қилаётган, ўз фуқаролик бурчларини яхши ҳис этадиган қилиб тарбиялашиялашимиз лозим.

**Экологик тарбия** – бу ўқувчиларда атроф-муҳитга, табиатга нисбатан экологик муносабатларни шакллантириш жараёнидир. «Экология» - юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир.

Баркамол инсоннинг муҳим фазилатларидан бири унинг экология маданиятидир. Экологик маданиятга эга шахс барча тирик мавжудотларнинг яшаш шароити, муҳити, қонун-қоидаларини пухта билади, табиат мувозанатини сақлашга ҳисса қўшади. У атроф-

муҳитга нисбатан бепарво бўлмайди, аксинча уни яхшилашга, соғломлаштиришга ҳисса қўшади.

**Иқтисодий тарбия** – бу ўқувчиларда иқтисодий тафаккур ва маданиятни шакллантиришга қаратилган жараёндир. Бозор иқтисодига ўтаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларда иқтисодий тарбия тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу кабилар ҳақида фикрлай олиш каби қобилиятларни камол топтиришдир.

Иқтисодий тарбия–мактабда асосан табиий-математик фанлар асосида берилади. Унда ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари, бозор, оила бюджети, иқтисодий география, маркетинг каби кўплаб замонавий тушунчалар билан қуролланадилар.

**Жисмоний тарбия** – ўқувчилар танасидаги барча аъзоларини соғлом ўсишини таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, Ватан мудофасига тайёрлашдир. Жисмоний тарбия мазмунига кўра бола организми ички аъзолари функцияси фаолиятини бошқариш, ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, гигиена қоидаларига кўникашини таркиб топтириш, моҳирликларини ўстириш, меҳнат қилиш қобилиятларини ошириш, уларда ирода, чидамлилик қатъиян интизом, дўстлик ҳис-туйғуларини камол топтириш, жисмоний қобилиятларини шакллантиришдан иборат.

Баркамол инсон нафақат маънавий жиҳатдан, балки жисмоний жиҳатдан ҳам етук бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия баркамол инсон тарбиясининг яна бир таркибий қисмидир.

Жисмоний тарбия ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ўсишларини, бақувват бўлишларини ва ватанимиз ҳимояси учун қўрқмас, жаъсур, ҳарбий илмлар, қурол аслоҳатлардан фойдаланишни биладиган қилиб тарбиялашни ўзининг олий мақсади деб билади.

Ўқувчиларга жисмоний тарбия мактабда ҳаракатли ўйинлар, гимнастика, спорт, туризм ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари спорт машғулотлари турлари воситасида амалга оширилади.

## Назорат топшириқлари

2.1.1. Тарбиянинг асосий мақсади ёш авлодни қандай шахс этиб шакллантиришдан иборат?
- а) ҳар томонлама етук
- в) баркамол
- с) аҳлоқий етук
- д) маънавий баркамол

2.1.2. Ёш авлодни тарбиялашда энг аввало нималарга суяниш лозим?
- а) тарбия назариясига
- в) қадриятларга
- с) мутафаккирларимиз таълимотларига

2.1.3. Тарбия мақсадига эришиш қанча вақтни талаб этади?
- а) кунларни
- в) ойларни
- с) йилларни
- д) бир умрни

2.1.4. Таълим тизимини тудан ислоҳ қилишнинг олий мақсади
- а) рақобатбардош кадрлар тайёрлаш
- в) етук шахсни тарбиялаш

2.1.5. Баркамоллик сўзига изоҳ беринг.

2.2.1. Тарбиянинг асосий мақсадига эришиш учун нималарни бажариш лозим?
- а) услубий кўрсатмаларни
- в) тарбия вазифаларини

с) давлат қонунларни

2.2.2. Тарбия мақсадини таркибий қисмларига ажратиш мумкинми?
- а) ҳа
- в) йўқ

2.2.3. Тарбияни такибий қисмларга ажратинг.

2.2.4. Тарбиянинг таркибий қисмлари ўртасида алоқадорлик борми?
- а) қисман
- в) бор
- с) йўқ
- д) тўлиқ
- е) мутлақо йўқ

2.2.5. «Гўзаллик» эстетик тушунчами ёки аҳлоққа ҳам тегишлими?
- а) эстетик
- в) аҳлоқий
- с) аҳлоқий- эстетик

2.3.1. Илмий дунёқарашни шакллантириш тарбиянинг қайси таркибий қисмига оид?
- а) сиёсий-ғоявий
- в) иқтисодий
- с) экологик
- д) ақлий
- е) аҳлоқий

2.3.2. Жамиятда киши хатти-ҳаракатларини тартибга солиб турувчи қонун-қоидалар
- а) конститутция
- в) бурч
- с) аҳлоқ
- д) ҳуқуқ
- е) кодекс

3.3.3. Ҳис-туйғу маданиятини шакллантириш қандай тарбия?
- а) аҳлоқий
- в) экологик
- с) эстетик
- д) миллий
- е) иймон-эътиқод

3.3.4. Тирик мавжудотларнинг яшаш шароити қонун-қоидалари ҳақида тушунчага эга бўлиш қандай маданият?
- а) биологик
- в) меҳнат
- с) экологик
- д) ҳуқуқий
- е) ақлий

3.3.5. Иқтисодий тарбиянинг асосий мақсади нимани шакллантиришдан иборат?
- а) бозор иқтисоди тушунчаларини
- в) иқтисодий тафаккурни
- с) тежамкорликни
- д) ишбилармонликни
- е) ҳисоб-китобни

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси».Тошкент, 1998 йил.
2. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тошкент, 1997 йил.

3. Мунавваров А.Қ. «Педагогика». Тошкент, 1996 йил.
4. Мавлонов Р.А., Тўраева О.Т. «Педагогика». Тошкент, 1998 йил.

## 4-мавзу. Баркамол авлод камолоти хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар

**Ажратилган вакт-2 соат**
**Машғулот тури- маъруза**

### Асосий саволлар:

1. Шахс камолоти ҳақида тушунча
2. Баркамол шахс камол топишига ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
3. Турли ёш даврларда боланинг ўсиш хусусиятлари.

### Таянч тушунчалар:

Камолот, улғайиш, ақлий камолот, жисмоний камолот, ахлоқий камолот, руҳий камолот, камолот омиллари, ирсият, таълим ва тарбия, ижтимоий муҳит, фаоллик, бола ёшини даврлаштириш, гўдаклик, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик, балоғат ёши.

### 1. Асосий савол: Шахс камолоти ҳақида тушунча:

**Ўқитувчининг мақсади:** Шахснинг камол топиши ҳақидаги илмий таълимотларни талабаларга тушунтириб беради. Шахс сифатида камол топишнинг хусусиятларини фарқлашга ўргатади. Ҳар бир талабада ўзининг камолот хусусиятларини таҳлил қилишга ўргатади.

### Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Шахс ва унинг камолот хусусиятларини тушунтириб беради.
1.2. Шахс камолоти ҳақидаги ҳар хил таълимотларни солиштириб хулосалар чиқаради.
1.3. Ақлий, ахлоқий, жисмоний ва руҳий улғайишнинг такомиллашиб боришини аниқлайди.

**1-асосий саволнинг баёни:**

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам шахс бўлмоғи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг ҳарактери, қизиқиши ва қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу руҳий хусусиятлар ривожланиб, маълум бир босқичга етсагина уни мукаммал камол топган инсон дейилади. Шахснинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга , жамиятга бўлган муносабати турлича. Унинг фаоллик даражаси ва ахлоқ-одоб борасидаги етуклиги ҳам турличадир. Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахс номини олиш учун унга ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва тарбия керак. Шу сабабли педагогика фани боланинг шахс сифатида ривожланиши, унинг ҳар томонлама камолга

етиши қонуниятларини, унга таъсир этувчи объектив ва субектив омилларни ривожланиш жараёнига даврларни аниқлаши керак.

Шунга асосан педагогика фани шахснинг ривожланишида таълим-ўқитиш, тарбия ва бола фаоллиги, ўз-ўзини тарбиялаш босқичларини ҳам аниқлаш лозим.

Ривожланишнинг ўзи нима?

Ривожланиш педагогикада оддийдан-мураккабга, қуйидан-юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, ягиланиш, янгиланишнинг пайдо бўлиши ва эскини ўлиб бориши миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига олиб келувчи мураккаб ҳаракат жараёни деб қарайди. Ривожланиш жараёни қарама-қаршиликлардан иборат.

Маълумки инсон бутун умри мобайнида ўзгариб боради. Лекин болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола мана шу йиллар мобайнида ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиши ва ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбиянинг мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Одамнинг муносабатлари доирасида кишилар билан алоқасигина эмас, балки табиатга, жамиятга, ҳаётга бўлган муносабатлари ҳам киради. Мана шу хил кўп қиррали алоқалар ва муносабатлар заминида ҳар бир шахс ўз қобиляти ва қизиқишини, ўз билими ва ўқувни намоён қилади, ўз ишига, вазифасига, бурчига, халқига ва Ватанига, ўз-ўзига бўлган муносабаларини ифодалайди.

Табиийки, шахсдаги бу фазилатлар фақат тарбиянинг махсулидир. Шунга кўра, аслида ривожланиш тарбия таъсири остида боради, дейиши мумкин. Шахснинг камол топишида ва унинг хулқида ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша ҳам бир хил бўлавермайди. Сабаби одамнинг хулқига, муносабатларига, алоқаларига ёши, билими, одатлари, тажрибаси ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Агар ана шу масалага ўқувчи нуқтаи назардан қарасак воқеа томоман ўзгача рўй беради. Масалан, бир хилдаги таъсир ёки воқаега турли бола турлича муносабатда бўлади, бунга айни вақтда боланинг эхтиёжи қандайлиги таъсир этади; болалар ўйин ёки китоб ўқиш билан овора эди. Тарбиячи- «бўлди, бекорчи ишларни йиғиштиринг. Энди дарс тайёрлашга киришинг»- дейди. Ўз ишига ўта берилиб кетган болага бу гап кор қилмайди. Аммо шунчаки вақт ўтказиш учунгина овора бўлиб турган бола кўраётган китоби ёки ўйнаётган ўйинини дарҳол четга йиғиштириб, тарбиячи талабини бажаришга киришади. Шу ҳолга нисбатан биринчи болани тарбиясиз, қулоқсиз дейиш асло мумкин эмас. Чунки, ўқувчи қизиқиб қолган ишини охирига етказмасдан диққатини бошқа нарсага жалб қила олмайди. Афсуски, амалда тарбиячилар англамаслик орқасида кўпгина хатоликларга йўл қўядилар. Болалар хулқини ҳам шунга қараб баҳолайдилар: одобли, тиришқоқ, яхши ўқийди, тўполончи, қулоқсиз, ёмон ўқийди. Буларнинг замирида нима ётганини билмай туриб чиқарилган нотўғри бўлиши табиий, хушмуомала деб билган боламиз хулқидаги бу сифат лаганбардорлик, одоблилик эса қўрқиш пассивликнинг оқибати бўлиши, аксинча тўполончилик, фаҳм-фаросатинг ўткирлиги, ўртоқлари билимидон устунлиги, ёмон ўқиш қобилиятининг йўқлигидан эмас, балки ўқиш йўлини билмаслигидан бўлиш мумкин. Баъзи фандан паст ўкийдиган бола бошқа фандан зўр қобилиятини намоён қилиш ёки ақлий меҳнатда бўш бола жисмоний меҳнатда уқувли, ижодкор бўлиши мумкин. Шахс фазилатларини тўғри кўриш ва бехато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига қўйиб кузатиш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, ижобий фазилатлари рўёобга чиқади.

Демак ,шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омилларни табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Тарбия болага самарали таъсир этиши учун унинг ўсиш ва ривожланиши қонуниятларини билиш ва ҳисобга олиш лозим. Шундай қилиб, ривожланиш билан тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

Тарбиячи болага мақсадга мувофиқ таъсир этмоқ учун, бир томондан, ривожланиш қонуниятлари ва шахснинг индивидуаллигини чуқур билиши ва иккинчи томондан,

тарбия ривожланишига қачон ва қанақа таъсир эта олишини англаши ва тарбиявий таъсир этишида шулардан келиб чиқиш керак.

Болалардаги индивидуал фарқли, улар психик процессни турлича рўй беришини, хулқи ва қарашлардаги фарқни қайси омил белгилайди: биологик омилми, ижтимоий омилми ёки тарбия омилми? Ҳозирги кунимизда ҳам турли нуқтаи назарлар мавжуд.

Биз учун жамиятда шахс тушунчаси ва унинг ривожланишиги таъсир этувчи юқоридаги 3 омилнинг роли ҳақидаги масалага қандай қарашини билиш ниҳоятда муҳимдир.

### Назорат топшириқлари:

1. Инсоннинг шахс сифатида камол топиш хусусиятларини сўзлаб беринг
2. Шахс камолотининг йўналишларини аниқланг.
   а) меҳнатга лоёқатли бўлиш.
   в) ақлий улғайиш.
   с) ватан ҳимоясига шай туриш.
   д) касб-ҳунар эгаллаш.
   е) жамоатчилик орасида ҳурмат эътиборга эга бўлиш
3. Билимдон, ўқимишли, кенг дунёқарашга эга бўлишлик.
   а) руҳий камолотга эришганлик
   в) ахлоқий комиллик
   с) ақлий улғайганлик
   д) руҳий етуклик
   е) замон талабига жавоб берувчи шахс.
4. Шахс-таълим тизимининг асосий объекти ва субъекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи эканлигини изоҳлаб беринг.
5. Турли омиллар томондан шахс камолотига ёндошувларини ёзма тарзда ифодалаб беринг.
6. Шоҳ Акбар тажрибасини моҳиятини таҳлил қилинг.

**2. Асосий савол**. Баркамол шахс камол топишига ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар

**Ўқитувчининг мақсади**: Баркамол шахс камолотига таъсир этувчи омилларни талабалар онгига етказиш. Ҳар бир омилнинг ўзига хос аҳамиятини уқтириш. Ўз камолотида қайси омилнинг таъсири кучли эканлигини аниқлаштириш.

### Идентив ўқув мақсадлари.

2.1. Шахс камолотига таъсир этадиган омилларнинг фарқини ажратади.
2.2. Ҳар бир омилнинг шахс камолотига таъсирини изоҳлайди.
2.3. Айрим курсдошлари ёки мактаб ўқувчиларининг камолот даражаларини текшириб кўради.

**2-асосий саволнинг баёни**

Педагогика камолотига етишишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади . Шахснинг камолига етишида насл-ирсият ижтимоий муҳит ҳам , мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим –тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шахс қайси жамтиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун қоидаларига асосан камол топади. Шу жамиятнинг моддий ава маънавий бойликдан баҳраманд бўлади. Моддий ва маънавий бойликларни яратишда иштирок этади. Агар шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги юксак бўлса , у шахсга шу кадар катта таъсир кўрсатади ва аксинча, иккинчи тамондан эса, шахс фаолияти давомида меҳнат орқали ўз

моддий ва маьнавий бойлиги юксак бўлса, у шахсга шу кадар катта таьсир кўрсатади ва аксинча.

Иккинчи томондан эса шахс фаолияти давомида меҳнат орқали ўз моддий ва маьнавий бойлигини яратиш жараёнида онгни, ҳаётини шароитини ҳам яхшилаб боради. Ана шундай ижтимоий фаолиятлари ўз навбатда меҳнат турларининг такомиллашига олиб келади. Техника ва технология мукаммалликка эришиб боради. Оқибат натижада, улар ҳам ўз навбатида одамни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўлади. Одам атрофни, обьектив борлиқни кўпроқ билгани сари онглилик даражаси ўсади, фикрлаш доираси кенгаяди, яъни малака ва кўникмаларни эгаллайди. Янги қизиқиш ва эҳтиёжлар вужудга келади.

Демак шахс камолга етишуви жамият ривожига чамбарчас боғлиқдир.

## **Инсон камолотида ирсиятнинг таъсири**.

Киши туғилганиданоқ ўзига хос муайян қобилият нишонлари билан дунёга келади. Улар инсониятнинг турли жиҳатларини ривожлантиришда, айниқса психик жараёнлари ривожида, хис – туйғуни изҳор этиш соҳасида, истеъдод турида жиддий роль ўйнайди.

Кишининг мураккаб тана тузилишини узоқ эвалютция жараёнида ирсият қонунлари таъсири остида ўзгарувчанлик ва табиий танлаш йўли билан ривож топди. Ирсият туфайли одамнинг асосий биологик белгилари, хусусиятлари авлоддан авлодга ўтиб келади. Генлар ирсиятнинг модда ташувчилари ҳисобланади. Одам ирсий ахборотни ва физологик фаолият кўрсатиш характерини, нерв системаси типини, оширадиган юксак даражадаги нафислигини бир биридан мерос қилиб организм учун муҳим ҳаётий мойиллар ва таркибий эҳтиёжларнинг физиологик мехонизми ирсиятга боғлиқдир.

Биологлар одамлардаги генлар билан унинг истеъмол тутилган ўзгаришларидан хулоса қилиш мумкин бўлган жараёнларни сонини одамлар мавжуд атомлар сонидан ҳам кўпроқ бўлади деб ҳисобланади. Лекин барибир шахснинг ривожланиши жараёни биология фонднинг жўнгина намоён бўлиши ва кенгайиши дегани эмас. Ўз вақтида Дарвин хам жонли организимларнинг ривожланишини ирсиятнинг кураши ва хаёт кечириши шароитига мослашуви орқали, эскиларини мерос қилиб олиш ва янги белгиларини ўзлаштириш орқали содир бўлишини кўрсатиб берар эди. Илгари кўплаб олимлар генлар ўзгармайди. Мутлақо барқарорлиги билан ажралиб туради, деб фикр юритар эди. Эндиликда хужайраларнинг ирсий структураси ўзгарувчанлиги қатиян аниқ бўлди. Ўзгарувчанлик ҳам ирсият каби организмнинг туб белгиси ҳисобланади.

Ирсиятнинг аҳамияти қанчалик катта бўлса, унинг таъсири тарбия системаси таъсири ёрдамида юзага чиқади.

Табий истеъдод нишоналари жуда ҳам сермаънодир. Уларнинг биттаси замирида турли ёшдаги қобилият ва психик хусусият шаклланиши мумкин. Ҳамма нарса истеъдод нишоналарининг қай даражада бирлашувига шунинг-дек ҳаётий вазиятларга ва тарбиянинг шарт-шароитларига боғлиқ бўлади. Ирсият шахс ривожланишининг манбаларидан бири сифатида фанда ҳам етарли даражада тўлиқ ўрганилган эмас. Ҳар бир ақли расо киши фаолиятнинг бир турига ва бошқаларга қараганда кўпроқ қодирдир. Киши потенциал, яъни генетик жиҳатдан ўз имкониятларга нисбатан беқиёс даражада кучли бўлади, у ўзи ҳаётида бу имкониятларни тўла даражада ишга салолмайди. Бу шу нарса билан изоҳланадики, ҳали ҳозирга қадар одамнинг болалик ва ёшлик даврдаги тарбия жараёнида унинг ҳақиқий қобилият-ларини аниқлаш методи ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан ҳам уларнинг ривожланиши учун мос келадиган шарт-шароитлар яратилмаяпди.

Бу соҳадаги тадқиқотларнинг янада кенг тус олиши педагогик жараённи ҳам кўпроқ асослаб, мактаб ўқувчиси шахсини шакллантиришни самарали тарзда бошқариш имконини туғдиради.

**Инсон камолотида муҳитнинг таъсири**.

«Муҳит»-тушунчаси инсоннинг ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун зарур бўлган ташқи вазиятларнинг мураккаб системасини англатади. Бу вазиятлар жумласига индивид ҳаётнинг табиий шароитлари ҳам киради. Шахс билан муҳитнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатидаги иккита ҳал қилувчи шароитни;

1) шахс акс этадиган ҳаётий вазиятлар таъсирининг характерини

2) вазиятларни ўз эҳтиёжларига ва манфаатларига бўйсиндириш мақсадида унга таъсир ўтказувчи шахснинг фаоллигини ҳисобга олиш керак.

Сўнгра болани қуршаб турган ҳамма нарса ҳам унинг ривожланишида ҳақиқий муҳит ҳисобланавермайди. Ҳар бир бола учун ривожланишнинг бетакрор ва мутлақо индивидуал вазияти вжудга келадики, биз уни яқин атроф-муҳити деб атаймиз. Айний чоғда у нисбатан мустақилликни билдиради. Микромуҳит ҳам ижтимоий муҳитнинг бир қисми бўлиб, оила, мактаб, дўстлар, тенгқурлар, яқин кишилар ва шу каби элементлардан ташкил топади. Болани қуршаб турган муҳитда ижобий ва салбий ходисалар мавжуд бўлади. Шахс атроф–муҳит таъсирини ўзига сингдирибгина эмас, балки унга қаршилик кўрсатиб ҳам шаклланади. Ривожланишнинг шарт-шароитлари боланинг ўзи уларга нисбатан қай йўсинда тургани ва унинг бу шароитларда қай тарзда таркиб топишига боғлиқ бўлмаган холда шахснинг шаклланишига таъсир кўрсата олмайди. Масалан шу нарса аён бўладики, агар бола ўртоқлари орасида ҳурматга эга бўлса, агар унга маъсулиятли топшириқларни ишонадиган бўлса, бу ҳолда унда унга ишончнинг фаолликнинг, тил топишиб кетишининг ривожланиб кетишига ёрдам беради,ёки аксинча бўлади.

**Камолотда таълим ва тарбиянинг таъсири**.

Болани ўраб турган муҳит, меҳнат ва тил оқибати натижасида тарбия воситасига айланади. Бунда муҳитнинг таъсири стихияли эканлиги ҳисобга олмоқ лозим. Шу сабабли инсон камолотида таълим ва тарбиянинг етакчилик қилишга имкон бериш даркор.Чунки;

1.Таълим ва тарбия жараёнида киши организмининг ўсиши ва муҳитнинг стихияли таъсири бера олмайдиган нарсаларни ўрганиб олади. Лекин ўқиш ва ёзишгани махсус таълим йўли билангина ўргатилади. Махсус меҳнат ҳамда техника, билим, кўникма ва малакалари фақат таълим жараёнида эгалланади.

2.Таълим-тарбия ёрдамида ҳатто кишининг баъзи туғма камчиликларини ҳам керакли томонга ўзгартириш мумкин. Кишилар баъзан туғма камчиликларидан қатъий назар, туғма камчиликлари бўлмаган бошқа кишилар билан баробар фаолиятда бўлиши мумкин. Чунончи, баъзи бир болалар айрим камчиликлар балан туғилади. Лекин махсус уқтирилган таълим-тарбия ёрдамида уларнинг ақли тўла тараққий қилади.

3.Таълим-тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсири натижасида юз берган камчиликларни ҳам тузатиш мумкин.

4. Таълим жараёнида болада билимлар, кўникма ва малакалар ҳосил бўлибгина қолмай, балки илмий дунёқараш ҳам шаклланади. Камолга эришиб боради. Билимларнинг эгаланиш унинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ўсишга ёрдам беради.

**Инсоннинг камол топишида шахсий фаолиятнинг аҳамияти.**

Айтиш керакки, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия шахснинг ўзи фаол иштирок этгандагина унинг туғма лаёқатини уйғотади Исътедод, қобилиятларини ўстира олади. Агар киши ўз ишини севса, унинг шу соҳадаги иътетоди тезроқ руёбга чиқа бошлайди. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, баъзан бир киши бир соҳа билан қизиқади-ю, унинг қобилияти бошқа соҳада рўёбга чиқади. Бундай ходисалар кўпроқ ҳали кишининг қобилиятлари тўла рўёбга чиқмаган ва шаклланиб бўлмаган ҳолларда юз бериши

мумкин. Қобилият ва истеъдоднинг тўла рўёбга чиқишида инсоннинг муйаян фаолиятига қизиқиб қараши билан бир қаторда унинг ўз устида муайян ишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Истеъдодли кишилар ўз истеъдодлари-иқтидор кучини тўла рўёбга чиқариш учун ўз устларида тинмай ишлашлари шарт. Машҳур кишилар ҳаёти шуни кўрсатадики, уларнинг ижодий фаолиятларидаги асосий нарса услуксиз ишлай билиш, ойлаб, йиллаб, ўн йиллаб ўз олдиларига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун интилиш, курашиш, унга етишиш йўлларни хормай излашдир. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи ўзининг педагогик фаолияти даврида ўқувчиларга талим-тарбия бериш билан бирга уларнинг ўз олдиларига мақсад қўйиш ва уни рўёбга чиқариш, тинмай изланиш, меҳнат қилиш сифатларини, ирода ва қатъиятлиликни тарбиялаб боришлари шарт.

Табиийки, ўқувчиларни ўз бахтларига эришишлари учун мактабда олган билим кўникма малакалари камлик қилади. Улар олий мақсад йўлида ўз устида тинмай ишлашлари. Кишилар билан мулоқатда бўлишлари, ҳаёт маъносини тушуниш учун кўпроқ мутоала қилишлари шарт.

Ҳар бир болани тарбияласа бўлади, у яхши ўқиши ҳам мумкин. Уларни қобилиятсиз дейиш ҳам хато. Ўқитувчининг биринчи ҳолдаги вазифаси ҳар бир ўқувчини атрофлича синчиклаб ўрганиши, унинг қайси соҳага қизиқишини билиш, кейин эса ана шу қизиқиш. Хавас ва мойилликни ҳисобга олган ҳолда тадбирий чора кўришдир. Умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахсининг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, иродали ривожла-нишига ижобий таъсир этади.

## Назорат топшириқлари

1. Шахс камолотининг омили
   а) шахс камолотини тезлаштирувчи воситалар**;**
   в) камолотга таъсир этувчи усуллар**;**
   с) шахс камолотини таъминловчи**.**
   д) ирсият.
   е) моддий ноз-неъматлар**.**

2.Таълим ва тарбияни шахс камолотининг омили сифатида изоҳлаб беринг.
3.Шахс камолотининг асосий омилларига нималар киради?
а) ота-онанинг фарзандларига қиладиган яхши муносабатлари.
в) ўқитувчининг педагогик маҳорати. с) таълим ва тарбия ижтимоий муҳит ирсият фаоллик. д) боланинг барча эҳтиёжларининг қондирилиши. е) жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғилланиши**.**
4.Ташқи қиёфа қон айланиши олий нерв фаолияти қайси омил таъсирида шаклланади? а) шахс фаоллиги. в) ирсият. с) таълим ва тарбия. д) ижтимоий муҳит. е) шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш**.** 5.Тил ўрганишда урф-одатларни эгаллашда қайси омилнинг таъсири кучли бўлади? а)ижтимоий муҳит. в) таълим ва тарбия. с) ирсият. д) миллий мансубдорлик. е) шахс фаоллиги**.** 6**.**Бола ёшини даврлаштиришнинг тартиби ва ҳар бир даврга хос бўлган хусусиятларни ёзма изоҳлаб беринг. 7.Мактабгача давр ёши қандай бўлаклардан иборат. а) боғча даври. в) ясли даври. с) гўдаклик даври. д) болалик

даври. е) гўдаклик, ясли, боғча даври. 8.Ўспиринлик даврига неча ёшдаги болалар киради? а) 14-15 ёш в) 15-17 ёш с) 11-14 ёш д) 7-12 ёш е) 10-18 ёш 9.Турли ёшдаги ўқувчиларнинг ўсиш хусусиятларини ўрганиб камолотларининг қандай даражада эканлигини ёзма таҳлил қилинг.

**3-Асосий савол. Турли ёш даврларда боланинг ўсиш хусусиятлари.**

**Ўқитувчининг мақсади:** Бола ёшини даврлаштириш ҳақидаги илмий назарий таълимотларни талабаларга тушунтириш. Ҳар бир ёш даврда ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбиянинг моҳиятини очиб бериш. Талабаларда баркамол шахс бўлиб улғайишига мойиллик таркиб топтириш.

**Идентив ўқув мақсадлари**

3.1. Бола ёшини даврлаштиришнинг аҳамиятини айтиб беради.
3.2. Турли ёш даврлардаги ўзгаришларни аниқлайди.
3.3. Айрим ўқувчиларнинг камолот даражаларини текшириб кўради.

**3 – саволнинг баёни.**

Ривожланиш даражаси фақат кечирилган умрнинг натижасигигина эмас, ҳар қандай ёшда, айниқса болалик ривожланишига тарбиявий таъсир системаси ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, мазмунига, форма ва методларига кўра тарбия пухта бўлиши, балоғат босқичларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак. Ёш даврлари ҳар бир нормал боланинг ривожланиши учун босқичлардир. Лекин болалар ривожланишининг ёки бу босқичи ҳар хил ижтимоий-тараққий даврларда турлича давом этади. Олимлар ёш даврлари хусусида фикр юритар экан, ҳозирги болалар учун жисмоний ривожланиш суръатларининг ўсиб бораётганлиги суягининг анча эрта қотаётганлиги, жинсий етилиш муддатларининг тезлашаётганлиги характерли нарса эканлигини қайд этадилар.

Тиббиёт, болалар анатомияси, физиологияси, психологияси, педагогика фанлари ютуқлари ва уларнинг тавсияларига кўра боланинг ёш даврларини қуйидагича гуруҳлаштириб қабул қилган.

1. Гўдаклик даври-чақолоқлик даври (туғилгандан то 1 ёшгача)
2. Ясли даври- 1 ёшдан 3 ёшгача.
3. Мактабгача тарбия- ёшдан 6-7 ёшгача.
4. Мактаб ёшдаги кичик ўқувчилар (6-7 ёшдан 11-12 ёшгача).
5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар)-12 ёшдан 15-16 ёшгача.
6. Мактаб ёшидаги катта ўқувчилар (ўспиринлар)16-18 ёшгача.

1.Янги туғилган бола диққат билан парваришлашга муҳтождир. Бола туғилган вақтда таъмни билади, иссиқ ва совуқни сезади. Аста-секинлик билан унинг бошқа сезги аъзолари тараққий этиб боради. Уч ойлик бўлганда буюмларни фарқлайди, ўзига яқин бўлган кишиларни кўрса, хурсанд бўлади, айрим товушларни чиқаради. 6-8 ойлик бўлганда буюмларни ранги ва шаклини ҳам фарқлай бошлайди. Рангдор ўйинчоқларни хуш кўради, уларга интилади. Соғлом ўсаётган бола 11-12 ойлигидаёқ атрофдаги кишиларни танишдан ташқари айтилишини осон бўлган айрим сўзларни талаффуз қилади, нутқи ўса бошлайди.

2.Боланинг 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган даврини ясли даври дейилади. Бу давр жисмоний ўсиш, йўлга кириш, даври деб ҳам аталади. 2 ёшга кирганда бола анчагина мураккаб

ўйинларни ҳам қизиқиб кузата бошлайди. Тасаввур, фикрлаш жараёни кучаяди, такомиллашади, нутқ ўсади. Энди у жумла, жумладан гап тузади, уларни тўғри талаффуз қилади. Болани тарбия қилувчи катта кишиларни юриш-туриши ва одоби бола руҳиятига таъсир қилади. Оъила аъзоларининг аҳиллиги, яслидаги тарбиячиларнинг болаларни севишлиги, зийраклик ва меҳрибонлик билан муомалада бўлишлари болаларнинг тўғри соғлом ўсишига, ҳулқ-одобига вазмин, иродали бўлишларига олиб келади. Болани лозим бўлган вақтда мақташ, диққатини ижобий фаолиятга юритиш, ёмон ишлардан эҳтиёт қилиш, ноахлоқий сўз ва гаплардан узоқроқда бўлишларини таъминлаш, урушмаслик йўлларини ўргатиш уларга таъсир кўрсатиш усулларидан ҳисобланади.

3.Боланинг 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган дарини мактабгача бўлган даври деб атаймиз. Тажрибалардан маълумки, болалик даври пайдо бўлган таассуротлар изи умрбод сақланиб қолади. Бу давр боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан тез ўсиши, дунёни билиш, атроф-муҳитга ўз муносабатини билдириш истаги кучайиб бораётган давридир. Шу сабабли ота-она ва тарбиячиларнинг болаларни тўғри ўсишлари, ақлий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга жиддий эътибор беришлари лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда

а) соғлиги ҳақида, тартиб ва гигена талабларига:

б) ўйин машғулотлари, сўз, мусиқа, экскурсия, бадий ва жисмоний тарбия:

в) ўзини тута билиш, дўстлик биродарликни ўрнига қўя билиш, катталарга ҳурмат, ўйин қоидаларини бузмаслик, буюмларни асраш в.х.к ларга ўргатиш лозимдир.

Уларнинг ҳаёти ва фаолияти ўйин билан намоён бўлади, шунинг учун ҳам ўйинларни ранг-баранг бўлиши ва жамиятимиз мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этиш муҳимдир. Мактабда системали равишда ўқишга боргандан кейин боланинг ҳаёт тарзи бутунлай ўзгариб кетади. Болалар боғчасида ёки уйида у ҳар куни қизиқарли ва ранг баранг фаолият билан банд бўлар эди. Энди эса бола кунига бир неча соат давомида дарсларда ўтириши керак. У ўқитувчи нимани ёзиб ёки чизиб кўрсатса, шуларни диққат билан кузатиб бориши, у нимани талаб қилса шундай қилиб бажарилиши лозим. Мактабга боргунга қадар бола фақат ўйин пайтида ёки мураккаб меҳнат жараёнларида бўлган нарсаларнигина биларди. Эндиликда у қизиқарли бўлмаган, аммо керакли нарсаларни билиб олади. Кичик мактаб ёшида бош мия анатомик структурасиннинг янада шаклланиши кузатилади. Ўқиш унинг функциялари ривожланишига кучли омил бағишлайди. Жумладан, предмет фан курсидан секин-аста мавҳум, изоҳли-мантиқий тафаккур сари ўтиш учун шароит туғилади. Лекин бари-бир ўқитувчи ёш ўқувчи ҳамма нарсадан ўзининг шахсий хиссий тажрибасига, хусусий таассуротларига, билимларига, ҳаётга таянч излашини унутмаслиги керак. Шу сабабли боланинг фикрини нарсалар ва ходисаларнинг қонуниятли тарзда боғликлигини идрок этишга йўналтириш мақсадида бевосита таъсир қиладиган объектларни танлаш жуда муҳимдир

**Назорат топшириқлари**:

1. Бола ёшини даврлаштиришнинг аҳамиятини тушунтириб беринг

а) боланинг билимини пухта эгаллашга ёрдам беради.

в) болани жисмонан етук қилиб тарбиялайди.

с) ҳар бир болани нормал ривожлантириш учун зарур босқичдир.

д) бола шахси камолотининг ҳар тамонлама ва тўғри амалга ошишини таъминлайди.

е)ёшларга қандай муносабатда бўлишни белгилайди.

2.Турли ёш даврларида боланинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ва руҳий улғайишларида бўладиган ўзгаришларни изоҳлаб беринг.

3. Вақт тушунчасининг моҳиятини бола қайси даврда аниқ ифодалайди? а) ясли даврида.

в) кичик мактаб даврида.

с) катта боғча даврида.

д) ўспиринлик даврида.
е) сўзлаб бошлаганда.
4. Ўспиринлик даврининг мураккаблик томонларини ёзма баён этинг.
5. Катта мактаб даврининг асосий белгилари
а) касб-ҳунар танлаш, эгалаш ва ўзини шу соҳада синаб кўриш, дўстлик-ўртоқлик, сафдошлик туйғуларининг устунлиги
в) жисмоний ва жинсий улғайиш.
с) ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш.
д) жисмоний тарбия ва спрот мусобақаларида иштирок этишга интилиш.
е) ўз-ўзини моддий таъминлаш.
6.Турли синф ўқувчиларидан бир неча боланинг ёшига нисбатан камолотининг ҳолатини ўрганиб, уни таккомиллаштириш учун маслаҳатлар (методик йўлланма)тайёрланг

**Адабиётлар рўйхати**


1. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика курси. Тошкент. 1997.
2. А.Қ.Мунавваров Педагогика. Тошкент. 1996.
2. С.П.Баранов, Л.Р.Болотини, В.А.Сластенин., Педагогика. Тошкент. 1990.
1. И.А.Каиров., Н.К.Гончаров, Л.В.Занков. Педагогика. Москва. 1956.
. ;


**5-Мавзу: Педагогиканинг илмий тадқиқот усуллари**

**Аажратилган вақт-2 соат**
**Машғулот тури-маъруза**

## МАВЗУ: ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ.

### Асосий саволлар:

1. Фаннинг илмий тадқиқот методлари ҳақида тушунча.
2. Педагогик илмий-тадқиқот методларининг тавсифи

### Таянч тушунча ва иборалар:

Метод, илмий-тадқиқот методи, методология, илмий кашфиёт, илмий фараз, кузатиш, суҳбат, тажриба-синов, ижодий ишларни ўрганиш, мактаб ва архив ҳужжатларини ўрганиш, анкета ва тестлар, математика-кибернетика, илмий тадқиқот натижаси.

### 1. Фаннинг илмий тадқиқот методлари ҳақида тушунча

**Ўқитувчи мақсади:** Талабаларга фаннинг ривожланишида илмий-тадқиқот методларининг аҳамияти ҳақида маълумот бериш.

Педагогик тадқиқот методларининг ўзига хосхусусиятларини тушунтириш.

Илмий педагогик тадқиқотлар олиб боришга қизиқишлар хосил қилиш. мустақил иш, реферат ва кўрс иши ёзишда айрим педагогик тадқиқот методларидан фойдаланишга ўргатиш.

**Идентив ўқув мақсади:**

1.1. Метод тушунчасининг моҳиятини айтиб беради.
1.2. Педагогик илмий-тадқиқот методларини таҳлил қилади.
1.3. Айрим илмий-тадқиқот методларини тадбиқ этади.

Инсонлар ҳаёт фаолиятлари давомида хилма-хил вазифаларни бажаради. Нима билан шуғулланмасин, уни маълум бир усуллар, йўллар орқали амалга оширади.

Шунинг учун ҳам бажарадиган ишнинг ўзи учун кулай бўлган усулларни ахтаради. Энг самаралиларини мукаммал эгаллаб олади.

қадимги Юнонистонда ҳар қандай ишни бажаришнинг йўл ва усулларини метод деб атаганлар. Бу тушунча барча илмларда айнан шундай қабул қилинган.

Метод маълум бир фаолият тўрини бажаришнинг йўл ва усулларини англатади.

Илм-фан пайдо бўлибдики, у ўсиб, ривожланиб келмокда. Бу тараққиёт ҳар бир фаннинг ўзига хос илмий-тадқиқот методлари асосида руёбга чиқади.

Фаннинг мазмуни, йуналишлари, ўрганиш объекти ва ривожланиш хусусиятлари қандай методлардан фойдаланиш кераклигини кўрсатади.

Илмий-тадқиқот методлари маълум даражада фаннинг методологик асосларига ҳам боғлиқ бўлади.

Методология фан учун илмий назарий асос бўладиган таълимотларнинг йигиндисидир. Шундай экан ҳар бир фаннинг методологик асослари илмий-тадқиқотларни қандай йуналишларда ва қандай методлардан фойдаланиб олиб боришни кўрсатади.шунинг учун ҳам барча фанлар ўзининг илмий-тадқиқот усулларига эга. Бу усуллар орқали ўз мазмунини бойитиб, янгиланиб боради. Ҳаётий вокеаларни қандай ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш керак деган масалалар барчани уйлантиради, улар ўзаро боғлиқдир. Нима қилиш керак ва уни қандай амалга ошириш зарур деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўртасида диалектик бирлик борлиги сезилади.

Педагогика ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ходиса ва жараёнларни унинг масади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллар билан ўрганади. Шу маънода педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари деганимизда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуини тушунамиз.

Педагогика ўқитиш, билим бериш, тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятини қуйидагича ўрганишни маъқуллайди:

1) Уларнинг умумий алоқаси бир-бирини такоза этиши ва ўзаро таъсир жараёнида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, фан, маданият, ахлок ва санъат, таълим ва тарбиянинг каерда амалга оширилишидан катъий назар, узвийбогланишда бўлиши;

2) Уларнинг тараққий этиш жараёнида вужудга келадиган ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари, шакллари, усулларининг ўзгариши, амалга оширишнинг мураккаблиги, ҳамма болаларни бир хил андозада ўқитиш, тарбиялаш мумкин эмаслиги;

3) Болаларнинг усишида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ақлий ва хулқий фаолият, сўз ва иш бирлиги мезонларига таяниш;

4) Болалар камолатига таъсир этувчи анъана, урф-одатлар, улар ўртасидаги тафоввутларни билиш, аниқлаш асосида яхши билан ёмон, эскилик билан янгилик, жамоа ўртасида юз берадиган низоларни ҳисобга олиш, ўзаро танкид, ва х.к.

5) Фалсафий категориялар – ходиса ва моҳият, сабаб ва натижа, зарурат ва тасодиф, мазмун ва шакл, имконият ва хаққоният, тарихи ва мантиқий, умумий ва хусусий кабиларни билиш ва уларни педагогика фани тараққиёти нуктаи назаридан талкин кила олиш ва х.к.

Педагогиканинг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика фани ҳам бойиб боради. Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқот усулларига догматик ёндашиш мумкин эмас. Жамиятда содир бўладиган ижтимоий ўзгаришлар фаннинг мазмун моҳиятига таъсир этади. Шу аснода илмий-тадқиқот методлари ҳам ўзгаради ёки янгича ёндашув асосида қўлланилади.

**Назорат топшириқлари:**

1. Метод деганда нимани тушунасиз?
   а) Бажариладиган иш мазмун-моҳияти метод ҳисобланади.
   в) Метод – бу қонун-қоидалар йигиндисидир.
   с) Бирор фаолиятни бажаришнинг йўл ва усуллари.
   д) Вазифалар ййигаиндиси метод бўлади.
   е) Турли воситалардан қўлланиш.
2. Қадимги Юнон тилидан олинган “Methos” тушунчаси қандай маънони англатади?
   а) Услубиятни.
   в) Айрим фанни ўқитиш методикасини.
   с) Махоратни.
   д) Йўл ва усулни.
   е) Андоза ва шакл маъносини англатади.
3. Методнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги аҳамиятини тушунтириб беринг.
4. Илмий-тадқиқот методи қандай мақсадга қаратилган бўлади.
а) Ёшларга билим бериш.
в) Ёшларни тарбиялаш.
с) Инсонни камолатга етказиш.
д) Касб сирларини эгаллаш.
е) Илмий-тадқиқотлар олиб бориш.
5. Педагогик илмий-тадқиқот методларини таълим ва тарбия методларидан фарқини ажратиб беринг.
6. Педагогик илмий-тадқиқотларнинг мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қўлланиладиган методлар тизимини сўзлаб беринг.
7. Ўқувчи шахсини ўрганиш учун сўровнома (анкета) тайёрланг ва уни ўз мактабингизда тўлдириб натижаларини умумлаштиринг.
8. Оддий тестлар тайёрлаб кўринг. Уни такомиллаштиришга ҳаракат қилинг.тест билан ишлаш, натижаларини аниқлаш, хулосалар чиқаришни машк қилинг.

**2. Педагогик илмий-тадқиқот методларининг тавсифи:**

**Ўқитувчининг мақсади:** Талабаларга Ҳозириг шароитда педагогик илмий-тадқиқотларда кенг қўлланиладиган методларин тушунтириш. Ҳар бир методга алоҳида тавсиф бериш. педагогик илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳақида тасаввур хосил қилиш.

Педагогика фанининг ривожланиш хусусиятларини кўрсатиб бериш. Илмий тадқиқотлар олиб боришга қизиқиш уйғотиш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Педагогикада қандай методлар билан илмий-тадқиқотлар олиб боришни тушунтириб беради.
2.2. Турли илмий-тадқиқот методларининг моҳиятини таҳлил қилади.
2.3. Айрим методлардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқади.

Педагогика фани таълим ва тарбиянинг қонуниятлари, шахснинг камол топиш хусусиятлари, касб тарбияси бериш ва халқ таълими тизимини бошқариш муаммоларини ўрганади. Унинг илмий-тадқиқот методлари ҳам мазкур муаммоларни ҳар томонлама тадкик этиш, ривожланиш истиқболларини ишлаб чиқишга қаратилган бўлади.

Ҳозирги шароитда қуйидаги методларни педагогика фани тараққиётига самарали хисса кЎшади деб ҳисоблаш мумкин:

- Кузатиш;
- Суҳбат;
- Болаларнинг ижодий ишларини ўрганиш;
- Тест ва сўровномалар;
- Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш;
- Статистика маълумотларини таҳлил қилиш;
- Математика ва кибернетика;
- Эксперимент (тажриба, синов) ва бошқалар.

**Кузатиш**. Кузатишлар Фақат оддий ходисаларни кузатиш, айрим далилларни йиғиш, ҳисобга олиш, аниқлаш учунгина эмас, балки таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ва мукаммаллаштириш мақсадида амалга оширилади.

Одатда, табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ атвори ва муаммоларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларин белгилаш учун қўлланилади.

Илмий кузатишлар эса нафақат ўқувчиларнинг табиий фаолиятини, балки уларнинг илмий дунёқараши шаклланишини, фикрлаш жараёни кучи, хулосалар чиқаришдаги фаолликларини аниқлайди, уларни таҳлил этади. Бундай кузатишлар оқибат натижада педагогика фанининг бойишига сабаб бўлади.

**Суҳбат усули.** Таълим тарбия жараёнини яхшилаш, ёки яратилган илмий фаразларнинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида суҳбат усулидан фойдаланилади. Одатда, суҳбат усули мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоаси билан, ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан, якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борганда қўлланилади. Бунда суҳбат усулини тадбиқ этишдан олдин режа тузилади, уни амалга ошириш йўллари белгиланади, натижалар таҳлил қилинади ва тегишли хулосага келинади. Шунингдек, тадқиқотчининг суҳбат олиб бориш ва уни керакли томонга йуналтира олишни билиши, суҳбатдошнинг рухий ҳолатига қараб суҳбат охангини мослаштириши ғоят муҳимдир.

**Бунда:**

1) Суҳбат учун олдиндан савол тузиш;
2) Вакти ва ўтказиш жойини белгилаш;
3) Суҳбат иштирокчиларининг сони ва касбларидан хабардор бўлиши;
4) Суҳбат учун кулай шароит ва эркин гаплашиш имконини яратиш;
5) Махмадана ва бачкана бўлмаслик;

6) Суҳбатдошнинг кимлигини, ҳарактер хусусиятини эсдан чиқар-маслик;

7) Суҳбат натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, қиёслаш, тегишли хулоса чиқариш, лозим бўлса қўшимчалар киритиш ва мактаб ҳаётига тадбиқ этиш педагогик жиҳатдан кимматлидир.

**Болалар ижодини ўрганиш усули.** Педагогик тадқиқот усуллари ичида болалар ижодини табиий ҳолатда ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш усули мавжуд. Бунда мактаб ўқувчиларининг ўзига хос якка тартибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади, муайян хулосаларга келинади. Мақсад мустақил Ўзбекистонимиз ёшларининг типик образлари ва уларда ижодий хислатларни шакллантиришдир.шу сабабли ёшларнинг турли ёзма дафтарлари, тўтган кундаликлари, ёзган хатлари, шеър ва ҳикоялари, ҳаётий режалари, иншолари, турли ёзма ҳисоботлари улар маънавиятини ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қилади. Оқибатда, мак-таб ўқувчилари орасидан етишиб чиқаётган қобилиятли, талантли ёшларни эртароқ аниқлаш, уларнинг истеъдодлари намоён бўлиши учун режа ва шароитлар яратиш имкони пайдо бўлади. болалар ижодини ўрганиш манбаи кўп бўлиб улар қуйидагича номланади:

Фан олимпиадалари, мавзулар бўйича танловлар, мактаблар бўйича кўргазмалар, мусобақалар, саёхатлар ва х.к.

**Тест, сўровномалар усули.** Педагогик илмий-тадқиқотлар ичида етакчи усул тест ва сўровнома саволларидан фойдаланишдир. Сўровнома – анкета усули яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг якка ва гуруҳли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Республикамизда Марказий Осиёда биринчи бўлиб тест усулини мактаб, олий ва ўрта махсус таълим тизимига тадбиқ этилди.

Тест саволларининг ўрни ва уларнинг мазмунан ранг-баранг қилиб тузилиши ўқувчиларнинг мустақил фикрларини устиради, келажакни реал баҳолаш қобилиятини тараққий эттиради.

**Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усуллари.** Республикамиз раҳбариятининг халқ таълими юзасидан қабул килган қарор ва йўл-йуриклари асосида мактабда бажарилган ва бажарилаётган таълим-тарбия ишларини юритилган хужжатлар орқали аниқлаш усули ҳам мавжуддир.

Мактаб ҳужжатларини текшириш орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, уларнинг педагогик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олинади.

Умуман мактаб хужждатлари дейилганда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг сони, ўқувчиларнинг шахсий жужжатлари, синф жўрналлари, кундалик дафтарлари, буйруқ дафтарлари, педагоглар кенгашининг қарорлари дафтари, мактабнинг режадаги пул ҳисоби ва унинг сарфланишига доир ҳужжатлар, турли инвентарлар дафтари ва бошқалар тушунилади.

**Эксперимент – тажриба синов усули.** «Эксперимент» сўзи лотинча «синаб кўриш», «тажриба қилиб кўриш» маъносини англатади. Экспериментал –тажриба ишлари асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади. Тажриба ишлари таълим-тарбия ўртасидаги қонуний богланишларни аниқлаш, натижаларни ҳисоблаш асосида янги усулларни тадбиқ этишга, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратилади. Шунингдек, таълим тарбия жараённинг боришини, тузилиши ва натижаларини олдиндан кўра билиш имконини беради. Эксперимент усули шароитга қараб уч хилда ўтказилади.

1. Табиий эксперимент;
2. Лаборатория эксперименти;
3. Амалий тажриба.

Педагогик эксперимент ўз мазмунига кўра дидактик, тарбиявий, мактабшунослик муаммолари юзасидан ўтказилади.

Педагогик эксперимент тажриба ишларини ўтказишда қуйидаги талаблар мавждуд:

1) Ишнинг аниқ, илмий жиҳатдан асосланган фаразини аниқлаш ва кутилиши лозим бўлган натижа учун режа белгилаш лозим;
2) Илмий иш ёки педагогик фаолият учун аниқ объект белгилаш, амалга ошириш борасида қўшимча усулларни аниқлаш;
3) Тажриба иши ўтказиш вактинги ва муддатини аниқлаш;
4) Тажриба учун лозим бўлган асбоб-ускуна ва х.к.ларнинг тайёрлиги;
5) Эксперимент натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, тегишли хулоса чиқариш ва тавсиялар бериш керак.

**Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули.** Педагогик тадқиқот статистика маълумотларисиз, уларинг таҳлилисиз ўзлигини намоён этаолмайди. Чунки нафақат илмий изланишлар борасидаги, балки халқ таълими сохасидаги, жумладан ажратилган маблағларнинг оширилиши, халқ таълими муассасаларининг доим ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб кўрилиши, хужалик шартномалари ва улардан тушуётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Давлатимизнинг деярли барча таълим-тарбия муассасалари статистика маълумотлари билан таъминланган, келажак ривожланиш режаларига эга.

Истиклолга кадар статистика сохасидаги чалкашликлар, атайин орттириб, кушиб ёзишлар халқ таълими тьизимида ҳам мавжуд эди. Ўша даврларда назоратнинг бушлиги шунга олиб келди. Халқ таълими сохасидаги ислоҳатлар бу турдаги интизомсизликларга нукта куйди. Демак статистик омил аниқ, ҳаётий бўлса, бажарилаётган таълим-тарбия ёки илмий-тадқиқотларнинг киммати юқори бўлади.

**Математика ва кибернеитка усуллари.** «Кибернетика» грекча «Ролни бажараман», «идора этаман» деган маъноларни англатади. Кибернетика ишлаб чиқаришни, техникани, тирик организмларни, кишилик фаолиятини бошқаришнинг умумий қоидаларини ва воситаларини ишлаб чиқади.

Ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетика машиналари ёрдамида бир хилдан иккинчисига таржима қилиш, дастурли таълим ва уни машини орқали бошқариш, ўқитишни мустахкамлаш, баҳолаш орқали бошқариш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, тоифалаштирилган ва якка тартибда таълим бериш, мактаб ҳисоботини машиниалар ёрдамида тузиш каби жараёнлар бажарилмоқда. Лекин хали Ҳозирча мактаб таълим-тарбия жараёнларига математик ҳисоблаш ва кибернетика ютукларининг кириши суст, талаб даражасида эмас.

## Назоарт топшириқлари:

1. Қайси методнинг илмий-тадқиқотга дахли йўқ деб ҳисоблайсиз?
   а) Кузатиш, суҳбат.
   в) Эксперимент (тажриба- синов)
   с) Муомалали таълим методи.
   д) Мактаб ҳужжатларини ўрганиш.
   е) Анкета ва тестлар.
2. Ўқитувчиларнинг ижодий ишларини ўрганиш.
   а) Тарбия бериш методи.
   в) Мустақил билим олиш методи.
   с) Таълим методи.
   д) Илмий-тадқиқот методи.
   е) Ўз-ўзини тарбиялаш методи.

3. Педагогик экспериментлар неча босқичдан иборат бўлади.
   а) Уч босқичдан.
   в) Икки босқичдан.
   с) Тўрт босқичдан.
   д) Боски билан олиб борилмайди.
   е) Кўзлаган натижага эришгунга кадар.
4. Педагогика тарихига доир тадқиқотлар олиб боришда Қайси методдан кўпрок фойдаланилади.
   а) Экспериментлардан.
   в) Мактаб ва архив ҳужжатларини таҳлил қилиш.
   с) Суҳбат.
   д) Кузатиш.
   е) Математика-кибернетика.
5. Мустақил ишлар, рефератлар, кўрс ишлари, талабалар анжуманларига маърузалар тайёрлаганингизда қандай илмий тадқиқот методларидан фойдалангансиз? Қайси бири яхши натижа берганини ёзма баён этинг.
6. Ҳар бир методни қандай тадбиқ этиш тартибини ёзма баён этинг.
7. Бир вактнинг ўзида бир қанча методлардан фойдаланилганда уларнинг натижаларини таккослаб, яхлит хулосалар чиқариш йўлларини кўрсатиб беринг.
8. Гуруҳингизда ўзаро кузатиш ва суҳбат методларидан фойдаланиб, кичик тадқиқотлар ўтказинг.
9. Педагогик илмий-тадқиқот натижаларини математик жиҳатдан асослаш ва уларни таҳлил этиш тартибини ёзма баён этинг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
3. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарк», 1999.
4. Педагогика. А.К.Мунаввировнинг тахрири остида. Т., 1996.
5. Турсунов.И., Нишоналиев.У. Педагогика кўрси. Т., 1997.
6. Проблемў методологии педагогики и методики исследо-ваний. Под редакцией М. А. Данилова и Н. И. Болдўрева. М., 1971.

**6-мавзу: Дидактика хақида тушунча**

**Ажратилган вакт-2 соат**
**Машгулот тури- маъруза**

## Асосий саволлар:

1. Дидактика тушунчасининг моҳияти.
2. Дидактиканинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва асосий дидактик муаммолар.

## Таянч тушунчалар:

Дидактика, ўқитиш, билим, таълим, билиш, фаолият, ўқитувчи, ўқувчи, «буюк дидактика»

## 1. Дидактика тушунчасининг моҳияти:

**Ўқитувчининг мақсади:** Дидактиканинг моҳиятини талабаларга тушунтиради. Уларга дитактика тушунчасини чуқур эгаллашига ёрдам бериб, ўқитувчилик касбига қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Дитактиканинг моҳиятини тушунтиради.
1.2. Дидактиканинг мазмунини шархлаб беради.
1.3. Дидактиканинг моҳиятини асослаб беради.

Таълим бериш ва ўқитиш назарияси мактаб ўқувчилари билим олиши-нинг ва ўқитувчи фаолиятининг қонуниятларини очиб беради. Ўқитиш жараёнининг моҳияти, принциплари, мазмуни, методлари ҳамда ташкил этилишини белгилайди ва изоҳлайди.

"**Дидактика** " термини юнонча " **didaktiros** " деган сўздан келиб чиққан бўлиб, таълим берувчи деган маънода таржима қилинади.

Я. А. Коменский яшаган даврдан эътиборан дидактик замирида мактаб ўқувчиларини нимага ва қандай қилиб ўқитиш ҳақидаги билимларнинг илмий тузуми тушунилади. Ҳозирги вақтда " **дидактика**" термини билан биргаликда кенг маънода ўқитиш назарияси таълим бериш назарияси ишлатилади.

Дидактика қуйидаги **категорияларни** ўз ичига олади. Ўқитиш жараёни тушунчаси ва моҳияти, ўқитиш принциплари, ўқитиш методлари, ўқитишнинг ташкил этилиши
Дидактика системасини изчил тарзда ўзлаштириш ўқув-тарбия жараёнинг барча жиҳатларини тушунишга, ижодий ёндашишни ва махоратни таъминлашга ёрдам беради. Дидактика ўзига хос тушунчалари ва терминларига эга. Улар асосан педагогика фанинг шу бўлимида қўлланилади. Ўқитиш, таълим олиш, ўрганиш мустақил равишда ўқиш илмийлик, системалик кўргазмалилик, таълим олиш, ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги таълим олишнинг индивидуаллаштириш ва дифференция-лаштириш, дарс, синф, амалий ва лаборатория машғулотлари, ўқув экскурсиялари, ўзлаштириш ва шу кабилар анча кўп қўлланадиган терминлардир.
Ўқитиш назариясини ўзлаштириш учун бу тушунчалардан ҳар бирини илмий маъносини яхши билиш керак.
Демак, дидактика педагогиканинг «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш», ва «қандай ўқитиш» каби саволларига жавоб излайди. Умумий дидактика эса ўз навбатида айрим ўқув фанларига оид усуллар билан жуда мустахкам богланади. Шу усуллар маълумотига таяниб, ўқитишнинг умумий қонуният-ларини ечиб боради. Айни вақтда ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Шарқу-Ғарб маънавий мероси асосида педагогик жараёндан марказий ўрин олган дидактика доимо ривожланиб борди. Буюк алломаларимиз Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий кабилар тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, география, риёзиёт каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олга сурдилар. Улар дунёвий таълимни кенг ривожлантиришга катта хисса қўшдилар.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши А.Авлоний, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, М.Расулий, К. Ниёзий, О.Шарафиддинов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ. Педагогик фаолиятдаги форма-лизмнинг қатъиян олдини олиш, ўқитишдаги муқобил усул, шакл ва воситаларини танлаш, педагогика фани ютуқларини амалга жорий қилиш вақти етди. Усулий ишларни жонлантириш, ўқитувчиларнинг ташаббусларини, ижодий изланишларини ҳар томонлама ривожлантириш, илғор педагогик тажрибани чуқур ўрганиш лозим.

Лекин бу дастурни амалга оширишда хеч бир ҳолда авваллари педагогика ҳамда дидактикада яратилган асарларни Халқ педагогкасининг нодир меросларини четкага суриб қўйиш мумкин эмас. Педагоглар бир қанча авлодларнинг меҳнати билан қўлга киритилган, педагогика фани эришган барча қимматли ютуқлар, замон синовидан ўтган жамики илғор қарашларни авайлаб асраши ва ўша меросдан фаол равишда фойдаланишлари керак.

**Назорат топшириқлари:**

1. Дидактика бу...
   а) тарбия назариясидир.
   в) таълим назариясидир.
   с) таълим-тарбия назариясидир.
   д) ўқитишдир.
   е) ўргатувчидир.
2. Дидактика қандай саволларга жавоб излайди.
   а) нимани қандай ўқитиш.
   в) қандай ўқитиш.
   с) нимага ўқитиш.
   д) нимани, нимага, қандай ўқитиш.
   е) дидактик саволларга.
3. Дидактика қайси категорияларни ўз ичига олади.
   а) ўқитиш жараёни, ўқитиш принциплари, ўқитиш методлари, ўқитишнинг ташкил этилиши..
   в) талим бериш, тарбия бериш, ўргатиш, ўқитиш.
   с) тарбия, таълим, маълумот.
   д) таълим, тарбия, маълумот, ривожлантириш.
   е) таълим ва тарбия.
4. Дидактика тушунчасининг моҳиятини тушунтиринг.
5. Дидактика тушунчасининг моҳиятини шархлаб беринг.
6. Дидактика тушунчасининг моҳиятини ёзма равишда асослаб беринг.

## 2. Дидактиканинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва асосий дидактик муаммолар:

**Ўқитувчининг мақсади:** Дидактиканинг тарихи, асосий дидактик муаммолар ва ривожи ҳақида талабаларга тушунтириб, уларда таълим назариясини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Дидактиканинг пайдо бўлиши ҳақида тушунтиради.
2.2. Дидактиканинг тараққиёти ва асосий дидактик муаммолар ҳақида шархлаб беради.

Ўқитиш тўғрисидаги фикрларни ўтмишдаги файласуфлар ва олимлар қадим-қадимлардаёқ билдиришган. Ўқитиш назариясини илмий билимлар системаси сифатида педагогика фани педагогик тафаккур тарихини биринчи бўлиб Я.А. Коменский 17-асрда яратди, фалсафий фикрларга, Ўша даврдаги мактаблар иш тажрибасини назарий таҳлилига таяниб у ўзининг машҳур "Буюк дидактика" (1658 й) деган асарини ёзди.

Кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки даврларида ўқитиш иши тарбия билан бир бутун ҳолда, узвий боғланган эди. Таълимнинг мазмуни у қадар мураккаб бўлмай кўпинча боланинг катта ёшдагиларга тақлид қилиши, улар билан бирга ишлаши тарзида амалга оширилар эди. Бола каттага тақлид қилиб, унинг ишларидан наъмуна олиб тажрибасини ўрганар ва ўзлаштирар эди. Жамиятнинг тарихий тараққиётида ўқитиш иши маълум даражада тус олди. Билимлар мураккаблашиб ва билим фаолиятини махсус равишда ташкил этишни талаб қилди. Иккинчидан ижтимоий ишлаб чиқаришдаги мулоқат ва тақсимот айрим касбларнинг мутахассисларини тайёрлаш вазифасини ўртага қўйди. Ўқитиш иши таълимнинг ўзига хос мақсадларини мазмунини ва ташкил этилишини акс эттирувчи мустақил характерга эга бўлди.

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда хиссий идрок этиш ҳам, абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб кўриш ҳам бўлади. Билиш икки паллага-назария ва амалиётга бўлинади. Назария янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли фикрдир. Назарияда ғоя шаклланади. Амалиёт билимларнинг хақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш тажриба, ўзгартириш, яратиш–булар амалиёт шаклига киради. Таълим билиш фаолиятининг тури сифатида педагогика фанида бир неча асосий маънони англатади. Бу- ўқувчиларда билим, малака ва кўникмаларни хосил қилиш, уларда дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш, ўқувчиларнинг муайян даражада ўқимишли, фикрли, маданиятли, тарбияли, чин инсон бўлишига эришиш, уларнинг қобилиятларини устиришдан иборатдир.

Таълим инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ўқувчилар ижтимоий тараққиётининг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир. Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади.

Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки томонлама ҳарактерга эга.

Ўқитувчининг фаолияти таълим жараёнининг ташқи томонини ташкил қилади. Чунки у ўқитади, таълим беради.

Ўқувчи фаолияти ички жараённи ташкил этади. Чунки у ўқитувчи берган билимни ўқиб тушуниб олади.

Ўқитиш жараёнининг ички томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материалларини ўзлаштиришдан иборат. Ўқитиш билишдан фарқли уларок муаллим раҳбарлигида амалга оширилади. **Таълимнинг асосий мақсади, вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантирщдан иборатдир.**

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти учта босқичда олиб борилади.

Билимларни ўзлаштириш, воқеъликдаги нарса ва ходисаларни сезиш ва идрок қилиш билиш фаолиятининг биринчи босқичидир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги иккинчи босқичи-билимларни тушуниш ва умумлаштириш.

Учинчи босқич- мустаҳкамлаш ва қўллашдир.

Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли эгаллаб олиш воситаларидан бири–аввал ўзлаштириб олинган билимларни амалда қўллашдир. Амалиёт жараёнида билимлар тўлдириб борилади. Уларни амалда қўлланиш кўникмаси ҳосил қилинади. Амалий вазифаларни ҳал қилиш вақтида билимларга эҳтиёж пайдо бўлади, бу эса янги билимларни эгаллаш учун туртки беради

Ўқувчиларни ривожлантириш ва тарбиялашнинг, ўқув тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг катта имкониятлари мавжуддир. Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб- ҳунар таълими ихлос қилишини асосий йўналишларида диққат эътибордир. Ҳозирги замон ижтимоий ишлаб чиқариш ва фан техника тараққиётти шароитларида ёшларни касб танлашга йўлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашдан иборатдир. 1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"дан келиб чиққан ҳолда ҳозирги яшаб тўрган жамиятимизга юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳозирги демократик жамиятда ёшларни эркин фикрлашга ўргатиш, ёшларни ўз қобилияти, хаваси, кийинишига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрини топишини таъминлаш олдимизга қўйилган вазифамиздан бири ҳисобланади.

Бу борада етук мутахассислар ўз тажрибаларига таянган ҳолда назарий жиҳатдан асосланган бу билимларни амалга тадбиқ этишмоқдалар.

## Назорат топшириқлари:

1. Ўқитиш назариясининг илмий билимлар тизимини биринчи бўлиб ким, қайси асари билан асослаб берган?
   а) К.Д.Ушинский. «Оналар мактаби».
   в) Ю.Х.Хожиб. «Кўтадгу билик»
   с) Я.А.Коменский. «Буюк дидактика».
   д) А.Навоий. «Ҳамса».
   е) А.Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»
2. Таълим жараёнининг мазмунини нималар ташкил этади.
   а) таълим-тарбия.
   в) таълим назарияси.
   с) тарбия назарияси.
   д) билим, кўникма ва малакалар.
   е) билим, таълим.
3. Таълимнинг асосий мақсади:
   а) келажакда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш.
   в) ёш авлодни илмий билимлар, кўникмалар, тарбия билан қуроллантиришдан иборат.
   с) ёш авлодни илмий билимлар, кўникмалар, малакалар билан қуроллантиришдан иборат.
   д) давалатимиз ривожига хисса қўшиш.
   е) ёш авлодни комил инсон қилиб шакллантириш.
4. Таълим жараёнининг икки томонлама хусусиятини ёзма равишда изоҳлаб беринг.
5. Таълим жараёнидаги билиш фаолияти босқичларини шарҳлаб беринг.
6. Таълим жараёнидаги дидактик муаммоларни асослаб беринг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998.
2. Мунавваров А.К. " Педагогика " Т., "Ўқитувчи " 1996
3. С.П. Баранов Т., Ўқитувчи 1996.
4. Ильина Т.А. « Педагогика» М., 1985.
5. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика кўрси. Т., 1996.

**7-мавзу: Таълим жараёнининг моҳияти**

**Ажратилган соат – 4**
**Машғулот тури – маъруза**

**Асосий саволлар:**

1. Таълим жараёни ҳақида тушунча;
2. Таълим жараёни қарама-қаршиликлари;
3. Билимларни ўзлаштириш босқичлари;
4. Ўқувчиларнинг ўқув мотивлар;

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:**

Ўқитиш, ўқиш таълимда икки томонлама жараён, билиш фаолияти турлари, таълим жараёнининг фалсафий асоси, билиш назарияси, билишнинг уч босқичи, таълим жараёнининг функциялари, таълимда қарама-қаршиликлар, билимарни ўзлаштириш босқичлари, ўқув мотивлари.

**1. Асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:**

Таълим икки томонлама жараён, билиш фаолият тури эканлигини, унинг асосий функцияларини ёритиб бериш, талабларни ўқув-тарбия жараёнига нисбатан қизиқишларни ошириш.

**Индентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Таълимнинг бош мақсадини айтиб берадилар;
1.2. Таълимнинг икки томонлама жараён эканлигини очиб берадилар;
1.3. Билиш жараёнининг асосий босқичларига изоҳ берадилар;
1.4. Таълим жараёнининг асосий функцияларини ажратиб кўрсатдилар;

**1-асосий масаланинг баёни**
Таълим жамият тараққиётининг бошланғич босқичларида юзага келган. Болалар катталарга тақлид қилиб меҳнат фаолияти, меҳнат қуроллари тайёрлашни ўрганганлар, сўзлар ва уларнинг маъносини ёд олганлар.
Меҳнат жараёнида инсон табиат қонуниятларини ўзлаштиради, меҳнат қуролларини такомиллаштиради, билим ҳажмини тўлдиради ва чуқурлаш-тирилади. Инсоният тажрибаси бир одам тажрибасига тенг эмас, балки ўзидан олдинги авлодлар ўзлаштирилган ва қилганларини бир тизимга солади ва умумлаштиради. Бундай шарт-шароитда ўсиб келаётган ёш авлоднинг инсоният турли соҳаларда тўплаган

тажрибаларини ўзлаштириши учун имкон берувчи таълим аниқ мақсадга, қаратилган жараёнга айланади. Меҳнат, маданият, фан, санъат, ахлоқ ва бошқалар. Таълимнинг бош мақсади кишини ҳаётга меҳнатга тайёрлашдир.

Таълим икки томонлама жараён, яъни ўқитиш ва ўқиш. Таълим жараёнида ўқувчилар ижтимоий–тарихий тажрибасининг маълум томонларини ўзлаштирадиган мафкура, фан, ахлоқ, меҳнат, адабиёт ва санъат, умумий ва жисмоний маданиятларни ўрганади. Таълим комил шахс шаклланишига асос солади. Таълим ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолият бўлиб, икки ўзаро алоқа жараёнидир. Бунда ўқитувчи руҳий ,назарий ва амалий жиҳатдан тайёр бўлмоғи лозим.

Ўқиш–бу фаол билиш жараён бўлиб, бунда ўқувчининг ақлий имкониятлари, ахлоқий ва иродавий сифатлари, шахсий хусусиятлари ва темпераменти намоён бўлади ва шаклланади.

Бу икки томонлама фаолиятни бир-бирисиз тассаввур этиб бўлмайди.

Таълим инсоннинг билиш фаолияти тури.

Ўқиш-бу билиш фаолияти. Ўқувчи ҳар қандай ўқув материални ўзлаштирилаётганда оламни, дунёни ўрганади, ўзлаштира боради.

Ўқитувчи учун ҳам ўқитиш–бу ақлий билиш фаолиятидир. У ўқув фаолиятида ўзининг билимини чуқурлаштиради, ишнинг янги мазмуни ва усулларни излайди. Йиллар ўтиши билан ўқувчининг маънавий дунёсини, унинг қизиқишлари, қобилият ва имкониятларини янада чуқурроқ билиб боради.

Аммо ҳамма билиш фаолияти ҳам ўқиш ёки ўқитишга тегишли эмас. Билишнинг бошқа шакл ва турлари мавжуд. Масалан: фан, санъат, ўйин, меҳнат. Бу фаолият турларида ҳам инсон атроф оламини ўзлаштиради, билади.

Таълим ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам атроф оламни билишнинг бир тури ҳисобланади. Демак, таълим бу билиш фаолиятининг бир туридир. Таълимнинг моҳияти шундаки у билишнинг умумий қонуниятларига асосланади.

Таълим жараёнининг метадологик, фалсафий асоси билиш назария-сидир. Билиш жараёнини тавсифлашда инсон атроф оламни билишнинг умумий қонуниятларидан келиб чиқмай бўлмайди. Диалектика атроф олам материалли эканлигини ва улар доим ҳаракатда, ривожланишда эканлигини, барча воқеа, ходиса ва предметлар ўзаро алоқадор эканлигини таъминлайди. Инсон атроф-оламдаги тизимни билиш орқали ривожланади. Демак, таълим жараёнининг ўзаро барча таркибий қисмлари, босқичлари ўзаро боғлиқ бўлиб, ўқувчининг оламни тўғри ва чуқур билишга қаратилган бўлиши зарур.

Бизга маълумки, оламнинг билишнинг энг тўғри йўли жонли мушоҳадан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга ўтишдир. Билишнинг биринчи босқичи бу ҳиссий билиши, иккинчи абстракт тафаккур, учинчиси амалиётга ўтиш.

Биринчиси образли билишга тегишли бўлса, иккинчиси қонуниятлар ва тушунчаларни ўзлаштириш жараёнидир.

Таълим ўқувчининг индивидуал психологик ўсиши суръатини тезлаштиради. Чунки, таълим мактабда болани илмий билимлар, қонуниятлар, тушунчалар дунёсига етаклайди. Қисқа муддат ичида ўқувчи инсоният тарихида асрлар давомида ўзлаштирганини ўрганади. Аслида аввал туғилган бола билан бугун туғилган бола ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Аммо бугун туғилган болада ривожланиш тез кечади, бунга имконият бор.

Таълим, илмий билиш, ўйин, меҳнат фаолиятидан фарқ қилади. Ўқишнинг маъноси шундаки, ўқувчи ўқув предмети мазмуни билимларини ўзлаштиради.

Ўйинда билим олиш йўл-йўлакай элементдир. Ўқувчи учун энг муҳими ўйин жараёни ва ундан баҳра олишдир.

Меҳнат фаолиятида эса энг муҳими модий ва маънавий эҳтиёж қондируви меҳнат натижасидир. Бунда билим меҳнатнинг зарур воситаси сифатида фойдаланилади. Таълимнинг илмий билимдан фарқи шундаки таълим жараёнининг мақсади ўқув материални ўзлаштиришдир. Илмий билим учун эса киши ўқув китоблардаги барча қонуниятларни, билимларни билиши керак.

Таълим жараёни (вазифалари) функциялари. Таълим ўз ичига учта функцияни олади: маълумот бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш.
Биринчиси, билимларни ўзлаштиришни, ўқув кўникма малакаларнинг шаклланишини ташкил этувчи жараён. Иккинчиси, ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши билан белгиланади. Бир хилдаги билимлар мажмуаси турли ақлий ривожланиш даражасига олиб келиши мумкин.
Ўқиш доимо ўқувчиларнинг умумий ривожланиш даражасини ошириши лозим. Ривожлантирувчи функциянинг маъноси ҳам шундай.
Учинчи, тарбиявий функция шундан иборатки, ўқув фаолияти ўқитувчини тарбиялайди, унда ватанпарварлик, ахлоқий сифатлар, қарашлар, эътиқод, эстетик ҳиссёт, интизомлилик, меҳнатсеварлик тарбияланади.
Таълимнинг маълумот берувчи, ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларини амалга ошириш ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнига ялпи ёндошишни таъминлайди.

**Назорат топшириқлари**

1.1.1.Таълимнинг бош мақсадини айтинг.
а) ўқитиш
в) ҳаётга тайёрлаш
с) билим бериш
1.1.2.Таълим қандай жараён ?
а) аниқ мақсадга қаратилган
в) ўқув-тарбиявий жараён
1.2.1.Таълим жараёнининг икки томонлама эканлиги нимада?
а) ўқитиш ва ўқитишда
в) таълим-тарбияда
с) ўқитувчи ва ота-онада
1.2.2.Ўқитувчининг вазифаси
а) ўқитиш
в) таълим-тарбия бериш
с) ҳамкорлик
1.2.3.Ўқувчининг вазифаси
а) билим олиш
в) ижтимоий-тарихий тажрибаларни ўзлаштириш
с) ўқитувчи топшириқларни бажариш
1.2.4.Таълимнинг икки томонлама жараён бўлиши учун энг муҳими
а) ҳамкорлик
в) демократия
с) мактаб ва оиланинг алоқаси
1.2.5.Ўқув билиш жараёнида ўқувчиларнинг қандай сифатлари ривожланади ?
а) иродавий
в) шахсий
с) ақлий
1.3.1.Ўқиш қандай фаолият тури ?
а) билиш
в) ақлий меҳнат
с) ўйин
1.3.2. Таълим жараёнининг методологик, фалсафий асоси
а) диалектик қонуниятлари
в) билиш назарияси
1.3.3. Таълим жараёнининг барча таркибий қисм ва босқичларининг ўзаро алоқаси

а) қисман боғлиқ
в) алоқаси йўқ
с) тўлиқ алоқадир

1.3.4. Билиш босқичларини тартибга солинг
а) абстракт тафаккур
в) амалиёт
с) ҳиссий билиш

1.3.5. Образли билиш қайси босқичга тегишли
а) абстракт тафаккур
в) амалий билиш
с) ҳиссий билиш

1.4.1. Таълим нечта функцияни бажаради?
а) битта
в) иккита
с) учта
д) бешта

1.4.2. Ўқувчилар кўникмаларни шакллантириш таълимнинг қайси функциясига тегишли?
а) маълумот бериш
в) тарбиялаш
с) ривожлантириш

1.4.3. Ўқувчилар ақлий қобилиятларнинг қуйидан юқорига ўтказиб бориш қандай вазифа?
а) таълимий
в) тарбиявий
с) ривожлантириш

1.4.4. Дарсда таълимнинг уч вазифасини бажариш шартми?
а) шартми
в) шароитга қараб
с) шарт эмас
д) навбат билан
е) имконият даражасида

1.4.5. Дарс жараёнида тарбия бериш керакми ?
а) дарсдан кейин
в) ҳа
с) йўқ

**2-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади**:
Таълим жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳақида талабаларга маълумот бериш зиддиятларни яратиш ва ечишга нисбатан интилишларини ошириш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Қарама-қаршиликнинг аҳамиятини айтиб берадилар.
2.2. Таълим жараёни қарама-қаршиликлари моҳиятни бирин-кетин ёритиб ўтадилар.

**2-асосий масаланинг баёни:**
Таълим жараёнининг қарама-қаршиликлари ривожланишнинг ривожланиш қарама-қарши кучларнинг курашидир. Масалан: ҳиссий ва ақлий, аниқ (конкрет)ва абстракт, анализ ва синтез (яъни, билиш фаолиятида)кабилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар.
Талим жараёнининг ички, муҳит қарама-қаршиликлари уни ҳаракатга келтирувчи кучларидир.

Таълим жараёнининг асосий қарама-қаршиликларига қуйидагилар киради.

Ижтимоий –тарихий билимлар ҳажми билан ўқувчи ўзлаштираётган билимлар ҳажми ўртасидаги қарама-қаршилик. Чунки таълим жараёнида инсоният тажрибасини тўлиқ ўзлаштириб бўлмайди. Бир кишининг бунга имконияти йўқ. Иккинчидан, ўқитувчи ўқигунча, фан, техника, ишлаб чиқариш, маданият ривожланади. Инсоният тажрибали ўқишдан доимо олдиндадир. Айнан мана шу қарама-қаршилик таълим жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бу қарама-қаршилик доимо маълумот, таълим мазмунини такомиллаштириб туришига олиб келади. Ўқувчининг индивидуал билиш фаолияти, яъни у эгаллаган билим даражаси, шакли ва методлари билан ижтимоий-тарихий билиш, яъни ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билиш даражаси шакл ва методлари ўртасидаги қарама-қаршилик. Бу қарама-қаршиликни ҳал этиш ўқувчининг ақлий ривожланиш суръати ва даражасини белгилайди. Ўқувчи билим билан бир қаторда ижтимоий-тарихий тараққиётда юзага келган анализ ва синтез, умумлаштириш ва абстракциялаш каби билиш операциялари, шакллари, босқичлари, методларини ўзлаштириш керак бўлади.

Ўқувчининг эришган ривожланган даражаси билан таълим жараёнида қўйилаётган ўқув вазифалари ўртасидаги қарама-қаршиликлар. Ўқув вазифаси боланинг билиш имкониятидан озроқ баланд бўлмоғи керак. Акс ҳолда ўқувчида ривожланиш бўлмайди ёки аксинча.

Ўқувчиларни ўқитиш ва ўқиш жараёнида ички ва ташқи қарама-қаршиликлар мавжуд. Масалан: ўқув предмети билан тегишли фан, ўқитувчи эгаллаган билимлар билан у синфга тушунтираётган ўқув материали ўртасида; педагогикани билиш билан амалий фаолиятда уларни қўллаш орасидаги қарама-қаршиликлар ва хакозо.

Демак, ўқув жараёнидаги қарама-қаршиликларнинг юзага келиши, қўйилиши ва ҳал этилиши таълимнинг динамикаси, диалектикасини, ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириши характери, унинг ривожланиши суръатини белгилайди.

## Назорат топшириқлари

2.1.1.Қарама-қаршилик ниманинг асоси ?
- а) таълим жараёнининг
- в) ривожланишининг
- с) ҳаётнинг

2.1.2.Қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган тушунчаларга мисоллар келтиринг.
- а) конкрет ва абстракт
- в) анализ ва синтез ва хакозо

2.1.3.Таълим жараёнида қарама-қаршиликларнинг роли
- а) катта
- в) йўқ
- с) бор
- д) қисман

2.1.4. Қарама-қаршиликлар аҳамиятини исботлаб беринг.

2.2.1. Таълим жараёни қарама-қаршиликларини айтиб ўтинг.

2.2.2. Ижтимоий-тарихий билимлар ҳажми билан ўқувчи ўзлаштираётган билимлари ҳажми ўртасидаги қарама-қаршилик нимага олиб келади
- а) ўқувчилар ривожланишига
- в) таълим мазмунини такомиллашувига
- с) салбий оқибатларга

2.2.3. Ўқувчи ривожланганлик даражаси билан унга қўйилаётган вазифа ўртасидаги фарқ қандай бўлиши лозим.
- а) озроқ баланд
- в) жиддий

с) фарқ йўқ
д) катта

2.2.4. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида зиддият борми?
а) бор
в) йўқ

2.2.5. Фан ва ўқув предмети ўртасида зиддият борми ?
а) бор
в) йўқ

**3 – асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади**: таълим жараёнида ўқувчилар билиш фаолиятини бошқариш учун зарур бўлган тушунчалар билан қуроллантириш.

**Идентив ўқув мақсадлари**

3.1. Билимларни ўзлаштириш босқичларини яхши тушуниб етиш заруратини таъкидлайдилар.
3.2. Билимларни ўзлаштириш босқичларига изоҳ берадилар

**3 – асосий масаланинг баёни:** Билимларни ўзлаштириш босқичларини ўқитувчи ҳар томонлама билмоғи лозим. У ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятларига раҳбарлик қилиш учун ўқувчининг билимларни ўзлаштириш босқичларини, яхши тасаввур этиш зарур. Биринчи босқич-идрок. Психологиядан маълумки, идрок бу аниқ мақсадга қаратилган билиш жараёнидир. Идрок танлов характерига эга. Шунинг учун ҳам дарсда ўқувчиларга энг аввало мавзуни эълон қилиш зарур, яъни нимани ўрганишларини айтиш керак.

Шундан сўнг ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар тайёргарлик ишини кўрадилар. Ўқув материали билан дастлабки танишув бошланади. Бу ўз ичига реал ва тасвирий предметлар, воқеа ва ходисаларни кузатишни олади.

Ўқувчилар ўрганишлари керак бўлган воқеа, ходиса, предметлар хақида етарлича тасаввурларга эга бўлганларида ва ўқув вазифасини тушуниб етганлардагина биринчи босқич тугайди. Иккинчи босқич-Ўқув материалини англаб етишдир. Бу босқичда болалар асосий фикрни топишлари, тушунишлари, ажратишлари, уларнинг белгиларини асосий ишлари, изоҳ берилаётган материалга аниқлик киритишлари, мисоллар ва тушунтирилаётган фактлар мажмуасини ўзлаштириб олишлари зарур.

Бунда ўқувчилар билимда тизимлилик бўлиши керак, чунки, унда асосий, иккинчи даражали, қўшимча, изоҳ берувчи элементларни ажрата олсин.

Агар ўқувчилар ўқув вазифасини ечиш йўлларини тушуниб етсалар ва билимлардаги тизимлиликни англаб етсалар бу босқич ўтиб бўлинди деб ҳисоблаш мумкин.

Учинчи босқич-эслаб қолиш ва мустаҳкамлаш. Бу босқичнинг вазифаси олинган билимларни узоқ муддатга эсда сақлаб қолишдир. Бунда ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари машқ, мустақил ижлодий иш характерга эга бўлади. Назарий материал, тушунча, қоида, исбот турли хилдаги машқларда қайтарилади. Тушунча белгилари мустаҳкароқроқ мустаҳ-камлашади, қоида, теоремалар, қонунлар янада яхшироқ бўлади. Ўқитувчи бу босқичда ўқувчилар онгли равишда машқларни бажаришларни кузатиши лозим. Акс ҳолда ўқувчилар механик равишда иштирок этиши мумкин.

Учинчи босқич сўнгида ўқувчилар назарий материални билишлари ва уни машқларни бажаришда, вазифаларни ечишда, теоремаларни исботлашда қўллай олиш кўникмасига эга бўлишлари зарур. Уларда ўқув кўникмалари ва малакалари шаклланади.

Тўртинчи босқич–ўзлаштирилган билимлар, кўникма ва малака-ларни амалий фаолиятда қўллаш билан белгиланади. Айниқса бу босқич мактаб участкасида ишлаш вақтида, ўқув устахоналарида, лобаратория-ларда ҳамда тракторларда, комбайнларда ва бошқа машиналарда ишлашга ўргатишг ўқув жараёнида амалга оширилади.

Бу масалани ҳал этишда синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларнинг ҳам имкониятлари катта. Ўқувчиларнинг ёш техниклар, спорт, бадиий тўгараклар ва бошқа тадбирларда иштирок этишлари ўқув кўникма ва малакаларини турли амалий фаолиятлар билан боғлаб олиб боришларига ёрдам беради.

Таълимни амалий фаолият билан қўшиб олиб бориш ўқувчиларни ахлоқий сифатлар, қизиқиш ва эҳтиёжлар, ижобий ўқув мотивлари шаклланишини таъминлайди.

**Назорат топшириқлари**

1.1.1 Ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини тўғри бошқариш учун нимани яхши билиши керак?
а) қарама-қаршиликларни
в) билиш босқичларини
с) билиш назариясини

1.1.1. Ўқитувчи билимларни ўзлаштириш босқичларини билиши зарурми?
а) ҳа
в) маълум даражада
с) йўқ
г) албатта

1.1.2. Билимларни ўзлаштириш босқичлари нечта?
а) 2 та
в) 3 та
с) 4 та

1.1.3. «Идрок» билимларни ўзлаштиришнинг нечанчи босқичи?
а) биринчи
в) иккинчи
с) учинчи
д) тўртинчи

1.1.4. Ўзлаштиришнинг қайси босқичида ўқувчиларда тасаввур ҳосил бўлади?
а) биринчи
в) иккинчи
с) учинчи
д) тўртинчи

3.2.1. Ўзлаштиришнинг иккинчи босқичига изоҳ беринг.

3.2.2. «Англаб етиш» билишнинг қайси босқичига таалуқли?
а) биринчи
в) иккинчи
с) учинчи
д) тўртинчи

3.2.3. Билимларни ўзлаштиришда, уларни англаб етишда муҳим шарт.
а) асослаб бериш
в) билимлардаги тизимийлик
с) изоҳлаб бериш

3.2.4. Эсда сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш нечанчи босқич?
а) биринчи
в) иккинчи
с) учинчи
д) тўртинчи

3.2.5. Ўзлаштиришнинг тўртинчи босқичида нима қилинади?
а) тўртинчи босқич йўқ
в) машқ, ижод
с) амалий иш

3.2.6. Машқ бажариш, мустақил ишлар бажариш ўзлаштиришнинг нечанчи босқичи?

а) биринчи
в) иккинчи
с) учинчи
д) тўртинчи

**4-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:** ўқув мотивлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, ўқувчиларни ҳар томонлама ўрганишга қизиқтириш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

4.1. Ўқув мотивларига таъриф берадилар.
4.2. Ўқув мотивларини гуруҳларга ажратадилар.

**4-асосий масаланинг баёни:**
Ўқувчиларнинг ўқув мотивлари катта аҳамиятга эга. Психоло-гиядан маълумки, мотив-бу инсонни бирор нарсага ундовчи сабабдир. Ўқувчиларнинг ўқув мотивлари-таълим жараёнининг муҳим томон-ларидан биридир. У кўп жиҳатдан ўқувчи шахсининг йўналишини, унинг муваффақияти ва муваффақиятсизлигини белгилайди. Ўқув мотивлари ижобий, дахлсиз, салбий ёки шу томонларнинг ҳамоҳанглиги тарзида бўлиши мумкин.
Ижобий мотивларга билимга интилиш, яхши баҳо олиш истаги, ота она ва ўқитувчи олқишига сазовор бўлиш, ўз тенгдошлари ўртасида ҳурматга эга бўлиш, мутахассислик олиш, меҳнатга интилиш, ватанга фойда келтириш истаги, ўзи севган ўқитувчи, меҳнат қаҳрамони, бадиий адабий қаҳрамонлари, яъни ўз идеалларига тақлид қилишлари киради.
Ўқитувчининг асосий вазифаси ҳам мана шу мотивларни ривожлан-тириш, мустаҳкамлашдан иборат.
Дахлсиз ўқув мотивларига спорт билан шуғулланиш истаги, тенгдошлари билан ўйнаш ҳохиши (айниқса бошланғич синф ўқувчиларида); кинофильм ва телекўрсатувларга қизиқиш, хордиқ чиқариш фаолият турлари бўлган балиқ ови, тўқиш, коллекция тўплаш кабиларни киритиш мумкин. Бундай мотивлар ўқувчилар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Лекин, улар ўқув жараёнига на ижобий на салбий таъсир кўрсатади.
Ўқитувчининг вазифаси, биринчидан, ўқув жараёнига дахлсиз бўлган бу мотивларни билиши, иккинчидан, бу мотивларга таъсир кўрсатиб уларни ижобий ўқув мотивларига айлантиришдир.
Ўқувчилар ҳаётида жуда кўплаб ўқишга ҳалақит берувчи, билимлар ўзлаштириш жараёнига салбий таъсир этувчи мотивлар учрайди. Булар орасида ўқув истагининг йўқлиги, ўқишни эплай олмаслик, ўзининг ўқув меҳнатини ташкил эта олмаслик, ўқишдан орқада қолиш, билим, кўникма ва малакаларнинг етишмаслиги, тартибсизлик, ўртоқларининг ва оилавий шароитининг салбий таъсири кабилар кенг ўрин эгаллайди. Айрим ҳолларда ўқитувчи ишининг сифатсизлиги, болаларга ҳурмат-сизларча муносабатда бўлиши ҳам ўқишга салбий муносабат келтириб чиқаради.
Бу эса ўзлаштиришнинг сусайишига, юзаки билим олишга олиб келади. Энг муҳими-ўқувчи шахсининг ахлоқий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ўқувчилар қолоқликка секин аста кўника бошлашади.
Ўқитувчи олдига ўқувчиларни қайта тарбиялаш каби оғир вазифа туради: яъни, ҳеч бўлмаганда салбий мотивларни дахлсиз мотив даражасига, ҳамда ижобий ўқув мотивларни тарбиялаш туради. Ўқувчини қўллаб қувватлаш, унда ўз кучига ишонч ҳосил этишга ёрдам бериш, ўқитувчи ишида муҳимдир. Чунки, ҳар бир ўқувчи ёмон ўқишни, қолоқ бўлишни истамайди.
Ижобий ўқув мотивларини ривожлантириш ва шакллантиришнинг асоси ўқув фаолияти, таълимда билишга бўлган қизиқишни ривожлантиришдир. Бошланғич мактабларда ўқитувчи етакчи ўрин эгаллайди. Чунки, болалар ҳали тажрибасиз, ўзини бошқаришда, қайта тарбиялашда қийналишади. Синфни ва ҳар бир ўқувчини яхши билган моҳир

ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини фаоллаштириш йўли ва усулларини топади. У материал мазмунини ўқувчининг шахсий тажрибаси билан боғлайди. Бу эса ўз навбатида ўқувчида билишга бўлган қизиқишни ривожлантиради.

Муаммоли вазиятни ташкил этиш ўқув машғулотига қизиқиш ўйғотади. қизиқарли амалий машғулотлар, сайёҳатлар, кузатувлар, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ҳам ўқишга иштиёқ туғдиради.

**Назорат топшириқлари**

4.1.1. Мотив деганда нимани тушунасиз?

4.1.2. Ўқув мотиви нима?

4.1.3. Таълим жараёнида ўқув мотивининг аҳамияти?

а) бор
в) йўқ
с) катта
д) ўртача
е) қисман

4.14. Ўқув мотиви таълим жараёнининг нимасини белгилайди?

а) моҳиятини
в) ўқувчининг муваффақиятини
с) зиддиятларини
д) қарама-қаршиликларни
е) асосини

4.1.5. Ўқув мотивлари нечта турга бўлинади?

а) битта
в) иккита
с) учта
д) тўртта
е) бешта

4.2.1. Ўқув мотивлари қандай кўринишларда учрайди?

а) алоҳида-алоҳида
в) ҳар хил
с) аралаш
д) бир хил
е) турлича

4.2.2. Яхши баҳо олиш истаги қандай ўқув мотивига киради?

а) дахлсиз
в) ижобий
с) салбий

4.2.3. Ижобий ўқув мотивини ажратиб кўрсатинг.

а) ижодни севиш
в) ҳурмат қозониш
с) ҳордиқ чиқариш

4.2.4. Ўқув мотивларини ўзгартириш мумкинми?

а) ҳа
в) йўқ
с) қисман
д) мутлақо
е) ҳеч қачон

4.2.5. Ўқувчиларни ўқишга бўлган иштиёқини ошириш йўллари.

а) ширин сўз
в) эртак ва ҳикоялар
с) муаммоли вазиятлар

**Мустақил ишлар**

1. Фалсафа фанидан билиш назариясини ўқиб ўрганиш.
2. Билиш жараёнининг психологик ҳусусиятларини таҳлил этиш.
3. Диалектиканинг асосий қонуниятлари ва педагогик жараён.
4. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг билим ўзлаштириш жараёни бос-қичларини кузатиш.
5. Ўқувчилар ўқув мотивларини фарқлаш ва ўрганиш малакаси.

**Фойдаланган адабиётлар.**

1. Туленов Ж., Ғофуров З. Фалсафа. Т., 1997 й.
2. А. К.Мунавваров. Педагогика. Т., 1996й. 62-67 бетлар.
3. И.Турсунов., У. Нишоналиев. Педагогика курси. Т., 1997 й.

## 8-мавзу: Таълим қонуниятлари ва қоидалари

**Ажратилган вакт-4 соат**
**Машгулот тури- маъруза**

**Асосий саволлар:**

1. Педагогикада қонуният ва қоида тушунчаси.
2. Таълим қоидалари таснифи

**Таянч ибора ва тушунчалар:**

Қонуният, қоида, барқарорлик, зарурият, ходиса, жараён, таълимнинг мазмуни, умуминсоний тарбия, таълим қонуниятлари, таълим қоидалари, эътиқод, тафаккур, дарс мазмуни, амалий фаолият, назарий билимлар, ишлаб чиқариш амалиёти, юксак самарадорлик, диаграмма, лаборатория.

### 1. Педагогикада қонуният ва қоида тушунчаси:

**Ўқитувчининг масади:** Педагогикада қонуният ва қоида тушунчасининнг моҳиятини тушунтириб, уни асослаб беради.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Педагогикада қонуният ва қоида тушунчасининг моҳиятини тушунтиради.
1.2. Педагогикада қонуният ва қоида тушунчасининг моҳиятини асослаб беради.

Маълумки, қонуният-бу барқарор, зарурий у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мўтаносиблик ва муҳим алоқа. Ижтимоий эҳтиёжлар ва шароитлар ўқув жараёнининг ҳарактери, унинг вазифалари, мазмуни, шакллари: усуллари ва воситалари қонуний равишда аниқлаб беради. Агар ўқитиш жамият талабларини эътиборга олмаса, у ҳолда уни, албатта, қайта кўриш, такомиллаштириш керак.
Демак, таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур.

Ифодаланган қонуний дидактик алоқаларни ва ўқитиш қоидаларини илмий асосланган ўзаро боғланишда қўллаш кўникма ва малакаларни чуқур, пухта, онгли ва таъсирли ўзлаштирилишини таъминлайди. Ўқитишни айнан шундай натижага қаратиш унинг онглилик, пухталик, таъсирчанлик қоидаларини ҳарактерлайди.

Таълимнинг мазмуни ҳаёт, ҳозирги замон фани билан боғланган бўлганлиги учун ҳам, вазифаларда мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш муаммолари, ишлаб чиқаришни механизациялаш, автомат-лаштириш, компьютерлаш кабилар асосида интенсивлаш ўз аксини топиши керак.

Ҳар бир ўқитувчи шуни англаб етиши муҳимки, ўқув жараёнини самарали кўриш - бу, ишда ўзини оқлаган педагогик қонуниятлар, қоидалар, дидактик қоидаларни ҳозирги замон шароитидаги янги масалаларни хал қилишда ижодий фойдаланган ҳолла, улардан бутунлай ва ўзаро алоқада фойдаланиш демакдир.

Ўқитишнинг муқобил томонларини танлаш учун бутун қонуниятлар бирлигини ва дидактик қоидаларини эътиборга олиш зарур.

Ўқитиш қонуниятларидан уни самарали ташкил қилишга нисбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни ўқитиш қоидалари деб атайдилар-Ўқитиш қоидаларини билиш ўқитишнинг зарур усулларини янада ишончлироқ танлашга имкон беради.

Таълим қоидалари - ўқитувчининг фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билмларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл – йуриқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим қоидалари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи ва ўқувчи томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради.

Таълим қоидалари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқитувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонунларининг йиғиндисига айтилади.

Сўнгги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган ҳолла қуйидагича таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси.
2. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши қоидаси.
3. Таълимнинг тарбияловчилик ҳарактери.
4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши қоидаси.
5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси.
6. Таълимда кўрсатмалилик қоидаси.
7. Таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш.
8. Таълимда илмий билим ва кўникма, малакаларни пухта, мустахкам ўзлаштириш қоидаси.
9. Таълимнинг ўқувчига мос бўлиши қоидаси.
10. Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси.

## Назорат топшириқлари:

1. Қонуният бу –

а) Барқарор, зарурий у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутоносиблик ва муҳим алоқа.

в) Барқарор, зарурий у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим алоқа.

с) Зарурий у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутоносиблик

д) Барқарор, зарурий у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутоносиблик ва уларнинг жамият билан боғлиқ ҳолда ўзгариши.

2. Таълим қоидалари ўз ичига нималарни олади.

а) Ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилишини, тегишли кўникма ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади.
в) Ўқитувчининг фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билим-ларнинг ўзлаштирилишини, тегишли кўникма ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади.
с) Ўқитувчининг фаолиятини ва улар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилишини, тегишли кўникма ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади.
д) Ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилишини, малакалар хосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларини ўз ичига олади.

3. Таълим қоидалари бу-

а) Умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оши-ришга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йуналиши, ўқитувчилар тоимонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонуниятлари йиғиндисига айтилади.
в) Ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқитувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонуниятлари йиғиндисига айтилади.
с) Миллий тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, билим ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонуниятлари йиғиндисига айтилади.
д) Умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оши-ришга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, билим ва малакалар хосил қилишнинг асосий қонуниятлари йиғиндисига айтилади.

4. Педагогикада қонуният ва қоида тушунчасининг моҳиятини изоҳланг.
5. Педагогикада қонуният ва қоида тушунчасининг моҳиятини шарҳланг
6. Педагогикада қонуният ва қоида тушунчасининг моҳиятини асосланг.

## 2. Таълим қоидалари таснифи:

**Ўқитувчининг мақсади:** Талабаларга қоида таснифи ҳақида тушунтиради, уларни мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотади.

### Идентив ўқув мақсади:

2.1. Таълим қоидалари таснифини тушунтиради.
2.2. Таълим қоидалари таснифини асослаб беради.

## ТАЪЛИМНИНГ ИЛМИЙ БЎЛИШ ҚОИДАСИ

Илмий бўлимлар-воқеликнинг хаққоний инъикосидир. Теварак- атрофини ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарса ва ходисаларнинг ички муҳим хоссаларини ва ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билимларгина илмий ҳисобланади.
Таълимнинг илмийлиги қоидаси ўқувчининиг ўқув материалидаги қонуниятларни акс

эттириши, тушиниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Назарий қоидаларни тушиниш - материални илмий асосида изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у ўқувчининг фикрлаш фаолияти хусусиятларини белгилайди. Илмий-билимлар илмийлигича қолиб, воқеликни ҳар хил бўлиш қоидаси. Илмий изоҳ таълимнинг ҳамма босқичларида, ҳар бир синфда илмийлик қоидалари вазифаларидан бири - назарий маълумотлар тизимини шу маълумотларда теварак- атрофдаги дунёни қанчалик чуқур акс этганлиги нуқтаи назаридан билиб олишдир.

Илмийлик қоидаси барча гуруҳлардаги ва турли ўқув юртларидаги ўқувчиларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан ишонарли, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади.

Илмий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчиларда илмий дунё қараш, эътиқод таркиб топади. Тафаккур ривожланади.

Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси таълим жараёнида ўқувчиларни Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасига мувофиқ келадиган илмий билимлар билан қуроллантириш, ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришни таъминлашга қаратилган.

Дидактиканинг илмийлик қоидаси мактаб таълимнинг мазмунигагина алоқадор бўлиб қолмай, ўқитиш усулларига ҳам алоқадордир. У таълим жараёнида фан-техника ютуқларидан фойдалана оладиган ўқитиш усулларини такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

## ТАЪЛИМНИНГ ТИЗИМЛИ ВА ИЗЧИЛ БЎЛИШИ ҚОИДАСИ

Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир давридаги мактабнинг тарихий тажрибаси таълим вазифасини маълум бир тизимсиз бажариб бўлмаслигини кўрсатади.

Ўқув материалини тушунтириш тизими ўқув материали аниқ баён қилинган ғояларга, ўқитувчи бу ғояларнинг қайсиларини тушунтирмоқчи эканлигига, болалар ёши, уларнинг билимларни ўзлаштиришга қанчалик имконият беришини, ўқитувчининг яхши билиш билмаслигига, шу ёш ва шу савиядаги болаларга хос фикрлаш фаолиятининг хусусиятларига, дарсдаги билимларни ўзлаштириш жараёни одамда қандай тушунилишига боғлиқдир.

Ҳозирги замон дидактикаси ўқитишда хусусийдан умумийга қараб боришни талаб қилувчи классик қоидага ўзгартиришлар киритди. Кўп ҳолларда бошланғич синфлардаёқ умумий ҳолатлардан якка хусусий ҳолатларга бойиш мумкинлиги исботланади, шу муносабат билан. анчагина вақт тежалади ва ютқизилмайди, аксинча, ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш ишида ютуқларга эришилади.

Дарс мазмунининг муқобил тузилишини танлаш, ўқитишдаги дидактиканинг тизимлилик қоидасини ҳисобга олишни талаб қилади.

Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамлансин, эртага ўрганиладиганларга замин ҳозирласин.

Яъни ўтилаётган фан ёки баён қилинаётганлиги материалнинг ўқувчиларнинг олдинги ўзлаштирган илмий билимлари, кўникма ва малакалари билан изчил ва узвий боғланиши, шу билан бир вақтда ўқитилаётган ўқув материалларини ўзлаштириш орқали келажакдаги билимларни ўзлаштиришга, шунингдек навбатдаги таълим босқичига замин яратилиши назарда тутилади.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир. Изчилликка асосланган таълимнинг ҳарактерли белгиси шундаки, у ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билим ва малакалари замиридалиги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро боғланишларини такомиллаштириш ва аксинча, билимларни баҳс қилиш жарёнида олдиндан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилгандир.

Тизимлилик ва изчиллик ўқувчиларда ҳар қайси ўқув фанларининг бир - бири билан узвий боғлиқ бўлишини кўрсатишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таълимнинг тизимли бўлиши қоидаси баён қилинаётган ўқув материалаларини мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган материалларини тўлдиришга хизмат қилишини; ўқувчиларнинг узлуксиз ва тизимли суратда мустақил иш олиб боришларини, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришни ҳам ўз ичига олади.

Тизимлилик ва изчиллик қоидалри ўзаро боғлиқ бўлган алоҳида ўқув фанларини ҳамда кундалик ўқув материалларини мантиқий жиҳатдан бир бирига мустаҳкам боғлиқ ҳолда ва муайян бир тартибда ўқитиш ҳамда таълим жараёнида ўқувчиларни тизимли илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишларини таъминлайди.

## ТАЪЛИМ ДА ТАРБИЯНИНГ БИРЛИГИ ҚОИДАСИ

Мактаб ўқувчиларига таълим бериш, тарбиялаш ва уларнинг умумий ривожланишлари бир бутунликда амалга ошириш зарур. Таълим тизимида таълим тарбиянинг бирлиги қоидаси асосий ва етакчи қоидалардан бири ҳисобланади. У дидактик қонунларнинг ўқиш ва ўқитиш борасидаги туб моҳиятини ифодалайди. Бинобарин ўқув фанларининг ҳар бири, хатто, айрим мавзу ва мавзучалари ҳам, шубҳасиз, тарбияловчилик ҳарактерига эга.

Таълим жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга, бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Демак, бир бутун таълим жараёнида икки ўзаро боғлиқлик: ҳаётни билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш жараёни ажралиб туради.

Мактабда бериладиган таълим билан тарбия ўртасидаги педагогик жараённинг бутунлигини таъмин этувчи узвий бирлик ҳамиша мавжуд.

Мактаб таълимида ўқувчилар табий фанларни-математика, химия, биология, астрономия ва бошқа фанларни ўзлаштириш орқали илмий эътикодлари шакллана боради. Улар дунёни ўрганиш мумкинлигини илмий асосда англаб оладилар, ҳақиқатга ишонч билан, ёлғон нарсаларга нафрат билан қарай оладиган бўладилар. Улар бутунлай хаққоний хукм чиқарадиган ақлли, идрокли, имонли инсон бўлиб етишадилар.

Мактаб таълимида гуманитар фанларнинг ҳам тарбиявий моҳияти жуда муҳимдир. Тарих фанини ўрганиш орқали ўқувчилар жумҳуриятимиз тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, моддий- маданий, илмий-сиёсий, маънавий жиҳатдан ривожланиши, адабий-бадий мероси, бобокалонларимиз томонидан қолдирилган қимматли хазиналиримиз, ҳозиргача ўрганилмай қолган халқ педагогикаси дурдоналари билан танишадилар. Адабиёт ва санъатни ўрганиш ўқувчиларни чин инсон қилиб тарбиялашдаги энг зарур шартлардандир.

Таълим-тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма-хил усул ва услубларидан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айниқса, таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

а) баён қилинаетган ўқув материалларининг мазмуни ҳам илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши;
б) ўқитилаётган теманинг илмий ва тарбиявий моҳиятини очиб берилиши, таълим жараёнида ҳадислардан фойдаланиш имкониятини яратилиши;
в) баён қилинаётган пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;
г) таълимда муаммоли жарённи вужудга келтириш, ўқувчиларнинг қизиқишлари, активлик ва ташаббускорликларини таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши,
д) таълим жараёнида ўқувчиларнинг уюшқоқлик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам хисларини тарбиялашни таъминламоқ зарур.

## ТАЪЛИМДА НАЗАРИЯНИНГ АМАЛИЁТ БИЛАН БОГЛАБ ЎҚИТИШ ҚОИДАСИ

Дидактикада таълимни турмуш билан, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи қоидадир. Илмий билимлар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти эҳтиёжлари асосида пайдо бўлиб, ана фаолияга хизмат қилганлиги ва хаёт билан боғланганлиги сабабли, билимларни эгаллаш учун уларнинг мазмунини ўзлаштириб олишгина эмас, балки билимларни амалда қўллай билиш ҳам керак.

Бу қоида таълимнинг илмий қоидаси билан мустаҳкам боғлангандир. Ўқувчилар илм билан қуролланар экан, илмни назарий жиҳатдан ўрганар экан илмнинг амалий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганини, ишлаб чиқариш кучларини қандай тараққий этганини, техника ва иқтисод соҳасидаги янгиликлар илмни табора ривожлантириб боришини, илм эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва ҳаётни яхшилашга ёрдам беришини билиб борадилар. Бинобарин, баркамол инсон тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳам, таълимнинг мазмуни ҳам, ўқитиш усуллари, таълимни ташкил этиш шакллари ҳам назария билан амалиётнинг бирлигига асосланади.

Мактаб таълими тизимида назария билан амалиётнинг бирлиги қоидаси даставвал ўқув фанининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятига боғлиқ ҳолда ўқиш жараёнида амалга оширилади.

Бу бирлик илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, ўқув материалларини идрок қилиш, англаш шунингдек, уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий операциялар билан боғлиқ ҳолда бир бутун жараённи ташкил этади.

Таълим жараёнида ўқувчилар томонидан математика, физика, биология, химия, астрономия ва башка табиий фанлардан ўзлаштирган назарий билим, кўникма ва малакалар ўқув тажриба хоналари ва лабораториялари, замонавий техника воситалари, тажриба ер участкалари ва ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида қўлланилади. Бу машғулотлар уларни келгусида зарур бўлган тажриба билан қуроллантиради.

Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг бирлиги қоидасининг изчиллик билан амалга оширилиши оқибатидагина ўқувчилар ўқув материалининг туб моҳиятини, табиий ва жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри, чуқур тушуниб оладилар ва келажакда амалий фаолиятлари учуй зарур бўлган махорат, кўникма ва малакалар ҳосил қилади.

Ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш назарий билимларни эгаллаш жараёнида бошланади. Кейинчалик у лаборатория ва амалий машғулотларда давом эттирилади. Бу машғулотларда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тажриба шароитида олган билимларнинг ишонарли эканлигини текширадилар, мустаҳкамлайдилар ва чуқурлаштирадилар. Билимларни амалда қўлланиш малакаларини ҳосил қиладилар.

Ишлаб чиқариш таълими ўқувчилар амалий фаолиятининг муҳим босқичидир. Улар эгаллаб олган назарий билимлар асосида танлаган касбларига доир меҳнат кўникмалари ҳосил қиладилар. Шу билан бирга назарий билимларга ҳам аниқ киритаб борилади.

Ўқувчиларнинг корхоналарда ўтказадиган ишлаб чиқариш амалий машғулотлари ўқишни унумли меҳнат билан боғлаб олиб боришнинг якунловчи босқичидир. Амалий машғулотларда ўқувчиларнинг бажараётган ҳамма ишлари орқали уларда фан асосларини ўрганиш ва меҳнатга бўлган қизиқиш, интилиши табора ривожланади, меҳнатга бўлган муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурмат, эҳтиром камол топади.

## ТАЪЛИМДА ОНГЛИЛИК, ФАОЛЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИК ҚОИДАСИ

Бу қоида ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадики, бунда ўқувчилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол эгаллаб олишади. Уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади.

Ўқитишнинг онгли қоидаси ўқувчиларнинг материални идрок қилишда таърифлар, теоремалар, адабиётдан шеър ёдлаш ва ҳоказоларнинг ифодаланишигина эмас, балки

уларнинг ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини ҳам тушунишларини талаб этади. Акс ҳолла билимларда юзакичилик авж олади, унда материал қуруқ ёдлаб олинган бўлади. Ўқувчилар уни қайта айтиб бера оладилар, лекин унинг моҳиятини тушунмайдилар ва амалий фаолиятларида қўллай олмайдилар.

Билимларни онгли равишда ўзлаштириш ўқувчиларда бу билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишини, эмоционал кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади. Ўқувчининг билимларини ўзлаштиришга фаол муносабатда бўлиши унинг билиш фаолиятини активлашишига ёрдам беради.

Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришни назарда тутади. Мустақил тафаккур турли усуллар билан ҳосил қилинади. Тафаккурни шакллантириш усулларидан бири мустақил ҳал қилиш, муаммоли вазифалар қўйишдир.

Таълим жараёнида ўқувчилар фаоллиги, даставвал, уларнинг ақлий фаолияти-тафаккур қилиш фаолиятидир. Шунга кўра, таълимни онгли ўзлаштириш қоидаси, бир томондан ўқувчиларни мустақил, фаол фикр қилишларини назарда тутса, иккинчи томондан, айнан шу жараён давомида ўқувчиларни мустақиллик ва фаолликларини ҳамда мантиқий фикр қилиш фаолиятларини тарбиялаб, такомиллаштириб боришни назарда тутади.

Онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларни меҳнат ва ўқишда ижодий фаолият усулларига ўргатишни талаб қилади. Қайта куриш даврининг мактаб ва халқ таълими олдига қўйган талаблари ҳам шу мақсадга қаратилган.

Худди шу мақсадга мактаблар ҳақидаги ҳужжатлардаги тавсиялар - дарснинг ташкил қилишнинг фаол шаклларини қўллаш, юқори синфларга маъруза ва семинар машғулотларини бирга қўшиб олиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия, унумли меҳнат давомида ўқув ҳарактеридаги топшириқларни бажариш ва бошқалар хизмат қилади. Ўқувчилар фаоллигини ривожлантириш, уларнимг ўқув фаолиятларининг такомиллаштириш туфайли айни вақтда ўқитишда юксак самарадорликка эришилади, яъни ўқув жараёни тезлашади.

## ТАЪЛИМДА КЎРСАТМАЛИЛИК ҚОИДАСИ.

Таълимнинг кўрсатмалилик қоидаси дидактик қоидаларнинг бири бўлиб, у ўқитиш жараёнининг сифатини оширади, ўқувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради.Ўқитишнинг кўрсатмалилиги шуни тасдиқлайдики, агар ўқувчиларда ўрганилаётган нарса ва ходисаларни бевосита идрок қилишга боғлиқ муайян ҳиссий амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларни онгли суратда ўзлаштирадилар. Бу қоида ўқитиш жараёнида кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм-маъза билиш, тери, мускул-ҳаракат каби сезги органларининг бир………………. иуда обекет устала сафарбар қилинишини талаб этади.

Кўрсатмалилик қоидаси таълимнинг етакчи қонун -қоидаларни ва талабларни амалга оширишда воситачилик. Чунончи:

1. Баён қилинаётган теманинг мазмунига мос келадиган материаллардан унумли ва тўғри фойдаланиш ўқувчиларнинг ўтилаётган материални ўзлаштиришга бўлган қизиқишини таъминлайди. Дарс қизиқарли бўлади.
2. Таълимда қўлланилаётган кўрсатмали қуроллар ўқувчиларнинг қай даражада яққол ва аниқ, образни идрок қилишини таъминласа ва кузатаётган объектга мумкин қадар кўпроқ сезги органлари сафарбар қилинса, ўқув материаллари шунчалик тез, қулай ва осон ўзлаштирилади, узоқ вақт эслаб қолиш ҳамда қайта эсга тушириш мумкин бўлади, оқибатда ўқув материалларининг пухта ўзлаштирилиши таъминланади.
3. Кўрсатмали материаллар орқали ўқувчилар объектив борлиқдаги нарса, воқеалар билан, уларнинг хусусияти, белгилари билан танишади. Мавҳум ходисаларнинг аниқ образлар орқали идрок қилиниши натижасида ўқувчиларни мантиқий фикр қилиш қобилиятлари ривожланади. Ўқувчи-ларнинг айниқса схема, жадвал, диаграмма каби материаллар устида иш олиб боришлари ва материал хусусиятларини таққослаш, таҳлил

қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқаришлари алоҳида аҳамиятга эгадир.
4. Ўқув материалларининг кўрсатмали бўлиши ўзлаштирилган илмий билимларни тажрибада, ишлаб чиқариш амалиётида қўллана олишлари учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан ҳам қуроллантирилади.

Таълимда кўрсатмалиликнинг самарали натижалар бериши учун унинг бошқа томонларига ҳам эътибор бериш керак.
**Биринчидан**, ишлатиладиган кўрсатмали қуроллар у ёки бу синф ўқувчиларининг ёши ва ўзига хос характер хусусиятлари, умумий тайёргарлиги- савиясига мос келадиган бўлиши лозим.
**Иккинчидан** фойдаланадиган кўрсатмали қуроллар ўтилаётган дарс мавзусининг мазмунини очиб беришга ёрдам берадиган материаллар бўлишини ҳисобга олмоқ, демак, унинг тўғри танланишига эътибор бермоқ лозим.
**Учинчидан**, дарс жараёнида фойдаланиш учун белгиланган кўрсатмали материаллардан унумли фойдаланмоқ учун зарур бўлган таълим усуллари тўғри танланган бўлиши зарур. Айни пайтда мактабларимизда қўлланилаётган материалларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1). Буюм ва нарсаларни асли, табиий ҳолда кўрсатувчи материаллар: ўсимликлар ва уларнинг таркиби, ҳайвонлар, маъданлар, гербарийлар, коллекциялар, ашёлар, асбоблар ва разрядларни ҳосил қилишни синф ёки лаборатория шароитида намойиш қилиш ва бошқалар,
2). График-кўрсатмали қуроллар: чизмалар, диаграмма, фильмлар, диапозитивлар, овозсиз кинофильмлар,
3). Тасвирий-кўрсатмали қуроллар: расм, фотосурат, диафильмлар, диапозитивлар, овозсиз кинофильмлар,
4). Эшиттириш бўйича кўрсатмалилик, грампластинкалар, магнит лентасига ёзиб олинган бадиий ўқиш намуналари, чет эл тилларидаги сўзларни тўғри талаффуз қилишга оид материаллар.

Таълимнинг кўрсатмали бўлиши ҳозирги замон мактаблари олдида турган энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам ундан янада самарали фойдаланиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда.

## ТАЪЛИМНИНГ ЎҚУВЧИЛАРГА МОС БЎЛИШИ ҚОИДАСИ

Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши қоидаси деганда ўқув материал-ларнинг мазмуни, унинг ҳажми, ҳарактери, у ёки бу синф ўқувчиларининг жисмоний ривожи, умумий тайёргарлиги-савияси ва имкониятларига лойиқ бўлиши тушунилади. Мослик қоидасида таълимнинг икки томони эътиборда тутилади:

1) Маълум синф учун белгиланган ўқув материалларининг ҳарактери, мазмуни ва ҳажми шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос бўлиши,
2) Ҳар бир синф учун белгиланган билим ҳажми шу синф ўқувчиларининг савиясига мос бўлиши лозим. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мактаб ислоҳатидан кейинги қайта қуриш жараёни учун мактабларимиз фаолиятидаги мазкур икки ҳолатни қатъий ва ҳал қилувчи дидактик талаблар деб бўлмайди. Чунки, муайян бир синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланишида ҳам, билим ўзлаштиришидаги куч ва қобилятларда ҳам, албатта, ҳар-хилликлар бўлади ва буни ҳисобга олмаслик асло мумкин эмас. Шунингдек, мослик қоидасини мактаб таълимининг мазмуни бола-ларнинг куч қувватига қараб "енгиллаштириш", "осонлаштириш" деб ҳам тушунмаслик лозим. Аксинча, ўқувчиларнинг савиясига мувофиқ равишда, аста секин қийин ва мураккаброқ билимлар бериб бориш талаб қилинади.

Илғор классик педагогика намоёндалари таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши юзасидан бир қатор қоидалар ишлаб чиққанлар. Улардан бири "Осондан қийинга қараб бориш" қоидасидир.

Ўтиладиган материалнинг ҳаддан ташқари чигал бўлиши болаларни қизиқишини сўндирганидек, у билимда олға қараб боришини ҳам таъминлай олмайди. Аксинча ўтилажак материаллар болалар савиясига нисбатан оғир, тушуниш қийин бўлса, қўйилган мисол ва масалаларни ечиш, ҳал қилишга ўқувчиларнинг қурби етмаса, уларда ўз кучига ишонмаслик кайфияти туғилади. Мосликнинг иккинчи бир қоидаси "Маълумдан номаълумга қараб бориш" дир. Бу қоидага амал қилишда ўқувчиларда аввалдан мавжуд бўлган илмий билим ва тажрибалар замирида янги, ҳали ўқувчиларга маълум бўлмаган маълумотлар билан қуроллантиришни тушунмоқ лозим.

Мослик қоидасининг учинчиси "Соддадан мураккабга қараб бориш"дир.

Кўпинча биз тушуниб етган, ўзлаштирилган ҳамма нарсалар содда, тушуниб етмаган, ўзлаштирилмаган нарсалар эса мураккабдек кўринади.

Таълимнинг содда бўлиши у ёки бу ўқув материалини ортиқча куч сарфламай тушуниб олишдир. Ўқувчилар яхши тушунган, ўзлаштирилган билимларни янги тушунчалар (мураккаб) билан аниқ ва равшан қилиб боғлай олишлари натижасида содда вазифаларни (мисол ва масалалар) бажара бориб, мураккаб материалларни ўзлаштириш, мураккаб бўлган масалаларни ҳам ечишга-ҳал қилишга ҳозирланиб борадилар.

## ТАЪЛИМДА БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ПУХТА ВА МУСТАҲКАМ ЎРГАНИШ ҚОИДАСИ

Таълимнинг пухта ўзлаштириш қоидаси муҳим дидактик талаб ва қоидаларни, яъни ўқувчилар томонидан тизимли ва онгли ўзлаштирилган илмий билимларни мустахкам, эсда сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштирилган илмий билимларни ўз турмуш фаолиятларида қўллай олиш малакалари билан қуроллантиришни назарда тутади.

Демак, пухта ўзлаштиришни ҳарактерли белгиси таълимни мустаҳкам эсда сақлаб қолишдир. Бошқача қилиб айтганда, бу қоида ўқувчиларнинг хотира фаолияти, яъни ўқув материалларини эсда қолдириш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш каби хотира жараёни фаолиятига боғлиқдир. Ўқув материалларини мустаҳкам эсда сақлаб қолиш, айни дарс жараёнида баён қилинаётган ўқув материалларини тазимли ва онгли ўзлаштирилишига боғлиқ. Аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим кўникма ва малакалар анча мураккаброқ материални ўзлаштириб олиш учун пиллапоя, база бўлиб хизмат қилади. Лекин ҳосил қилинган билим пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамлашган бўлиши ва ўқувчиларнинг хотирасида ўзоқ вақт сақланиши керак. Мустаҳкамлаш қоидаси шулардан иборат бўлиб, уларга риоя қилмаслик ўқувчиларнинг илмий билимларни пухта ўзлаштиролмаслигига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштриб олишнинг мустаҳкамлигига аввало ҳамма ўқитиш қоидалари: тушунарлилик, тизимлилик ва изчиллик, назария ва амалиётнинг боғлиқлиги, кўрсатмалилик, ўқувчиларнинг онглилик ва фаоллиги қоидаларини амалга ошириш билан эришилади. Пухта ўзлаштиришни муваффақияти кўп жиҳатдан такрорлаш ва машқ қилдиришга ҳам боғлиқдир.

Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш жараёнида фақат олдиндан ўзлаштрилган ўқув материалларигина эсга тушурилмай, балки шу ўқув материалларига боғлиқ бўлган янги янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ, туман бўлиб қолган томонлари ойдинлаштирилади ва тўлдирилади.

Такрорлаш, хотирада қайта тиклашни бир неча йўл билан олиб бориш мумкин. Ҳар бир дарсда аввалги дарс материали билан янги материал ўртасида боғлиқлик ўрнатиш мақсадида кундалик такрорлаш ўтказилади. Мавзу ёки бўлим юзасидан ўрганилган материални тизимлаштириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўқув йилининг охрида Асосий саволлар бўйича ялпи такрорланади.

Такрорланишнинг иккинчи тури махсус қайтаришдир. Бундай такрорлаш катта мавзуларни ўтиб бўлгач, шунингдек, маълум бир чорак ичида ўтилган материал юзасидан олиб борилади. Махсус такрорлашнинг кенг тарқалган тури ўқув йили охирида алоҳида ажратилган соатларда ўтказилади.

## ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ҚОИДАСИ

Таълим-тарбия жараёнининг ҳамма томонлари умумсинф ўқувчилари жамоасига хос хусусиятларга амал қилган ҳолда йўл қўйилади. Бироқ ҳар бир ўқувчи ўзига хос жисмоний, ахлоқий, руҳни ва башка хусусиятларга эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади.

Шу жиҳатдан таълим жараёнида умумсинф ўқувчиларини, ҳамда шу синфдаги ҳар қайси ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолла иш кўриш муҳим дидактик аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятларини, уларнинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ҳозирги вақтда шунчаки хохиш эмас, балки мажбурий талабдир. Бусиз ўқув жараёнини муқобилллаштириш, уни бойитиш ақлга сиғмайди.

Синф ўқувчилари жамоасига хос бўлган умумий хусусиятлар, аввало, маълум синф ўқувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожида намоён бўлади. Таълимнинг муваффақиятли бўлишида ўқувчиларанинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш ва ўрганиш ҳамда шу хусусиятга хос муомала қилиш ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Дарсда ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини тўла ҳисобга олиш жуда қийин ва ҳар доим ҳам бунинг иложи бўлавермайди. Педагог ўқувчиларни дарсдаги ва амалий машғулотлар жараёнидаги ишини, уй вазифаларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, ёзма ишлари, ясаган кўргазма материалларини текширади. Дарсдан ташқари вақтларда ўртоқлари ва бошқаларга бўлган муносабати, хулқи, иродавий сифатларини ўрганади, улар билан суҳбат қилади. Кузатиш жараёнида у ўқувчининг кучли ва ожиз томонларини, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, хаёлига мос бўлган хусусиятларни билиб олади, ўқувчининг ҳаётий ва меҳнат қобилятини ўрганади. Бўш ўзлаштирувчи дастурнинг маълум бир бўлими ёки фан буйича орқада қолиш сабабларини аниқлайди. Ўқитувчи уларни билиб олгандан кейин биринчи навбатда ёмон ҳолатларнинг таъсирига бардош бериш чораларини кўради.

Масалан: ўқувчининг кўриш қобиляти унча яхши бўлмаса ёки ёмон эшитса, уни биринчи қаторга ўтқизиши керак. Бу нарса диққати беқарор бўлган ўқувчиларга ҳам тегишлидир. Бундан ташқари, улардан тез-тез сўраш, ундан ўртоғининг жавобини қайтаришта, тўлдиришга ёки у хақда ўз фикрини билдиришга мажбур этиш лозим.

### Назорат топшириқлари:

1. Қуйидагилардан қайси бири таълим қоидаси ҳисобланади?
   а) ўрта умумий таълимнинг мажбурийлиги.
   в) ўрта махсус таълимнинг ихтиёрий ва мажбурийлиги.
   с) таълим ва тарбиянинг бирлиги.
   д) олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларидан иборатлиги.
2. Таълим қоидаларининг моҳиятини тушунтиринг.
3. Таълим қоидаларининг моҳиятини ёзма равишда изоҳланг.
4. Бирорта ўқитувчингизнинг дарс жараёнини кузатинг. У таълим принциплари қай даражада амал қилганлигини ёзма равишда изоҳланг.
5. Таълим қоидаларининг таснифларини шарҳланг.
6. Таълим қоидаларининг бир-бирига боғлиқлигини ва фарқини таққосланг.
7. Таълим қоидаларининг таснифини асослаб беринг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
2. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ», 1999.
3. Педагогика. А.К.Мунавваровнинг таҳрири остида. Т., 1996.
4. Абдукаримов Х. Узлуксиз таълим педагогикаси
5. Ўрта мактаб дидактикаси Н. Скаткин тахрири остида. М. 1975
6. Коменский Я. А. Буюк дидактика Т. 1971.

**9-мавзу: Мактабда таълимнинг мазмуни**

**Ажратилган вақт-2 соат**
**Машғулот тури-маъруза**

### Асосий саволлар:

1. Мактабда таълимнинг мазмуни ҳақида тушунча
2. Мактабда ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликнинг мазмуни ва моҳияти.

### Таянч иборалар:

Ўқув режа, ўқув дастур, дарслик, ўқув-тарбиявий иш, табиий фанлар, ижтимоий фанлар, мавзу, ўқув материал, кўргазмали қуроллар.

### 1. Мактабда таълимнинг мазмуни ҳақида тушунча:

**Ўқитувчининг мақсади:** Талабаларга мактабда таълимнинг мазмуни ҳақида тушунча беради ва уни мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотади.

### Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Мактабда таълимнинг мазмунини тушунтиради.
1.2. Мактабда таълимнинг мазмунини асослайди.

Мактабда таълимнинг мазмуни деганда ўқувчилар ўқув фанларини ўрганиш жараёнида эгаллайдиган билимлар, кўникмалар ,малакалар тушуни-лади. Мактабда таълимнинг мазмуни бевосита унинг мақсадидан келиб чиқади. Мактабда ўрганиладиган ҳар бир фан инсоният ижтимоий–тарихий таж-рибасининг бир томони, қисмидир. Таълим мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллай олиши лозим бўлган ҳамда тизимига солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.
Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

а. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумининг хусусиятлари;
б. Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари;
в. Ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имконият-ларини эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Мактабда бериладиган таълимнинг мазмуни тарихий ҳамда синфий хусусиятга эгадир.

Жамият тарихий тараққиётининг ҳамма босқичларида мактабларда ёшларга бериладиган таълимнинг мазмуни, хажми ўша ижтимоий тизимнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан ва техника тараққиёти даражаси билан белгилаб келинган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларига келиб, педагогика тарихида «мактабда бериладиган маълумотнинг мазмунини бола хохишига бўйсиндириш"» га қаратилган назария кенг ёйилди. Мазкур назариянинг кўзга кўринган вакили Американлик файласуф-педагог Жон Дюидир унинг қарашича, мактаб азалдан мавжуд бўлган табиий лаёқатларни, қизиқиш ва одатларни ривожлантиришга хизмат қилмоғи лозим. Шундай экан, мактабларда ҳамма ўқувчилар учун умумий бўлган ўқув режаси ва дастурларнинг бўлиши ҳам шарт эмас, балки алоҳида-алоҳида шахслар лаёқатига мосланган маълумотлар берилиши лозим.

Октябр тўнтарилишигача бўлган даврда Ўзбекистон худуди YII-YIII асрлардан бери давом этиб келган эски-“усули қадимия”, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида пайдо бўлган –“усул савтия” мактаблари, хат савод ўргатадиган диний мактаблар бўлган.

1905 йилдан сўнг, ўлканинг баъзи йирик шаҳарларида “жадид” мактаб-лари пайдо бўла бошлади. Мазкур мактабларда савдо-сотиқ ишлари учун зарур бўлган айрим фанлар (ҳисоб, тиббиёт, география ва бошқалар) ўқитилар эди. Шундай қилиб, мактабларнинг ҳаммаси ўша ижтимоий тузум-муҳит талабларидан келиб чиқди ва шу давр иқтисодий, маънавий мақсадлари учун хизмат килди.

Ҳозирги замон мактабларида таълимнинг мазмуни умуминсоний фазилатларга эга бўлган имонли, эътиқодли ёшларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Бундан ташқари, мактабларда ёшларга илмий билимлар берил-масдан уларга турмушда зарур бўлган халқ ҳунармандчилиги, табобат асослари, одоб-ахлоқ йўналишларидаги фанларни кўпроқ ўқитиш талаб этилмоқда. Мактабларда “одобнома”, “ислом тарихи ва маданияти” ни ўқитилиши жорий этилган.

Халқ таълимидаги бундай жумбоқларнинг ижобий ечими, жамиятга, ўқув – тарбия ишига катта фойда келтириши табиий.

Таълим мазмуни ўқув режаси, дастури ва дарсликларда ифодаланган.

**Назорат топшириқлари:**

1. Мактабда таълимнинг мазмуни деганда нималар тушунилади.

а) Ўқувчилар ўқув фанларини ўрганиш жараёнида эгаллайдиган билимлар, кўникмалар, малакалар тушунилади.

в) Ўқувчилар ўқув фанларини ўрганиш жараёнида эгаллайдиган билимлар, малакалар тушунилади.

с) Ўқувчилар ўқув фанларини ўрганиш жараёнида эгаллайдиган кўникмалар, малакалар тушунилади.

д) Ўқувчилар ўқув фанларини ўрганиш жараёнида эгаллайдиган билимлар тушунилади.

2. Таълим мазмуни қандай эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади.

а) Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг хусусиятлари; Давлатнинг ҳалқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ва вазифалари; ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактик талаблар.

в) Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг ҳусусиятлари; ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчи-ларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактик талаблар.

с) Ижтимоий ва сиёсий-иқтисодий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг ҳусусиятлари; Давлатнинг ҳалқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ва вазифалари; ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактик талаблар.

3. Мактабда ўрганиладиган фанларнинг мазмуни нимадан иборат.

а) Инсоният ижтимоий тарихий тажрибасининг бир қисмидир.

в) Ижтимоий- иқтисодий тажрибанинг муайян бир бўлаги.
с) Буюк алломаларнинг тажрибаларига асосланади.
д) Пегагогика тажрибасига асосланади.
4. Мактабда таълимнинг мазмуни моҳиятини изоҳланг.
5. Мактабда таълимнинг мазмунини ўз тажрибангизга асосланиб тушунтириб беринг. Фикрингизни ёзма баён этинг.
6. Мактабда таълимнинг мазмуни моҳиятини асосланг.

## 2. Мактабда ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликнинг мазмун ва моҳияти:

**Ўқитувчининг мақсади:** Мактабда ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликлар ҳақида тушунтиради. Уларнинг мазмунини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

### Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Мактабда ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликлар ҳақида тушунча беради.
2.2. Мактабда ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликларнинг моҳиятини асослайди.

### ЎҚУВ РЕЖАСИ:

Ўқув режаси давлат ҳужжатидир. Ўқув режаси-барча ўрта умумий таълим мактабларида сўзсиз амал қилинадиган давлат ҳужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.
Мактабнинг ягона ўқув режаси халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.
Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.
Ўқув режасини тузишда қуйидаги омилларга асосланилади:

1. Ўқув режаси ўқув-тарбия ишининг мақсад ва вазифаларига асосланади. Мақсад-илмий билимлар бериш, олган билимларни ҳаётда қўллай олишга ўргатишдир.
2. Мактабларнинг бирлиги ўз қоидаларига асосланади. (бошланғич таълим 1-4 синфлар, умумий ўрта таълим 1-9 синфлар).
3. Умумий ўрта мактабларида ўқувчиларга бир бутун тугал билим берилади.
4. Ўқув режасига киритилган фанларнинг ҳажми қайси синфда ўқитилиши, ажратилган соати, болаларнинг билим савиясига қараб берилади. Фаннинг ҳажми, оғир-енгиллиги, дидактик аҳамияти ҳам эътиборга олинади.

Ўқув режасига киритилган фанлар биринчи навбатда умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилгандир. Унда таълимнинг илмийлиги, ғоявийлик ҳамда Ўзбекистоннинг келажагига муносиб баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказиш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам унда табиат ва жамият ҳақидаги илмий билимлар, ишлаб чиқариш асослари, санъат ва жисмоний тарбия, соғлом авлоднинг маънавий қиёфаси асосий ўриннни эгаллайди.
Ўқув режасида табий фанлар–табий жўғрофия, биология, физика, астраномия, химия, математика ва информатика марказий ўринни эгаллайди.
Ижтимоий фанлар–тарих, тил ҳақидаги илмий билимлар–она тили, инглиз тили, рус тили ва бошқа чет эл тиллари, бадий ва санъат асослари– адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа ва ашула; жисмоний тарбия асослари билан бир қаторда ҳамма синфларда меҳнат таълимини ўқитиш учун соатлар ажратилади.
Булардан ташқари ўқув режасида айрим табий фанлар, айниқса, математика, информатика, физика фанлари, айрим гуманитар фанлар бўйича ҳам ўқувчиларнинг қизиқиши, ҳохишларини қониқтириш, қобилиятини ривожлантириш мақсадида ўтказиладиган факультатив машғулотлар кўрса-тилган бўлади.

### ЎҚУВ ДАСТУРИ

Ҳар бир ўқув фани учун ўқув дастури тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий-сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир.
Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга берилган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади.
Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.
Ўқув дастури қуйидаги бир қатор қоидаларга амал қилган ҳолда тузилади:
Дастурнинг қатъийлиги. Ўқув дастурлари жамиятимиз тараққиё-тининг ҳар бир босқичида фан, техника, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳасида эришилган даражани акс эттириши лозим. Бу улар ҳар йили кўриб чиқилиши керак деган гап эмас, аксинча, ҳамма ўқув фанларига оид дастурларнинг бир неча йиллар мобайнида қатъий бўлишига эришмоқ даркор. Дастурнинг қатъийлиги қатъий дарсликлар ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эгаки. Бу дарсликлар ўзоқ яшаши ва ўқув жараёнида ўзоқ фойдаланиши керак.
1. Ўқув дастурида илмийлик қоидаси. Дастурга борлиқни аниқ, ҳаққоний акс эттирган илмий жиҳатдан текширилган, ишончли материаллар киритилади.
2. Ўқув материаллари мазмунини тўғри танлаш, фан материалларини танлашда унда исботлар, мисоллар, мантиқий умумлашган ва хулосаларнинг тўғри уйғунлашувига алоҳида эътибор беради.
3. Назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси. Ўқув дастурида назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси биринчи навбатда, энг аввало, илмий билимларнингг турмушда, ишлаб чиқариш амалиётида тутган ўрни кўрсатиб берилади.
4. Ўқув дастурларида тарихийлик қоидаси. Ўқув дастурлари тарихийлик қоидасига асосланган ҳолда тузилади. Бунда ўқув фанларининг ҳарактери назарда тутилади. Масалан, тарих фанини ўқитишда тарихий воқеалар изчиллик ва хронологик тарзда баён этилса, математика, информатика, физика ва бошқа қатор фанларни ўқитишда фан оламидаги маълум бир илмий ходиса, қоида ва қонуниятларнинг пайдо бўлиши, унинг келажак истиқболларига оид маълумотлар бериб ўтилади.
5. Дастур икки усул билан: кетма-кет ва марказлашган тарзда жойлаштирилиши мумкин. Кетма-кет жойлаштирилган ўқув материал-ларнинг ҳар бир кейинги қисми аввалги қисмининг давоми бўлади.
Дастурнинг марказлашган тузилишида мазкур фанга тегишли ўқув материали ўқишнинг кейинги босқичларида мураккаблашган кўринишда такрорланади.
Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб -ҳунар таълими дастурлари тузилиши уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда мазкур дастурга амал қилиш юзасидан йўл-йўриқлар– қисқача уқтириш хати; иккинчи бўлимда ўқув материалларининг мазмунини; учинчи бўлимда эса ўқувчиларнинг қўшимча равишда ўрганишлари лозим бўлган адабиётлар рўйхати берилади.

## ДАРСЛИК

Дарслик ўқув жараёнинг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.
Дарслик–ўқувчиларнинг иккинчи «муаллими». Чунки у, аввало, ўқувчи учун зарур қўлланмадир.
Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда, айрим ўқув фанлари юзасидан ўқув қўлланмалари ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестома-тиялар, атласлар, луғат китоблари в.х.к. лар шулар жумласидандир.
Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ҳам дарсда, ҳам уй шароитларида мустақил иш олиб борадилар. Дарслик материали катта тарбиявий аҳамиятга эга. У билан ишлаш ўқувчиларнинг ақлий тарбиясига, улардаги илмий дунёқарашнинг, ахлоқ-одобнинг шаклланишига, тафаккури ва нутқининг, ишдаги мустақиллигининг ривожланишига ёрдам беради.
Мактаб ислоҳати ва халқ таълимини қайта куриш дарслик яратувчилари олдига бир қатор талаблар қўяди:

1. Ҳар қайси ўқув фани учун яратиладиган дарсликда илмий билимлар тизими ва унинг ҳажми дастур талабларига ҳамда шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос келадиган даражада бўлиши керак.
2. Дарсликда баён қилинган илмий билимларнинг назарий асослари ва ғоявий йўналиши тизимли ва изчил бўлиши, дарсликда келтирилган далилларнинг ишончли бўлиши, улар тўғри таҳлил, аниқ таърифиф этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши ҳамда шу орқали ўқувчиларда илмий дунёқараш, энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топишини таъкидлаши лозим.
3. Назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган бўлиши керак.
4. Дарсликда баён қилинаётган материалнинг ҳарактерига боғлиқ ҳолда тегишли қоида ва таърифлар берилиши, далиллар келтирилиши ҳамда дарслик яхши безатилган бўлиши, баъзи материаллар расм, схема, диаграмма ва бошқа иллюстрациялар билан бойитилиши талаб этилади.
5. Дарсликлар ўқувчилар тушуниши осон бўлган жонли тилда ёзилиши, айни замонда фикрлар аниқ ва қисқа бўлиши керак.
6. Дарсликнинг ташқи кўриниши, безаги, Ўша синф ўқувчиларининг эстетик дидларига мос келадиган бўлмоғи лозим.

Илгариги даврларда Оврўпода ва ғарбда мактаб, дорилфунунларда илоҳиёт асосий фанлардан бири ҳисобланган. Мана шулар асосида ёшларга яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб, саҳоват ва разолат каби энг муҳим ахлоқий, ҳаётий, фалсафий тушунчалар ўргатилган. Ҳозирги даврда бизнинг мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган ахлоқ-одоб фани Ўша илоҳиёт дарсларининг асосини ташкил этган.
Маъориф – таълим соҳасидаги минг йиллик маданиятимиз хазиналарини жамлаган эски ёзувни ўрганиш ҳам дидактик таълим мазмунидаги янгиликдир.

**Назорат топшириқлари:**

1. Ўқув режаси бу-
а) мактаб томонидан чиқарилган ҳужжат.
в) давлат ҳужжати.
с) синф раҳбарининг ҳужжати.
д) ҳар бир ўқитувчи учун зарур қўлланма.
2. Ўқув дастури қандай ҳужжатга асосланиб ишлаб чиқилади.
а) ўқув режасига асосан.
в) дарсликларга асосан.
с) ўқув қўлланмаларига асосан.
д) мактабнинг иш режасига асосан.
3. Дарслик яратувчилар олдига қўйиладиган талаблар неча хил?
а) 5 хил.
в) 6 хил.
с) 7 хил.

д) 4 хил.

4. Мактабда ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликнинг моҳиятини изоҳланг.
5. Мактабда ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликнинг моҳиятини таққосланг.
6. Мактабда ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликнинг моҳиятини асосланг.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998.
2. Мунавваров А.К. " Педагогика " Т " Ўқитувчи " 1996
3. С.П. Баранов Т. Ўқитувчи 1996.
4. Ильина Т.А. Педагогика. М. 1985.
5. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика курси Т 1996.

# 10- МАВЗУ: ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

**Ажратилган вақт-4 соат**
**Машғулот тури-маъруза**

### Асосий саволлар:

1. Таълимни ташкил этишнинг шакллари ҳақида тушунча.
2. Дарс ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Дарс турлари ва таркибий қисмлар.

### Таянч тушунчалар:

Таълимни ташкил этиш шакллари, синф дарс тизими, асосий шакллар, дарс, дарс турлари, таркибий қисмлари, ноанъанавий дарс, ўқув ишларини режалаштириш, календарь мавзу режаси, режа, матн, дарс кузатиш ва таҳлил.

### 1. Таълимни ташкил этиш шакллари ҳақида тушунча:

**Ўқитувчининг мақсади:** Таълимни ташкил этишнинг шакллари муаммосининг педагогика фанида илмий асосланишини тушунтириш, талабаларда дарсни ташкил этиш ва ўтказишга қизиқиш ҳосил қилиш, таълимнинг қўшимча шаклларини дарсга боғлаган ҳолда баён этиш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Таълимни ташкил этишнинг шакллари ҳақида асосий тушунчаларни айтиб беради.
1.2. Синф дарс тизимини изоҳлайди.
1.3. Таълимни ташкил этишнинг асосий ва қўшимча шаклларини таққослайди.

**1- асосий масаланинг баёни:**

Мактабнинг тарихан тараққий этиш даврида таълимни ташкил қилиш шакллари турлича бўлган. Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг манфаатларига мос ҳолда шаклланган.
16-асрнинг охири ва 17-асрнинг бошларида буюк чех педагоги Я.А.Коменский тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф-дарс тизимини яратди.
Я.А.Коменскийнинг таълимни ташкил қилиш ҳақидаги қарашлари бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам ғарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан-бир шакли деб эътироф этилди.
Синф-дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мактабларига тадбиқ бўлмади. Улардан октябр тўнтаришига қадар ўрта аср мактабларига хос таълим тизими давом этиб келди.
Бир ўқиш хонасида 6 ёшдан 15-16 ёшгача бўлган болалар гуруҳи билан бир вақтда машғулот олиб бориларди. Шунингдек, бир ўқиш хонасидаги ўқувчининг билим даражаси ҳам турлича бўлар эди.
Ўзбек мактаби октябр тўнтаришидан кейин синф-дарс тизимига ўтди. ВКП (б) Марказий каметети 1932 йил 25 августда (бошланғич ва ўрта мактабнинг ўқув дастурлари ва режими тўғрисида) қарор қабул қилди. Бу қарорда "бошланғич, ўрта мактабда ўқув ишини уюштиришнинг асосий шакли-маълум гуруҳ ўқувчилари билан, қатъий машғулот жадвалига мувофиқ дарс олиб бориш лозим; бунда бир гуруҳ ўқувчилар состави сира ўзгармаслиги керак; ўқув ишининг бу шакли ўқитувчининг раҳбарлиги остида, бутун гуруҳни бирлаштириб ишлаши, биригадаларга бўлиниб ишлаш ва ҳар бир ўқувчининг индивидуал ишлашини ўз ичига олиши; ўқитишнинг хилма-хил усулларини қўлланиши керак", деб кўрсатиб қўйилди.

Эндиликда мустақил жумҳуриятимиз халқ таълими олдига қўйган талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда мактаб таълимини ташкил қилишнинг янги-янги шакллари яратилмоқда синф-ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган маълум миқдордаги ўқувчилар гуруҳидир. Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб борила-диган таълим машғулотларига айтилади.

Дарс- ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.
Дарс- ўқув ишларининг марказий қисмидир.

Мактабларимиз босиб ўтган тарихий давр ичида таълимни ташкил қилиш шакллари ўзгарди, ривожланди. Ҳозир мактабларимизда қўллани-лаётган синф-дарс тизими қуйдаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.
2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.
3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.
4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида албатта тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Айни пайтда, мактабларимизда таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмоқда.
1. Синф-дарс шаклидаги олиб бориладиган машғулотлар.
2.Амалий ва тажриба ишлари шаклидаги олиб бориладиган машғулотлар.

Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар ўқитувчининг кундалик ўқув материалини тизимли баён қилиб беришни, хилма-хил усуллардан фойдаланишини, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб боришни ўқувчиларни мустақил ишларга ўргатишни ўз ичига олади.

Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар синф шароитидан ташқарида, ўқув устахонаси, тажриба участкалари ва майдонларида ишлаш экскурсиялар ўтказиш йўли билан олиб борилади.

Ҳозирги замон дидактикаси кўп йиллар давомида тўпланган ўқитиш қойдалари, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида бойиб бормоқда дейишга асос бор. Аммо ўқув жараённинг ҳамма қисмларини ўқитишни ташкил қилишнинг мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари билан муносабатлари яхши очиб берилмаган. Буларнинг ҳаммаси дидактик қойдалардан амалда фойдаланишни қийинлаштиради. Мактаб олдида турган янги вазифалар ва эҳтиёжлар ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини ошириш уни янада ривожлантириш ва юқори босқичга кўтаришни талаб қилади.

Ўқитувчи ўзининг аниқ шароитлари ва имкониятларига энг кўп мос келадиган ўқув жараёнини онгли равишда танлаб олиши фойдадан ҳоли эмас. Бу иш дарснинг муҳим томонларини танлашдаги таваккалчиликка билим, кўникма, ва малакаларни ўзлаштириш жараёнини бошқаришга қандайдир тасодифий ёндашишга йўл қўймайди.

Семинар машғулотлари ўқувчиларнинг мавзудаги муҳим масалаларни чуқур ўрганиш юзасидан мустақил ишлашини кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил этишни шаклидир. Мавзу ўрганулгунча қадар ўқитувчи ўқувчилар учун савол ва топшириқлар тузиб чиқади. Кириш машғулотида у ўқувчиларни материалнинг мазмуни қилинадиган ишнинг ҳарактери билан қисқача таништиради, уларга ҳар қайси семинари учун топшириқ беради ва тайёрланиш учун адабиёт кўрсатади. Бир вазифалар ҳамма учун умумий бўлади, бошқа вазифалар айрим ўқувчиларга ёки 3-4 кишидан тузилган гуруҳга берилади. Бунда ҳамма ўқувчилар семинар учун дастурдаги мажбурий материаллар минимумини ишлаб чиқишлари керак. Таълимнинг бундай шакли қўшимча шакли деб юритилади. Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади, у ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзу саволлари муҳокамасини якунлайди, зарур қўшимча тузатишлар киритади, материални системага солади ва муҳокамада қатнашган ўқувчиларга баҳо қўйилади.

Таълимнинг қўшимча шаклидан бири-амалий-тажриба машғулот-ларидир. Бу машғулот синф-дарс тизими шаклида олиб борилмайдиган машғулот тури бўлиб, у махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба учаскасида олиб борилади. Бу машғулот икки йўл билан олиб борилади:

1. Амалий тажриба.
2. Экскурсия.

Таълимнинг қўшимча шакллари семинар ва амалий тажриба машғулот-лари бирор фанни чуқурроқ ўрганиш учун ёки бирор янги соҳани ўрганиш учун ўтиладиган қўшимча дарс машғулотидир.

**Назорат топшириқлари:**

1. Синф- дарс тизимини илмий асосланганга қадар таълим ишлари қандай ташкил этилганлигини сўзлаб беринг.

2. Синф-дарс тизимини илмий асослаган олим:

а) Унсурул Моалий кайковус
в) Алишер Навоий
с) И.Г.Песталоций
д) Л.А.Коменский
е) К.Д.Ушунский

3. Таълимни йўлга қўйишнинг асосий шакли:

а) тажриба синов машғулотлари
в) дарс

с) лаборатория машғулотлари
д) уйга вазифа ва маслаҳатлар
е) юзма-юз мулоқат машғулотлари
4. Таълимни ташкил этишнинг қўшимча шаклларини аниқланг.
а) янги билим бериш.
в) уйга вазифа, маслаҳат, экскурсия.
с) мустаҳкамлаш ва такрорлаш.
д) дарс.
е) техника воситаларидан фойдаланиш.
5. Синф деганда нимани тушунасиз?
а) мактаб ўқувчилари жамоаси.
в) ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги ўқувчиларнинг доимий гуруҳи.
с) ҳар хил ёшдаги, турли билимларни эгалловчи болалар гуруҳи.
д) қобилиятли ва қизиқиши бир хил бўлган ўқувчилар.
е) жинсий тафаввути ҳисобига олинган гуруҳ.
6. Дарс ва амалий машғулотларни таққослаб кўринг. Ўхшаш ва фарқ қиладиган томонларини таҳлил қилинг.
7. Синф ва унда олиб бориладиган дарсларнинг таълим-тарбиявий моҳиятини асослаб беринг.

**2.Асосий савол. Дарс ва унга қўйиладиган талаблар:**

**Ўқитувчининг мақсади:**

1. Дарс ҳақида тўла маълумот бериш, унга қўйиладиган асосий талабни тушунтириш.
2. Дарснинг ижодий жараён эканлигини ва унда ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўрни кўрсатиб бериш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Дарснинг ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликда фаолият юритиш жараёни эканлигини тушунтиради.
2.2. Дарсга қўйиладиган талабларни аниқлаб беради.
3.Дарсга қўйиладиган талабларнинг аҳамиятини исботлайди .

**2- асосий саволнинг баёни:**
Дарс ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалар эгаллашларида улкан аҳамиятга эга бўлган машғулот шакли ҳисобланади. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликдаги фаолиятларини юритадилар. Ўқитувчи қанчалик фаоллик кўрсатсалар, ўқувчилар ҳам шу даражада онгли иштирок этишлари зарур. Олимлар, илғор ўқитувчилар дарсини ижодий жараён деб ҳисобланган ҳолда, уни доимий такомиллашиб боришини такидлайдилар. Дарс, юқорида айтиб ўтилганидек ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас, ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўлларини излайди, бу соҳада турли-хил кўрик танловлар, жумҳурият миқёсида ўтказилаётган педагогик ўқишларда ўртага қўйилаётган илғор ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари диққатга сазовордир.
Турли-туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериш лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.
2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.
4. Ҳар бир дарс хилма- хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.
5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.
6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.
7. Дарсда ўқув материалларинг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техника воситалари ва компътерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.
8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.
9.Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

**Назорат топшириқлари:**

1. Дарс қандай фаолият турларини умумлаштиради?
а) ўқувчиларнинг фаолиятини;
в) ўқитувчининг фаолиятини;
с) мактаб жамоасининг фаолиятини;
д) ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятини;
е) мактаб маъмуриятининг фаолиятини.
2. Дарсда асосий фигура ким бўлиши керак?
а) ўқитувчи ва ўқувчилар;
в) ўқитувчилар;
с) ўқувчилар;
д) аълочилар;
е) синф раҳбари.
3. Дарсга қўйиладиган асосий талаб.
а) маълум мақсадга йўналтирилганлиги;
в) амалиёт турмуш билан боғланганлиги;
с) вақтдан унумли фойдаланиш;
д) таълим воситаларидан унумли фойдаланиш;
е) барча талаблар асосий ҳисобланади.
4. Дарсга қўйиладиган талабни ўз фикрингиз билан ёзма ифодалаб беринг.
5. Дарсга қўйиладиган талаблар кўпроқ кимга (ўқитувчи ёки ўқувчи) даҳлдор эканлигини тушунтириб беринг.
6. Дарсда таълим ва тарбиянинг миллий асосларига қандай қилиб амал қилишни маъқул кўрасиз.

**3-асосий савол. Дарс турлари ва таркибий қисмлари:**

**Ўқитувчининг мақсади:**

1. Дарс турлари ва таркибий қисмлари тўғрисида тўла маълумот бериш.
2. Ҳар бир дарс туридан намуналар келтириш ва мисоллар билан далиллаш.
3. Дарсни таҳлил қилишга ва баҳолашга ўргатиш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

3.1. Фаннинг хусусиятлари ва мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда турли кўринишдаги дарслар бўлишини фарқлайди.
3.2. Дарс турлари ва мақсадларининг узвий боғлиқлигини аниқлайди.
3.3. Ҳар хил дарс турлари режаларини солиштириб кўради.

**3- асосий саволнинг баёни:**

Мактабда турли-туман ўқув фанларидан ўқувчиларга билим берилади. Уларнинг мазмуни, ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳам ҳар хилдир. Шунинг учун дарс турлари хилма-хил бўлади. Бунда айнан ўтиладиган мавзу юзасидан қўйиладиган мақсадлар ҳам алоҳида роль ўйнайди. Синф-дарс шаклидаги дарс турлари ва уларни тузилишини қуйидагича изоҳлашимиз мумкин: 1 соатлик дарсга мўлжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот тури дарс турлари деб юритилади.Таълим тизимида энг кўп қўлланилган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиши)

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарса ўқитувчининг ўқув материалини тўғри ва самарали тушунтиришга, мустаҳкам эсда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришига ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, ҳатто учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин.

Масалан, мактабларимизда энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири-янги билимларни баён қилиш дарсидир. Бу дарс тури қуйидагича тузилади:

а) янги билимларни баён қилиш.
б) янги билимларни мустаҳкамлаш.
в) янги билимлар устидан машқ қилиш.
г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалрини топшириш.

Демак, дарс бошдан-оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимларни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш, янги билимлар устидан машқ ўтказиш уйга вазифа, каби бошқа элементларнинг бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, дарсдан кўзланган мақсад ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар шунга бўйсундирилади. Шунинг учун ҳам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади.

Маълум дарс тури билан иш олиб борилаётганда бошқа бир элементлари асосий дарс туридан ўрин олиши ва айни пайтда асосий дарс турининг тузилишини ташкил қилиши мумкин. Демак, дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг қисмларини англатади.

Бироқ, дарс турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм-дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитишнинг усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қила олади. Яъни дарс тузилишининг ўзгариши биланоқ дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради.

Демак, дарснинг шу қисмига келиб, дарснинг шакли ҳам, усули ҳам ўзгаради, янгиланади. Бу билан дарснлг янги босқичи бошланади. Дарс тузилишини биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усулларининг ўзгариши дарс басқичи деб юритилади. Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши:

1. Уй вазифаларини сўраш текшириб кўриш.
2. Янги материалларни баён қилиш.
3.Янги материалларни мустаҳкамлаш.
4. Уй вазифалари топширишни ўз ичига олади.

**Бунда:**

а) Уй вазифаларини кўриш суҳбат (савол-жавоб),мисол ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Бу дарс тузилишининг биринчи қисми, дарснинг биринчи босқичи;

б) Янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи тушунтириш, ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усуллардан фойдаланиши мумкин: Бу-дарс тузилишининг иккинчи қисми дарснинг иккинчи босқичи;

в) Янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу дарс тузилишининг учинчи қисми, дарснинг учинчи босқичи;

г) Уй вазифаларини топшириш жараёнида тушинтириш, суҳбат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу дарс тузилишининг тўртинчи қисми, дарснинг тўртинчи босқичидир.

Дарс босқичлари ва хиллари такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги пайтда дарс босқичларининг кетма-кетлигига қатъий риоя қилиш шарт эмас. Дарс босқичлари дидактик вазифа ва мақсадга боғлиқ ҳолда уйғунлашиб кетиши ҳам мумкин ҳозирги пайтда таълим жараёнида ёшларни таълим олувчиларни мустақил фаолликларини оширувчи ўқитувчи ва ўкувчи орасидаги ижодий ҳамкорликка асосланган ижодий ҳамкорлик дарслари кенг қўлланилмоқда. Ижодий ҳамкорлик дарслари ёшларни ўзаро ижодий ҳамкорлиги ва ўқитувчи ҳамда ўқувчи орасидаги ижодий ҳамкорликка асосланган. Ижодий ҳамкорлик дарсларини ташкилий масалалари жорий турлича бўлиши мумкин. Замонавий дарс босқичлари ўқувчи-ёшлар билимларини актуаллаштириш (эсга тушириш ва фаоллаштириш) янги билим, ўқув, кўникма, масалаларни ижодий-амалий эгаллаш, билимларни ижодий-амалий қўллаш босқичлардан иборат.

## Назорат топшириқлари:

1. Нима сабабдан дарслар ҳар-хил турларда ташкил этилишини тушунтириб беринг;
2. Энг кўп қўлланиладиган дарс тури;

а) аралаш дурс тури;
в) экскурсия;
с) ноанъанавий дарс;
д) дидактик ўйин дарслари;
е) масофадан ўқитиш дарси;

3. Қайси дарс тури ўқувчиларга илмий-назарий билим беришга қаратилган?

а) ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш.
в) мустаҳкамлаш ва такрорлаш.
с) аралаш дарслар
д) янги билим бериш дарслари
е) тажриба-синов дарслари

4. Дарснинг таркибий қисмларини қайси ҳужжатларда кузатиш мумкин?

а) дарсликларда
в) дарсга тузилган режа матнда
с) ўқув дастурида
д) календарь иш режасида
е) синф журналида

5. Қайси элемент ҳамма дарс турларида мавжуд бўлади?

а) дарснинг мақсадлари
в) янги билим бериш
с) баҳолаш
д) уйга вазифа бериш

е) билимларни текшириш
6. Ҳар бир дарс турига режа тузинг. Унинг фарқли томонларини солиштириб кўринг
7. Илғор ўқитувчиларнинг дарсини кузатиб, тегишли хулосалар чиқаринг.

**Адабиётлар рўйхати:**


1. М.Н.Скаткин таҳрири остида дидактика средней школь,.М,1984.
2. В.Окон.Введение в обшую дидактику.М,1990
3. Мунавваров таҳрири остида Педагогика.,Т,1996
4. Турсунов.И.Нишоналиев У. Педагогика.Т,1997.


## 11-мавзу. Таълим методлари

**Ажратилган вакт-2 соат**
**Машгулот тури- маъруза**

**Асосий саволлар**

1. Таълим методлари ҳақида тушунча.
2. Таълим методлари таснифи.

**Таянч тушунча ва иборалар**

Метод, усул, тасниф, тавсиф, таълим воситалари, фаол методлар, пассив методлар, муаммоли таълим, қисман изланувчанлик.

### 1.Таълим методлари ҳақида тушунча

**Ўқитувчининг мақсади:** Таълим методларининг моҳиятини кўргазмалилик асосида тушунтириш. Методларнинг назарий асосларини амалиётга боғлаган ҳолда талабалар онгига етказиш ўқитувчилик касбига қизиқишни кучайтириш.

**Идентив ўқув мақсадлари**

1.1. Таълим методларининг ўзига ҳос хусусиятларини сўзлаб беради.
1.2. Таълим методларининг бошқа методлардан фарқини ажратиб кўрсатади.
1.3. Таълим методларининг аҳамиятини таҳлил қилади.

**1-асосий масаланинг баёни**

Таълим бериш ҳар бир мавзунинг мағзини талабалар онгига етказиш маҳорати ўқитувчидан кўп изланишни, кўп мутаола қилишни талаб қилади. Кучли билимга эга бўлган ўқитувчигина мавзуни мағзини талабалар онгига моҳирона етказа олади. Мавзунинг мақсадига қараб таълим методларини танлай билади.

Таълим методларидан оқилона фойдаланиб, илмий дарс ўтиш, ўқувчиларни ҳаётда ўз ўрнини топишга онгининг шаклланишига катта асос бўлиб хизмат қилади. ўқитувчининг маълум фан илмини ўқувчилар онгига етказа олиш маҳорати шу ўқувчиларни бўлғуси ҳаёт йўлларини танлашда муҳим аҳамиятга эга. Таълим моҳияти инсон камолоти шаклланишига хизмат қилади, таълимнинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ. Методлар ўқувчиларнинг ёшига таълимнинг мазмунига ва функциясига қараб

танланади. Ўқитувчи ўзининг шахсий сифатлари комиллиги билан талабаларга ўрнак бўлиши, таълимий мақсад билан тарбиявий мақсад мутоносиблиги, фан асослари ва ғояларини чуқур билиши билан талабаларга ўрнак бўлиши талаб қилинади.

Бундай ўқитувчилардан билим олаётган талабалар нимани билиши керак эканлиги идрок қилиб берилади. Назарий билимлар амалиётга кўчирилганда, уни аниқ хис қилиб, тасаввур қилиб ўзлари амалда бажарадилар, масалалар ечадилар. Сўнгра билимларни моҳиятини тушуниб оладилар. Шу мавзу бўйича аниқ кўникмага эга бўладилар. Шу аснода бошқа фанлардан ҳам билим олиш ва амалий машғулотлар эвазига уларда кўникмалари бойиб боради.

Талабалар ўзлаштириб олган билимларини имкониятларига қараб секин-аста амалиётга қўллай бошлайдилар. Талабалар билан бўлган мулоқотда, уларга билим бериш жараёнида ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариши лозим. Таълим -тарбия жараёни узвий жараёндир. Таълим бериш жараёнида тарбиялаётганимизни унутмаслигимиз лозим. Нуқтадонлик киноясиз сўзлаш, ўқитувчига ҳос кийиниш этикаси, фикрни эркин баён қилиш ва уни таълимсиз етказа олиш ҳусусиятлари ўқувчилар учун амалий кўргазма эканлигини унутмаслигимиз керак. Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди.

Метод-юнонча атама бўлиб, айнан нимагадир йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Методлар ҳар қандай муаммони (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характерига қараб қуйидаги синфларга ажратиш мумкин:

Сўз орқали ифодаланадиган метод;

Амалий метод;

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқитувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбайи, дидактик вазифаларга қараб, муносиб ўринда қуйидаги методлар қўлланилади:

1. Ўқитишнинг оғзаки усуллари
2. Ўқитишнинг кўргазмали усули
3. Ўқитишнинг амалий усули
4. Ўқитишнинг муаммоли изланиш ва репродуктив усули
5. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари
6. Мустақил иш усуллари
7. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва танбеҳ бериш усули
8. Ўқитишда назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш усули.

## Назорат топшириқлари

1. Таълим методлари қандай маънони англатади?
   а) ўқувчиларга билим беришнинг мазмунини ифодалайди.
   в) ўқувчиларни билимли қилишнинг йўлларини билдиради
   с) таълимнинг асосий қонун-қоидаларини метод ҳисобланади.
   д) ўқитувчининг қаттиққўллиги ва талабчанлиги. Ўқувчиларни интизомли бўлишини таъминлайди.
   е) ўқитувчи дарсни маълум тартибда ўтказиш.
2. Таълим методларининг самарали бўлишида фанга, мавзуга, ўқитувчининг маҳоратига ва ………. …….. мос бўлишини изоҳлаб беринг.
   а) ўқувчиларнинг билим савиясига
   в) таълим воситаларига
   с) дарс ўтиш шаклларига
3. Таълим методларини аниқланг:
   а) ўгит-насиҳат, маслаҳат бериш.
   в) ибрат намуна.
   с) ўқувчиларнинг ижодий ишларини ўрганиш
   д) оғзаки баён қилиш.

e) математика-кибернетика методи

4. Педагогикада мавжуд бўлган таълим методлари, тарбия методлари ва илмий-тадқиқот методларининг фарқи ҳамда ўхшашлик томонларини изоҳлаб беринг
5. Таълим методларининг кенг тарқалган таснифларини таҳлил қилинг.
6. Ўқиш ва ўқитиш методлари тушунчаларига изоҳ беринг.
7. Метод қачон асосий ва қандай ҳолатда ёрдамчи (пассив) ҳисобланади?

## 2. Асосий савол. Таълим методларига тасниф

**Ўқитувчининг мақсади:**

1. Таълим методларининг асосий ҳусусиятларини тушунтириб бериш.
2. Ҳар бир таълим методининг илмий ва амалий моҳиятини чуқур билиб олишга йўналтириш.
3. Педагогик касб кўникмаларини ҳосил қилишга қизиқиш уйғотиш.

**Идентив ўқув мақсадлари**

2.1. Барча фанлар учун умумий бўлган таълим методларини тушунтириб беради.
2.2. Ихтисослик фанини ўқитишда кўп қўлланиладиган методларни ажратиб олади.
2.3. Таълим методларини тоифалаштиради.
2.4. Таълим методларидан самарали фойдаланиш тартибини ишлаб чиқади.

**2-асосий масаланинг баёни.**

Таълим методлари турли олимлар томонидан ўрганилиб, илмий асосланган тоифаларга ажратилган.

М.Н.Скаткин, И.Я.Лернер, М.И.Махмутов, Ю.К.Бабанский ва бошқалар таълим методларини таснифлаштирган. Айримлари икки гуруҳга, бошқалари 3-гуруҳга, баъзилари 5 гуруҳга ажратганлар.

Ўзбекистонлик олимлар (А.К.Мунавваров) 3 гуруҳга бўлган ҳолда қуйидаги тартибда таълим методларини ўрганишни тавсия этадилар:

Ўқитувчининг оғзаки усуллари.

Дидактикада ўқитишнинг оғзаки усуллари 3 турга: ўқитувчининг ҳикояси, суҳбат ва мактаб маърузасига ажратилади.

Ўқитувчининг сўзи билан боғлиқ бўлган турли усуллардан бошланғич ва юқори синфларда турлича фойдаланилади. Бошланғич синфда ўқитувчининг ёрқин, хиссиётга бой ҳикояси устунлик қилиб, кейинчалик бу суҳбат билан тобора кенгроқ тўлдириб борилади. Юқори синфларда, айниқса, тарих, жамиятшунослик, адабиёт, жўғрофия фанлари ўқитишда бу синф ўқувчиларининг ўқув имкониятларига мувофиқ келадиган мактаб маърузасидан мувоффақиятли фойдаланилади.

Оғзаки баён қилиш усулида ҳар иккала фаолиятнинг, яъни бир томондан, ўқитувчининг ўқув материалларини моҳирлик билан оғзаки баён қилиб бериши ва иккинчи томондан, баён қилинаётган материалларни ўқувчилар диққат билан тинглаб, онгли ва мустаҳам ўзлаштиришлари бирлигига амал қилади.

Демак, ўқув материалларини оғзаки баён қилиш усули мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган усул бўлиб, у деярли ҳамма синфларда ўқув фанлари бўйича қўлланилади.

Ҳикоя. Бу усул мактаб таълимининг ҳамма босқичларида қўлланилади. Бошланғич синфларда бу анча қисқа ва аниқ бўлади. Синфларнинг ўрта гуруҳларига келиб ҳикоя анча каттароқ ҳажмда ва давомли бўлади. Юқори синфларда ҳажми анчагина катта ўқув материалини ажратилган вақт ичида баён қилиб улгуриши учун кўпроқ ҳикоядан

фойдаланилади. Лекин бу ерда ҳикоя маърузадаги каби бутун дарсни банд қилмайди. Ҳикоя якунлангач, у суҳбат ва тушунишлар билан тўлдирилади.

Нутқ маданиятини ўстиришда ҳикоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш усули сифатида имкониятлари бошқа оғзаки усулларга нисбатан (суҳбат ва маърузаларни қўшганда) айниқса юқоридир. Бошқача қилиб айтганда, ҳикоя қилиш ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид омил, ходиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир. Бу усул юқори синфларда гуманитар фанларни ўқитишда, шунингдек таржимаи ҳол характеридаги материалларни баён қилишда, образларга таъриф беришда, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда кўл келади.

Ўқув материалларини тушунтириш-ўқитувчи томонидан ўтилаётган теманинг (нарса, ходиса ва воқеаларнинг) мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларни уқтиришдир. Бу усул математика, физика, химия, она тили ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишда кўпроқ қўл келади.

Ўқув маърузаси. Ўқитишнинг оғзаки усулларидан бири бўлган ўқув маърузаси ўқув материалини оғзаки баён қилиш учун мўлжалланади. Бу ўқув материали ҳикоядагига нисбатан ҳажмининг катталиги, мантиқий тузилиши, образлари, исбот ва умумлаштиришларнинг анчагина мураккаблиги билан фарқланади. Агар ҳикоя дарснинг ёки машғулотнинг бир қисминигина эгалласа, маъруза одатда, уларни тўла қамраб олади.

Маъруза асосан, ўрта умумий таълим мактабнинг юқори синфларида, касб-ҳунар коллежида, техника билим юртида, шунингдек, техникум ва олий ўқув юртларида ўқитилади.

Мактаб маърузаси ўтилаётган мавзунинг ҳақиқий илмий моҳиятини очиб бериш, улардан илмий хулосалар чиқариш ва умумлаштириш йўли билан бир соатлик машғулот давомида билимларни изчиллик билан баён этишдир.

Мактаб маърузаси ўрта умумий таълим мактабларининг юқори синфларида қўлланилади. Белгиланган мавзунинг мазмунига кўра асосий муаммоларнинг ёки мавзунинг асосий йўналишини ифодаловчи тугалланган яхлит тушунчалар баён қилиб борилади.

Синфда муаммоли вазиятни вужудга келтириш мақсадида, ўқувчиларни фикр қилишни фаоллаштиришга қаратилган саволлар бериш, мавзуга оид кўргазма материалларни намойиш қилиш, маъруза охирида ўтилган мавзу юзасидан умумий хулосалар чиқариш каби усулларидан фойдаланилади.

Булар мактаб маърузасини олий ўқув юртлари маърузасидан фарқ қилинадиган томонларидир.

Мактаб маърузаси юқори синф ўқувчиларни олий мактаб маърузасини тинглай олиш ва мустақил равишда ёзиб ола билиш кўникмаларини ҳосил қилишларига замин яратиб беради.

Ўқув материалларини оғзаки баён қилиш усули, унинг ҳикоя қилиш, тушунтириш ва мактаб маърузаси каби турлари қуйидаги бир қатор дидактик қоида ва талабаларга асосан қўлланилади.

1. Баён қилинаётган материаллар ғоявий жиҳатдан мазмунли, илмий ҳамда назарияни амалиёт билан боғлашга қаратилган бўлиши керак.
2. Баён қилинаётган материалларнинг тарбиявий аҳамияти тўғри белгилаш орқали ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаларини аниқлашга ва амалга ошириш лозим.
3. Баён қилишда ўқувчининг нутқи ягона манба ҳисобланади, унинг равон тушунарли бўлиш ҳал қилувчи омилдир. Шунинг учун ҳам муаллим ўқув материалини ҳис туйғули ифода қилиб бериши ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.
4. Баён қилиш жараёни ўқитувчи томонидан ишлатилган таърифлар, қоида ва қонунлар китоб матнида фарқ қилган ҳолларда ўқитувчи кўрсатган таърифлар ёзиб олиниши керак. Шунингдек, 5-6- синф ўқувчилари айрим маълумотларни ёзиб олишга даъват этилса, юқори синф ўқувчилари мустақил кенгайтирилган матнни ёзиб олишга одатлантирилади.

Суҳбат усули оғзаки баён қилиш усулининг асосий турларидан бири бўлиб, мактаблар тажрибасида энг кўп қўлланиладиган ва самарали усуллардан биридир.

Кўпинча, бу усул савол-жавоб усули деб ҳам юритилади. Чунки бу усулда иш кўрилса, дарс асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади.

Шундай суҳбатлар ҳам мавжудки, бундай суҳбат давомида ўқувчилар илгари ўзлаштирганларини эслайдилар, тизимига соладилар, умумлаштирадилар, хулосалар чиқарадилар, улардан турмушда фойда-ланишга доир янги мисолларни ахтарадилар.

Ўқувчилар дарсга етарли даражада тайёрланган бўлсалар, ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли саволларга жавобларни ўзлари ахтариб топадиган суҳбатлар ўтказиш ниҳоятда мақсадга мувофиқдир. Бундай суҳбатлар эвристик-изланиш, ахтариб топиш характерида бўлади.

Ўқитиш жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи суҳбатлар ҳам қўлланилади.

Ўқитишнинг тарбияловчи характерини кучайтириш мақсадида дунёқараш ва эътиқодни таркиб топтиришга қаратилган суҳбатлар ҳам қўлланилади. «Одобнома» дарсининг ташкил топиши муносабати билан ўқув жараёнида этик суҳбатлардан фойдаланишнинг имкониятлари анча кенгайган.

Лобаратория ишлари ва амалий ишларни ўтказиш давомида ўқувчиларнинг қўйилган тажриба-амалий вазифаларни ечиш усуллари тўғрисидаги фикрларини аниқлаш, мавжуд қийинчиликларни, асбоблар, қурилмалар, унумли меҳнат объектлари билан бўладиган ҳаракатлар ва операцияларнинг ҳусусиятларини қанчалик тушунганликларини билишга қаратилган кўрсатув-усулий суҳбатлар ҳам қўлланилади.

Суҳбат бутун синф билан, ўқувчиларнинг айрим гуруҳлари билан, ўқув фанининг янги масалаларини ўрганиш мақсадида ҳам, билимларни мустаҳкамлаш учун ҳам, шунингдек, асосий тушунчаларни, ғояларни қанчалик ўзлаштирганлигини текшириш учун ҳам ўтказилиши мумкин. Суҳбатни ўқувчилар фикр юритиши анча мустақиллик кўрсатадиган, муаммоли масалалар муҳокамага ташланган у ёки бу мавзулар бўйича ўз фикрини айтиши мумкин бўлган юқори синфларда ташкил қилиш айниқса фойдалидир.

Ўқитишнинг бу қимматли услубини мақбул танлаш, қандай қилиб таъминлаш ва қандай вазиятларда улардан оқилона фойдаланиш мумкин?

1. Айрим фанларни (табиий-жўғрофик, тиббиёт, физика) ёки маълум фанларнинг айрим мавзуларини ўқитишда ўқувчиларнинг ўз ҳаётларида учратган воқеа-ходисалар юзасидан саволлар бериш орқали ўқувчиларни мустақил фикр қилишларини хулоса чиқариш ва янги-янги таърифлар чиқариш йўли билан олиб бориш.

   Чунончи, «босим» темасини ўтишда ўқитувчи, «нима учун чанғичи қалин қор юзасидан учиб кетаётганда чўкиб кетмайди? Нима учун ўткир пичоқ кескир бўлади?» каби ўйлантирувчи сўроқлар орқали ўқувчиларни мавзунинг мазмунини очишга томон олиб бориши мумкин.

2. Ўқитувчиларнинг илгари ўзлаштирган билимларни эсга тушуришга ва шу орқали янги материалларни англаб олишга, янги қонун қоида ва таърифлар чиқаришни таъминлашга қаратилган сўроқлар орқали олиб бориш.

   Масалан, 5-синфда ўзбек тилидан ўқувчиларнинг от, сифат, сон ҳақида ўзлаштирган билимлари асосида олмош темасини баён қилмай туриб, от, сифат, сон ўрнида келган сўзларни ўз ичига олган матндан сўроқлар орқали олмошни топтириш ва таърифлаб беришларни талаб қилиш мумкин.

   Бу ҳар икки эвристик изланиш ўқувчилардан онгли мустақил ва фаол фикрлашни талаб қилади.

   Суҳбат усули билан иш кўрганда машғулотни ташкил қилиш ва уни олиб боришда ўқитувчи қуйидагиларга амал қилиши керак:

   1. Ўқитувчининг суҳбат учун тайёрлаб келган саволлари синф ўқувчиларининг ҳаммасига таалуқли бўлиб, сўроқ ўртага ташланиши керак.
   2. Ўқувчилардан бири жавоб бериш учун чиқарилади.

3. Синфнинг ҳамма ўқувчилари жавоб бераётган ўқувчини қунт билан тинглаши, унинг жавобини тўлдириши, тузатиши, ойдинлаштиришга ёрдам беришини таъминлаш лозим.

4. Ўқувчиларнинг жавоби қай даражада тўғри нотўғри бўлишидан қатъий назар, ўқитувчи томонидан изоҳланиши, якунланиши ва баҳоланиши зарур.

Шундай қилиб, замонавий умумтаълим мактабларида қўлланилаётган таълим усуларидан оғзаки усулнинг асосий турларини таърифлаб бердик. Ўқитувчининг вазфаси бу тўпланган усулларни фақат эгаллабгина қолмасдан аниқ вазиятда уларнинг ҳар томонларини ўйлаб топиш, уларни бошқа усуллар билан моҳирона қўша олишдан иборатдир.

## Ўқитишнинг кўргазмали усуллари.

Ўқитиш жараёнида кўргазмалилик усулидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ходисаларини хиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ўқитувчини ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилишга, ниҳоят, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади.

Ўқитувчилар сезиб идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни қулоқ билан эшитиб, ҳиди бор нарсаларни ҳидлаб кўриб, таъмини сезиш мумкин бўлган нарсаларни татиб кўриб билиб оладилар.

Таълим кўргазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади.

Таълим жараёнида намойиш этиш усулидан фойдаланиш асосий материалларнинг характерига мазмуни, шакли ва хажмига боғлиқдир. Мактабларимизда қўлланиладиган кўргазмали материаллар характер эътибори билан икки турда бўлади:

1. Аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар: ўсимлик ва уларнинг таркиби, ҳайвонлар, маъданлар, коллекциялар, асбоб ва машиналар, моделлар ва ҳаказо.
2. Тасвирий-кўргазмали материаллар. Тасвирий кўргазмали материаллар ҳам мазмуни ва тузилиши шаклига қараб икки турга бўлинади:

а) буюм, нарса, ходиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи матер- иаллар-расм, сурат, фотосурат, диафильм, кинофильм ва ҳаказо;

В) буюм, нарса, ходиса ва воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали ифодаланган символик ва схематик тасвирий материаллар жўғрофия ва тарих карталари, чизмалар, жадваллар, диофрагмалар ва ҳаказо.

Тасвирий кўргазмали материалларнинг ҳар иккала тури иллюстрация материаллари деб ҳам юритилади.

Кўргазмали материалларнинг турлилиги уларнинг ҳар хил қўлланишини талаб қилади.

Масалан, 1. Буюм ва нарсаларни табиий ҳолда кўрсатишни икки усулда намойиш қилиш мумкин:

а) Ўтилаётган мавзуга оид бадиий кўргазма материаллари ўқитувчи баён қилаётган ўқув материали билан бир вақтда (фақат ўқитувчи томонидангина) кўрсатилиши мумкин;

в) Табиий кўргазмали материалларнинг сони етарли бўлса, улар ҳар қайси ўқувчига тарқатиб берилиши мумкин.

2. Тасвирий кўргазмали материалларнинг ҳар иккала турини ҳам икки хил усулда олиб бориш мумкин.

а) Кўргазма материалини ўқитувчи намойиш қилади;

в) Кўргазма материаллар ўқувчиларга тарқатилади.

Таълим жараёнида тасвирий иллюстрация материалларидан фойдаланиш кенг қўлланилади. Ундан унумли фойдаланиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилмоқ зарур; ўқувчиларга машғулот олдидан намойиш жараёнида кўзланган мақсад қисқача

тушунтирилади; кўргазмали материаллар ўқитувчи баёнининг маълум пайтида кўрсатилади ёки тарқатилади; намойиш жараёни ўқитувчи томонидан изоҳлаб берилади.
Табиий фанлар-биология, физика, химия фанлари бўйича физикавий ва химиявий ходисаларни тажриба қилиб кўрсатиш алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Бунда айниқса, тажрибанинг муваффақиятли чиқишини таъминлаш муҳимдир.

## Ўқитишнинг амалий усуллари

Ўқитишнинг амалий усуллари доирасида жуда кенг улар ёзма машқ (масалалари ечиш, чизмалар тайёрлаш ва бошқалар) тажриба лобаратория характердаги машқлар (фронтал тажрибалар, лобаратория ишлари, амалиётлар, ўқитишнинг техника воситалари, ўргатувчи машиналар ва бошқалар билан ишлаш); меҳнат топшириқларини бажариш усулларини ўз ичига олади.
Амалий усулларга ёзма машқлар киради. Уларни бажаришда олинган назарий билимларни амалиётда бевосита қўллашга ўргатилади. Машқ қилдиришда илмий билим ва маълум бир иш ҳаракатнинг ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали суратда ташкил этилган такрорлаш назарда тутилади.
Машқ қилиришда ҳар қайси ўқув фанининг ўзига ҳос ҳусусиятлари ҳисобга олинади. Она-тили бўйича грамматик таҳлил, математикадан мисол ва масалалар ишлатиш табиатдан ўсимликларни турларга ажратиш ва бошқалар.
Юқори синфларда математика, физика, химия, фанлари бўйича ўзига хос машқлар, техникага оид топшириқлар воситасида олиб борилади. Машқ учун берилган топшириқлар воситасида олиб борилади. Машқ учун берилган топшириқлар, албатта илгари ўзлаштирилган қоида ва қонунларни ўз ичига олган бўлиши лозим.
Ўқувчиларнинг ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда машқ қилдиришда: 1. Машқ учун берилган топшириқнинг мақсади ўқувчиларга аниқ тушунтирилган бўлиши. 2. Машқ устида синф ўқувчилар жамоаси ва ҳар қайси ўқувчининг шахсий интилиши, қизиқишини ҳисобга олиш. 3. Топшириқ бутун синф ўқувчиларининг актив фаолиятини таъминлайдиган бўлиши ва машқни, албатта белгиланган вақт ичида бажариш талаб қилиниши керак, машқ қилдириш усулида ўқувчиларнинг ёзма, ижодий машқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ёзма, ижодий машқлар асосан она-тили ва адабиёт, тарих, жўғрофия фанларида ҳам қўлланиши мумкин. Ўқувчиларнинг ёзма ижодий машқлар иншо, ваъз, рефератлар ёзиш устида ҳам қўлланилади.
Лаборатория машқ ишлари ҳам ўқитишнинг амалий усули ҳисобланади. Лаборатория машқлари ҳар томонлама тажрибалар лаборатория ишлари, амалиётлар, ўқитишнинг техник воситалари ва мактаб ўқув қуроллари туридаги асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилади.
Амалий машғулотлар усули ўқувчиларга таълим бериш ва меҳнат малакаси билан қуроллантиришда асосий усул бўлиб хизмат қилади шунинг учун ҳам мактабларнинг 5-9 синфларида мактаб ўқув устахонаси ва тажриба ер участкасида бир қатор амалий ишлар олиб борилади. Ўқувчиларни мактаб ўқув устахонаси ёғоч ва металларни қўлда ва механизмларда, электрлаштирилган асбоблар ва дастгоҳларда ишлай олиш малакаси билан қуроллантириш назарда тутилади.

## Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли изланиш усуллари

Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли изланиш усуллари энг аввало, ўқувчиларнинг янги тушунча, ходиса ва қонунларни билишдаги ижодий фаолликлари даражасини баҳолаш асосида қисмларга ажратилади.
Репродуктив усуллар биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ўқув материалларини мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш, билишга доир фаолиятни бошқариш, камчиликларни тез аниқлаш учун амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш

мақсадида қўлланилади. Репродуктив усуллар айниқса, ўқув материалининг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, амалий ҳаракатларнинг усулларини таърифласа, ўқувчиларнинг билимларини мустақил қидириб ола билишлари учун жуда янги ҳисобланса вазиятларни ҳал қилиш учун тайёр билимлар йўқ бўлса самарали қўлланилади.

Тафаккурнинг репродуктивлилик характери ўқитувчи ёки бошқа манба орқали хабар қилинадиган ўқув ахборотларини фаол идрок қилиниши ва эслаб қолинишини назарда тутади. Бу усулларни ўзига ҳос моддий асоси бўлиб ҳисобланадиган ўқитишнинг оғзаки, кўргазмали ва амалий усулларидан фойдаланмай қўллаш мумкин эмас. Ҳикоя усули репродуктив тузилганда ўқитувчи омилларни, далилларни, тушунчаларнинг таърифини тайёр ҳолда беради.

Репродуктив характердаги амалий ишлар шуниси билан фарқ қиладики, бу ишларнинг давомида ўқувчилар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирилган билимларини қўллайдилар. Репродуктив машқлар амалий кўникма ва малакаларни намуна бўйича бир неча бор такрорлаш орқали айниқса самарали таъсир кўрсатади.

### Муаммоли вазият яратиш усуллари

Муаммоли таълим дейилганда ўқув материалини ўқувчилар онгида илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб ўрганиш тушунилади. Ўқувчининг фикрлаш фаолиятида мантиқий тўғри, илмий хулосаларни излаш ва ўзлаштиришга рағбатлантирадиган муаммоли вазиятлар вужудга келади. Пайдо бўлаётган муаммони ҳал қилиш учун, ўрганиладиган қоидаларни тўғри тушуниб олишга интиладилар.

Бошланғич таълимда муаммоли вазиятларнинг ҳар хил тури бўлиши мумкин. Бошланғич синфларда болаларнинг дунё қарашини кенгайтириш учун топшириқлардан, масалалардан болалар учун мос бўлган, уларда ҳар нарсани билишга қизиқиш ва хавас ўйғотадиган шароитлардан фойдаланиб келмоқдалар. Бунда муаммоли вазият топишмоқнинг мазмуни ёки масаланинг шартида акс этади. У топишмоқ ва масала шартлари бола онгида муқаррар суратда муайян бир савол туғиладиган ва шу саволга жавоб қайтариш истаги пайдо бўладиган қилиб тузилади.

### Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари

Дарсларга тайёрланиш жараёнида ўқитишнинг индуктив, дедуктив каби усулларини танлаш зарурияти ҳам туғилади. Кейинги йилларда дедуктив ўқитишга эътибор кучайди. Тафаккурнинг индуктив усулларини шакллантирмай туриб фақат умуммеҳнат характердаги тажрибалар орқалигина мувоффақиятларга эришиб бўлмайди. Индуктив ёки дедуктив усулларини қўллаш ўрганилаётган мавзуни очишнинг маълум мантиқини ҳусусийдан умумийга ёки умумийдан ҳусусийга танлашни англатади.

Индуктив усуллар техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади. Математика ва физикага доир кўпгина масалалар, айниқса ўқитувчи ўқувчиларни айрим умумийроқ формулаларини мустақил эгаллашларига олиб келиш зарур деб ҳисобланган ҳолларда индуктив воситасида ечилади.

Дедуктив услуб ўқув материалини тезроқ ўтишга ёрдам беради тафаккурни бир мунча фаолроқ ривожлантиради. Назарий материални ўрганишда анчагина умумий ҳолатларида айрим оқибатларини аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив усулини қўллаш айниқса фойдалидир.

### Таълим жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбеҳ бериш усули

Ўқув фаолиятини рағбатлантириш деб кишининг актив фаолиятга бўлган ташқи мойиллиги айтилади. Шунинг учун ҳам рағбатлантириш-ўқитувчи фаолиятининг омили ҳисобланади. Аммо рағбатлантириш кишининг фаолиятига бўлган ички мойилига таъсир қилганлигини реал мақсад сари ундайдиган кучга айланади. Бунинг устида яна бундай

ички ундош фақат ташқи рағбатлантиришлар таъсиридагина эмас, балки ўқувчиларнинг ўз-ўзининг таъсирида ҳам, унинг олдинги тажрибаси, эҳтиёжлари ва ҳоказолар таъсирида ҳам юзага келади.
Ўқишга қизиқишнинг рағбатлантириш турларидан бири –ўқишида маълум қийинчилик сезаётган ўқувчиларга мувоффақиятли вазиятларни яратишдир. Чунки мувоффақият қувончини бошдан кечирмай, ўқишдаги қийинчиликларни бартараф қилмай туриб яхши натижаларга эришиб бўлмайди.
Мувоффақиятга эришиш вазиятини ўқувчининг оралиқ ҳаракатларини рағбатлантириш, яъни уни зўр берилишига махсус ундаш йўли билан ҳам ташкил қилиш мумкин. Мувоффақият вазиятларини яратишда у ёки бу топшриқларни бажариш жараёнида қулай маънавий руҳий муҳитни таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Ўқиш вақтидаги қулай микро иқлим ишончсизлик, қўрқиш хиссиётини камайтиради. Бундай ҳавотирлик ҳолатди ўрнини ўзига нисбатан ишонч туйғуси эгаллайди.
Рағбатлантириш ва танбеҳ бериш усуллари ўзига ҳос ҳусусиятларига эгадир. Масалан, баҳо билан рағбатлантириш, маҳсус танланган топшириқлар бериш йўли билан ўқишдаги мувоффақият вазиятини яратиш, тажриба ва лобаратория ишларини тайёрлашда қатнашиш орқали рағбатлантириш; билимларни жамоатчилик томонидан кўриш якунларига қараб рағбатлантириш ва ҳаказо.
Ўқишга доир танбеҳлар: дарс пайтидаги оғзаки танбеҳлар беришлар, кундалик дафтарига ёзишлар, хатоларини кўрсатиш ва бошқа усуллар орқали қўлланилади.
Койиш ҳамда жазолашнинг бошқа турларини қўллаш ўқитиш усулида истесно ҳол, чунки бу усул энг охирги иложсиз чора ҳисобланади. Мактабда болага тан жазоси бериш, ўзлаштирмагани учун уни ҳақорат қилиш шахсига тегиш ёки ёмон иборалар билан сўкиш асло мумкин эмас.

## Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари

Ўқитиш тизимида назоратни зарурлиги, энг аввало, бутун ўқув юртлари тизимини самарали ишлаётганлиги ҳақида ахборот олишга бўлган ижтимоий эҳтиёжидан келиб чиқади. Назорат таълим жараёнининг ажралмас қисмларидан бири саналади. Чунки назорат қилиш туфайли ўқитишдаги ўзаро мулоқот, ўқитишнинг боришини жадал бошқариш ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш янги дарсга аниқ вазифалар қўйиш имконини берувчи алоқа амалга оширилади.
Ниҳоят, назорат мактабдаги ўқитиш жараёнига ҳос бўлган: таълимий, тарбиявий ривжлантиришдек бир қатор асосий вазифаларни бажаради.
Назоратни таълимий таъсири ўқитувчи барча ўқувчиларини ўз ўртоқларининг жавобини тинглашга жалб қилиши кузатиш ва қўшимчалар таклиф этиши орқали таъминланади шу туфайли ҳам сўраш жараёнида барча ўқувчилар ўрганиб, ўзлаштириб олган билимларини тизимга солишади, такрорлашади ва мустаҳкамлашади.
Назоратни турларга бўлишнинг ҳусусияти шундаки, назоратнинг кенг келувчи ҳар бир турида ҳам олдинги турдаги белгилар намоён бўлади. Шунинг учун назоратнинг оғзаки, ёзма ва лобаратория турлари ҳамда уларга мувофиқ келувчи усуллар қўлланилади.
Оғзаки назорат якка ва руҳий сўраш йўли билан амалга оширилади.
Ўқитиш жараёнида фанлар бўйича диктант, баён ва иншолар ўтказиш йўли билан ўқувчилар билимини ёзма назорат қилиб бориш амалга оширилади. Ёзма назорат ишларини ўтказишда баҳоларнинг тўлиқ объективлигини таъминлаш билан бўш ўзлаштирувчиларни илғорлар сафига тортиш, топшириқни табақалаштириш йўлини қўллаш мумкин.
Ўз-ўзини назорат қилиш ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини муҳим элементларидан биридир. Ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қила олиш маҳоратини шакллантирмоқ лозим. Масалан, ўқувчиларга уй вазифани бажараётганда ўз-ўзини текширишнинг қуйидаги усулларини тавсия қилса бўлади: дарслик матни ўқиб чиққандан сўнг унинг муҳим жойларини ифодаловчи қисқа режасини мустақил тузиш, режадан фойдаланиб, матннинг

асосий маъносини гапириб бериш, китоби шу мавзу юзасидан берилган саволларга жавоб бериш учун тайёргарлик кўриш, бундай иш усулини юқори синфларда ҳам қўллаш мумкин.
Назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услубларини ўзаро моҳирона бириктириш барча ўқув фанлари бўйича таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

**Назорат топшириқлар**

1. Оғзаки баён қилиш усулларини аниқланг.
   а) лобаратория машғулоти.
   в) муаммоли ҳолат ҳосил қилиш
   с) тажриба қилиб кўриш
   д) ҳикоя қилиш
   е) машқ қилиш
2. Мактаб маърузасининг моҳиятини сўзлаб беринг
3. Суҳбат ва савол-жавобнинг бошқа методлардан фарқини тушунтириб беринг?
4. Қайси методлар сиз эгаллаётган иҳтисослик фанларини ўқитишда кўп қўлланилади?
Сабабини изоҳлаб беринг?
5. Намойиш этиш қайси тоифага киради?
   а) ўқитувчининг кўргазмали усули
   в) ўқитувчининг амалий усули
   с) мустақил иш усулларига.
   д) назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш
   е) ўқитишнинг оғзаки усули
6. Мантиқий фикрлашга йўналтирувчи методлар.
   а) суҳбат методи
   в) машқ қилдириш методлари
   с) индуктив ва дудутив усуллар
   д) тажриба синов ўтказиш
   е) муаммоли таълим методи
7. Таълим методларини тасниф қилган олимлар
   а) Э.Чориев, У.Нишоналиев
   в) Б.Ф.Логвинов, В.В.Краевский
   с) Н.М.Скаткин, И.Я.Лернер
   д) Н.И.Болдирев, М.Очилов
   е) Ж.Г. Йўлдошев, Ж.Икромов
8. Ўзингизга ёққан ўқитувчининг дарсини кузатинг ва таълим методларидан қандай фойдаланганлигини таҳлил қилинг.
9. Ўзингиз дарс ўқитганда қандай методлардан фойдаланасиз? Ёзма жавоб беринг?

**Адабиётлар рўйҳати**

1. Бабанский Ю.К. Методў обучения в современной обҳеобразовательной школе. М., 1985
2. Лернер И.Я. Дидактические техновў методов обечения . М. 1980
3. Проблемў методов обучения. М. 1980.
4. Педагогика Мунавваровнинг умумий тарихи остида. Т.1996.

**12-мавзу: Ўқувчилар билимини текшириш, назорат қилиш ва баҳолаш**

**Ажратилган вақт-2 соат**
**Машғулот тури-маъруза**

**Асосий саволлар:**

1. Ўқувчилар билимини текшириш, назорат қилиш ва баҳолашнинг аҳамияти.
2. Билимларни текшириш турлари ва мактабда бахо нормалари.

**Таянч тушунчалар:**

Билим, бахо баҳолаш, билимларни жорий текшириш, билимларни оралик текшириш, билимларни якуний баҳолаш, баҳолаш формалари.

**1. Ўқувчилар билимини текшириш, назорат қилиш ва баҳолаш:**

**Ўқитувчининг мақсади:** Ўқувчилар билимини текшириш, назорат қилиш ва баҳолашнинг аҳамиятини талабаларга тушунтиради. Уларда педагоглик касбига қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Ўқувчилар билимини текшириш, назорат қилиш ва баҳолашнинг аҳамиятини тушунтиради.
1.2. Ўқувчилар билимини текшириш, назорат қилиш ва баҳолашнинг аҳамиятини асослаб беради.

Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълим бериш аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ижобий ҳарактеристикага эга бўлади.. Ўқитувчига ўқувчи нимани билиш ва нимани тушунмаслиги, Қайси материал яхши ўзлашти-рилгану, Қайси бири етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги ёки умуман ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади.. бу ўқувчиларнинг билиш фаолия-тини ташкил этиш ва уни бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Шунингдек ўқувчига ўқув материалида у нимани яхши, нимани коникарли ва нимани ёмон ўзлаштиргани тушунарли бўлади. текшириш ўқувчининг ўрганилиётган материални тушуниш, эсда сақлаб қолиш, англаб олиш да-ражасини аниқлайди. Ўқувчи ўз билимларининг ижобий ҳарактеристи-касига, мактабда ва уйдаги ишининг услубини такомиллаштириш, билим-лари, малака ва кўникмаларидаги ижобий томонларни ривожлантириш, камчиликларни тугатиш имкониятига эга бўлади.

Билимларни, малака ва кўникмаларни текшириш ва баҳолашнинг тарби-явий аҳамияти шундаки, бунда ўқувчиларда ўқишга, ўз ютуклари ва муваф Фақиятсизликларига нисбатан муносабат шаклланади. Кийинчиликларни енгиш истаги туғилади. Бахо унда ҳамиша ўқувчи сифатида, шахс сифати-да ўзига нисбатан муайян бир муносабатни хосил қилади. Ўқувчининг ўзи-га нисбатан бу муносабатини, туйгуларини ўқитувчи унинг ҳарактеридаги иродалилик, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш каби сифатларни шаклланти-риш борасида усталик билан ишлатади.

Билимларни текшириш ва баҳолаш давлат аҳамиятига эгадир. Халқ таълими бошқармалари ўқув фаолиятини текшириш натижаларига, мактаб ўқувчилари олган билимлар, малака ва кўникмаларнинг бахосига биноман мактаблар, ўқитувчилар жамоаларининг иши ҳақида, уквчиларнинг ўзлаштириши ҳақида хулоса чиқарадилар.

Мактаб маъмурияти, шаҳар, туман, вилоят, халқ таълими бўлимлари, Халқ таълими вазирликлари ҳар доим ўқувчиларнинг билимлари, сифати ҳақида, мактаблар ва ўқитувчилар ишининг афзал ва камчилик томонлари ҳақида хулоса чиқариши мумкин бўлган махсус текширув ёки назорат ишларини бериш имкониятига эгадир.

Билимларни текшириш ва баҳолаш муайян дидактик талабларга жавоб бериши керак:

Текшириш ва назорат қилиш тизимли, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабларга риоя этилмаса ўқувчиларнинг ўқишга нисбатан муносабати ёмонлашади. Билимларнинг сифатига салбий таъсир қилади. Мактаб ўқувчиларт дарсга ҳар куни тайёрланиб боришлари керак. Ўқитувчининг доимий равишда назорат қилиб туриши шуни талаб қилади.

Билимларни баҳолаш якка ёндашув ҳарактерига эгадир. Ҳар бир ўқувчи ўзининг билимлари, малака ва кўникмалари баҳоланаётганлигини тушуниши керак.

Мактаб ўқувчилирининг билимлари, малака ва кўникмалари давлат ўқув дастурирининг бажарилиши нуктаи назаридан текширилади ва бахо-ланади. Дастурлар мазмунини ўзлаштириш сифати билимларни баҳолашда асосий мезондир.

Ўқувчилар билимларини, малака ва кўникмаларини текшириш форма-лари ранг-барангдир. Баъзан, ўзок вакт мобайнида ўқитувчи билимларини текширишнинг бир хил усуллари қўлланади. Унда сураш, савол бериш, ёки бахони изоҳлаш сохасида муайян одат пайдо бўлади. текшириш формаларининг ранг-баранглиги ўқувчиларни ўзларининг билимига, уни қайтаришга диккатни жалб этишга мажбур қилади. Бу ҳолда ўқувчи бамисоли ўқитувчига ёкиш, унинг учун жавоб бериш тўғрисида камрок уйлайди. Текшириш формаларининг ранг-баранглиги Айниқса бошланғич синфларда, качонки мактаб ўқитувчиларида билимларни текшириш ва баҳолашга муносабат бошланган бир пайтда жуда ҳам муҳимдир.

Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш давомат миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айни пайитда халқ маорифи органлари ва мактаб маъмурияти ўқитувчи ишини назорат қилиб туриш учун асосий воситадир.

Ўқишнинг ҳар бир даврида текшириш учун назорат ишлари, кузатиш ишлари, ўқувчилар ишини таҳлил қилиш ва бошқа шунинг сингари тад-бирларни амалга ошириш мумкин. Ўқувчилар билимини текшириш ва ўқиш натижаларига бахо бериш методлари ўқувчилар шахсининг ривож-ланишига, Айниқса бошланғич синфларда катта тарбиявий таъсир кўрсатади. Кичик ёшдаги ўқувчилар билимларга берилган бахоси ўқиш натижаларининг асосий ва хал қилувчи кўрсаткичи деб хис қиладилар.

Ўқувчилар билимини текширишнинг ўқув жараёнида тўтган ўрни ва аҳамияти текшириш усулларига ҳамда ўқитувчининг уни ташкил этишга доир талабларни белгилаб беради. Бу талабларнинг асосийлари куйидагилардан иборат.

1. Дастурда кўрсатилган ўқув материалини ўзлаштириш сифатида текширилади ва баҳоланади.
2. Текшириш бир хил системада, ягона давлат дастуридан келиб чиқади.

**Назорат топшириқлари:**

1. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг таълим бериш аҳамияти нимадан иборат?
   а) Ўқувчилар билимини чуқурлаштиради.
   в) Билим доирасини кенгайтиради.
   с) Бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ижобий ҳарактеристикага эга бўлади.
   д) Ўқувчи ўқув материалида нимани яхши, нимани коникарли ёки ёмон ўзлаштирганини тушуниб олади.
   е) Ўқувчи фаолиятига аниқ бахо берилади.
2. Билимларни текшириш, назорат қилиш ва баҳолашнинг аҳамиятини

тушунтиринг.

3. Билимларни текшириш, назорат қилиш ва баҳолашнинг аҳамиятини шархлаб беринг.
4. Билимларни текширишнинг талабларини ёзма равишда изоҳлаб беринг.
5. Ўқувчиларнинг билимларни текшириш, назорат қилиш ва баҳолашнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини тушунтиринг.
6. Ўқувчиларнинг билимларни текшириш, назорат қилиш ва баҳолашнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини асослаб беринг.

## 2. Билимиларни текшириш турлари ва мактабда бахо нормалари:

**Ўқитувчининг мақсади:** Билимларни текшириш турлари ва мактабда бахо нормалари ҳақида талабаларга тушунча беради. Уларда ўқитувчилик касбига қизиқиш уйғотади.

### Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Ўқувчилар билимини текширишнинг моҳиятини тушунтиради.
2.2. Мактабда бахо нормалари ҳақида шархлаб беради.

### Билимларни текшириш турлари

Билимларни текширишнинг қуйидаги турлари бор.

Ҳар дарсда текшириш. Ўқитувчи ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлигини текширади, болаларнинг бутун дарс давомида ўқув материали мазмунини қандай ўзлаштираётган-ликларини назорат қилиб туради.

Билимларни жорий текшириш ҳар бир дарсда ўтказилади. У тушун-тириш, мустахкамлаш, материални такрорлаш чогида ўқув жараёнининг зарур қисми ҳисобланади. Жорий текшириш билимларни аниқлашга ва ўқув жараёнини ана шу асосда олиб боришга имкон беради. Билимларни жорий текшириш махсус ажратилган вақтда сураш, уй вазифасини текшириш учун мустақил иш бажартириш шаклида ўтказилади. Баъзида эса тушунтириш, такрорлаш ёки мустахкамлаш чогида мавжуд билимларни қайтариш учун саволлар ва вазифалар бериш тарзида ҳам ўтказилади.

Тематик текшириш бутун темани ўзлаштирилишини назорат қилиб боришни таъмин этади..Ўқув дастурининг ўрганилган мавзуларидан бирининг мазмуни текширилади. Бу хилдаги текшириш материални тизимийлаштиришда жуда катта аҳамиятга эгадир. Дарсда киска вакт мобайнида шунака саволлар бериш ёки шунака вазифаларни таклиф этиш керакки, ўқувчи ўзини уларда теманинг асосий мазмунини, асосий гояларини кўриб тўргандай хис қилиш керак.

Якунловчи текшириш ўқувчиларнинг ўқув йилининг маълум даврида - бир неча хафта, ўқув чораги, ярим йил, бир йил ичида, бир неча йил давомида ва Тўққиз йиллик ёки ўрта маълумот бўйича олган билимлари текширилади. Якуний бахо мактаб ўқувчисининг чорак ёки йил давомидаги ишининг натижасини акс эттиради.

Билимларни текширишининг бу турлари огзаки ва ёзма бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш сифати уларнинг ўқитувчи саволларига берган жавобларига мустақил ва амалий ишларни, махсус огзаки ёки ёзма топшириқларни текшириш мақсадида берилган ёзма ишларни бажаришларига қараб текширилади. Ўқувчининг билим-ларни ўзлаштириш сифати ҳақида унинг дарсдаги билиш активлигига ка-раб ҳам фикр юритиш мумкин.

Ёзма, назорат ва мустақил ишлар билимларни текширишнинг асосий формалари ҳисобланади.

Дарсда билимларни одатдаги текширишнинг асосий формаси ўрганилган материални ўқувчилардан ёппасига ва индивидуал равишда сураб чиқишдир.

## Мактабда бахо нормалари

Ҳозирги вақтда бизнинг мактабимизда беш балли системаси қабул қилинган.

«5» (аъло) бахо программа материалини чуқур ва тўла тушунган, ўрганаётган қоидаларини мустақил равишда тушунтириб бера олган, саволга мантиқий ва адабий тўғри формада, ишонарли ва равшан жавоб берган, хато килмаган ўқувчига қўйилади.

«4» (яхши) бахо дастур материалини чуқур ва тўғри ўзлаштирган, аммо жавобида ноаниқликларга ҳамда жавобининг мазмунида ва тузилиши формасида унга муҳим бўлмаган хатоларга йўл куйган ўқувчиларга қўйилади.

"3" (ўрта) бахо ўқув материалини ўзлаштирган, лекин тушунтирганда хатога йўл куйган ўқувчига қўйилади .

"2" (коникарсиз) бахо билимни, ўқув материалини ўзлаштирмаган ўқувчиларга қўйилади.

«1» (жуда ёмон) бахо качонки, ўқувчи дастурдаги материални билмаган ва тушунмаган, мазмунда кўпол хатоларга йўл куйган ҳолларда қўйилади.

**Ўзлаштирмасликнинг бир қанча сабаблари мавжуд:**

- Болада иш қобилиятининг, интилишнинг ва диккат эътиборнинг етишмаслиги.
- Билимларни пухта ўрганмай ўтказиб юборганлиги.
- Материалдаги муҳим белгиларни ажрата олмаслик, асосий ва иккинчи даражали нарсанинг фарқига бормаслик.
- Мазкур ўқув фанига қизиқиш йўқлиги.
- Ўқувчининг оилада ёки ўз тенгкўрлари орасида нокулай ахволда қолиши.

Ҳар бир ўқувчи яхши ўқиши, тарбияланган ва иродали бўлиши мумкин. Бу борада унга ёрдам бериш ўқитувчи, мактаб ва оиланинг вазифасидир.шунинг учун мактаб ўқувчисининг ўзига хос хусусиятларини ўрганмай ва якка тарзда ёндошмай туриб, ёмон бахо қўйишга шошилмаслик керак.

Билимларни назорат қилиш, текшириш ва баҳолаш нинг янги моҳияти..

Беш балли тизимда баҳолаш билан биргаликда Ҳозирги вақтда кўп балли тизимда баҳолаш ҳам мавжуд. Бу тизим орқали ўқувчиларнинг фикрлаш доираси, билим савияси, қобилияти ва билимни ҳар томонлама чуқур эгаллаганлик даражаси мукаммалрок аниқланади.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг таълим сохасида бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Таълим сохасига ўқувчилар билимларини тест- рейтинг синови орқали баҳолаш усули кириб келди. Ҳозирги даврда бир неча йиллардан буён ўқувчиларни баҳолаш , ўрта-махсус ва Олий ўқув юртларига қабул қилиш ҳам тест орқали бўлмоқда. Ўқувчиларнинг олган билимларини тест орқали билиш, билим даражасини текшириш яхши самара берди. Йил мобайнида бу самара тажриба мактабларига жорий қилинмокда. Тест рейтинг назорати, орқали ўқувчиларни баҳолашда ўқув-чининг ҳар томонлари га эътибор берилади. Унинг кундалик фаолияти баҳоланади. Унинг хулқи, жамоат ишларидаги фаолияти билим даражаси биргаликда баҳоланади. Бу ўқувчининг билим, малака ва кўникмалар даражасини қандайлигини равшанлашдиради. Ва ўқувчи, ўқитувчи фаолиятини жипслаштиради. Ўқувчиларни ўқув фаолиятини яхшилайди. Кундалик назоратдан кейин ўқувчи фанларни ўзлаштиришга қизиқиш уйгонади. Ўқитувчи учун якуний баҳолаш, бахо бериш кундалик назоратларини якунидан келиб чиққан ҳолда бўлади. Бунда ўқувчи аниқ бахога эга бўлади.

**Назорат топшириқлари:**

1. Билимларни жорий текшириш качон ўтказилади.
   а) Ҳар бир мавзудан сўнг.

в) Ҳар бир дарсда.
с) Ҳар чорак якунида.
д) Ҳар чоракда икки марта.
е) Ҳар хафтада.

2. Билимларни якуний текшириш ва баҳолаш качон ўтказилади.
а) Ҳар чорак охирида ва йил охирида.
в) Ҳар бир мавзудан сўнг.
с) ҳар бир чорак охирида.
в) Ҳар бир бўлим охирида.
д) Ҳар бир дарсда.

3. Билимларни текширишнинг асосий формалари Қайси каторда тўғри кўрсатилган.
а) Маъруза.
в) Амалий машгулот.
с) Назорат ва мустақил ишлар.
д) Назорат ва амалий машгулот.
е) Маъруза ва амалий машгулот.

4. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш мезонини ёзма равишда изоҳлаб беринг.
5. Билимларни жорий, тематик ва якуний текширишнинг кенг таркалган формаларини (якка тартибда ва ёппасига сураш) шархлаб беринг.
6. Билимларни текшириш турларининг моҳиятини асослаб беринг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998.
2. Ильина Т.А. Педагогика М. 1985.
3. Махмутов М. Ҳозирги даврда дарс. М. 1986.
4. Мунавваров А.К. " педагогика ". Т., " ўқитувчи " 1996.
5. С.П. Баранов Т Ўқитувчи 1996.
6. Турсунов И. Нишоналиев У. Педагогика кўрси. Т., 1996.


## 13-Мавзу: Тарбия қонуниятлари ва принциплари

**Ажратилган вақт-2 соат**
**Машғулот тури-маъруза**

### Асосий саволлар

1. Педагогикада қонун ва қонуният тушунчаси, тарбиянинг асосий қонуниятлари.
2. Тарбия принциплари ҳақида тушунча.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** қонун, қонуният, изчиллик, педагогик қонунларнинг жамият қонунлари билан боғлиқлиги, принцип, тарбиянинг асосий қонуниятлари.

**1**. Педагогикада қонун ва қонуниятлар тушунчаси, тарбиянинг асосий қонуниятлари.

**Ўқитувчи мақсади:** Талабаларга қонун ва қонуният ҳақида тушунча бериш, тарбиянинг асосий қонуниятлари ва принципларининг моҳиятини очиб бериш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Қонун ва қонуният тушунчаларининг моҳиятини сўзлаб беради.
1.2. Ижтимоий қонуниятлар билан тарбия қонуниятларининг узвий боғлиқлигини далиллайди.
1.3. Тарбия қонуниятларининг мазмунини шарҳлаб беради.

Давлатимизнинг мустақилликка эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шаклларини ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия - маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари, эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда. ўқитувчиларнинг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади.

Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси, мактабшунослик билан узвий боғлангандир. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатни секин аста кўникмага айлантириб боришни таказо этади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир- бири билан ҳамкорликда қиладиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч қувватлари мустаҳкамланади.

Ижтимоий эҳтиёжлар тарбия жараёнининг ҳарактери, унинг вазифалари, мазмуни, усуллари ва воситаларини қонуний равишда аниқлаб беради. Педагогика фанидаги қонун ва қонуниятлар ижтимоий қонуниятларга тўла мос бўлади. Чунки, ижтимоий қонуниятлар жамиятнинг тараққиётини, унда инсоннинг тутган ўрнини, қандай фаолият билан шуғулланишини, яшашдан аниқ мақсад бўлиш кераклигини белгилайди.

Тарбия жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички ходиса ва муносабатларни акс эттиради.

Қонуният - барқарор, зарурий, у ёки бу ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва муҳим алоқа. Тарбиянинг асосий қонуниятларидан қуйидагиларни олишимиз мумкин:

-Тарбиянинг ижтимоий эҳтиёжларига бўлиниши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қўйиладиган тадаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Тарбия қонуниятлари биринчи навбатда жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Ўзбекистон миллий истиқлолга эришгандан кейин тарбиянинг жамият олдидаги моҳияти ўзгарди. Эски жамиятнинг коммунистик мафкурага асосланган тарбия йўналиши ўзгариб, янги барпо бўлаётган тузумга мос мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурати пайдо бўлди. Жамиятимизда тарбиянинг бутун йўналиши шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ўзгарди. Ижтимоий эҳтиёж таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақоза этди. Шунга асосан «Таълим тўғрисида» қонун ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ишлаб чиқилди. Уларда ижтимоий эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда, тарбия қонуниятларига амал қилиш ҳал этилган.

Тарбиянинг яна бир қонунияти унинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шаклларинигузвий боғлиқлигидир. Ёшларга бериладиган тарбия аввало аниқ мақсадга

йўналтирилган, шу мақсадни руёбга чиқаришда тарбиянинг мазмуни, усуллари ва шакллари бир-бирини тўлдириши, такомил-лаштириши керак.
Педагог олимлар тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги, боланинг ёши, ўзига хос хусусиятлари, ҳатто жинсий тафовутини ҳисобга олиш ҳам қонун ҳисобланади деб санайдилар. Кўпчилик манбааларда бу хусусиятлар тарбиянинг принципи сифатида қаралади. Тарбия принциплари қонунлар билан боғланган, уларнинг мантиқий давоми шаклида эътиборга олиниб, тарбия бериш жараёнида амал қилинади.

### .Назорат топшириқлари:

1. Қонуният деганда нимани тушунасиз?
а) қонуният – жамият ўзгариши билан ўзгаришга мойил, зарурий у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги зиддиятлардир.
в) қонуният - барқарор, зарурий, у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва муҳим алоқа.
с) қонуният - ўзгарувчан, зарурий, у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги муносабат ва муҳим восита.
д) қонуният – мавжуд тузумга мослашган ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносибликдир .
е) қонуният - у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи қоидалар йиғиндиси.
2. Ижтимоий қонуниятлар билан тарбия қонуниятларининг боғлиқлигини ҳаётий мисоллар келтириш йўли билан ёзма далиллаб беринг.
3. Тарбиянинг ижтимоий эҳтиёжига мос бўлиши қонуни деганда нимани тушунасиз?
а) жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар асосида тарбия мақсади ва йўналишларининг мутаносиблиги;.
в) ижтимоий буюртманинг бажарилишини;
с) ёшларнинг ҳар томонлама улғайишини;
д) тарбия ижтимоий жараёнлардан ҳоли амалга ошиши мумкин;
е) кундалик эҳтиёж талабларига мос бўлиши.
4. Тарбия мазмуни, мақсади, усуллари ва шаклларининг боғлиқлиги қонуниятини оғзаки шарҳлаб беринг.
5. Турли синф ўқувчиларидан бир қанча ёшларнинг шахсий хусусиятларини тарбия қонуниятларига қандай даражада амал қилинган-лигини таҳлил қилинг.
6. Тарбия қонуниятлари билан принциплари орасидаги боғланишни изоҳланг.
7. Тарбия қонуниятларига амал қилмасдан яшаган кишиларни биласизми? Уларнинг турмуш тарзи, жамоатчилик орасидаги ўрни ҳақида мисоллар келтиринг.

## 2. Тарбия принциплари ҳақида тушунча:

**Ўқитувчи мақсади:** Талабаларга тарбия принциплари ва уларнинг моҳиятини тушунтириб бериш, одобли, ахлоқли, хушфеъл, меҳнатсевар бўлиб улғайишга даъват этиш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Тарбия принципи шахс камолотида қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунтиради.
2.2. Тарбиянинг ҳар бир принципини шарҳлайди.
2.3. Тарбия принциплари таъсирини айрим шахсларнинг намунасида таҳлил қилади.

Юқорида таъкидланганидек тарбия принциплари тарбия қонуният-ларининг амалда тадбиқ этилиши, мантиқий давоми, акси сифатида намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкин, чунки тарбия қонуниятларига ҳам ,принципларига ҳам тарбия жараёнида амал қилинади . Тарбия қонуниятлари ва принцинларига алоҳида эътибор берган ҳолда иш кўрилганда

тарбияланувчилар баркамол шахсга айланади. Шунинг учун ҳам тарбия принципларини чуқур илмий асослаш билан бирга уларни ҳаётга тадбиқ этиш ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ва жамоатчиликнинг доимий эътиборида бўлиши керак. Педагогика фанида турли олимлар томонидан тарбия принциплари ҳар хил изоҳланиб келинган. Ҳозирги пайтда тарбиянинг қуйидаги принципларига амал қилиш тавсия этилади:

- тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги,
- тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик принципи,
- тарбиянинг ҳаёт билан, амалиёт билан боғлиқлиги принципи
- тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги принципи.
- тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш принципи,
- изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги принципи,
- бола шахсини ҳурмат қилиш ва талабчанлик принципи,
- мустақиллик, хаваскорлик ва ташаббускорликни ўстириш принципи,

**Тарбиянинг маълум максадга қаратилганлиги принципи:** тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги принципи болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради.

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад маънавий етук, ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни. Комил инсонни шакллантиришдан иборатдир. Шунга кўра тарбия мазмуни, шакли, усуллари шу мақсадга қаратилгандир. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга мўлжалланади, ғоявий-сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади.

**Тарбияда инсонпарварлик ва демократиклик принципи;** тарбиявий фаолиятни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш унинг моҳиятини ва мазмунини қайта тафаккур этишни кўзда тутади, шахснинг ривожланиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқини таъминлайди.

Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш ҳар бир боланинг ўзига хослигини ҳурмат қилиш унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим. Тарбияни демократиялаш бу тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир.

**Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устунлиги принципи;** Маънавий қадриятлар ва ғоялар ҳар хил миллат ўқувчиларини бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятларини уюштиришга ёрдам беради. Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда миллий ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш кўрилади.

**Тарбияда изчиллик, тизимлилик-тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги ва узлуксизлиги принципи;** Тарбияда изчиллик муҳим аҳамият касб этади. Болаларга бирданига жуда кўп қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Бу борада изчилликка амал қилиш лозим. Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг, педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражисини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олиниши мақсадга мувофиқдир.

Тарбиявий таъсирдаги тизимлилик фақат ёшларни эмас, балки аҳолининининг барча қатламларини қамраб олиши керак. Тарбиявий таъсирда изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбиялан-ганлик даражасини тарбия усуллари ва шаклларини ўз вақтида аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу қоида тарбиявий ишлар, ҳамда тарбияни амалга оширадиган барча бўғинларининг ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш кўришини кўзда тутиш керак.

**Тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш принципи:** Тарбия мураккаб жараён бўлиб, педагог бу жараёнда ҳар бир ўқувчининг нафақат ёши,

балки унинг шахсий хусусиятларига ҳам эътибор каратиш жоиз. Бу борада педагог ўқувчини тарбия жараёнининг фаол иштирокчиси эканлигини унутмаслиги керак. Педагогдан ўқувчи билан мулоқатга киришишдан олдин унинг биологик, физиологик, психик ривожланиш хусусиятларини ўрганишни талаб қилади.

**Бола шахсини ҳурмат қилиш ва талабчанлик принципи:** Бола шахси ҳурмат қилинсагина у педагогик таъсир ўтказишга очиқ ва мойил бўлади. Ўқитувчини ўзига қабул қилади. Ўқитувчига нисбатан меҳр уйгонади. Ундаги бор яхши фазилатларни ўзлаштиради ва билим олиш самараси ошади. Натижада комил инсон бўлиб тарбияланади. Бу борада педагог ўқувчини ҳурмат қилибгина қолмай талабчан бўлиши ҳам лозим. Талабчанлик ўқувчиларда тартиблилик, ўз ишини режалаштира олиш, умумий вазифа ичидан ўзига тегишлисини ажратиб олиш, маъсулиятлилик, ҳар ишнинг меъёрини билиш, кўзлаган мақсадга эришиш учун кураша олиш каби хусусиятларни шакллантиради.

**Мустақиллик, хаваскорлик ва ташаббускорликни ўстириш принципи:** Ўқувчиларда ёшликдан мустақил фикрлаш, мустақил фаолият кўрсата олишни шакллантириш лозим. Шунга кўра ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва интилишини қўллаб- қувватлаш лозим, уларни ўзлари қизиққан касб- ҳунарни эгаллашларига тўғри йўналтириш лозим. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да бу хақда батафсил баён қилинган. Жумладан, «Камолот», «Умид» сингари жамғармалар ёшларда ташаббускорлик, хаваскорлик мустақиллик каби хислатларни рағбатлантиришда, қўллаб-қувватлашда, ўз хиссасини қўшмоқда.

## Назорат топшириқлари:

1. Тарбия принципларининг тарбия қонуниятларига боғлиқлигини ёзма равишда баён этинг.
2. Тарбия принципини кўрсатинг

а) ибрат ва намуна.
в) тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги.
с) тарбиянинг мазмун ва шаклининг узвийлиги.
д) тарбиянинг давомийлиги.
е) тарбиянинг кўпқирралиги.

3. Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш:

а) тарбия методи ҳисобланади.
в) тарбия шакли ҳисобланади
с) тарбия воситаси ҳисобланади.
д) тарбиянинг таркибий қисми
е) тарбия принципи ҳисобланади.

4. Бола шахсини ҳурмат қилиш ва талабчанлик тарбиянинг методими ёки принципими?

а) методи.
в)принципи

5. Принцип эмасини аниқланг.

а) тарбиянинг тизимийлиги ва изчиллиги.
в) тарбиянинг турмуш билан боғлиқлиги.
с) тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик ҳарактерда бўлиши.
д) тарбияда мусобақалар уюштириш.
е) тарбиянинг ёш ва шахсий хусусиятларга мос бўлиши.

6. Тарбия принципларига амал қилишни мактаб, оила ва жамоатчилик мисолида изоҳлаб беринг.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари Т.1998.

2. И.А.Каримов. Туркистон газетаси мухбирининг саволларига жавоблари 1999 йил. 3 феврал.
3. Каримов И,А Баркамол авлод орзуси. Т. 1999
4. Абу Райхон Беруний. Рухият ва таълим - тарбия ҳақида .Т.1992.
5. Мунавваров А.К. Педагогика 1996

## 14-мавзу: Тарбия методлари

**Ажратилган вақт-4 соат**
**Машғулот тури-маъруза**

### Асосий саволлар:

1. Тарбия методи тушунчасининг моҳияти.
2. Тарбия методларининг тасъніфи.
3. Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар.
4. Фаолиятни тартибга солувчи методлар.
5. Ижобий хусусиятларга йўналтирувчи методлар.

**Мавазуга оид таянч тушунча ва иборалар:** тарбия методи, тарбия воситаси, тарбиявий таъсир шакли, таъсниф, ижтимоий онгни шакллантириш, фаолиятни таркиб топтириш, ижобий хусусиятларга йўналтириш, ўз-ўзини тарбиялаш.

**1–асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** талабаларга тарбия методлари ҳақида тушунча бериш, инсон фаолиятида методларнинг аҳамиятини уқтириш, шахс камолотида тарбия методларининг таъсирини сезишга ўргатиш.

### Идцентив ўқув мақсадлари:

1.1. Педагогикадаги метод тушунчасининг маъносини асослайди.
1.2. Тарбия методлари таърифини ўқиб олади.
1.3. Тарбия методларини педагогикадаги бошқа методлардан фарқлайди.
1.4. Асосий ва ёрдамчи метод тушунчаларининг фарқини ажратади.
1.5. Тарбия воситалари ва шаклларининг методлари самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини кўрсатиб беради.

**1-асосий саволнинг баёни:**

Тарбия инсон ҳаётида мунтазам амалга ошиб борадиган жараёндир. Тарбиянинг самарали бўлиши тарбиячи ва тарбияланувчининг фаолиятига хохиш –иродасига, қандай шароит ва воситаларнинг таъсирида руёбга чиқишга боғлиқдир. Айниқса тарбия қандай усуллар билан амалга оширилганлиги, уни беришда қандай йўл тутилганлиги ниҳоятда муҳимдир.

Педагогикада тарбия беришнинг йўли ва усуллари «метод» деб ҳисобланади. Қадимги юнон тилида «metxos» сўзи бизнинг тилимизда «усул», «йўл» деган маънони англатади.

Инсон ҳар қандай фаолият тўрини ўзига хос методлар орқали бажаради. Тарбия ҳам инсон фаолиятининг кўп қиррали ва мураккаб турларидан биридир. Шунинг учун педагогика фанида хилма –хил тарбия методлари жамланган ва илмий асосланган.

Тарбия методларини таърифлашда ҳар –хил ёндашувлар мавжуд. Бизнингча қуйидаги таъриф унинг моҳиятини аниқроқ ифодалайди. «Тарбия методлари –тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликда аниқ мақсадга эришиш учун маълум тартибда бажарадиган фаолиятнинг йўл ва усуллари йиғиндисидир». Унинг самарали таъсир этиши

учун тарбиячининг юксак маҳоратидан ташқари, тарбияланувчининг ёши, ўзига хос хусусиятлари, тарбиявий таъсирнинг муҳимлиги эътиборга олинади.

Айрим ҳолларда тарбияланувчининг ўзи у ёки бу методлардан фойдаланган ҳолда хулқ – атворини ўзгартиради, ёки тарбияга солади. Демак, тарбия методлари нафақат тарбиячи томонидан, тарбияланувчиларнинг ўзлари томонидан ҳам мустақил қўлланиши мумкин экан.

Тарбия методлари алоҳида, ёки бир неча метод билан биргаликда қўлланиши кузатилади. Бунда бир метод асосий таъсир усули бўлса, бошқалари ёрдамчи усул вазифасини ўтайди. Ёш болалар билан ишлашда бу ҳол яхши натижа бериш исботланган. Тарбия жараёнида методлар алмаштириб турилса тарбияланувчи учун одатдаги ҳолга айланмаса унинг натижаси самарали бўлади.

Тарбия методларидан муваффақиятли фойдаланиш учун уларнинг таъсирини орттирувчи воситалар ва шаклларидан ҳам усталик билан қўлланилади. Тарбия воситаси сифатида халқ оғзаки ижоди намуналари, бадиий ижод, тасвирий санъат, меъморчилик, маънавий қадриятлар ва анъаналар хизмат қилади. Тарбиявий таъсир шакли сифатида учрашувлар, мунозаралар ва муҳокама, меҳнат тарбиялари, ўйинлар, маросимлар ва бошқаларни ҳисоблаш мумкин. Айрим манбаларда бу восита шаклларини тарбия усули деб ҳам санашадилар.

Тарбия методлари жуда кўп хилма –хил бўлиб, ёшларни тарбиялашда уларни тўғри танлаш, моҳирлик билан фойдаланиш ҳамда алмаштириб туриш мақсадга мувофиқдир.

Тарбия методининг ким томонидан қўлланиши ҳам аҳамиятлидир. Айнан бир метод ота – она, ака –ука, ўқитувчи, синф раҳбари, мактаб директорлари томонидан қўлланса турлича натижа бериш мумкин. Шунинг учун ҳам методлар тоифалаштирилиши, тасниф этилиши, улардан фойдаланишни қўлай бўлишини таъминлайди.

## Назорат топшириқлари:

1. Метод бу нима?
   а) инсон фаолиятининг шаклларидан бири.
   в) тарбиявий таъсир этишнинг воситаси.
   с) аниқ мақсадга эришишнинг йўл ва усуллари.
   д) бажариладиган вазифаларнинг мазмуни.
   е) тарбияланувчини тартибли бўлишга ўргатувчи тушунча.
2. Методлардан қачон фойдаланилади?
   а) мактабгача тарбия даврида.
   в) мактабда ўқитиш чоғида.
   с) катталар назоратидан четда қолганда.
   д) доиммий.
   е) кези келганда.
3. Методнинг таърифи ва моҳиятини сўзлаб беринг.
4. Тарбия методларини таълим методлари ва илмий тадқиқот методларига таққослаб фарқини аниқланг.
5. Бир вақтда бир неча методлардан фойдаланишга мос тарбиявий лавҳа тайерланг ва таҳлил қилинг.
6. Метод, восита ва шакл тушунчаларининг фарқини ажратиб изоҳланг.

## АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ:


1. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент 1999 йил.
2. Нишонов У., Турсунов И. «Педагогика кўрси» Тошкент 1997 йил.
3. Бабанский Ю. К. «Педагогика» М. 1988 йил.
4. Мунавваров А. К. «Педагогика» Тошкент 1996 йил.

**2–асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** тасниф ҳақида тушунча бериш, тарбия методларининг асосий тоифаларини тушунтириш ва ёздириш, тўла ўзлаштиришга эришиш, тарбиячиликка қизиқиш ҳосил қилиш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Тарбия методларини тасниф қилиш тартибини изоҳлайди.
2.2. Ҳар бир тоифага кирган методларни таққослаб кўради.
2.3. Тарбия методлари таснифи бўйича чизма шакл ишлаб чиқади.
2.4. Тарбия методлари тоифалари орасидаги боғланишни аниқлайди.

**2 – асосий саволнинг баёни:**

Педагогика фани ўзининг узоқ тарихий тараққиёти давомида жуда кўп тарбия методларини илмий асослари ва амалий фаолиятида қўллашни маъқул йўлларини ишлаб чиқади.

Бундай тарбия методларининг тасниф этилиши. Тарбия амалиёти билан шуғулланувчи кишиларнинг фаолиятини енгиллаштирибгина қолмасдан самарадорлигини оширишга баракали хисса қўшиб келган. Тарбия методларининг таснифи деганда ҳар бир методнинг қандай мақсадда қаратилганлиги қандай вазифаларни бажариши, қандай натижа бериши, таъсир кучи ва моҳиятига кўра тоифаларга ажратиш тушунилади. Бир тоифага кирган методлар тарбияланувчи шахсда маълум бир йўналишдаги тарбиявий таъсирни амалга оширади. Масалан, тарбияланувчини онгида, тушунча, ишонч, эътиқод таркиб топтириш, ёки хулқ – атворини хатти- ҳаракатини, одатларини шакллантириш, ёки ижобий фазилатларини бажаришга йўналтириш, сабаб бўлиш ва ҳакозо.

Педагогика фанида ҳар хил таснифлар мавжуд бўлиб олимлар барча методларни ички тоифага, яъни ижтимоий онгни таркиб топтириш ва фаолиятни шакллантириш гуруҳларига ажратган яна бир гуруҳ олимлар тарбия методларини 3 тоифага бўлган. Улар юқоридаги икки гуруҳга учинчи қилиб, ижобий фазилатларга йўналтирувчи методларни қўшганлар. Бу тасниф кенг тарқалган тарбия методларини назарий ҳамда амалий тадқиқ этишда тегишли натижаларни кўрсата олгандир. Аммо тарбия методларини тугал қамраб олиш учун ўз - ўзини тарбиялаш методлари етишмайди. Бизнингча мана шу методларни тўртинчи гуруҳи қилиб кўрсатган олимларнинг таълимотига қўшилиш ўринлидир.

Шундай қилиб, тарбия методларини тасниф қилганда қуйидаги тўрт тоифага ажратиш маъқул кўринади, ижтимоий онгни шакллантириш тарбияланувчи фаолиятини таркиб топтириш, ижобий фазилатларга йўналтирувчи (сабаб бўлувчи) методлар, ўз- ўзини тарбиялаш методлари.

**Назорат топшириқлари:**

1. Таснифлаш нима?
а) тартибга олиш
в) тоифалаштириш
с) илмий асослаш
д) гуруҳлаштириш
е) соддалаштириш
2. Тарбия методлари таснифи нечта тоифага бўлинади ?
а) икки тоифага
в) тўрт тоифага
с) уч тоифага
д) беш тоифага
е) ўн тоифага
3. Бир тоифага кирувчи методлар
а) бир хил тарбиявий таъсир этади;

в) бир мақсадни бажаришга қаратилган;
с) фойдаланишга қулай;
д) мантиқий боғланган;
е) тарбияланувчига мослаштирилган.

4. Методлар таснифи бўйича чизма амалий иш бажаринг.
5. Тарбия методларидан амалда фойдаланинг ва натижаларини ёзма ифодалаб беринг.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. «Баркамол авлод орзуси». Тошкент., 1999 йил.
2. Турсунов И., Нишоналиев У. «Педагогика кўрси». Тошкент 1997 йил.
3. Мунавваров А. К. «Педагогика». Тошкент., 1996 йил.
4. Гайбўллаев Н. Р. «Таълим–тарбиянинг амалий йўналиши» Тошкент., 1988 й.


**3 – асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** талабаларга ижтимоий онгни шакллантириш методлари ҳақида тушунча бериш, шу тоифага кирувчи методларини амалда қўллашга ўргатиш, маънавий онглиликни хосил қилишда ушбу тоифага кирувчи методларнинг бошқа усуллар билан боғлиқлигини хис этишга ўргатиш.

**Идентив ўқув мақсадлари**:

3.1. Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар тоифасига кирадиган методларни аниқлаб олади.
3.2. Шу тоифага кирган ҳар бир методнинг моҳиятини изоҳлайди.
3.3. Айрим методлардан фойдаланиш учун тарбиявий ҳолатлар ишлаб чиқади.
3.4. Ҳар бир методни амалда қўллаб кўради.
3.5. Методларнинг бола тарбиясига таъсирини таҳлил қилади.
3.6. Шу тоифага кирувчи методларнинг самардорлиги ҳақида хулосалар чиқаради.

**3 – асосий саволнинг баёни:** Тарбияланувчининг онгида ижобий фазилатлар ҳақида тушунчалар хосил қилиш, имон, эътиқод, дунёқарашни таркиб топтириш, яхши – ёмонниг фарқини ажратишга ўргатиш , ижобий ва салбийни фаҳмлаш каби хусусиятлар ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар ҳисобланади.

Бу тоифага қуйидаги методлар киради: тушунтириш, уқтириш, суҳбат, ҳикоя, ваъз, маъруза, мунозара, муҳокама, ўғит–насиҳат, маслаҳат бериш, намуна.

Тушунтириш–тарбияга оид тартиб – қоидаларни, ахлоқ – одоб нормаларини, мулоқатга киритиш, ватан ва халқ олдидаги бурчни инсонпарварлик ва байналмилалчилик моҳиятларини оддий, тушунарли қилиб баён этишдир.

Уқтириш–тарбияланувчи учун ҳаётий саналадиган тушунчаларни унинг онгига сингдириш, бир умр ўқитилмайдиган бўлиши билан бирга беихтиёр бажариши амалиётга тадбиқ этишни ҳам англатади. (Ўқиган бошқа, ўқиган бошқа) Суҳбат–тарбияланувчи билан фикр алмашиш орқали унинг онгида мулоҳазалар уйғотиш, уни баён этиш, ўзгалар фикрини тинглаш, ўз дунёқарашини бойитиб бориш каби ҳолатларни акс эттиради.

Ҳикоя–тарбияланувчига етказилиш мўлжалланган тушунчаларнинг образли бадиий тўқималар асосида хис – хаяжонли тарзда баён этилшидир. Ҳикояда бўрттириб кўрсатиш алоҳида берш, ўтилиш ва келажак воқеаларини айнан ҳозир содир бўлаётгандек қилиб ифодалаш мумкин бўлади.

Ваъз, маъруза – тарбияланувчиларнинг ёши қизиқиши ва эҳтиёжларига мос мавзу танлаган ҳолда, белгиланган вақтда махсус таёргарлик кўрган кишилар томонидан бериладиган ахборотлардир.

Мунозара ва муҳокама–тарбияланувчиларни қизиқтирадиган мавзуда барча иштирокчиларнинг ўзаро фикр алмашинувидир. Мунозарада мавзу бўйича ҳамма ўз фикрини баён этиши, уни исбот ва далиллаш мумкин. Мунозарада фикр эркинлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Муҳокама маълум ўлчов тартиб - қоидаларга амал қилган ҳолда муносабат билдиришга асосланади.

Ўгит – насиҳат – катталар томонидан ўзининг ҳаётий тажрибаларига суянган ҳолда тарбияланувчига йўл кўрсатишдир.

Маслаҳат-тарбияланувчи бирор эҳтиёж асосида зарурат учун бил-маганларини ўзгалардан сўраб ўрганишдир. Маслаҳат сўралган нарсани бошидан кечирган фойдали тажрибага эга бўлган обрули кишилар бўлиши керак.

Намуна–тарбияланувчига бевосита амалда бажариб кўрсатиш, ёки бутун хаётий тажрибаси билан ибрат бўлиш, ўз хатти-харакати ва хулқ – атвори билан таъсир этиши ҳисобланади. Ёшларга энг авволо ота–оналарга ва туғишганлари намуна бўладилар, кейинча–улуғ сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти, фан, адабиёт, санъат намоёндалари, давлат арбоблари ва бошқа машҳур кишилар намуна қилиб кўрсатилади. Ёш болада тақлидчанлик кучли бўлиб, баъзан нотўғри ахлоқий кўринишларни ҳам ўзлаштириб олиши мумкин. Шунинг учун ёшлар кузатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатда ижобий ибрат бўлишга ҳаракат қилиш зарур «Юз марта эшитгандан бир марта кўрган авзал».

**Назорат топшириқлари:**

1. Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар

а) болани «аъло» ўқийдиган ва намунали хулқини шакллантириш учун хизмат қилади;
в) хатти – ҳаракатни, хулқ – атворни тартибга солади;
с) ота – онани ва катталарни хурмат қилишга ўргатади;
д) тарбияланувчини онгли интизомга одатлантиради;
е) бола онгида тарбия ҳақида тушунчаларни хосил қилади.

2. Ижтимоий онгни шакллантирувчи методларни аниқланг

а) тартибга чақириш;
в) ўз ақли ва кучига ишонч хосил қилдириш;
с) насиҳат қилиш;
д) кўнглини кўтариш;
е) мукофотлаш.

3. Шу тоифага кирмайдиган методни топинг

а) тушунтириш, суҳбат, ҳикоя;
в) ваъз, маъруза, маслаҳат;
с) ўгит – насиҳат, намуна, мунозара;
д) ишонч билдириш, маъқуллаш, огоҳлантриш;
е) суҳбат, муҳокама, уқтириш.

4. Болалар ёзувчилари ҳикояларидан намуналар танланг ва қайси методлардан қўлланилганлигини сўзлаб беринг.
5. Оилада ва мактабда шу тоифага кирадиган методлардан қўллаб кўриб натижаларини ёзма таҳлил қилинг.
6. Ўзингизда методлар орқали тарбия берилганлигини тасаввур қилинг. Қайси метод сизга маъқул бўлган, қайси бири ёқмайди ? Таққослаб кўринг ва хулосалар чиқаринг. Фикрингизни тарбиячиларга услубий ишланма сифатида ёзма ифодаланг.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Каримов И. А. «Истиқлол ва маънавият» Тошкент 1994 йил.
2. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент 1999 йил.
3. Хадис. Имом ал Бухорий жамлаган. 4 жилдлик. Тошкент 1994 – 1997 йил.
4. Мунавваров А. К. «Педагогика» Тошкент., 1996 йил.
5. Авлоний А. «Сайланма» Икки жилдлик. Тошкент., 1999 йил.

**4 – асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** тарбия методлари орасидаги фаолиятни тартибга солувчи методларнинг аҳамиятини алоҳида ажратган ҳолда тушинтириш. Яхши хулқ – атворга эга бўлиш мумкинлиги ҳақида ишонч хосил қилдирилади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

4.1. Фаолиятни тартибга солувчи методлар тоифасига кирадиган ҳар бир усулга тавсиф беради.
4.2. Айрим методлардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқади.
4.3. Методларни амалда тадбиқ этиб кўради.
4.4. Ушбу методларнинг таъсирида ҳосил қилинган хусусиятларни аниқлайди.
4.5. Комил инсонни шакллантиришда бу методларнинг натижаларини кўрсатиб беради.

**4 – асосий саволнинг баёни:**

Инсоннинг ким ва қандай эканлиги, нималарга қодирлиги тарбиясининг қай ҳолатда эканлиги унинг фаолиятига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам фаолиятни шакллантирувчи тартибга солиб турувчи методлар алоҳида тоифани ташкил этади. Бу методлар орқали ҳаётий эҳтиёж бўлган, кундалик юриш туриш нормалари, энг зарур фазилатлар хосил қилади. Бу тоифага ўргатиш ва одатлантириш, машқ қилдириш, топшириқ, талабчанлик, жамоатчилик фикри, тарбияловчи ҳолатлар яратиш каби методларни киритиш мумкин.

Ўргатиш ва одатлантириш методи тарбияланувчиларни доимий режали тарзда маълум ҳаракатларни бажариб бориш орқали тушинилади.

Бу одатлар тарбияланувчига мунтазам таъсир этиш орқали, шошмасдан, босқичма – босқич хосил қилинади. Олимларнинг таъкидлашича фикр, ғоя иш ҳаракатига айланади.

Ўргатиш ва одатлантириш боланинг ёшига, турмуш тарзига, шароитига қараб қўлланилади. Бу методнинг яхши натижа бериши учун тарбиячи бола олдига аниқ вазифалар қўйиш, айрим инсоний фазилатларни намаён этишга дават қилиши, кундалик режимга амал қилдириши аҳамиятлидир.

Тарбияланувчида салбий одатларнинг хосил бўлиб қолмаслигига эътибор бериб туриш зарур.

Машқ қилдириш хулқ-атвор нормаларини кўп маротаба такрорлаш жараёни ҳисобланади. Бунда машқ кўр-кўрона бажаралидиган ҳаракатлардан иборат бўлиб қолмасдан. Шакллантириладиган маънавий хусусиятларни моҳиятини тўғри тушунган унинг аҳамиятини хис этган ҳолда амалга ошириш зарур. Шундагина ёшлар миллий ва умуминсоний ахлоқ нормаларини хис этадиган ҳамда нафосат билан амалга оширадиган бўлади. Маънавий ва хулқий гўзалликнинг уйғунлашувида машқ қилдириш самарали таъсир этади. Машк қилдириш махоратнинг ошишига катта хисса қўшади.

Тарбияланувчиларга бериладиган топшириқлар уларнинг ижтимоий фаолиятини таркиб топтиришда фойдали усуллардан бири ҳисобланади.

Топшириқ бола бажариши мумкин ва зарур бўлган вазифалар йиғиндиси бўлиб ота-она, ўқитувчи, тарбияси ва бошқалар томонидан қўйиладиган буйруқ-талабларни амалга

оширишдир. Топшириқ боланинг имкониятига шахсий хусусиятларига қизиқишга мос бўлганда мукаммал бажарилади ва тарбияланувчи фаолиятига ижобий таъсир этади.
Нотўғри берилаган топшириқлар болани қийнаши билан бирга тарбиясига ёмон таъсир этиши мумкин.
Талабчанлик топшириқ усули билан узвий боғлиқ бўлиб, ёшларда меҳнатсеварлик, бажарувчанлик, масъулятни хис этиш каби хусусиятларни шакллантиради. Талабчанлик бола шахсини хурмат қилиш, ишонч билдириш, маълум меёрга амал қилишни тақозо этади.
Тарбияланувчига қўйиладиган талаблар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилиш зарур, уни назорат қилиш аҳамиятлтдир.
Жамоатчилик фикри тарбияланувчининг ижтимоий фаолиятига бошқалар томонидан билдирилган муносабатда намоён бўлади. Мактабда синф жамоаси айрим ўқувчиларга кучли тарбиявий таъсирга эга. Тарбиячи ўз фикрини жамоа талаби даражасига етказа олса, бола фаолиятини мувофақкиятли бошқариши ва йуналтириши мумкин бўлади. Жамоа орасида мухокама қилиш, хаққоний баҳолаш очиқ ойдин ютуқ ва камчиликларни кўрсатиш ҳар бир аъзони тўғри улғайтиришни таъминлайди.
Тарбияловчи ҳолатлар яратиш тарбиячининг махсус, ташкил этган, ўқувчилар томонидан тўғри йўл тутиш ва бу ҳолатдан мувофаққиятли чикиб кетишини таъминловчи педагогик жараёндир. Кундалик таълим-тарбия пайтида кўзатилиш ва ўзок кўтишни тақозо этадиган ҳолатлар махсус ташкил этилиб, ўқувчиларнинг мана шу шароитда қандай фаолият юритишга ўргатилади. (Масалан, Розиковнинг ўз-ўзини бошқариш тажрибаси).

## Назорат топшириқлари:

1. Фаолиятни тартибга солувчи методлар тоифасига қайси метод кирмайди?

а) ўргатиш ва одатлантириш;
в) ишонч билдириш;
с) машк килдириш;
д) топшириқлар;
е) жамоатчилик фикри;

2. Фаолиятни тартибга солувчи методлар

а) тарбияланувчи онгида тушунчалар хосил қилади;
в) хулқ-атворни шакллантиради;

3. Қайси хусусиятлар мазкур методлар орқали хосил қилинган ?

а) ўзгалар йўл-йурик кўрсатиш;
в) фойдали маслахатлар бериш;
с) ибратли-намуна бўлиш;
д) амалда бажариб кўрсатиш;
е) ўз-ўзини танкидий баҳолаш.

4.Комил инсоннинг қандай хусусиятлари шу методлар орқали шакллантирилади?

а) ижтимоий фаол, гайратли, серҳаракат, келажакка ишонадиган, интилувчан, мураккаб ҳолатлардан чикиб кета оладиган;
в) ўз-ўзига ҳисоб берадиган билимдон, сермулохазо, бошқалардан ортда қолишни хохламайдиган, барчанинг эътиборида бўладиган.

5. Бир қанча кўрсдошларингизни яхши одатларини аниқланг ва изоҳлаб беринг.
6. Комил инсоннинг фазилатларини баён этинг. Уларнинг Қайсилари фаолиятни шакллантирувчи методлар орқали тарбияланганлигини асослаб беринг.
7. Бир йигит чекиш, ичиш ва безорилик йўлига кириб қолди. ўртоги бу йўлдан қайтишни сўради, у ўзгармади. Акасининг гапига кирмади, укасининг фикрига эътибор қилмади.

Онасига ваъда берди, бажармади. Отасидан бекиниб одатларини давом эттирди. Сизнингча уни бу йўлдан қайтариш учун қандай йўл тўтиш керак?

а) такрор ва такрор бу одатларини қолдиришни сўрашда давом этиш;

в) биргалашиб жамоатчилик фикрини қўйиш керак;

с) ўз ҳолига қўйиб қўйиш;

д) каттик жазолаш;

е) зарарини тушунтириш.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент 1999 йил.
2. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Тошкент 1997 йил.
3. Бабанский Ю. К. «Педагогика» М. 1988 йил.
4. Турсунов И., Нишоналиев У. «Педагогика кўрси» Тошкент. 1997 йил.


**5–асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** талабаларга тарбия методлари ҳақидаги билимларини яхши бир бутун қилган ҳолда тушунча бериш билан бирга ижобий фазилатларга йўналтирувчи методларни ҳам ўргатиш. Мусобоқалар уюштириш, рағбатлантириш ва жазолашнинг ёшлар тарбиясида аҳамиятини кўрсатиб берилади. Яхши хулқ эгаси бўлишга қизиқтирилади.

### Идентив ўқув мақсадлари:

5.1. Ижобий фазилатларга йўналтирувчи методларни аниқлаб олади;

5.2. Мусобақалар, рағбатлантириш ва жазолаш методларини изоҳлаб беради;

5.3. Мусобақа шартларини ишлаб чиқади;

5.4. Тарбия жараёнида рағбатлантириш ва жазолаш методларининг таъсирини аниқлайди;

5.5. Махсус тарбиявий ҳолатлар учун рағбатлантириш ва жазолаш турларини тавсия этади.

**5 – асосий саволнинг баёни:**

Тарбияланувчини ижобий фазилатларга йўналтириш, даъват этиш, сабаб бўлиш, иштиёқ ва хавас уйғотувчи методлар бу тоифага жамланган, тарбия тажрибасида кўп қўлланиладиган ва яхши натижалар берадиган метод ҳисобланади. Бу гуруҳга мусобақалар уюштириш, рағбатлантириш ва жазолаш киради.

Инсоннинг онгли ҳаёти давомида бошқалардан устун бўлишига, рақобатга унда мувофаққият қозонишга, биринчилар сафидан ўрин олишга интилиб яшайди. Бу хис ёш болаларда яққол намоён бўлади. Мусобоқа методи шу ҳолатга асосланади. Ёшлар тарбиясининг ҳамма йуналишида соғлом мусобақа уюштириш ва уларнинг ҳаётига қизиқарли ва сермазмун ҳамда завқли қилади. Фақат мусобақа хосил бўлиши, натижаларнинг ошкора ва таққосланиш, аниқ қоидаларга итоати зарур.

Таълимий ишларда мусобоқа ўта хушёрлик билан барча томонларни чуқур ўйлаган ҳолда ташкил қилиши даркор. Акс ҳолда ўқувчиларни мураккаб ҳолатларга тушириб қўйилади.

Мусобоқа якка тартибда ёки жамоа даражасида уюштирилади. Унинг натижалари тез ва тўғри баҳоланганда ёшлардаги ижобий фазилатларни кучайтиради.

Рағбатлантириш-тарбияланувчи хулқ-атворига бериладиган ижобий бахо бўлиб эзгуликка, комиллика ундовчи ва етакловчи усулдир.

Рағбатлантириш хаққоний, меёрий ва аниқ ўз вактларида ошкоро амалга оширилганда самарали бўлади. Рағбатлантиришнинг бир қанча турлари бор. Уларга маъқуллаш, мақташ, ишонч билдириш, намуна қилиб кўрсатиш, миннатдорчилик, рахматнома эълон қилиш, мукофотлашлар киради. Мукофотлаш ўз навбатида фахрий ёрлиқ, мақтов қоғози, диплом, кукрак нишонлари, ўқув жихозлари, совға ва ёдгорликлар, пул, чет элларга юбориш ва ҳакозо тарзда бўлади. Мукофотлашда аниқ меъёрга риоя қилиш зарур. Меъёрга етмаганда ўқувчининг хафсаласи пасайтирилса ортиқ бўлганда таъмагирликка ўргатиб қўйиш хавфи туғилади.

Жазолаш-тарбияланувчидаги салбий хусусиятларга берилган бахо ва уни тўзатиш йўлларини аниқ кўрсатиб берувчи усуллар йиғиндисидир. Жазолаш ҳам ўз вактида маълум меъёр доирасида бўлиши зарур. Педагогика фанида жазолашни қуйидаги турларидан фойдаланиш лозимлиги таъқи-қланади. Тартибга чақириш, эътироз билдириш, уялтириш, огоҳлантириш, дўқ-пуписа, хайфсан, жамоа орасида мухокама қилиш, жамоадан четлаштириш, ахлоқ тузатиш муассасаларига ўтказиш. Тан жазоси бериш, маънавий тахқирлаш, камситиш педагогик жараёнда қўлланилмаслиги зарур. Лекин амалиётда баъзан жазонинг бу турлари берилганлиги учраб туради. Педагогик махорати паст бўлган тарбиячиларгина бу ҳолатга тушади.

**Назорат топшириқлари:**

1. Эзгуликка йуналтирувчи методлар
а) ибрат намуна бўлиш;
в) ўгит-насихат ва маслахатлар бериш;
с) рағбатлантириш;
д) мунозара-мухокама;
е) интерьвю олиш;
2. Эзгуликка йуналтирувчи методлар тоифасига кирмайди
а) мусобақалар;
в) мукофотлаш;
с) танбех бериш;
д) ташаккурнома эълон қилиш;
е) жамоатчилик фикрини хосил қилиш.
3. Тарбияланувчининг ижобий хусусиятларини таъкидлаш ва шакллантириш учун методи қўлланилади.
4. Қайси гуруҳда рағбатлантириш ва жазолаш методлари тўғри ь кўрсатилган?
а) тартибга чақириш, огохлантириш, маъқуллаш
в) ишонч билдириш, мақташ, миннатдорчилик, мукофотлаш;
с) совға бериш, ташаккурнома, уялтириш;
д) норози бўлиш, тартибга чақириш, мухокама қилиш, тасдиқлаш, хайфсан;
е) ахлоқ тузатиш мактабига ўтказиш, мунозара, мухокама, фахрий ёрлиқ бериш.
5. Шанбалик ўтказиш учун айрим ўқувчилар ва гуруҳ жамоаларига мос келадиган мусобоқа шартларини ишлаб чикинг (7 – синф учун).
6. Дарсда гаплашиб ўтирган ўқувчиларга қандай муносабатда бўласиз ?
а) бефарқ қарайман;
в) норозичилик билдираман;
с) синфдан чиқариб юбораман;
д) хулқига кониқарсиз бахо қўяман;
е) синф раҳбарини чақириб уялтираман.
7. Жазони қандай турларини қўлламаслик керак деб ҳисоблайсиз ?
а) жамоа орасида уялтириш;

в) ота-онаси иштирокида мухокама қилиш;
с) махсус ахлоқ тузатиш мактабларига ўтказиш;
д) жисмоний куч ишлатиш ва маънавий тахқирлаш;
е) хайфсан эълон қилиш.
8. Рағбатлантириш ва жазолашда адолатсизлик деб нимани тушунасиз
а) шахсий яқинлик ва ғаразни;
в) хаддан ошириб юборишни;
с) ўз вақтида бўлмаслигини;
д) ота-она ва бошқаларни аралаштиришини;
е) айрим олинган ўқувчиларга қаратилганликни.
9.Бадиий ижод намуналаридан мисоллар келтириб уларни оғзаки шархлаб беринг.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Каримов И. А. «Истиқлол ва маънавият» Тошкент. 1994 йил.
2. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент 1999 йил.
3. Хадис. 4 жилдлик. Имом ал Бухорий жамлаган. Тошкент. 1997 йил.
4. Тордин Ю. А. «Рағбатлантириш ва жазолаш» Тошкент. 1990 йил.
5. Мунавваров А. К. «Педагогика» Тошкент 1996 йил.

**9-мавзу Тарбиянинг мақсад ва вазифалари**

**Ажратилган соат 2–соат**
**Машғулот тури–маърузa**

**Асосий саволлар**

1. Педагогикада тарбия мақсади муаммоси
2. Тарбиянинг бугунги кун асосий мақсади ва вазифалари

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар;** мақсад, тарбия, мафкура, жаҳон стандартлари, баркамоллик, мутафаккирларимиз мероси, тарбия азифалари, тарбиянинг таркибий қисмлари ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, экологик, иқтисодий, меҳнат, ҳуқуқий тарбиялар

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади;**
Педагогика учун тарбия мақсадини белгилаб олиш муҳим муаммолардан бири эканлиги, унинг доимо ўзгариб ривожланиб боришини талабаларга етказиш, ушбу масалага нисбатан уларда муносабатни шакллантириш.

**Идентив ўқув мақсадлари**

1.1. Педагогиканинг асосий муаммолардан бирига аниқлик киритадилар.
1.2. Тарбиянинг ижтимоий ҳаётда қандай характерга эга бўлиб келганлигини асослаб берадилар.
1.3. Тарбияда миллий анъаналаримиздан узилиб қолган даврга изоҳ берадилар.

**1-асосий масаланинг баёни**.
Бундан ўн йил олдинги даврда ёшларни тарбиялаш мақсади билан бугунги кундаги бу масалага тегишли муносабат ўртасида катта фарқ борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун ҳам тарбиянинг аниқ мақсадини белгилаб олиш педагогиканинг биринчи масалаларидан ҳисобланади. Ёш авлодни қандай руҳда тарбиялаш, бунга эришиш учун қайси йўлни танлаш тарбия мақсади муаммосини ҳал қилиш билан белгиланади.
Тарбия ижтимоий хаётнинг хаётий ва узлуксиз тушунчаси бўлиб, у тарихий характерга эга бўлиб келган.
Кадимги Грецияда ва Римда тарбиянинг мақсади ўсиб келаётган ёш авлодда яхши фазилатга эга фуқарони, ватанпарварликни, жаъсурликни, садоқатни, дўстликни ривожлантириш бўлган.

Ўрта асрларга келиб, яъни фиодализм даврларда ёш авлод диний эътиқод, иймон, ахлоққа эга бўлиши керак бўлган. Марказий Осиё халқлари бу йўналишда катта муваффаққиятларга эришган. Бу давр буюк мутафаккирларни дунёга келтирган.

Сиёсий-ижтимоий тузум ўзгариши билан тарбия мақсади муаммоси хам янгиланиб борди.

Бизнинг ҳаётимизга қизил империя кириб келиши билан коммунистик мафккура ёшларимизнинг тарбиясида бош мақсад бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунга кадар унинг руҳий асоратларидан тўлиқ қутилдик деб бўлмайди. Чунки у 70 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди. Бу даврда бир қанча ютуқларга эришган бўлсада, лекин, жуда кўп нарсадан жудо бўлдик. Жумладан, миллий қадриятларимиз, маънавий-маърифий бойликларимиз, диний эътиқод ва имонимиз каби кўплаб тарбиявий озуқа ва воситаларимиздан ўзоқлашиб кетдик.

Мустақиллик шарофати билан эркинликка эришдик, бой маънавий қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланди. Ҳаммамиз азалдан орзу қилган кунларга етишдик. Ўзбекистоннинг эртанги куни, равнақи, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиши албатта бугунги кун ёшларига боғлиқ. Бунинг учун ёш авлодга дунё стандартлари даражасида замонавий билимлар бериш, уларни ҳар томонлама етук, маънавиятли этиб тарбиялаш лозим.

### Назорат топшириклари

1. 1.1. Педагогиканинг бош муаммоларидан бири
   а) ўз предметини аниқлаб олиши
   в) тарбия мақсади муаммоси.

1.1.2. Тарбия доимо қандай характерга эга бўлиб келган?
   а) анъанавий
   в) тарихий
   с) миллий

1.1.3. Жаъсур, ватанпарвар мафккурани тарбиялаш мақсади муаммоси қайси даврга хос бўлган?
   а) феодализм
   в) қадимги Греция
   с) мустақил Ўзбекистон

1.1.4. Иймон-Эътиқод тарбияси асосан қайси даврга хос?
   а) бугунги
   в) ўтмиш
   с) феодализм

1.2.1. Мустамлака даврида тарбиянинг бош мақсади?
   а) коммунистик мафкура
   в) қарам килиш
   с) ўзлигидан айириш

1.2.2. Тарбия мақсади муаммоси ўзгаришининг сабаби нимада?
   а) жамият тараққиёти
   в) сиёсий-ижтимоий тузум
   с) илмий-техникавий тараққиёт

1.2.3. Мустамлака даври бола тарбиясида нималарга суянилмади?

а) миллий қадриятларга

в) динимизга

с) маънавий бойликларга

1.2.4. Тарбия миллий қадриятларимиз анъаналаримиздан узилиб қолган даврни асослаб беринг.

**2- асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади;** тарбиянинг бугунги кун асосий мақсади ва вазифалари ҳақида маълумот бериш, талабаларда ўз шахсий фазилатларига нисбатан муносабатни шакллантириш.

## Идентив ўқув мақсадлари

2.1. Тарбиянинг асосий мақсади ва унга эришиш йўлларини изоҳлайдилар.

2.2. Тарбиянинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқани кўрсатадилар.

2.3. Тарбия вазифаларини ўз моҳиятига кўра бир-биридан фарқлайдилар.

**2-асосий масаланинг баёни:**

Президентимиз И.А.Каримовнинг бир қанча асарларида, «Таълим тўғрисидаги Конун», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва бошқа манбаларда Республикамиз ёшларини қандай инсонлар қилиб тарбиялаш лозимлиги аниқ белгилаб берилган. Педагогика

бугунги кун ҳаётимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз тарбия мақсади ва вазифаларини белгилаб олган.

Тарбиянинг асосий мақсади- ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар этиб шакллантиришдир. Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етукликни мужассам этади.

Ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда шарқ мутафаккирларининг мерослари дастур бўлиб хизмат қилади. Ал- Фаробий, А.Яссавий, Б.Нақшбандий, Ал-Бухорий, Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Фирдавсий, А.Темур ва Бобур сингари жаҳонга таниқли бир неча ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий фалсафий ташкилотларига таяниб иш кўрилса тарбия таъсирчанлиги янада мукаммаллик касб этади.

Ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш – бизнинг муқаддас бурчимиз, ор-номусимиз. Лекин, баркамол инсонни тарбиялаб етиштириш оддий, осон эмас. У кўплаб, ойлаб, йиллаб, сабр-тоқат, чидам ва қатъиятлилик, ирода талаб этади.

Ҳозирги пайтда жуда кўплаб иқтидорли ёшларимиз олий мақсадларни кўзлаб чет элларга ўқишларга юборилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ этиб, Республикамиз истиқболини белгиловчи ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол шахс, ривожланган демократик давлатлар даражасида рақобат-бардош кадрлар этиб тайёрлашни олий мақсад қилиб қўйди. Бундай инсон, касб-ҳунар эгаси оилада, мактабда ва бошқа таълим тизими жабҳаларида таълим – тарбия олади.

Тарбиянинг олий мақсадга эришиш учун, маълум вазифаларни бажаришимиз лозим бўлади. Бу вазифаларни эса тарбиянинг таркибий қисмлари деб аташ ҳам мумкин.

Ақлий тарбия.

Бу баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми бўлиб ўкувчи ёшларни табиат ва жамият, киши тафаккури ҳақидаги билимлар тизимини илғаб олиши, уларда илмий дунёқараш, юқори онглилик хислатларини парваришлаш, фан асосларидан хабардор қилиш, тафаккур ва нутқ қобилиятларини ўстиришни мақсад қилиб қўяди.

Айниқса, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш долзарб муам-молардан саналади. Инсон камолотида илм эгаллаш улкан фазилатлардан бири ҳисобланади.

Хадис китобларида мутафаккирларимиз ижодларида илмнинг ҳар бир мўмин мусулмон учун нақадар зарурлиги баён этилган. Бунга мисол этиб кўплаб хадимлар келтиришимиз мумкин: «Бешикдан то қабргача илм изла», «Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгайдир. Илму ҳунарли Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганинглар», «Илм олмоқ интилиш ҳам ҳар бир муслим-муслима учун қарзу-фарз» дейилади. Юсуф Хос Хожиб, А. Навоийлар ҳам ўз асарларида илмни инсон учун ўта қадрлайдилар. Демак, ўқувчиларни илм олишга даъват этишимиз лозим. Ақлий тарбия ўқув режаси асосидаги фанлар орқали илмий дунёқараш негизида амалга оширилади.

Ўқувчиларга ақлий тарбия беришда биринчи навбатда унинг фикрлаш, ҳис қилиш, тасаввур, идрок, хаёл, хотира каби қобилиятларини ўстириш, ички дунёсини маънавий жиҳатдан бойитиш ҳақида ўйламоқ лозим.

## Ахлокий тарбия.

Ахлоқ–ижтмоий онг шаклларидан бири бўлиб, инсонларнинг жамиятга, бошқаларга ва ўз–ўзига бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи хуқуқ, одоб қонун-қоидалари мажмуасидир. Ана шу хулқ – одоб қонун – қоидаларини ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига сингдириш учун кўрсатилаётган таъсир ахлоқий тарбия дейилади.

Мусулмон ахлоқининг асослари мазмунан бой ва ранг-баранг кўринишларда ўзлигини намоён этади. Марказий Осиё халқлари ахлоқшунослик соҳасида энг бой тажрибага эгадирлар. Куръони каримда ва хадими шарифлардаги ахлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ота-боболаримиз яратган маънавий мерослар мутафаккирларимизнинг ахлоқ ҳақидаги яратган маънавий мерослар мутафаккирларимизнинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари бугунга қадар ҳам уз қадр қимматини йўқотгани йўқ. Ахлоқий тарбия энг муҳим инсоний фазилатларни шакллантириш воситасидир.

## Меҳнат тарбияси.

Меҳнат ва меҳнат тарбияси инсон камолотининг асоси, ҳаёт манбаи, умр мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад аввало меҳнатнинг моҳиятига, мазмунига, теран нигоҳ яширмоқ, муайян хулоса чиқармоқдан иборат. Меҳнат қилаётган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса, ҳис қилса, ўша натижалардан айниқса, роҳатлансагина меҳнат тарбиявий аҳамиятни касб этади.

Доно халқимиз, алломаларимиз меҳнат ҳақида жуда кўплаб фикрлар айтишган. Ҳақиқатда ҳам меҳнатсеварлик доимо улуғланган, дангасалик, меҳнатсиз бойлик орттириш қораланган.

Меҳнат муҳтожликдан, бекорчиликдан, юрак сиқилишдан, ахлоқий бузилишдан сақлайди. Меҳнат орқали инсон ўзини, ўз қадрини билади, уни эл –юрт улуғлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош вазифаларидан бири ҳам ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш, уларни аниқ бир касб – ҳунар эгаси қилиб тарбиялашдир.

## Эстетик тарбия

Эстетика лотинча «эстезио–ҳис этаман» деган маънони билдиради. Ақлий, аҳлоқий, меҳнат, жисмоний ва бошқа тарбияларни эстетик хис-туйғусиз тасаввур этиб бўлмайди. Эстетик тарбиянинг мақсади ўқувчиларни табиат, жамият ва санъатдаги гўзалликларни идрок этиш учун уни тўғри тушуниб етиш, қадрига етишга, ҳаётдан қайта гўзаллик олиб кира олишга ўргатишдан иборатдир. Мактабда тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт, табиатшунослик дарслари эстетик тарбиянинг асосий воситалари ҳисобланади.

Биз нафақат нарса ва ходисалар, балки инсоний хулқ-атвор, фазилатларни ҳам эстетик жиҳатдан баҳолашимиз мумкин. Инсоний гўзаллик ақл, бурч, иймон, инсоф, камтарлик, латофат, лафз, меҳмондўстлик, меҳр, мулойимлик, поклик, яхшилик ва ҳакозо сифатларни ўзини намоён қилади.

Эстетик тарбия гўзалликдан завқланишга, хуникликдан нафратланишга, кулгиликдан кулишга, фожеаликдан истиробга тушишга ўргатади. Бу холатларни киши ҳаёт ва санъат воқеаликларида учратиш мумкин.

### Хуқуқий тарбия

Биз демократик давлат барпо этмоқдамиз. Президентимиз тили билан айтганда «демократия–бу адолат дегани». Демак адолатли давлат қурмоқ-дамиз. Бундай мамлакатда ҳар томонлама етук, ўз ҳақ-хуқуқларини биладиган, уларни химоя қила оладиган кишилар яшайдилар. Бугунги кундаги ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, сиёсат ва инсон хуқуқини чуқур биладиган, конститутция қонунларига амал қилаётган, ўз фуқаролик бурчларини яхши хис этадиган қилиб тарбиялашимиз лозим.

### Экологик тарбия

«Экология»- юнонча сўз бўлиб, тирик мавжудодларининг яшаш шароити ва теварак- атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир.

Баркамол инсоннинг муҳим фазилатларидан бири унинг экология маданиятидир. Экологик маданиятга эга шахс барча тирик мавжудодларнинг яшаш шароити, муҳити қонун-қоидаларини пухта билади, табиат мувозанатини сақлашга хисса қўшадию, у атроф-муҳитга нисбатан бепарво бўлмайди, аксинча уни яхшилашга, соғломлаштиришга хисса қўшади.

### Иқтисодий тарбия

Бозор иқтисодиёти ўтаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларда иқтисодий, тарбия тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу кабилар ҳақида фикрлай олиш каби қобилиятларни камол топтиришдир.

Иқтисодий тарбия мактабда асосан табий-математик фанлар асосида берилади. Унда ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари, бозор, оила бюджети, иқтисодий география, маркетинг каби кўплаб замонавий тушунчалар билан куролланадилар.

### Жисмоний тарбия

Баркамол инсон нафақат маънавий жиҳатдан, балки жисмоний жиҳатдан ҳам етук бўлмоғи лозим . Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия баркамол инсон тарбиясининг яна бир таркибий қисмидир.

Жисмоний тарбия ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ўсишларини, бақувват бўлишларини ва ватанимиз ҳимояси учун қўрқмас, жасур, харбий илмлар, қурол аслоҳатлардан фойдаланишни биладиган қилиб тарбиялашни ўзининг олий мақсади деб билади.

Ўқувчиларга жисмоний тарбия мактабда ҳаракатли ўйинлар, гимнастика, спорт, туризм ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари спорт машғулотлари турлари воситасида берилади.

### Назорат топшириқлари.

2.1.1.Тарбиянинг асосий мақсади ёш авлодни қандай шахс этиб шакллантиришдан иборат?

а) ҳар томонлама етук

в) баркамол
с) комил инсон
д) ахлоқий етук
е) маънавий баркамол

2.1.2. Ёш авлодни тарбиялашда энг аввало нималарга суяниш лозим?
а) тарбия назариясига
в) қадриятларга
с) мутафаккирларимиз таълимотларига

2.1.3.Тарбия мақсадига эришиш қанча вақтни талаб этади?
а) кунларни
в) ойларни
с)йилларни
д) бир умрни

2.1.4.Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг олий мақсади.
а) рақобатбардош кадрлар тайёрлаш
в) етук шахсни тайёрлаш

2.1.5.Баркамолик сўзига изоҳ беринг

2.2.1 Тарбиянинг асосий мақсадига эришиш учун нималарни бажариш лозим
а) услубий кўрсатмаларни
в) тарбия вазифаларни
с) давлат қонунларни

2.2.2.Тарбия мақсадини таркибий қисмларга ажратиш мумкинми?
а) қисман
в) бор
с) тўлиқ
д) йўқ
е) мутлақо йўқ

2.2.5. «Гўзаллик» эстетик тушунчами ёки ахлоққа ҳам тегишлими?
а) эстетик
в) ахлоқий
с)ахлоқий эстетик

2.3.1.Илмий дунёқарашни шакллантириш тарбиянинг қайси таркибий қисмига оид?
а) сиёсий-ғоявий
в) иқтисодий
с) экологик
д) ақлий
е) аҳлоқий

2.3.2. Жамиятда киши хатти-харакатларини тартибга солиб турувчи қонун-қоидалар?
а) конститутция
в) бурч
с) ахлоқ
д) хуқуқ
е) кодекс

2.3.3. Хис – туйғу маданиятини шакллантириш қандай тарбия?
а) ахлоқий
в) экологик
с) эстетик
д) миллий
е) имон-эътиқод

2.3.4. Тирик мавжудодларнинг яшаш шароити қонун-қоидалари ҳақида тушунчага эга бўлиш қандай маданият?
а) биологик

в) меҳнат
с) экологик
д) хуқуқий
е) ақлий
3.3.5. Иқтисодий тарбиянинг асосий мақсадини нимани шакллантиришдан иборат?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А.  Баркамол инсон орзуси. Тошкент,1998 йил.
2. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997 йил.
3. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент,1996 йил.
4. Мавлонов Р.А.,Тураева О.Т. Педагогика. Тошкент, 1998 йил.

## МАВЗУ: ТАРБИЯ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ (2 соат)

**Асосий саволлар:**

1. Педагогикада қонун ва қонуният тушунчаси, тарбиянинг асосий қонуниятлари.
2. Тарбия принциплари хақида тушунча.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Қонун, қонуният, изчиллик, педагогик қонунларнинг жамият қонунлари билан боғлиқлиги, принцип, тарбиянинг асосий қонуниятлари.

1. Педагогикада қонун ва қонуниятлар тушунчаси, тарбиянинг асосий қонуниятлари.

**1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Талабаларга қонун ва қонуният хақида тушунча бериш, тарбиянинг асосий қонуниятлари ва принципларининг моҳиятини очиб бериш.

**Идентив ўқув максадлари:**

1.1. Қонун ва қонуният тушунчаларининг моҳиятини сўзлаб беради.
1.2. Ижтимоий қонуниятлар билан тарбия қонуниятларининг узвий боғлиқлигини далиллайди.
1.3. Тарбия қонуниятларининг мазмунини шархлаб беради.

**1-асосий саволнинг баёни:**
Давлатимизнинг мустақилликка эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шаклларини ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия - маънавий манбалар ва хозирги замон талаблари ва  эҳтиёжлари назарда тўтган холда. укитувчиларнинг ўқувчи билан аник бир максадга қаратилган узаро амалий ва назарий мулокатидир.
Тарбия назарияси Марказий осиё файласуфларининг ва халк педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади.
Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси, мактабшунослик билан узвий боғлангандир. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли беқиёс-дир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундан ва бу хатти-харакатни секин аста куникмага

айлантириб боришни тақазо этади.. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб,комилликка эришиб боради.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчига оддий таъсир курсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аник бир мақсадга қаратилган, бир бири билан хамкорликда қиладиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алохида таъкидланади.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч қувватлари мустахкамланади.

Ижтимоий эҳтиёжлар тарбия жараёнининг характери, унинг вазифалари, мазмуни, усуллари ва воситаларини қонуний равишда аниқлаб беради. Педагогика фанидаги қонун ва қонуниятлар ижтимоий қонуниятларга тўла мос булади. Чунки, ижтимоий қонуниятлар жамиятнинг тараққиётини, унда инсоннинг тутган ўрнини, қандай фаолият билан шуғулланишини, яшашдан аниқ максад бўлиш кераклигини белгилайди.

Тарбия жараёнинг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички ходиса ва муносабатларни акс зттиради.

Қонуният - барқарор, зарурий, у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва мухим алоқа. Тарбиянинг асосий қонуниятларидан қуйидагиларни олишимиз мумкин:

-Тарбиянинг ижтимоий эҳтиёжларига бўлиниши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қуйиладиган тадаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Тарбия қонуниятлари биринчи навбатда жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Ўзбекистон миллий истиқлолга эришгандан кейин тарбиянинг жамият олдидаги моҳияти ўзгарди. Эски жамиятнинг коммунистик мафкурага асосланган тарбия йуналиши ўзгариб, янги барпо булаётган тузумга мос мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурати пайдо булди. Жамиятимизда тарбиянинг бутун йуналиши шу эҳтиёждан келиб чиққан холда ўзгарди. Ижтимоий эҳтиёж таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этди. Шунга асосан «Таълим тўғрисида» қонун ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ишлаб чиқилди. Уларда ижтимоий эҳтиёж хисобга олинган холда, тарбия қонуниятларига амал қилиш хал этилган.

Тарбиянинг яна бир қонунияти унинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шакллариниг узвий боғлиқлигидир. Ёшларга бериладиган тарбия аввало аниқ мақсадга йуналтирилган, шу мақсадни руёбга чиқаришда тарбиянинг мазмуни, усуллари ва шакллари бир-бирини тўлдириши, такомил-лаштириши керак.

Педагог олимлар тарбиянинг хаёт билан боғлиқлиги, боланинг ёши, ўзига хос хусусиятлари, хатто жинсий тафовутини хисобга олиш хам қонун хисобланади деб санайдилар. Кўпчилик манбааларда бу хусусиятлар тарбиянинг принципи сифатида қаралади. Тарбия принциплари қонунлар билан боғланган, уларнинг мантиқий давоми шаклида эътиборга олиниб, тарбия бериш жараёнида амал қилинади.

### Назорат топшириклари:

1. Қонуният деганда нимани тушунасиз?

а) қонуният – жамият ўзгариши билан ўзгаришга мойил, зарурий у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги зиддиятлардир.

в) қонуният - барқарор, зарурий, у ёки бу ходисалар ва жараёнлар уртасидаги мўтаносиблик ва мухим алоқа.

с) қонуният - ўзгарувчан, зарурий, у ёки бу ходисалар ва жараёнлар уртасидаги муносабат ва мухим восита.

д) қонуният – мавжуд тузумга мослашган ходисалар ва жараёнлар

уртасидаги мўтаносибликдир .
е) қонуният - у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи қоидалар йиғиндиси.

8. Ижтимоий қонуниятлар билан тарбия қонуниятларининг боғлиқлигини хаётий мисоллар келтириш йули билан ёзма далиллаб беринг.
9. Тарбиянинг ижтимоий эҳтиёжига мос бўлиши қонуни деганда нимани тушунасиз?

а) Жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар асосида тарбия мақсади ва вуналишларининг мўтаносиблиги;.
с) Ижтимоий буюртманинг бажарилишини;
д) Ёшларнинг хар томонлама улғайишини;
е) Тарбия ижтимоий жараёнлардан холи амалга ошиши мумкин;
ё) Кундалик эҳтиёж талабларига мос булиши.

10. Тарбия мазмуни, мақсади, усуллари ва шаклларининг боғлиқлиги қонуниятини оғзаки шархлаб беринг.
11. Турли синф ўқувчиларидан бир қанча ёшларнинг шахсий хусусиятларини тарбия қонуниятларига қандай даражада амал қилинганлигини тахлил килинг.
12. Тарбия қонуниятлари билан принциплари орасидаги боғланишни изохланг.
13. Тарбия қонуниятларига амал қилмасдан яшаган кишиларни биласизми? Уларнинг турмуш тарзи, жамоатчилик орасидаги ўрни хақида мисоллар келтиринг.

## 2. Тарбия принциплари хақида тушунча:

**2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Талабаларга тарбия принциплари ва уларнинг моҳиятини тушунтириб бериш, одобли, ахлоқли, хушфеъл, меҳнатсевар булиб улғайишга даъват этиш.

### Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Тарбия принципи шахс камолотида қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунтиради.
2.2. Тарбиянинг хар бир принципини шарҳлайди.
2.3. Тарбия принциплари таъсирини айрим шахсларнинг намунасида таҳлил қилади.

**2-асосий саволнинг баёни:**
Юкорида таъкидланганидек тарбия принциплари тарбия қонуният-ларининг амалда тадбиқ этилиши, мантиқий давоми, акси сифатида намоён булиши деб хисоблаш мумкин, чунки тарбия қонуниятларига хам ,принципларига хам тарбия жараёнида амал қилинади. Тарбия қонуниятлари ва принцинларига алохида эътибор берган холда иш кўрилганда тарбияланувчилар баркамол шахсга айланади. Шунинг учун хам тарбия принципларини чуқур илмий асослаш билан бирга уларни хаётга тадбиқ этиш ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ва жамоатчиликнинг доимий эътиборида бўлиши керак. Педагогика фанида турли олимлар томонидан тарбия принциплари хар хил изоҳланиб келинган. Ҳозирги пайтда тарбиянинг қуйидаги принципларига амал қилиш тавсия этилади:

- тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги,
- тарбиянинг инсонпарвардик ва демократик принципи,
- тарбиянинг хаёт билан.,амалиёт билан боғлиқлиги принципи,
- тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги принципи.

- тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини хисобга олиш принципи,
- изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлук сизлиги принципи,
- бола шахсини хурмат қилиш ва талабчанлик принципи,
- мустақиллик, хаваскорлик ва ташаббускорликни ўстириш принципи,

**Тарбиянинг мақсалга қаратилганлиги принципи:** тарбиянинг маълум максалга қаратилгандиги принципи болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради.

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад маънавий етук, ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни. Комил инсонни шакллантиришдан иборатдир. Шунга кўра тарбия мазмуни, шакли, усуллари шу мақсадга қаратилгандир. Хар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга мўлжалланади, ғоявий-сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади.

**Тарбияда инсонпарварлик ва демократик принципи;** тарбиявий Фаолиятни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш унинг моҳиятини ва мазмунини қайта тафаккур этишни кўзда тутади, шахснинг ривожланиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқини таъминлайди.

Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш хар бир боланинг ўзига хослигини хурмат қилиш унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини хисобга олиш лозим. Тарбияни демократиялаш бу тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир.

**Тарбияда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг устунлиги принципи;** Маънавий қадриятлар ва ғоялар хар хил миллат ўқувчиларини бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятларини уюштиришга ёрдам беради. Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда миллий ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш кўрилади.

**Тарбияда изчиллик, тизимлилик-тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги ва узлуксизлиги принципи;** Тарбияда изчиллик муҳим ахамият касб этади. Болаларга бирданига жуда куп қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Бу борада изчилликка амал қилиш лозим. Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг педагогик харакатнинг пировард натижасига йуналтирилганлик даражисини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар.унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олиниши мақсадга мувофиқдир.

Тарбиявий таъсирдаги тизимлилик фақат ёшларни эмас, балки аҳолинининг барча қатламларини қамраб олиши керак. Тарбиявий таъсирда изчиллик ва давомийдик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини тарбия усуллари ва шаклларини ўз вақтида аниқлаб олиш жуда мухимдир-Бу қоида тарбиявий ишлар,хамда тарбияни амалга оширадиган барча буғинларининг ҳамжихат ва бамаслахат иш кўришини кўзда тутиш керак.

**Тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш принципи:** Тарбия мураккаб жараён бўлиб, педагог бу жараёнда хар бир ўқувчининг нафакат ёши, балки унинг шахсий хусусиятларига хам эътибор қаратиш жоиз. Бу борада педагог ўқувчини тарбия жараёнининг фаол иштирокчиси эканлигини унутмаслиги керак. Педагогдан ўқувчи билан мулоқатга киришишдан олдин унинг биологик, физиологик, психик ривожланиш хусусиятларини ўрганишни талаб қилади.

**Бола шахсини хурмат қилиш ва талабчанлик принципи:** Бола шахси хурмат қилинсагина у педагогик таъсир ўтказишга очиқ ва мойил бўлади. Ўқитувчини ўзига қабул қилади. Ўқитувчига нисбатан меҳр уйғонади. Ундаги бор яхши фазилатларни ўзлаштиради ва билим олиш самараси ошади.натижада комил инсон бўлиб тарбияланади.

Бу борада педагог ўқувчини хурмат килибгина қолмай талабчан бўлиши хам лозим. Талабчанлик ўқувчиларда тартиблилик, уз ишини режалаштира олиш, умумий вазифа ичидан узига тегишлисини ажратиб олиш, маъсулиятлилик, хар ишнинг меъёрини билиш, кўзлаган мақсадга эришиш учун кураша олиш каби хусусиятларни шакллантиради.

**Мустақиллик, хаваскорлик ва ташаббускорликни ўстириш принципи:** Ўқувчиларда ёшликдан мустақил фикрлаш, мустақил фаолият кўрсата олишни шакллантириш лозим. Шунга кўра хар бир ўқувчининг қизикиши ва интилишини қўллаб қувватлаш лозим, уларни ўзлари қизиққан касб, хунарни эгаллашларига туғри йуналтириш лозим. «Таълим туғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да бу хақда батафсил баён қилинган. Жумладан, «Камолот», «Умид» сингари жамғармалар ёшларда ташаббускорлик, хаваскорлик мустақиллик каби хислатларни рағбатлантиришда, қўллаб қувватлашда, ўз хиссасини қўшмоқда.

### Назорат топшириклари

1. Тарбия принципларининг тарбия қонуниятларига боғлиқлигини ёзма равишда баён этинг.
2. Тарбия принципини кўрсатинг

а) Ибрат ва намуна.
в) Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги.
с) Тарбиянинг мазмун ва шаклининг узвийлиги.
д) Тарбиянинг давомийлиги.
е) Тарбиянинг кўпқирралиги.

3. Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш:

а) Тарбия методи хисобланади.
в) Тарбия шакли хисобланади
с) Тарбия воситаси хисобланади.
д) Тарбиянинг таркибий қисми
е) Тарбия принципи хисобланади.

4. Бола шахсини хурмат қилиш ва талабчанлик тарбиянинг методими ёки принципими?

а) Методи.
в) Принципи

5. Принцип эмасини аниқланг.

а) Тарбиянинг тизимийлиги ва изчиллиги.
в) Тарбиянинг турмуш билан боғлиқлиги.
с) Тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик характерда булиши.
д) Тарбияда мусобақалар уюштириш.
е) Тарбиянинг ёш ва шахсий хусусиятларга мос булиши.

6. Тарбия принципларига амал қилишни мактаб, оила ва жамоатчилик мисолида изохлаб беринг.

### АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:


1. Каримов И.А. Буюк келажак сари Т.1998.
2. И.А.Каримов. Туркистон газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. 1999 йил. 3 феврал.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т. 1999
4. Абу Райхон Беруний. Рухият ва таълим - тарбия хақида. Т. 1992.
5. Мунавваров А.К. Педагогика 1996

**2-кисм учун**

## 12 МАВЗУ: АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ
**2 соат маъруза**

**Асосий саволлар:**

1. Ахлоқ ва унинг асосий тушунчалари. Ахлоқий тарбия йуналишлари.
2. Комил инсон тарбиясида ахлоқий тарбиянинг тутган ўрни.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Ахлоқ, одоб, хулқ, виждон, ирода, ор-номус, ғурур, бурч, камтарлик, нафосат, маданият, маънавият.

### 1. Ахлоқ ва унинг асосий тушунчалари. Ахлоқий тарбия йуналишлари.

**1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Ахлоқ, унинг асосий тушунча ва йуналишлари ҳақида ўқувчиларга тушунтиради. Уларда ахлоқ нормалари шаклланишига ёрдам беради ва ахлоқ нормаларини эгаллашга қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Ахлоқ ва унинг моҳиятини тушунтиради.
1.2. Ахлоқ тушунчалари ва йуналишларини шархлаб беради.

**1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади:**

Ахлоқ, хулқ ва атвор сўзлари арабча сўз бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида ишлатилади. Ахлоқ нима ўзи? Ахлоқ – ижтимоий онг формаси бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма сохаларида инсоннинг хулқ-атворини йўлга солиб турадиган принциплар, талаблар, нормалар ва қоидалар мажмуидан иборат. Ахлоқда жамиятда таркиб топган «яхшилик», «шараф», «виждон», «адолат» сингари тушунчаларда мустахкамланган одамлар хулқ атвори, нормалари акс этади. Бу ахлоқий тушунчаларнинг ҳаммаси ҳам баҳоланувчи ҳарактерга эга.

Ёш авлоднинг ахлоқий тарбиясида ахлоқий онг ва ахлоқий туйғуларни шакллантиришгина эмас, балки энг муҳими – ўқувчиларни уларнинг маънавий муносабатлари намоён бўладиган фаолиятнинг ҳар хил турларига жалб этиш мумкин. Мактаб ўқувчиларининг фаолияти жараёниидаги ахлоқи муносабатларида уларнинг одобли бўлиб тарбияланиш даражаси акс этади. А. С. Макаренко ўз вақтида бундай деб таъкидлаган эди: «Биз доимо муносабатлар билан иш кўрамиз, чунки худди муносабат педогогик ишимизнинг хақиқий объекти бўлганлиги сабабли, бизнинг олдимизда доимо иккита объект: шахс ва жамият туради. Шахсни жамиятдан ажратиб қўйишнинг, уни муносабатлардан ҳоли қилишнинг мутлақо иложи йўқ».

Ахлоқий муносабатлар – бу жамиятга, меҳнатга, одамларга ва қолаверса ҳар бир

кишининг ўзига муносабатидир.
Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавий кенг қулоч ёйган илм тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир бирига мехр оқибатли камолотли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик яратувчилик ишига эзгуликка интилиши кучли бўлади.
Ахлоқ инсоният маънавий маданиятининг кўринишларидан бири бўлиб ,у кишиларнинг тарихий таркиб топган хулқ атвори ва юриш туришини ифодалайдиган .уларнинг бир-бирига ва жамиятга муносабатини акс эттирадиган муайён қоидалар йиғиндисидир.
Ахлоқ тушунчаси иродалилик, жасурлик, қаътийлик, виждонлик, камтарлик, адолатлилик, шарм-хаёлилик, ширинзабонлик каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.
Ирода - мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишдир.
Камтарлик кишининг ўзига ,бўлган муносабатида кўринади.Кишининг ўз қобилияти меҳнати ва мувофаққиятларини қандай баҳолашга бошқа одамларнинг қадир- қиммати ва ютуқларига қараб қандай муносабатларда бўлишига қараб унинг камтаринлик хислатлари аниқланади.
Халқ таълими тизимида ўқитиш ўқувчиларни ахлоқий мукаммаллаштириш билан боғлаб олиб борилади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. Шахснинг жамият ва Ватанга, меҳнатга, кишиларга. Ўз хулқига муносабатларини қуйидагича текширмоқ мумкин:
А. Жамиятга, Ватанга мухаббат ва садоқатни тарбиялаш.
Бу хилдаги муносабатлар шахснинг ватанпарварлиги, фуқаро етуклиги, байналмилаллик каби фазилатларда акс этади, унинг мақсадларида, Ватан бойликларини кўпайтириш, ҳимоя қилиш ва мустахкамлашга қаратилган амалий ишларида намоён бўлади.
Б. Меҳнатга ақлий муносабатни тарбиялаш – шахснинг бутун маънавий йуналишини белгилайди, чунки ишламай, кўрашмай яшаш мумкин эмас. Меҳнат – яшаш манбаи.
Бу ахлоқий муносабат шахснинг меҳнат жараёнида намоён бўладиган юксак онгида, меҳнатнинг ҳаётдаги ролини англашида, хусусий ва жамоа меҳнатига тайёрлиқ, меҳнатни хурмат қилиш ва меҳнатсеварликда ифода-ланади.
В. Атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабат – шахснинг жамоатчилик, кўпчилик манфаатини ўз шахсий манфаатдан устун қўйишдир.
Г. Шахснинг ўзига, ўз хулқига ахлоқий муносабатни тарбиялаши – бу ўқувчини ўз-ўзига онгли интизом рухида тарбиялашга ўргатишдан иборатдир.

## Ахлоқий тарбия йуналишлари:

Шахсни ҳар томонлама камол топтиришининг умумий тизимининг асоси ахлоқий тарбия ҳисобланади.
Ахлоқий муносабатлар муайян фазилатларни ўз ичига олади.,чунки маънавий фазилатлар ахлоқий онг ,ахлоқий туйғу ва одаб бирлигидан иборатдир. Ахлоқий муносабатлар бу жамиятга меҳнатга ,одамларга ўзига муносабатидир.
1. Инсон жамиятга жамиятга муносабатини белгиловчи ахлоқий фазилатлар ичида ватанпарварлик ва байналминаллик ахлоқий тарбияда алоҳида ўрин тутади. Хадису шарифда "Ватанни севмоқ иймондандур" деб бежиз айтмаган.
2. Атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабат шахснинг жамоатчилик кўпчилик маънфатини ўз шахсий манфатдан устун қўйишдир.
3. Меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш шахснинг бутун маънавий йўналишини белгилайди.
4. Шахснинг ўзига ўз хулқига ахлоқий муносабатни тарбиялаш бу ўқувчининг ўз-ўзини онгли интизом рухида тарбиялашга ўргатишдан иборатдир.

## Назорат топшириқлари:

1. Ахлоқ – бу...
а) Иқтисодий ҳаётнинг ҳамма сохаларида инсоннинг хулқ-атворини йўлга солиб турадиган принциплар, талаблар, нормалар ва қоидалар мажмуидан иборатдир.
в) Ижтимоий онг формаси бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма сохаларида инсоннинг хулқ-атворини йўлга солиб турадиган принциплар, талаблар, нормалар ва қоидалар мажмуидан иборатдир.
с) Одоб, виждон, ор-номус йиғиндисидир.
д) Ижтимоий онг формасидир.
е) Одоб, хулқ, маданият мажмуидир.
2. Қайси каторда ахлоқ тушунчалари тўғри берилган
а) Одоб, хулқ, бурч, виждон, адолат, шараф, яхшилик.
в) Маънавият, маданият, одоб, хулқ.
с) Ватанпарварлик, ҳамдўстлик, одоб, хулқ.
д) Бурч, виждон.
е) Одоб, хулқ.
3. Ахлоқ тушунчаларини ёзма равишда изоҳлаб беринг.
4. Ахлоқий йуналишларни шархлаб беринг.
5. Ахлоқ ва унинг асосий тушунчаларини таққосланг.
6. Ахлоқ ва унинг асосий тушунчаларини асосланг.
7. Ўзингиз биладиган, таниган бирон-бир кишининг ахлоқий сифатларини ёзма равишда ифодалаб беринг.

## 2. Комил инсон тарбиясида ахлоқий тарбиянинг тутган ўрни:

**2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** комил инсон тарбиясида ахлоқий тарбиянинг моҳиятини талабаларга тушунтиради. Уларга ахлоқ моҳиятини очиб беради ва қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Комил инсон тарбиясида ахлоқий тарбиянинг тутган ўрнини далиллайди.
2.2. Комил инсон тарбиясида ахлоқий тарбиянинг тутган ўрнини шархлаб беради.

**2-асосий саволнинг баёни:**
Инсон табиатнинг энг буюк неъмати. Унга ақл-идрок, онг, фаросат каби буюк фазилатлар ато этилганки, инсон фазилатларга сайқал бериб, ривожлантириб оламни, инсониятни камолотга етаклаб боради.
Одамнинг инсон сифатида шакллана боришида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият каби хислатларнинг унда қанчалик мужассамлашгани билан белгиланади. Шу ўринда бу категорияларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтиши жоиздир.
**Одоб** – ҳар бир инсоннинг ўзига бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳам юриш-туришида ўзини тута билишидир.
**Хулқ** – одобнинг ички туйик, кўникмага айланган кўриниши.
**Ахлоқ** – жамиятда қабул қилинган жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуи.
**Маданият** – «жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуи»
**Маънавият** – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, рухий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.
Мушохада қилиш ақлнинг пешланишига олиб келади. Ақл онгни сайқаллайди, онг эса моддий ва маънавий манбаага айланади. Шу тарзда инсон секин-аста такомиллашиб,

комилликка эришиб боради.

Инсон маънавиятли бўлиши учун жуда кўп инсонийлик билимлари сарчашмасидан бахраманд бўлиши, ўз устида тинмай ишлаши ва ҳаётни кузатиб, ундан сабоқ чиқариб бориши лозим.

Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асарида комил инсонлар ҳақида шундай дейди: «Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур». Авлоний яхши инсонлар деганда одамларга яхшилик қила оладиган, камтар, сахий, меҳнаткаш, мехр-шафқатли, билимдон, ўзгалар учун қайғурадиган мард инсонларни кўзда тутса, «Ёмон инсонлар деб, ёмонлик фазилатлари яхшилик фазилатларидан устун турадиган инсонларга айтилади», дейди.

Авлоний кишиларни ўзида яхши фазилатларни тўплаган, эл назарига тушган, яхшиликка интилувчи, ўзини тарбиялаб боришга ўрганган инсонлар бўлишга ундайди.

Мозийга бир назар ташлайлик. Биз хохлаймизми йўқми, шарқона эркакларимизга хос мардлик, жасурлик, ғурур каби, момоларимиздан ор-номус, иффатлилик, назокатлилик, шарм-хаё, ширинзабонлик каби хислатлар асрдан-асрга мерос бўлиб ўтиб келмокда.

Абдулла Кодирийнинг «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» асарларидаги Отабек ва Анварлар бугунги қизларимиз бахтининг идеали бўлса, Кумуш ва Раънолардаги шарқ аёлларига хос иффат ва латофат, бокиралик, вафодорлик, севган кишисини эъзозлаш каби хислатларни ўзида жамлаган гўзал қизлар эгаси бўлиш йигитларимизнинг орзуси ва ниятидир.Инсон комиллигининг мезони унинг ўқиб укқанлиги, ақлий ва ахлоқий билимлари савияси ва уларни ҳаётда қўллай билиш кўникмасини хосил қилганлиги билан белгиланади.

Мактабда болаларни ахлоқий тарбиялаш дарс жараёни, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари турли туман ишларда олиб борилади. Ўқувчиларга билим, малака ва одатлар берилади.

Болалар одоб ва одобсизлик ҳақида тушунча олади. Улар ахлоқий тушунчаларни бадиий ва илмий адабиётлар, ҳаёт, кинофильм ва спектакллар орқали англайдилар.

Мактабда ахлоқий тарбия беришда хилма-хил усуллар қўлланилади. қуйида шу усуллардан намуналар келтирамиз:

- Ахлоқий тарбия ўқитиш жараёни билан қўшиб олиб борилади.
- Ахлоқий тарбия жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ. Бунинг учун жамоа ахил ва иноқ, болалар интизомли бўлиши керак.
- Тарбиявий ишларнинг режали бўлиши ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши ахлоқий тарбиянинг муваффақиятини таъминлайди. А.С.Макаренконинг «ўнта юқори малакали, ўз ҳолича ишлайдиган ўқитувчидан, малакаси паст, бир ёкадан бош чиқарадиган бешта ўқитувчи афзал» деганини унутмаслик керак.
- Мактабда ижобий эмоционал шароит яратиш ахлоқий тарбия жараёнига фойдали таъсир этади. Масалан Республика мустақиллиги куни, наврўз байрами.
- Юарча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий ва ягона тартиб-қоидага риоя қилишларига эришиш.
- Тарбиявий соатлар, «Одобнома» дарслари савиясини ошириш.

Миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлигини таъминламай туриб, юқорида кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Миллий тарбия миллатчилик тарбияси эмас, аксинча маданият- ўзбек халқининг, ҳаётнинг барча жабхаларида эришган ўзига хос ютуқларини тиклаш, ривожлантиришни давом эттиришнинг маърифий воситаси бўлади. Фақат миллий тарбиягина ўзбек болаларида миллий қадриятларни, ор-номусни ва соф виждонни, меҳнатсеварликни, илмга чанкокликни, мехр-оқибатни, ташаббускорликни, мустақил фикр юритиш қобилиятларини бойитиб, кейинги авлодларга етказишга хизмат қилади.

Ўзок йиллар миллий қадриятларимиз, миллий тарбиямиз, минг йиллик урф-одатлар камситилиб, тилимиз, динимиз оёқ ости қилиниши оқибатида одамлар орасида мехр-оқибат, диёнат, шарм-хаё, андиша, ор-номус, ҳололлик, катталарга хурмат, кичикларга эътибор сусайиб кетди.

Дарсда ва дарсдан ташқаридаги тарбиявий ишлар жараёнида Алпомиш, Тўмарис, Широқ

каби халқ қахрамонлари, Амир Темур, Бобур, Улуғбек сингари давлат арбоблари ва саркардаларимиз, Ибн Сино, Беруний сингари олиму фузалоларимизнинг ахлоқий қарашларига тез-тез мурожаат қилишимиз ёшларни Ватанга мухаббат рухида тарбиялашнинг асосини ташкил қилади.

**Назорат топшириқлари:**

1. Мактабда ахлоқий тарбия бериш мақсадида қандай дарс ташкил этилган:

а) «Маърифатнома, одобнома».
в) «Ахлоқ ва шахс эркинлиги».
с) «Одобнома».
д) «Инсон одоби билан гўзал».
е) «Ахлоқ ва қонун».

2. Мактабда ахлоқий тарбия бериш усулларига ёзма равишда изоҳ беринг.
3. Комил инсон тарбиясида ахлоқий тарбиянинг тутган ўрнининг моҳиятини айтиб беринг.
4. А. Кодирий асарларидаги қахрамонларнинг ахлоқий фазилатларини ёзма равишда асослаб беринг.
5. А. Авлонийниг ёшларнинг ахлоқий тарбияси тўғрисидаги фикрларини ифодалаб беринг.
6. Инсонтарбиясида ахлоқий тарбиянинг тутган ўрнини шархлаб беринг.
7. Ахлоқ нормаларига амал қилмасдан яшаган кишиларни биласизми? Уларнинг турмуш тарзи, жамоатчилик орсидаги ўрни ҳақида мисоллар келтиринг.

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёти-нинг пойдевори. Т. 1998.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т. "Шарк" 1999.
3. Авлоний А. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» Т., 1994.
4. Кодирий А. «Ўтган кунлар» Т., 1992.
5. Юсупов Э. Маънавият асослари. Т. 1998.


## 14 МАВЗУ: МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ (2 соат)

**Асосий саволлар:**

1. Меҳнат тарбияси ҳақида тушунча.
2. Мактабда меҳнат ва касб тарбияси тизими.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Меҳнат тарбияси, касб тарбияси, меҳнат маданияти, моддий ва маънавий маданият, онгли муносабат, аклий меҳнат, жисмоний меҳнат, ижодий меҳнат.

### 1. Меҳнат тарбияси ҳақида тушунча:

**1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Талабаларга меҳнат тарбиясининг моҳиятини очиб беради. Талабаларда меҳнат тарбияси малакаларини оширади ва уларда меҳнат тарбиясини моҳиятини мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Меҳнат тарбиясининг моҳиятини тушунтириб беради.
1.2. Меҳнат тарбиясининг мазмунини шарҳлаб беради.

**1-асосий саволнинг баёни:**

Меҳнат-бутун моддий ва маънавий маданиятнинг, шунингдек ижтимоий тараққиетнинг негизидир.Меҳнат ва меҳнат тарбияси инсон камолотининг асоси ,ҳаёт манбаи умр мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясидан кўзлаган мақсад авволо меҳнатнинг моҳиятига мазмунига теран нигох ташламоқ муайян хулоса чиқармоқдан иборатдир. Меҳнат қилаётган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса хис килса Ўша натижалардан қоникса ,рохатлансагина,меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади. Халол меҳнат киши ҳаётининг мазмунини ташкил қилади. Шуни алоҳида такидлаш керакки меҳнатсиз келган бойлик ҳар қандай кишини ҳар қандай оилани бузади..

Ҳар қандай нарсани қадрсизлантиради. Меҳнат жараёнида кишиларда дўстлик ,бирадорлик , маданият барча тарбиявий сифатлар шаклланади, камол топади.Меҳнат орқали инсон ўз қадрини билади. Уни эл юр улуғлайди.

Меҳнат тарбиясининг энг муҳим вазифаси ёш авлодга меҳнат қилиш истаги ва интилишини таркиб топтириш меҳнат қилишга амалий тайёрлашдан иборат бўлиб, бу ўқувчи ёшларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантиради.

Бу муҳим масалани хал этиш ўқувчиларда меҳнатга мухаббат ва меҳнат ахлига нисбатан чуқур хурмат хисларини тарбиялашни, жамият фойдаси учун сидқидилдан ва самарали меҳнат қилиш, меҳнатда тажаббус кўрсатиш ва унга нисбатан ижодий муносабатда бўлиш умум иши учун жонбозлик кўрсатиш каби юксак ахлоқий фазилатларни таркиб топтириб боришни талаб этади.

Меҳнат маданияти деганда бажарилаетган ишнинг самарали бўлишига эришиш, меҳнат жараенини пухта режалаштириш, вақтдан унумли фойдаланиш, иш жойини озода ва сарамжон тутиш, иш қуролларига эхтиет билан муносабатда бўлиш, бошланган ишни охирига етказиш кабиларни тушунмок лозим. Меҳнат маданияти ишнинг сифатли бажарилишини ўқувчининг ташаббускор ва мустақил бўлишини, меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри ташкил эта билишни ўз ичига олади. Бу сифатлар ўқувчида таълим ва тарбия ишининг бутун тизими замирида хосил бўла боради. Мехнитга муносабатни тарбиялашнинг яна бир талаби ўқувчиларда фан, маданият ва техникага қизиқишни тарбиялаш, уларнинг қобилиятларини ўстириб боришдан иборат. Бу вазифа тарбиянинг асосий мақсадидан, жамият талабларидан келиб чиқади.

Маълумки, мамлакатимизда маданият ва техника тараққиёти катта одимлар билан юксалиб бормоқда. Шунинг учун мактаб таълим ва тарбияси жараёнида ўқувчиларда Ҳозирги замон техникасига қизиқишни тарбиялаб бориш билан бир қаторда уларда ижодий фикрлай олиш қобилиятларини ҳам ўстириб бориш шарт. Ўқувчиларни меҳнатга тарбиялаш дастлаб оилада, мактабда ўқув тарбия ишининг бутун тизимида, ишлаб чиқариш меҳнатида иштирок этишлари орқали амалга оширилади. Меҳнат фаолияти давомида ўқувчиларнинг меҳнат ва унинг моҳияти ҳақидаги билимлари кенгайиб боради. Меҳнатда иштирок этишлари орқали меҳнат қилиш тажрибасининг ортиб бориши билан ўқувчининг меҳнат қобилияти ҳам ривожланади. Меҳнатнинг хусусиятлари унинг бир неча турда бўлишини тақозо этади. Одамнинг доимо бажарадиган меҳнат турларига ақлий меҳнат, жисмоний меҳнат ва ижодий меҳнат турлари киради.

Ақлий меҳнат билим олиш бутун борликнинг айрим сохаларининг моҳиятини ўрганиш тараққий этиш учун имконият яратади.

Жисмоний меҳнат моддий ноз неъмат, ҳамда моддий мерос яратиш учун хизмат қилади. Ижодий меҳнат санъат намуналарини яратиш ва уларни амалга оширишда намоён бўлади.

**Назорат топшириклари:**

1. Меҳнат бу….
   а). бутун моддий, маданий ва ижтимоий тараққиётнинг негизидир.
   в). бутун моддий ва маънавий маданиятнинг ва ижтимоий тараққиётнинг негизидир.
   с). бутун моддий, маънавий, иқтисодий тараққиётнинг негизидир..
   д). бутун моддий, маънавий ва сиёсий тараққиёт негизидир.
   е).бутун маънавий, сиесий, иқтисодий тараккиет негизидир.
2. Меҳнат тарбиясининг энг асосий вазифаси нимадан иборат?
   а). Ёшларни иқтисодий тараққиётга эришишида ёрдам беради.
   в). Ёшларнинг моддий тараққиётга эришишига ёрдам беради.
   с). Ёшларнинг моддий, маънавий ва сиёсий тараққиётга эришишида ёрдам беради.
   д). Ёш авлодни меҳнат қилишга амалий тайёрлаб, унинг онгли муносабатини шакллантиради.
   е). Ёш авлодда меҳнатга мухаббат ва меҳнат ахлига хурмат хиссини уйғотади.
3. Меҳнат маданияти бу-
   а). Бажарилаётган ишнинг сифати ва самарадорлиги.
   в). Бажарилаётган ишнинг ҳамма учун фойдали бўлишига эришиш.
   с). Бажарилаётган ишнинг самарали, унумли, сифатли ва пухталигига эришиш.
   д). Меҳнатга онгли равишда ёндошув.
   е). Меҳнатга онгли маданий муносабатда бўлиш.
4. Менат тарбиясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Меҳнат тарбиясининг турларини аниқлаб, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ёзма равишда изоҳланг.
6. Меҳнат тарбиясининг моҳиятини асослаб беринг

## 2. Мактабда меҳнат ва касб тарбиясининг тизими:

**2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Мактабда меҳнат ва касб тарбияси тизими ҳақида талабаларга тушунтиради. Уларда меҳнат ва касб тарбияси малакаларини хосил қилишга қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Мактабда меҳнат ва касб тарбияси тизимининг моҳиятини тушунтиради.
2.2. Мактабда меҳнат ва касб тарбияси тизимини асослайди.

**2-асосий саволнинг баёни:**
Меҳнат тарбияси турли даврларда турли асосланади. Кайковус «Кобусснома» асарида «Эй уғлон, меҳнат қилишга ўрган, хунар, касб эгалла»- деб ёзган эди.

**Мактабда меҳнат тарбияси тизими:**

- Ўқув меҳнати..
- Меҳнат таълими.
- Ўқувчиларнинг унумли меҳнати.
- Ижтимоий фойдали меҳнатни.

- меҳнат машғулотларини
- оила меҳнатини
- касб таълимини ўз ичига олади

Ўкув меҳнати ёшларнинг билим олишларида, ўқув машғулотларида иштирок этишларида, ўқув билан боғлиқ бўлган бошқа турли хил машғулотларни бажаришларида намоён бўлади.ўқув меҳнати махсус ташкил этилади. Ўқув меҳнати- ақлий меҳнатдир. Бу меҳнат ақлий зўр беришни талаб қилади.
Ўқув меҳнатининг бош вазифаси болани ўқишга ўргатишдан уни ўқув меҳнати техника ва услубияти билан қуроллантиришдан иборат.
Ўқув меҳнати болаларни чарчатиб қўймаслиги учун аниқ режа, жадвал ва дастур асосида олиб борилади.
Ўқувчи ўқув меҳнатидан бўш пайтларида ижтимоий фойдали меҳнат билан ҳам шуғулланади. Ижтимоий фойдали меҳнат ўқувчиларнинг бошқалар манфаати учун жамоатчилик орасида, мактабда ва ундан ташқарида умум эҳтиёжларни қондириш учун бажарадиган ишларидир.ижтимоий фойдали меҳнат кексаларга ёрдам бериш, турли халқ анъаналарини нишонлаш, хашарлар уюштириш тарзида йўлга қўйилади.синфда ва мактабда навбатчилик қилиш, ободонлаштириш ва тозалик ишлари ижтимоий фойдали меҳнатнинг кўп бажариладиган турларидир. Ижтимоий фойдали меҳнат ижтимоий аҳамияти аниқ ифодаланган ,бир мақсадга қаратилган онгли .ихтиёрий фаолиятдир . Ижтимоий фойдали меҳнат хилма-хил шаклларда мактаб синф ўқувчилар жамоаси фаолияти доирасида ўтказилади.
Меҳнат таълими ва ўқувчиларнинг унумли меҳнати.
Мактабда меҳнат тарбияси унумли меҳнат билан боғлиқдир. Меҳнат тарбияси биринчи синифдан то тўққизинчи синфгача ўқувчиларни ўқув фани сифатида қамраб олади. Бошланғич синфларда ўқувчиларни ўқув фани сифатида қамраб олади . Бошланғич синфларда ўқувчилар турмушда зарур бўлган турли нарсалар ясаш,экин етиштириш , уйинчоқлар ясашни ўрганадилар.
Унумли меҳнат ёшларнинг бажаралдиган ишлари, ундан моддий манфаатдор бўлиш, меҳнатнинг натижасидан иқтисодий бахраманд бўлишдир. Мактабда ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси мақсадга қаратилган ва тизимли хусусиятга эга.
Инсон ҳаётида турли хунар, касбларни эгаллаб, шунинг натижасида ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини қондиради.
Ҳар бир кишида хунар, касбнинг йуналишига қобилият бўлади.қобилиятга мос касб эгаллаш учун шуғулланганда ўз моҳиятидан завқланиш моддий таъминланиши яхши йўлга қўйилади. Баъзи кишилар ўзларига мос бўлмаган, қизикмаган ишлар билан шуғулланади. Бунда меҳнатга ижодий ёндошиб бўлмайди. Касб тарбияси мураккаб жараён бўлиб, бир неча босқичлардан иборатдир.касб ҳақида тушунча бериш, касб махорати, касбга йуналтириш, касб лаёқатини аниқлаш, касб танлаш, касб жараёнини олиш, малака ошириш ва қайта тайёрлашдан иборатдир.
Ёш болаларга ҳар хил касблар ҳақида тушунча беришади. Мактабда касб хоналари, касб марказлари ташкил этилиши мумкин.бу жойларда турли касблар ҳақида кўргазмали тахталар, суратлар, жихоз – ашёлар, айрим касбларга дахлдор бўлган иш қуроллари бўлиши мумкин.ўқувчиларда касбга бўлган муносабат анча эрта хосил бўлади.лекин дастлабки касб тушунчалари хавас, эхтирос тарзида бўлиб, боланинг имкониятларига тўла мос бўлмаслиги мумкин.ўсмирлик даврида ёшларда касбга бўлган муносабат бир қадар қизиқиш ва имкониятларга яқинлаштирувчи бўлади.шу даврда ўқувчиларга касб маслахатлари берилади. У касб кўникма ва маслахатлари хосил қилиши, бевосита касб сохасида ишлаб кўриши мумкин. Агар касб тўғри танланган бўлса инсон учун меҳнат қувончи ижодий илхом манбаига айланади. Ўқувчиларни касбга йўллаш ижтимоий педагогик масаладир. Бу жараёнда ўқувчиларнинг қобилияти ва меҳнати жамият маънфаатларига мос тарзда ҳисобга олиниши лозим. Касбга йуналтириш барча ўқув-тарбия ишлари билан боғлаб олиб борилади. Ўқувчини у ёки бу касбга йўллашдан аввал

унинг шахсини ўрганиш лозим..
Ўқувчиларни касбга йўллаш бу ёш авлодни халқ хўжалиги ва маданиятининг энг муҳим тармоқлари билан энг кўп тарқалган ва ривожланаётган касблар билан халқ хўжалиги ва маданиятининг айрим касбларига эҳтиёжлари билан таништиришга қаратилгандир.

Мактабда укувчиларни касбга йуллаш максадида куйидаги тадбирлар уюштирилади:

- турли касб эгалари билан учрашув ўтказиш
- ота оналар билан мустахкам алоқа ўрнатиш
- касбга йўналтириш бўйича маслахатлар уюштириш.
- Ўқувчиларни касбга йўналтиришда ота оналар ҳам манфаатдордирлар.

Шунинг учун ўқувчиларнинг ота- оналари билан алоқа боғлаш зарур. Ота-оналар ҳам мактабга ёрдам беришлари ,мактабда ўз касблари бўйича суҳбат уюштиришлари мумкин. Бола 8-9 синфларга борганда қандай касбга лаёқати борлигини, келажакда ким бўлишини билиб олиши зарур. Чунки академик лицей ва касб-хунар коллежларида касб тайёргарлиги амалга оширилади. Юқори малакали мутахассисларда касб тайёргарлиги 3-4 йил, баъзан 6-9-10 йил давом этиши мумкин.

## Назорат топшириқлари:

1. Ижтимоий фойдали меҳнат қандай фаолият-
   а). Ижтимоий аҳамияти аниқ бўлмаган ихтиёрий фаолият.
   в). Ижтимоий аҳамияти аниқ ифодаланган, бир мақсадга қаратил-ган, онгли ихтиёрий фаолият.
   с). Ижтимоий аҳамиятга эга, бир мақсадга қаратилган, хилма-хил шаклларга эга бўлган фаолият.
   д). Ижтимоий аҳамиятли, аниқ мақсадли, ҳамжамият учун фойдали ихтиёрий фаолият.
2. Мактабда меҳнат тарбиясининг тизимини аниқланг.
   а). Ўқув меҳнати, ижтимоий фойдали меҳнат, унумли меҳнат, меҳнат машгулотлари, оила меҳнати ва касб таълими.
   в). Ўқув меҳнати, ижтимоий фойдали меҳнат, унумли меҳнат, меҳнат машғулотлари, самарали меҳнат, онгли меҳнат.
   с). Онгли меҳнат, самарали меҳнат, аниқ мақсадга қаратилган меҳнат, режали меҳнат.
   д). Аниқ режали меҳнат, ихтиёрий меҳнат, онгли меҳнат.
3. Мактабда меҳнат ва касб тарбияси тизимининг моҳиятини тушунтиринг.
4. Мактабда меҳнат ва касб тарбияси тизимини ёзма равишда изоҳланг.
5. Мактабда меҳнат ва касб тарбияси тизимини таққосланг.
6. Мактабда меҳнат ва касб тарбияси тизими боғлиқлигини асосланг.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.1994
2. Мунавваров А.К. Педагогика Т.1996
3. Турсунов Й. Нишоналиев У. педагогика

## 15 МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ.
**(2 –соат)**

**Асосий саволлар**

1. Иқтисодий тарбиянинг моҳияти ва мактабда иқтисодий тарбия.
2. Эқологик тарбиянинг моҳияти, дарсда ва дарсдан ташқари ишларда эқологик тарбия.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар:** иқтисод, иқтисодий таълим, иқтисод алифбоси, иқтисодий билим асослари, иқтисодий ислоҳотлар, экология, экологик тарбия.

### 1. Иқтисодий тарбиянинг моҳияти ва мактабда иқтисодий тарбия:

**1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Иқтисодий тарбиянинг моҳиятини талабаларга тушунтиради. Уларда иқтисодий тарбия кўникмаларини хосил қилишга ёрдам беради ва қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Иқтисодий тарбиянинг моҳиятини тушунтиради.
1.2. Мактабда иқтисодий тарбия мазмунини шархлаб беради.

**1-асосий саволнинг баёни:**
Болаларга мактаб ва оила шароитида иқтисодий тарбия бериш муаммоси кўпдан буён педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бозор иқтисоди шароитида ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳимдир.
Мамлакатимизда бозор иқтисоди ўзига хос ва ўзига мос йўл билан босқичма-босқич шаклланмоқда. Шу боис Ҳозирги даврда халқимизнинг иқтисодий маданиятини кўтариш ва жумладан ёш авлоднинг иқтисодий саводхонлик даражасини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.
Ўзбекистон Республикаси президенти хўзуридаги иқтисодий ислоҳатлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралар кенгашининг, Ўзбекистон Республикасида Иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари тўғрисида 1996 ЙИЛ МАЙ ОЙИДА қабул қилинган қарори ҳам ана шу мақсадни кўзда тутган.
Мактабда ўқувчиларга иқтисодий таълим ва тарбия бериш таълим жараёнининг муҳим томонидир. Аввал иқтисодий тарбия ҳақида мукаммал тушунчага эга бўлмоқ даркор.Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб китоб каби қобилиятларни таркиб топтиришдир. Иқтисодий тарбия мазмуни. Шарқ мутафаккирлари томонидан мунтазам бойитиб келинди. Чунончи, Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий математика фани инсон хаётида асосий ўрин тутишини такидлаб, киши ҳисоб илмини билсагина у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин- дейди.

Болаларга иқтисодий тарбия бериш оиладан бошланади. Абу Али Ибн Сино ўз асарларида шундай езади:
«Оила аъзоларини кунлик озиқ- овқатлар учун етарли махсулотларни олдиндан тежамкорлик билан сарф қилади.Ҳар бир киши буғдой, гуруч, меваларни сақлаш йўлларини билиши керак. Эҳтиёжга яроқли нарсаларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиши лозим. Ота-она увол қилиш гунохлигини фарзандларига ёшлигидан насихат йўли билан ўргатади.»
**Иқтисодий тарбия** - жамиятнинг шахсга мустақил фаолиятида самарали кўрсаткичларни таъминловчи аниқ иқтисодий тушунчалар иқтисодга боғланган. Сиёсат, қонунлар, қонуният асослари ва ва уларнинг амалда фойдаланиши йўл-йўриқларнинг йиғиндисини ўзлаштиришга имкон берувчи изчил мақсадга мувофиқ таъсиридир.
**Иқтисодий таълим** - ижодкор шахсининг шахсининг шаклланишига таъсир этувчи иқтисодий билимлар, кўникма, малака йиғиндиси, узлуксиз изчил мақсадга кўра шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, турли услуб, аниқ дастурлар, методикалар билан етказиш жараёнидир.
Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар нечоғлик қизиқарли ва фойдали ташкил этилса, болалар «мендан кетгунча эгасига етгунча», «Молинг сара бўлмаса, бозоринг сара бўлмас» мақоллар маъносини тушиниб оладилар.Улар ўзлари бажараетган ишнинг чиройли ,озода қилиб бажарилишига эътибор беришади.
Бошланғич синфларга "Иқтисод алифбоси " фани ўқитилмокда. Китоб расмлардан иборат, чунки ўқувчи хали ҳарф танимайди.
Юқори синфларда "**Иқтисодий билим асослари**" деган дарс ўтилмокда. "Бозор", "Ишлаб чиқариш технологиясини ўстириш" ,"Махсулотларни тан- нархи", "товарларни чет эллар билан турли йўллар орқали айрибошлаш" каби мавзулардаги машғулотлар хаётий тусда ўтказилса ўқувчи онгида чуқур из қолдиради.

## Назорат топшириқлари:

1. Иқтисодий тарбия бу-
   а). Ўқувчиларни ишбилармонлик, тежамкорлик, ҳар бир буюмнинг кадрига етишга ўргатишдир.
   в) Ўқувчиларни меҳнатсеварликка, ташаббускорликка, ишбилармонликка, ҳисоб-китобга, халқаро алоқалар фаолияти билан шуғулланишга ўргатишдир.
   с). Ўқувчиларни ишбилармонлик, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, иқтисодий ҳисоб-китоб каби қобилиятларни таркиб топтиришдир.
   д). Ўқувчиларни ишбилармонлик, иқтисодий билим кўникма ва малакаларини эгаллашларига ўргатишдан иборат
   е). Ўқувчиларни иқтисодий билим кўникма ва малакаларини эгаллашларига ўргатишдан иборат
2. Мактабларда иқтисодий тарбия беришда қандай фанлар киритилган.
   а). «Иқтисодий билимлар тизими», «Иқтисодчи».
   в). «Иқтисодий билим асослари».
   с). «Иқтисод алифбоси», «Иқтисодчи».
   д). «Иқтисодий билим асослари », «Иқтисод алифбоси».
   е). «Иқтисод алифбоси», «Иқтисодий ислоҳатлар».
3. Иқтисодий тарбиянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Мактабда иқтисодий тарбия бериш моҳиятини ёзма равишда изоҳлаб беринг
5. Иқтисодий тарбиянинг мазмунини шархлаб беринг.
6. Мактабда иқтисодий тарбия беришнинг мазмунини асослаб беринг.

## 2. Эқологик тарбиянинг моҳияти, дарсда ва дарсдан ташқари ишларда эқологик тарбия.

**2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Эқологик тарбиянинг моҳиятини талабаларга тушунтиради. Уларда эқологик тарбия кўникмаларини хосил қилишга ёрдам беради ва қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Эқологик тарбиянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2.2. Дарсда ва дарсдан ташқари ишларда эқологик тарбиянинг моҳиятини шархлаб беринг.

**2-асосий саволнинг баёни:**
Табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар маълум қоидаларга бўйсунган ҳолда боради.Бу қонунларни бузилиши эртами кечми экологик халокатга олиб келади. Мустақил республикамиздаги экологик муаммолар умумижтимоий масалаларнинг ажралмас қисми ҳисобланиб,кенг жамоатчилик олдидаги хал этилиши зарур бўлган масалалардан биридир.Экология тушунчаси фанга биринчи бўлиб ,1866 йилда немис биологи Э.Геккел томонидан киритилган. Эқология юнонча сўз бўлиб ,унинг маъноси тирик организмларнинг яшаш шароити ёки ташқи мухит билан ўзаро муносабатини билдиради. Эқологик таълим ва тарбияни боғчадан ҳамда умумтаълим мактабларининг 1- синфидан бошлаш керак.Эқологик тарбия инсоннинг табиатига,биосферага бўлган янгича муносабатларни шакллантиришда муҳим босқич ҳисобланади.Экологик тарбия атроф мухитга ,оламга ,хайвонот ва ўсимлик дунёсига мухаббат ва эхтиёткорона муносабатларни шакллантириш жараёнидир.
Аждодларимиз бу масалага алохида эътибор билан қараганлар . Болалар гўдаклик чоғлариданоқ ахлоқий ва меҳнат тарбиясини оилада бошлаганлар. Уларда меҳнатга мухаббат атроф мухитга хурмат, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш хисси шакллантирилган. Оила даврасида фарзандларга "Сувга туфлама, уни ифлос қилма, чунки барча жониворлар уни ичиб бахра олади", "Бирни кессанг, ўнни эк" каби ўгит, насихат қилганлар. Ҳозирда умумтаълим мактабларининг 5 - синфларидан бошлаб, э к о л о г и я фани ўқитила бошланади.

**Эқологик таълим тарбия қуйидаги асосли бўлимларни ўз ичига олади:**

1. Ўқувчиларни табиат гўзалликларини севиш,улардан эстетик завқ олиш рухида тарбиялаш.
2. Жонли ва жонсиз табиатнинг ривожланиш қонуниятлари , табиат билан жамият ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатлар,инсон хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири оқибатлари ҳақида билим бериш .
3. Ўқувчиларда экологик маданиятни тарбиялаш.Табиатни севиш ,ундан тўғри ва онгли равишда фойдалана билишни тарбиялаш кишиларда табиат олдида масулиятни англаш малакасини хосил қилади.Табиатнинг нормал ҳолати учун фуқоралик масулиятини англаш малакасини хосил қилади.Табиатнинг нормал ҳолати учун фуқаролик масулиятини тўла англаш экологик таълим ва тарбиянинг ифодасидир.

Кишиларда табиат қонунларига тўла риоя этиш тўғрисида ва бу сохада ватан ,халқ ,давлат ва келажак авлод олдидаги бурч туйғуси ва масулият хиси хосил этилса, уларда эқологик онг ва тафаккур хосил бўлмайди. Экологик онг ва тафакурга эга бўлган киши ўз меҳнат фаолиятида табиатга таъсир этиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўриб, онгли равишда иш тутади.
Болаларда экологик хусусиятдаги тасаввурларини кенгайтиришда тарих ва география фанларининг имконияти катта. Бундан 500 йил,1000 йил аввал ўлкамиз табиати қандай

бўлган , ўсимлик ва хайвонот олами қандай бўлгани каби саволларга жавоб топиш мумкин.Она тили дарсларидаги кўплаб машқлар ўқувчиларда табиатга мехр уйғотиши қўл келади.

Математика фанида бериладиган экологик таълим тарбия жараёнида ўқувчилар табиатидаги салбий ёки ижобий ўзгаришлар инсон соғлигига қандай таъсир қилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишади. Масалан: Республикамизда 1200 га яқин саноат корхонаси борлиги, улар хавога 1500 тоннага яқин заҳарли моддаларни чиқараетганлиги, бундай ҳолат 10 йил, 20 йилдан кейин шу маромда кетаверса нималарга олиб келиши мумкинлигини мисоллар воситасида экологик фалокат оқибатлари ёшларга тушунтирилади.

Экологик йўналишдаги тўгаракларда болалар табиатга зарар етказмасликка, табиат гўзалликларидан завқланишга, атроф мухитни севишга ўргатилиб борилади.

Тўгарак машғулотларида ўтиладиган "Табиатни эъзозлайлик", "Табиат ва инсон", "Экология ва инсон", "Орол мадад сўрайди", "Кушлар бизнинг дўстимиз" каби мавзуларда табиатга қизиқишни янада оширади. Ўқитувчининг болаларга экологик таълим тарбия беришда халқимизнинг ўзига хос миллий тарбиясидан ўринли фойдааниши яхши самара беради.

Масалан, "Соясидан халқ фойдаланиб тўрган дарахтни кесиб юборган одамни тангри дўзахга махкум этур ", "Қайси мусулмон экин экса, ёки бирор дарахт ўтказса, сўнг унинг мевасидан куш еки хайвон еса, унинг экинидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади" каби ходисаларда экологияга оид тушунчалар бордир.

Ковун сайли, сув сайли, узум сайли, хосил байрами, наврўз байрами, хирмон тўйи каби байрамлар ҳам ўқувчиларга экологик тарбия беришда катта аҳамиятга эга.

**Назорат топшириқлар:**

1. Экологик тарбия бу-
   а). Ўқувчиларда табиатга онгли равишда муносабатда бўлишни шакллантириш жараёнидир.
   в). Ўқувчиларда атроф-мухитга, оламга, хайвонот ва ўсимлик дунёсига мухаббат ва эхтиёткорона муносабатларни шакллантириш жараёнидир.
   с). Ўқувчиларда табиатга онгли равишда муносабатда бўлишни, уларга мухаббат уйғотишни шакллантириш жараёнидир.
   д). Ўқувчининг табиатга бўлган муносабатини шакллантириш жараёнидир.
   е). Атроф мухит тозалиги ва турмуш тарзини, табиат мувозанатини шакллантириш жараёнидир.
2. Эқологик тарбиянинг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Эқологик таълим тарбиянинг асосли бўлимларини ёзма равишда изоҳланг.
4. Дарсда ва дарсдан ташқари ишларда эқологик тарбиянинг моҳиятини шархлаб беринг.
5. Дарсда ва дарсдан ташқари ишларда эқологик тарбиянинг таққослаб беринг.
6. Экологик тарбиянинг моҳиятини асослаб беринг.

**А Д А Б И Е Т Л А Р:**


1. Мунавваров А.К."Педагогика". Тошкент. 1996 йил.
2. Тўхтаев "Экология" Тошкент.
3. "Бошланғич таълим" (жўрнал) 1996 йил 4-сон.
4. "Халқ таълими" (жўрнал) 1996 йил 4-сон.
5. "Иқтисод алифбоси" 1-2 синф. (бошланғич синфлар учун ўқув қўлланма).

## 16 МАВЗУ: НАФОСАТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
**(2 соат)**

**Асосий саволлар:**

1. Нафосат тарбияси ҳақида тушунча;
2. Мактабда нафосат тарбиясини беришнинг моҳияти;
3. Мактабдан ташқари нафосат тарбиясини бериш тартиби;
4. Ёшларга жисмоний тарбия тизими;

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** нафосат, нафосат тарбияси, дид, фаҳм-фаросат, гўзаллик, нафосатли ривожланиш, нафосат маданияти, нафосат онги, нафс эҳтиёжлари, нафосат қизиқиши, нафис туйғулар, бадиий тарбия, жисмоний тарбия, улғайиш, жисмоний маданият.

### 1. Нафосат тарбияси ҳақида тушунча:

**1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** талабаларга нафосат тарбиясининг моҳиятини тушунтириш, нафосат ҳақида илмий тушунчаларини изоҳлаб бериш, жамиятдаги ва кишилар фаолиятидаги гўзалликни ўргатиш, дид, фахм-фаросатни шакллантириш.

**Идентив ўқув мақсади:**

1.1. Нафосат ва нафосат тарбияси тушунчаларининг мазмунини фарқлайди
1.2. Нафосат тарбиясини сўзлаб беради.
1.3. Нафосат тарбиясининг асосий воситаларини таққослаб кўради.
1.4. Инсон шахсидаги гўзаллик намуналарини таҳлил қилади.
1.5. Ўзининг ва яқин кишиларнинг нафосат хусусиятларини бахолайди.

**1-асосий саволнинг баёни:**

Нафосат тарбияси- борлиқдаги ва саънатдаги гўзалликни тушуниш, улардан завқланиш ва уни яратишга интилишни таркиб топтириш.

Инсон ҳар доим гўзалликка интилади,ундан маънавий озуқа олади. Ўз ҳаётини, фаолиятини, турмуш шароитини ,ўзини ўраб турган атроф-муҳитни гўзалроқ бўлишига ҳаракат қилади.Бу ҳол ўз навбатида унинг дидини, нозик хис-туйғуларини шакллантиради.

Одамларни ўзига ром этувчи гўзаллик намуналари ҳаётнинг турли жабҳаларида намоён бўлиб, уларни идрок эта билишга нафосат тарбияси катта хисса қўшади.Шунинг учун болага жуда ёшлигидан оилада, мактабгача тарбия муассасаларида,айниқса мактабдан нафосат тарбияси алоҳида эътибор билан берилади.

Нафосат тарбияси ҳар бир даврда,ҳар бир халқда турлича бўлсада,уни амалга оширишнинг асосий воситалари,табиа гўзаллиги,бадий ижод намуналари ҳамда инсон шахсиятидаги гўзалликни санаб ўтади.Бу воситалар бир-бирини тўлдириб,бойитиб беради.

Барчасидан тўла баҳраманд бўлган кишининг маънавий бой,юксак дидли бўлсагина завқли ҳаёт кечириши мумкин.

Табиат ўзига хос гўзалликларга эга бўлиб, маълум қонуниятлар асосида ўзгариб, жилоланиб туради.Йил фаслларининг алмашинуви табиатнинг рангларини, шакллантиришининг,хушбўй ҳидлару, турли жонзотларнинг ёқимли товушини, инсон шурига тортиқ этади.Улар ҳар бир кишини бахтиёр поклик, беғуборлик оламига олиб киради.

Нафосат тарбиясининг яна бир тарбияси бадиий ижод намуналари ҳисобланади.Айрим педагогик адабиётларда бадий тарбия деб номланиб,ўз ичига бадиий адабиётни,мусиқа,қўшиқ ва рақс санъатини,театр ва кино санъатини,тасвирий санъатнинг,ҳайкалтарошлик,меъморчилик,халқ амалий санъати ва бошқаларни олади.

Бу санъат турларини ёшларга нафосат тарбияси беришдаги имкониятлари чексиздир.Айрим санъат асарларини қиймати дунёвий бойликларда ниҳоят даражада устун турганидек,бадий тарбия ҳам одамларнинг маънавий бойишларида тенги йўқ таъсир кучига эгадир.

Дунёнинг етти мўъжизаси саналган Миср фиравнларининг эҳромлари,Бобилнинг осма боғлари,Эфесдаги Артемида ибодатхонаси,Родоский ҳайкали ва Форс оролидаги моёк харатомуз гўзаллик намуналари саналади.

Ёшларга нафосат тарбияси беришда инсон шахсиятидаги гўзаллик кучли таъсир этувчи воситаларидан биридир.Ҳар бир киши ўзига хос гўзалликка эга бўлади.

Рус ёзувчиси А.Чехов »Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак», аммо уларнинг орасида алоҳида ажралиб турадиган маънавий гўзалликдир.Шунинг учун ҳам миллий истиқлолга эришгандан кейин халқнинг маънавиятини шакллантиришга катта эътибор берилмоқда.

## Назорат топшириқлари

1. Нафосат «эстетика» нима ҳақидаги таълимот:
   а) инсонларнинг ақл заковати тараққиётини ўрганади.
   в) жамиятдаги ўзгаришлар ҳақида бахс юритади.
   с) табиат ўзгаришларини ўрганади
   д) борлиқдаги гўзаллик хақида бахс этади
   е) ахлоқ ва гўзал халқ тарбиялашни ўрганади.

2.Нафосат тарбиясининг моҳияти
   а) табиатдаги,жамиятдаги,инсонлар шахсиятидаги ўзгаришларни аниқлаш,қадрлаш,яратиш ва завқланишга одатлантиришдир.
   в) ватанга муҳаббат хиссини таркиб топтириш.
   с) кишилар яхна ва ижодий натижаларини ҳурмат қилишга ўргатиш
   д) расм чизиш,мусиқа тинглашга қизиқиш хосил қилиш
   е) табиатни эҳтиёт қилиш ва асраб авайлашга одатлантириш.

3. Нафосат тарбиясининг асосий воситалари
   а) театр,музей,кўргазма заллар
   в) тоғ, дарё, кўллар
   с) табиат манзаралари,инсон шахсияти гўзаллиги,бадиий тарбия намуналари
   д) меъморчилик,ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат
   е) байрамлар,тадбирлар, спорт мусобақалари

4. Нафосат тарбиясини шахс камолотидаги ўрнини мисоллар билан тўлдириб сўзлаб беради.

2.Маънавий гўзаллик, муносабат гўзаллиги,халқ гўзаллиги,ташқи қиёфа гўзаллигини таққослаб ижодий ёзма иш бажаради.

3.Мактабда нафосат тарбияси беришнинг моҳияти.

4.Ўқитувчининг мақсади: Талабаларга мактабда нафосат тарбияси беришнинг мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари тушунтириш.

5.Мактабда турли фанларни ўқитиш орқали ўқувчиларнинг гўзалликка бўлган муносабатини шакллантиришга ўргатиш.

6.Талабаларнинг юксак дидли, маънавият гўзал бўлишларига йўналтириш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

2.1. Мактабда ўқувчиларга нафосат тарбияси беришнинг тизимини аниқлаб олади.
2.2. Нафосат тарбияси беришга мўлжалланган махсус фанларни ўқитишнинг хусусиятларини қайд этади.
2.3. Умумий таълим фанларининг ўқувчиларга нафосат тарбияси беришдаги аҳамиятини изоҳлайди.
2.4. Дарсдан ва синфдан ташқарида нафосат тарбияси беришнинг шаклларини кўрсатиб беради.
2.5. Бадий тўгаракларнинг нафосат тарбияси беришдаги имкониятларини шарҳлаб беради.

**2 – асосий саволнинг баёни:**

Мактаб ёшларига нафосат тарбияси беришнинг асосий ўринларидан биридир.Ўрта умумий таълим таркибига кирган барча фанларни ўқитишда ўқувчиларга нафосат тарбияси бериб борилади.Махсус нафосат тарбияси фанлари ўқитилади, уларга расм, ашула, чизмачилик ва бошқалар киради.Жисмоний тарбия машғулотлари, меҳнат дарсларида ҳам нафосат тарбияси доимий бериб борилади.
Булардан ташқари адабиёт,она тили,тарих, одобнома, табиатшунослик, жуғрофия ва бошқа фанларни ўқитишга мавзунинг мазмунига мос ҳолда нафосат тарбияси берилади.

Бевосита нафосат тарбияси берувчи расм ва ашула дарслари ўқувчиларнинг энг қизиқадиган ҳамда ижодий ўрганадиган ўқув дарсларидир. Бу дасларида ўқувчилар гўзалликни онгли идрок этибгина қолмасдан,кўникма ва малакалар ҳосил қилади. Буюк рассомлар,бастакорларнинг асослари билан танишади. Ўзлари расм чизади, мусиқа тинглайди, маъносини тушунади, имконият даражасида ижрочилик маҳоратларини эгаллайдилар.

Ўқувчилар нафосат тарбиясини беришда мактабда ташкил этилган бадий тўгаракларнинг аҳамияти катта.Ўқувчилар қобилияти ва қизиқишларига мос ҳолда расм, мусиқа, рақс, халқ амалий санъати тўгаракларида иштирок этиб, тегишли малакаларни эгаллайдилар.

Мактабда ҳаваскор рассомларнинг кўргазмаларини ташкил этилиши мумкин. Унда «Моҳир қўллар» тўгараги қатнашчиларининг, мактаб устахонасида тайёрланаётган амалий санъат намуналарининг, мактаб устахонасида тайёрланаётган амалий санъат намуналарини ҳам намоиш этиш фойдалидир.Мактабда бадиий хаваскорлик тўгараги қатнашчиларининг ҳар хил чиқишларини ташкил этиш ёшларнинг нафосат тарбияларини кучайтиради.

Мактаб ёшларига нафосат тарбияси беришнинг марказий вазифасини ўтай олади. Бунга мисол қилиб,Мирзаобод тумани Р.Муҳаммедов номли 21 сон ўрта умумий таълим мактабини кўрсатиш ўринлидир.(директор Баходир Розикков).

**Назорат топшириқлари:**

1. Мактабда нафосат тарбияси қандай шаклларда берилади?
   а) дарсда
   в) ижодий фойдали меҳнат машғулотида
   с) ўйинлар орқали
   д) хашар ва шанбаликларда
   е) махсус йиғимларда
2. Қайси фанлар махсус нафосат тарбия беришган мўлжалланган?
   а) адабиёт,она тили, чет тили

в) тарих,жуғрофия,иқтисод
с) расм,мусиқа,чизмачилик
д) табиатшунослик,кимё,физика
е) меҳнат,жисмоний тарбия

3. Дарсдан ва синфдан ташқарида нафосат тарбияси қандай берилади?
   а) экскурсия
   в) бадий тўгараклар
   с) устахонада ишлаш
   д) мактаб ҳовлисини ободонлаштириш
   е) спорт мусобақалари
4. Умумий таълим фанларининг нафосат тарбияси беришдаги имкониятларини ёзма баён этинг.
5. Мактабда бадий хаваскорлик тўгаракларининг ишини ўрганиш ва уларни янади яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқинг.
6. Мактабда бадий хаваскорлик кўрик танлови ўтказишнинг режасини тузинг Ижодий ишларнинг кўргазмаси қандай ташкил этилади.Тартибини ёзма баён қилинг.

## 3. Мактабдан ташқарида нафосат тарбияси бериш тартиби.

**3-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Талабаларга мактабдан ташқарида нафосат тарбияси беришнинг моҳиятини тушунтириш. Бадий ижод намуналаридан завқланишга ўргатиш. Ўз шахсиятида гўзаллик яратишга одатлантириш.

### Идентив ўқув мақсадлари.

3.1. Ватанимизнинг гўзал табиат манзаралари таъсири остида нафс хис-туйғуларини шакллантиради.
3.2. Тарвирий санъат музейлари ва кўргазмали залларини кузатиб, эстетик туйғуларини такомиллаштиради**.**
3.3. Мусиқа ва қўшиқ танлашга,рақсдан завқланишга интилади. Миллий мусиқа санъатига хаваси ортади.
3.4. Меъморчилик ёдгорликлари сақланиб қолган шаҳарларга сайёҳатлар уюштиради. Олган тассуротларини сўзлаб беради.
3.5. Шоир ва ёзувчиларининг асарларини чуқур ўрганишга киришади.
3.6. Тасвирий санъат усталарининг асослари билан танишади ва уларга баҳо беради.
3.7. Ўзбек киносининг нодир намуналарини жаҳон киноларининг ишларига таққослаб кўради. Миллий кинонинг қадрли эканлиги ҳақида хулоса чиқаради**.**

**3-асосий саволнинг баёни:**

Юқорида таъкидланганидек нафосат тарбиясига тиббиёт манзиллари, йилнинг турли фаслларида унда содир бўладиган ўзгаришлар таъсир қилади. Шахар ва қишлоқларнинг қиёфаси улардаги ноёб бинолар,боғ-роғлар,меъморчилик ёдгорликлари,хиёбонлар,майдонлар,фавворалар,ҳар-хил безаклар,ҳатто тозалик,саранжом-саришталик болаларннг юксак дидли бўлишларига таъсир этади.Шу ўринда айниқса,музейлар,театр ва кинохоналарнинг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқ керак.

Ўзбекистонда дунёга машҳур бўлган шаҳарлар, улардаги меъморчилик ёдгорликлари ва саънат музейлари кўплаб кишиларни ҳайратлантириб, ўзига маҳлиё қилиш имкониятига эга.Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда гўзаллиги билан асрлар оша нафосат тарбияси бериб келаётган иншоатлар бор.

Ўзбекистон қадимдан бадий ижод ва саънатнинг марказларидан бири саналиб келинган. Шунинг учун ҳам унда А.Навоийдек шоирлар етишиб чиққан. Заҳриддин Бобур, Б.Машраб, Увайсий, Нодирабегим, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳ.Ҳ.Ниёзийлар ўзбек бадий адабиётининг янги чўққиларига кўтарилдилар.

Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, С.Абдулла, Зулфия, Ҳ.Ғулом,С.Ахмад,М.Исмоилий, Ж.Шарипов ва бошқаларнинг асарлари ҳалқимиз қалбидан муносиб урин эгаллаган.

Ҳозирги даврда ўзбек адабиётини жаҳонга танитаётган Э.Воҳидов, А.Орипов, о.Матжон, М.Али, У.Ҳошимов, Н.Нормуродов, С.Ёқубов, П.Қодиров ва яна кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ёшларга нафосат тарбиясини беришнинг бебаҳо хазинасига айланмоқда.

Ўзбек тасвирий саънати усталарининг асарлари ҳам ҳалқимиз маънавий дунёсини бойитишга ҳисса қушмоқда. Ў.Тансиқбоев, Ч.Мирзаев, Б.Аҳмедов ва бошқаларнинг асарлари жаҳон кургазмаларида намойиш этиб, юқори баҳоланмоқда.

Ўқувчиларни бу ижод намуналари билан таништириш орқали уларда етук дид, фаҳм-фаросат, нафс, ҳис-туйғулар тарбияланади.

**Назорат топшириқлар**

1. Оилада болага нафосать тарбияси бериш учун;
   а) ижтимоий фойдали меҳнат қилдириш.
   в) касб- ҳунарга ўргатиш.
   с) саънатни қадрлашга ўргатиш.
   д) сардоба ёдгорлигини ўргатиш.
   е) пахтазор далаларини ўргатиш.
2. Табиат манзараларидан баҳра олиш учун қаерни танлаган бўлар эдингиз?
   а) чимён тоғ манзараларини.
   в) серҳосил боғларни.
   с) фавворали майдонни.
   д) сардоба ёдгорлигини.
   е) пахтазор далаларини.
3. Меъморчилик ёдгорликларининг жойини аниқланг?
   а) калтаминор Самарқанд
   в) минораий калон Тошкент
   с) шохи-зинда Бухоро
   д) кўкалдош мадрасаси Агра
   е)тож маҳал мақбараси Хива
4. Имом Исмоил ал-Бухорий ёдгорлик мажмуий қаерда қурилган?
   а) Бухорода
   в) Самарқандда
   с) Туркистонда
   д) Пойариқ тумани,Ҳартанг қишлоғида
   е) Шайхул- исломда
5. Бу мисраларни ким ёзган?
   Одамий эрсанг,демагил одамий,
   Ониким,йўқ ҳалқ ғамиддин ғами
   а) А. Жомий
   в) Н. Ганжавий
   с) А. Яссавий
   д) А. Навоий
   е) З. Бобур

1. Ёшларга жисмоний тарбия бериш тизими.

Ўқитувчининг мақсади: Жисмоний тарбиянинг аҳамияти, уни бериш йўллари ва шакллари, мактабда,оилада ва жамоатчилик таъсирида жисмоний тарбия бериш ҳақида билим, тушунча ва кўникмалар ҳосил қилади.Ўзининг жисмоний камолоти ҳақида қайғуришга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Жисмоний тарбиянинг шахс камолотидаги аҳамиятини айтиб беради.
2. Жисмоний тарбияга давлат томонидан берилаётган эътиборини изоҳлайди.
3. Жисмоний тарбия бўйича олган билимларидан кундалик ҳаётида фойдаланилади.
4. Мактабда, оила ва жамоатчилик асосида жисмоний тарбия беришни текшириб кўради.
5. Ўзининг шахсий кун тартиби ва жисмоний машғулотлари билан шуғулланишни лойҳалаштиради.
6. Жисмоний камолоти турлича бўлган ёшларни жисмоний1 тарбия билан шуғулланишлари таққосланади.

4-**асосий саволнинг баёни:**

Жисмоний тарбия инсон камолотида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тананинг тўғри ўсиши, кучли, чаққон, эпчил, чидамли ва амалиёт хар доим мустаҳкам иродали бўлишини таъминлайди.

Улуғ аллома Абу Али Ибн Сино тиб илмий асосларини яратиб, унда назария ва амалиёт ҳар доим мустаҳкам алоҳида бўлишини таъкидлаган. Тиб амалиётида соғлом таннинг хусусиятларини билиш ва соғлиқни энг зарур қонуният деб ҳисоблаган. Унинг фикрича хар бир киши ўзининг соғлиғи ҳақида ўзи қайғуриши, жисмоний машқ вўа меҳнат билан шуғулланиши зарур. Жисмоний машғулот одамларни орнтиқча толиқтирмаслиги, шу билан бирга доимий шуғулланиши мақсадга мувофиқ бўлишини уқдирган.

Абу Али Ибн Сино ўзидан олдинги олимларнинг таълимотини давом эттириб, жзисмоний тарбиянинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини илмий асослашга ҳаракат қилади.

Шаркда соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўрта асрда шаркда етук инсонни тарбиялашга қаратилган ҳаракатларни Фаробий ўзининг қатор асарларида умулаштиради. Олим ўз асарларида қалб ҳолатини мўътадил сақлаш учун соғлом авлод зарур деб таъкидлайди.

Форобийнинг фикрича, жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мактаб олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири ўқувчиларни жисмоний соғлом бўлиб ўсишга ва ўз соғлиғини сақлашга ўргатишдир. Мустақил республикамизда соғлиқни сақлаш, жамиятимиздаги соғлом авлод етиштириш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда.Шулардан бири «Соғлом авлод учун» орденинг таъсис этилишидир.

Айни техника юксалиши асри инсондан ҳаракатни тезкорлик билан моҳирона бошқара олишни, пухта жисмоний тайёргарликни талаб этмоқда. Булардан барчасига асос эса мактаб ёшидан бошлаб қўйилади.

Мактаб ўкувчиларига жисмоний тарбия бериш учун, жисмоний тарбия бўйича ишларни шундай ташкил қилиш керакки, ўкувчилар ўзларидаги меҳнатсеварлик, жасурлик, ташаббускорлик ҳислатларини тўла намойиш қила олиш ҳамда ҳаракат ўйинлари ва жисмоний машқларни янада севиб, ўз ютуқларини янада такомиллаштиришга эга бўлсалар.

Булардан ташқари, зарур бўлган гигиеник шароитлар яратиш,болаларни етарли даражада очиқ ҳавода бўлишини таъминлаш, ўз вақтида овқатлантиришни ташкил этиш зарурдир.

Жисмоний тарбия бўйича машғулотлар очиқ ҳавода, залда ёки шу мақсадга мувофиқ ажратилган хоналарда ўтказилади.

Жисмоний тарбия дарсларида ўкувчилар албатта махсус кийимда бўлиши керак. Жисмоний тарбия дарсларида ҳамма ўкувчилар иштирок этишлари керак. Жисмоний тарбия дарсларида, синфдан ташқари машғулотларида ва ўкувчилар кун тартибда жисмоний тарбия беришнинг асосий мазмуни 1-9 синфлар учун чиқарилган махсус дастурда белгилаб берилган. Ўкувчиларга жисмоний тарбия беришда ўкитувчи аввало ўз ишини яхши билиши ва севиши керак. У ҳар томонлама етук педагог ва спорт техникаси маҳоратига эга бўлиши керак. Чунки ўктувчинигн педагогик маҳорати қанчалик юқори ва жисмоний тарбия бўйича махсус билимлар доираси кенг бўлса, унда тарбия масалаларини ҳал этиш имкони шунча кўп бўлиши сир эмас албатта. Ўқитувчи, тарбиячи умумий жисмоний таёргарлик машғулотларида ўкувчиларнинг соғлиги, ёши ва жисмоний тайёргарлигини хис эта олиш зарур. Ўйин ва жисмоний машқлар машғулотларида синфлар ва гуруҳлар ёшига қараб тинглашни мақсадга мувофиқ. Масалан: 1-2синфлар(6-7 ёшли) 3-4 синф (8-9ёш) ўкувчиларини бирлаштириш мумкин. Соғломлигига қараб асосий ватайёрлов гуруҳидаги машғулотларига ҳеч қандай чекланишсиз киритилади. Тарбиячининг умумий назорати остида ўкувчилар жисмоний тарбиядан уй вазифаларини мунтазам бажаришлари дарсларни ўргатадиган ҳаракат малакаларини муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради. Тарбиячи 1-4 синф ўкувчилари билан ўтказиладиган жисмоний тарбия машғулотларининг мазмунига мактабнинг самовий спорт календаридаги тарбияларини киритиш мумкин.

Машғулотни кунида кузатиб бориш ва зийракни талаб қилувчи ўйинларни ўйнатиш мумкин. Жисмоний тарбиядан синдан ташқари ишларнинг асосий ташкилий ишлардан бири жисмоний тарбия тўгарагидир. Мактабда умум жисмоний тарбия тўгарагидан ташқари спорт турлари бўйича тўгараклар ташкил этилиши мумкин. Бундай спорт турларининг асосий йўналиши ўкувчиларнинг жисмоний тайёргарлигига ҳар хил гимнастик машқлар, ўйинлар, енгил атлетика, қишда эса ҳаракатли ўйинларни ажратиш керак.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиққан ва баъзи ютуқларни қулга киритган ўкувчиларни спорт мактабига йўллаш мумкин. Жисмоний машқлар ўсмирлар танасида моддалар алмашинувини таъминлайди. Уларнинг ақлий ва руҳий қобилиятини оширади, руҳини тетик, танасини саломат, чидамли ва бақувват бўлади. Ўрта мактаб ўкувчиларигимнастика билан шуғулланишлари, енгил атлетика билан шуғулланишлари зарур.

**Назорат топшириқлар.**

1. Жисмоний тарбиянинг инсон камолотига таъсири?
   а) меҳнатсеварликка ўргатади
   в) руҳини тетиклаштиради
   с) касб-ҳунар эгаллашига таъсир қилади
   д) тананинг тўғри ўсиши, кучли, чаққон, чидамли ва иродасини мустаҳкам бўлишини таъминлайди
   е) дидли, фаҳм-фаросатли қилиб улғайтиради
2. Жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида қайси алломалар ибратли фикр айтганлар?
   а) Навоий, Абу Али Ибн Сино
   в) Фаробий, Абу Али Ибн Сино
   с) Кайковус, А. Яссавий
   д) Кашвий, Давоний
   е) Х.Х. Ниёзий, А. Авлоний
3. «Соғлом авлод учун» ордени, Соғлом авлод йили аҳолини соғломлаштириш тадбирлари ниманинг ифодаси деб тушунасиз?
   а) давлатнинг жисмоний тарбияга бераётган белгиси
   в) улкан муваффақиятларга эришиш керак

с) миллий қадриятлар ва анъаналарни тиклаш воситаси
д) рағбатлантириш рамзи
е) ҳаётни қизиқарли қилиш йўллари

4. Мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланасизми?Қандай машқлар бажарасиз, қандай ҳаракатли ўйинларга қизиқасиз?Эришган натижаларингизни ёзма баён этинг.
5. Мактабда олган жисмоний тарбия сиз учун етарлими, оилада қандай тўлдириш мумкин. Ижтимоий жисмоний тарбиянинг томонларини таққосланг.
6. Ўзингиз учун кун тартиби тузганмисиз, унга қатъий амал қиласизми? Ўзгартириш, тўлдиришга эҳтиёж сезиладими, кўрган фойдангизни таҳлил қилинг.
7. Ўртоқларингизни ўзингиз қизиққан жисмоний тарбия тадбирларига қизиқтира оласизми?Қандай натижалар берган,улар сизни қониқтирадими?

**Мустақил топшириқлар**.

1.Гурух бўлиб сайрга ва музейга бориш, унда кўрганларини муҳокама қилиш. Натижасини реферат шаклида расмийлаштириш.

2. Йилнинг энг асосий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини изоҳланг.
   а) университет миқиёсида
   в) вилоятда
   с) республикада
   д) дунё бўйича

**Адабиётлар рўйихати.**


1. И.А. Каримов. «Истиқлол ва маънавият».Т.1994
2. «Баркамол авлод орзуси».Т. 1999
3. «Нафосат тарбияси».Т. 1974
4. В.З. Черняк «Етти мўъжиза ва бошқалар».М. 1990


## 17 МАВЗУ: ЖАМОА ВА ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. (2 соат)

**Асосий саволлар**

1. Ўқувчилар жамоасининг тарбия жараёнидаги ўрни.
2. Ўқувчилар жамоасининг ривожланиш босқичлари.
3. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш методикаси.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Жамоа, ўқувчилар жамоаси, фармал жамоа, нофармал жамоа, умуммактаб жамоаси, жамоада шахс тарбияси, жамоа фаоллари, топшириқлар, жамоанинг ривожланиш босқичлари, ўз-ўзини бошқариш, истиқбол режалар, параллел тарбиявий таъсир, анъаналар, ягона талаб.

### 1. Ўқувчилар жамоасининг тарбия жараёнидаги ўрни:

**1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Ўқувчилар жамоасининг моҳиятини баён этади. Жамоанинг пайдо бўлиши ва таркиб топишида топшириқларнинг аҳамиятини очиб беради.

Жамоанинг ўқувчи шахсига таъсири ва тарбиявий имкониятларини тушунтиради.

Талабаларнинг ўз жамоаларида тутган ўрни ва мавқеини англашга йўналтиради.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Жамоа ва ўқувчилар жамоасининг моҳиятини айтиб беради.
1.2. Жамоанинг ўқувчи ёшларни тарбиялашдаги имкониятларини изоҳлайди.
1.3. Жамоанинг жипслашувида топшириқларнинг аҳамиятини шарҳлайди.

**1-асосий саволнинг баёни:**

Педагогика фани ўқувчилар жамоасини ташкил этиш ва шакллантиришга тарбия назарияси ва амалиётининг марказий масалаларидан бири деб қарайди. Жамоада, жамоа орқали ва жамоа учун тарбиялаш тарбия назариясининг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Инсон боласи дунёга келганидан умрининг охиригача турли жамоаларнинг аъзоси бўлиб яшайди. Оила жамоаси, мактабгача тарбия, мактаб жамоаси, ишлаб чиқариш жамоалари ўзоқ давом этадиган формал жамоалар ҳисобланади.

Формал жамоа аниқ тартиб-қоидалар асосида маълум муддат давомида бирлашган кишилар уюшмасидир.

Ноформал жамоа- қисқа, тасодифий ёки вақтинчалик бирлашган кишилар йиғиндисидир. Бунда ҳар бир кишининг ўзига яраша мақсади асосий роль ўйнайди.

Ноформал жамоанинг ўзоқ вақт давом этадиган ва шахсга кучли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шакли ўртоқлар гуруҳи (улфатчилик) ҳисобланади.

Бола шахсига тарбиявий таъсир этувчи жамоа – ўқувчилар жамоасидир, жамоа дейилганда умумий мақсад (ижтимоий фойдали аҳамият касб этган) ва биргаликдаги фаолият учун жипслашган ўқувчиларниннг бирлашмалари тушунилади. Болаларнинг жамоадаги ўзаро муносабати, шахсий жавобгарликни ҳис этиши, ҳуқуқдан фойдаланиш ва вазифаларни бажаришда барча аъзоларнинг тенглиги билан белгиланади. Жамоанинг асосини бошланғич жамоа ташкил этади. Бошланғич жамоа А.С.Макаренко таъбири билан айтганда «шахс билан алоқада бўлиши асбоби»дир, чунки, унда ўқувчилар ўзаро яқин муомалада бўладилар, ҳамма вақт биргаликда ҳаракат қиладилар, бутун жамоага қўйилган мақсадни ҳал этишда қатнашадилар. Ҳар бир бошланғич жамоа(синф) ўз таркибий қисмларига эга бўлсада, умумий жамоанинг бир қисми ҳисобланади. Бу жамоа мақсадларининг бирлиги ва умумий ишларни ташкил этиши билан боғлиқ бўлади.

Ўқувчилар жамоаси катталар жамоасидан фаолиятининг романтиклиги, ранг-баранглиги билан фарқланади. Жамоа таъсирида ўқувчилар маънавий, иқтисодий эқологик, жисмоний жиҳатдан тарбияланадилар. Жамоада бир-бирига ғамхўрлик қилиш, ўзаро ёрдам, фақат ўз ҳақида эмас, балки бошқалар ҳақида ҳам уйлашга интилиш, жамоа манфаатини ўз қизиқишидан устун қўйиш кўникмалари хосил бўлади. Жамоада ўртоқлик ва дўстлик ҳисси мустаҳкамланади. Ўқувчилар жамоасини тузаётиб, тарбиялаётиб мактаб ўқитувчилари унинг ҳар бир аъзосини шакллантиради.

Халқимизнинг буюк алломалари, олимлари ҳамда атоқли педагоглари тарбияда жамоанингн аҳамиятини юксак баҳолаганлар.

Жамоа бўлиб яшаш, ишлаш ва умуман фаолият юритиш бизнинг одат ҳамда ахлоқ нормаларимизнинг ажралмас қисмини ташкил этиши зарурлигини кўрсатганлар. Бундай ҳис яхши ташкил этилган жамоадагини хосил бўлади ва мустаҳкамланади. Бошланғич жамоада болалар бир-бирлари билан яқин муносабатда бўладилар. Ҳам ижобий, ҳам салбий ишларни кўрадилар. Ўртоғининг хатти-ҳаракатларини баҳолашга, бошқалар иши учун жавоб беришга ўрганадилар. Мактаб жамоасининг доимий ҳаракатдаги органлари билан бир қаторда жамоага (айрим синфларда) ва айрим ўқувчиларга бериладиган топшириқлар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Жамоага вақтинча бериладиган топшириқлар кўпчилик ўқувчиларни доимий фаолиятга жалб этишни кўзда тутади. Жамоага вактинча бериладиган топшириқнинг кенг тарқалган тури  синфнинг мактаб бўйича навбатчилик қилишидир. Навбатчи синф ўз вазифаларини яхши бажара олса, навбатчилик қилишда ишонч билидирилганини сезса ва бундан фахрланса, навбатчилик ҳуқуқидан маҳрум этилганда буни жиддий жазо деб билса бу тадбирдан кўзлаган мақсадга эришилган бўлади. Шунга ўхшаш навбатчиликлар ўқувчиларда ташкилотчилик малакаларини, топширилган иш учун жавобгарлик хиссини тарбиялайди, ўз ишларининг натижасини кўриш имконини беради.

Навбатчилик ишлари учун синф фаоллари жавоб беради. Навбатчилик ишлари моҳирлик билан ташкил этилган ўқувчилар жамоасига маълум ҳуқуқлар берилган жойда ўқитувчилар учун навбатчилик ишлари билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай қийинчилик сезилмайди, айни вақтда, бу ўқитувчилар ўқувчиларга маслаҳатчи ва йўл кўрсатувчилар сифатида иш олиб борадилар.

Баъзи мактабларда юқори синф ўқувчиларини мактаб ховлисини ва унга яқин жойларни тозалашга жавобгар қилиб тайинлайдилар. Булардан ташқари, улар турли тадбирлар ўтказиш, умуммактаб деворий газетасини чиқариш, мунтазам радио эшиттиришларини уюштириш учун ҳам масъул бўладилар.

Айрим ўқувчиларга бериладиган алоҳида топшириқлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Топшириқ беришда ҳар бир ўқувчининг қизиқишини ва қобилиятини ҳисобга олиш зарур. Топшириқ  суст ўқувчиларни фаоллаштиришда, жамоа учун фойдали ишга жалб этишда жуда яхши воситадир.

Алоҳида топшириқлар ўқувчиларга қуйи синфда бошлаб берилади. Куйи синфларда (1-2 синф) ўқувчилар навбатчи санитарлар, гулчилар, дафтар тарқатувчилар бўлиб хизмат қиладилар. Юқори синф ўқувчилари фақат синф доирасидаги ишларни эмас, балки мактаб ундан ташқарида қилинадиган топшириқларни ҳам бажарадилар. Оталиққа олинган синф билан ишлаш, кўрсатма материаллар тайёрлаш, қаровчилари бўлмаган кекса оилага қарашиш каби ишлар шулар жумласидандир.

Топшириқ бериладиган шароит ҳамда топшириқ бериш оҳанги ишнинг бажарилишида жуда муҳим аҳамиятга эга. Топшириқ аниқ бўлиши, жиддий табиий оҳангда ўқувчига ишонч билдириб, баъзида табассум ҳамда ҳазил аралаш ва ҳамма вақт ҳар бир ўқувчига алоҳида диққат эътибор билан гапириш керак. Топшириқларниннг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, унинг бажарилганлиги ҳақида ҳисобот беришни талаб қилиш ниҳоятда муҳимдир. Агар бола бажариш вақтида бирорта янгилик киритса, топшқирлик намоён этса буни албатта таъкидлаб ўтиш керак.

**Назорат топшириқлари:**

1. Жамоа бўлишнинг асосий белгиси.
   а) Мақсад бирлиги.
   в) Рухий яқинлик.
   с) Яшаш учун қулай шароитга эга бўлиш.
   д) Зерикиб қолмаслик.
   е) Ўзаро ёрдам.
2. Формал жамоани кўрсатинг.
   а) Кино залида ўтириб томоша қилувчилар.
   в) Футбол кўриш учун стадионга йиғилганлар.
   с) Футбол ўйнаётган команда аъзолари.
   д) Автобусдаги йўловчилар.
   е) Бозордаги ҳаридорлар.
3. Ноформал жамоани аниқланг.
   а) Оила жамоаси.
   в) Синф жамоаси.
   с) Мактаб жамоаси.

д) Ўртоқлар йиғини.
е) Тўгарак аъзолари.

4. Ўқувчилар жамоасининг асосий хусусиятларини сўзлаб беринг.
5. Ўқитувчиларнинг бошланғич жамоаси
   а) Ўқувчилар.
   в) Тарбияси қийин ўқувчилар.
   с) Мактабнинг барча ўқувчилари.
   д) Бир кўчада (маҳаллада) яшовчи ўқувчилар.
   е) Синф ўқувчилари жамоаси.
6. Ўқувчилар жамоасининг тарбиявий имкониятларини ёзма баён этинг.
7. Ўқувчилар жамоасига топшириқлар беришда нималар эътиборга олинади.
   а) Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари.
   в) Ўқувчиларнинг бўш вақти.
   с) Моддий манфаатдорлик.
   д) Ўқитувчиларнинг назорат қилишига қулайлик.
   е) Мактаб директорининг буйруғи.
8. Топшириқнинг муҳим хусусияти.
   а) Енгил бажарилиши.
   в) Мураккаблиги.
   с) Ўз вақтида бажарилиши.
   д) Бажарувчи учун фойдалилиги.
   е) Касб эгаллашга қаратилганлиги.
9. Жамоага ва алоҳида ўқувчиларга берилган топшириқларнинг жамоанинг мустаҳкамлашдаги ўрнини аниқ мисоллар билан изоҳлаб беринг.

## 2. Ўқувчилар жамоасининг ривожланиш босқичлари:

**2-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Ўқувчилар жамоасининг ривожланиш босқичларини бирма-бир талабаларга тушунтириб беради. Ҳар бир босқичда жамоа қандай ҳолатда бўлишини изоҳлайди.

Талабаларни жамоа таркибида фаол бўлишга одатлантиради.

Жамоани ҳурмат қилишга ва унинг барча талабларини бажаришга ўргатади.

### Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Ўқувчилар жамоасининг босқичларини сўзлаб беради.
2.2. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади.
2.3. Жамоа фаолларининг хусусиятларини тавсифлайди.

**2-асосий саволнинг баёни:**

Ўқувчилар жамоаси синф ташкил топган кундан бошлаб шаклланиб боради. Аммо, дастлабки даврларда ҳали жамоа жипслашмаган, алоҳида ўқувчилар гуруҳи сифатида мавжуд бўлади.

Ўқитувчининг, умуммактаб жамоасининг ва синф ўқувчиларининг саъй-ҳаракатлари билан секин-аста жамоа тартиб-қоидалари намоён бўлиб бора бошлайди.

Бу жараён бир-бирига узвий боғлиқ бўлган бир қанча босқичларда ўз такомилига етади.

**Биринчи босқич:** Ўқувчилар билан ишлашнинг дастлабки даврида ҳали жамоа ташкил этилмаган, фаоллар шаклланмаган вақтда, шахсга нисбатан жамоанинг талаби бўлмайди, ҳар бир ўқувчи ўзи учун жавоб беради, ўқувчилар ҳали ўз ўртоқлари олдига ҳам бирор талабни қўя олмайдилар. Шунинг учун ҳам бу даврда ўқитувчининг ўқувчиларни ўзлаштириш ва интизом масаласини тушунишини талаб этиш қоидасидир. Ривожланишнинг бу босқичида ўқитувчинигнг талаби қатъий, жиддий, изчил принципиал

бўлиши керак. Бу талаблар ташкил этишга илгаридан ўйланган мураккаблашиб борувчи фойдали ишлар тизимини бажаришга йўналтирилган бўлиши муҳимдир. Ўқитувчининг талаблари болалар ёши ва имкониятига мос, етарлича жиддий бўлиши керак. У ўқитувчи юқори талабларни қўйиш асосида ўз атрофига фаолларни – жамоанинг энг яхши қисмини йиғади. Фаол ўқишга қизиқувчи синф, мактаб обрўйини сақлаб қолишга ҳаракат қилувчи, ўқитувчининг талабларини қўллаб кувватловчи ўқувчилардир.

Шундай қилиб, биринчи босқичда педагогнинг энг муҳим вазифаси синф жамоасининг ядроси бўлган фаолларни шакллантиришдан иборат.

**Иккинчи босқич** Фаоллар билан астойдил ишлаш, уларни жипслаштириш ва биргаликда ишлашга ўргатиш, жамоа ишларини ташкил қилиш билан ҳарактерланади. Бунинг учун эса фаолларни тез-тез йиғиш, улар билан айрим муҳим масалалар бўйича семинарлар ўтказиш, ўз мактабининг ишлари ҳамда истиқболлари ҳақида суҳбатлашиш, улар билан биргаликда кундалик масалаларни ҳал қилиш, фаоллар ичида раҳбарлик ишига лаёқатли болаларни танлаш (сайлаш) зарур.

Бошқаларга қараганда фаоллардан интизомга қатъий риоя қилишни кўпроқ талаб этиш, уларни ўқишда ва интизомда, жамоатчилик ишида ҳам бошқа болаларга намуна кўрсатишга ундаш зарур. Фаолларга берилган имтиёзлар адолатли бўлиши ва у ўқувчилар томонидан қўллаб-қувватланиши, бу унинг жамоа олдидаги хизматлари натижаси эканлигини ўқувчилар ҳис этмоқлари керак.

Фаолларга нисбатан қўйиладиган талабларнинг пасайиши, ўринсиз имтиёзлар бериши синфда ёмон вазият туғдириши мумкин. Педагоглар фаоллар эътиборини жамоа аъзолари билан ишлашга қаратмоқлари керак. Фаоллар бошланғич жамоага таянган ҳолда мактаб ҳаётига кўплаб ўқувчиларни жалб этади. Бу босқичда фаоллар жамоага кўпрок талаблар қўйиб, ўзига ҳам талабчан бўлади. Фаоллар ривожланишнинг бу босқичида ҳали буш ва беқарор бўлади, бироқ шундай бўлишига қарамай, педагог тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда уларга таянади. Бу босқичда ўқитувчининг муҳим вазифаси фаолларни жамоа аъзолари билан ишлашга ўргатиш, жамоани янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

**Учинчи босқич:** Жамоа ҳаётининг барқ уриши ўзаро муносабатларнинг шаклланиши жамоанинг шахсга таъсири билан ҳарактерланади.

Фаоллар ҳамда ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан ташкил этиладиган ижтимоий фаолиятнинг хилма-хил турлари таъсирида жамоа ривожланади. У ёки бу фаолиятни бажариш жараёнида ўқувчилар жамоа бўлиб ишлаш тажрибасини орттирадилар. Ўқувчилар органлари томонидан белгиланган талабларга мувофиқ ўзларида хулқ-атвор тарбиялайдилар. Учинчи босқичда ўқитувчи ва фаолларнинг талабларини кўпчилик ўқувчилар қўллаб кувватлайдилар. Ўқитувчининг педагогик мавқеи яширин шаклга кириб боради.

Ўқитувчи шахсга синф жамоаси орқали таъсир этади. Бундай таъсир кўрсатиш натижасида ҳам шахс ҳам жамоа тарбияланиб боради. Бундай метод параллел педагогик таъсир кўрсатиш методи деб ҳисобланади. Ўқитувчининг ҳар бир шахсга қўядиган талаби жамоага қўядиган талабларига қараганда таъсирлироқ, сезиларлироқ бўлади. Бу босқичда бир-бирига боғлиқ икки масала: жамоатчилик фикри ва анъаналарни юзага чиқариш ҳал этилади. Бу даврда айниқса ахлоқ назариясини ўрганиш, биргаликдаги фаолият натижасида тўпланган тажрибаларни англаш, миллий мафкура асосларини таркиб топтириш муҳимдир. Ахлоқий принципларни , ахлоқ-одоб мавзусидаги суҳбатлар,мунозаралар ўтказиш, ўқилган китоб ва кўрилган кинофильмларни муҳокама қилиш йўли билан тушунтириш зарур. Бунинг учун жамоада замин мавжуд бўлади. Учинчи босқичда болалар ўртасида дўстликни шакллантириш катта аҳамиятга эга. Ўқитувчининг болаларга муносабати ҳам ниҳоятда самимий бўлиши керак. Бу даврга келиб ўқитувчи тарбияланувчиларнинг ҳарактери, қизиқиши, талаби билан танишиб, рухий ҳолатини яхшироқ биладиган бўлади.

**Тўртинчи босқич:** Бу даврда педагогик вазифалар мураккаблашади. Жамоанинг айрим шахсга таъсир доираси кенгаяди. Ҳар бир ўқувчининг ахлоқига ва жамоатчилик ўртасидаги ўзини тўта билишига бўлган талаби кучаяди. Бу босқичда барча масалаларни

шу билан бирга ахлоқий ўзлаштириш, турмуш масалаларини ҳам, бунинг устига фақат хатти-ҳаракатларнигина эмас балки шу хатти-ҳаракатларги ундовчи мотивларни ҳам жамоа муҳокамасига қўйиш мумкин. шахснинг ўзига қўйган талаби бошқаларга қўйган талабига қараганда юқорироқ бўлади. Бу босқичда ўқувчилар жамоаси катталар жамоалари билан ҳамкорлик ўрнатадилар. Ишлаб чиқариш корхоналари, завод, фабрикалар, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжаликларнинг иш фаолиятларини ўрганади. Ўқувчилар келажакда ўзлари қўшилиши мумкин бўлган жамоалар билан танишиб бошлайдилар. Жамоа ва шахс тарбиянинг фақат субъекти бўлиб қолмай, объекти ҳамдир. Жамоанинг босқичма-босқич ривожланиши мураккаб, қарама-қарши ва диалектик жараёндир. Айрим болалар жамоа ривожланишидан ўзиб ёки орқада қолиб кетиши мумкин. Бироқ босқичлар ўртасида кескин ўзгариш кўзга ташланмайди. Шу боисдан босқичларга бўлиш шартли характерга эгадир. Жамоанинг ривожланишида ўқитувчининг роли катта. У жамоанинг тарбия мақсадига мувофиқ ривожланишга йўналтиради. Педагог жамоа ривожланишининг қонунини билса, жараённи тезлаштиради, билмаса секинлаштириб юбориши мумкин.

**Назорат топшириқлари:**

1. Ўқувчилар жамоаси (тўла шаклланганига кадар) неча босқичдан иборат бўлади.
   а) Икки босқичдан.
   в) Беш босқичдан.
   с) Уч босқичдан.
   д) Тўрт босқичдан.
   е) Ўн босқичдан.
2. Жамоа таркиб топишининг биринчи босқичида ким асосий ролни ўйнайди?
   а) Мактаб директори.
   в) Тарбиявий ишлар бўйича муовини.
   с) Синф ўқитувчиси.
   д) Аълочи ўқувчилар.
   е) Синф фаоллари.
3. Иккинчи босқичнинг ҳарактерли хусусияти.
   а) Фаоллар ишини йўлга қўйиш ва биргаликда ишлаш.
   в) Муқобил режалар қабул қилиш ва бажариш.
   с) Ўқитувчининг ўқучилар шахсини ўрганиши.
   д) Мактаб маъмуриятинтнг буйруқларини бажариш.
   е) Тезроқ учинчи босқичга ўтиш.
4. Жамоанинг шахсга таъсири қайси босқичда кучаяди.
   а) Тўртинчи босқичда.
   в) Учинчи босқичда.
   с) Ҳамма босқичларда.
   д) Иккинчи босқичда.
   е) Биринчи босқичда.
5. Ўқитувчининг ўқувчи шахсига синф жамоаси орқали таъсир этиши __________________ босқичда амалга ошади.
6. Жамоа тараққиётининг тўртинчи босқичида аҳамиятли бўлган ҳолатни аниқланг.
   а) Жамоа аъзоларининг бир-бирини ўрганиши.
   в) Жамоа фаолларини танлаш.
   с) Катталар жамоалари билан ҳамкорлик ўрнатиш.
   д) Ўқитувчи таъсирининг ортиб бориши.
   е) Ўқишга қизиқишнинг ортиши.
7. Жамоа фаолларини танлашда эътибор бериладиган хусусиятларни аниқланг ва ёзма баён этинг.

8. Фаолларга ёндошишда бола шахсини ҳурмат қилиш ва имкони борича талабчан бўлиш қоидасига амал қилишнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
9. Жамоа фаолларининг ахлоқий фазилатлари қандай бўлиши керак. Качон уларни барча ўқувчилар тан оладилар. Фикрингизни ёзма баён этинг.

### 3. Ўқувчилар жамоасини шакллантириш методикаси:

**3-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Ўқувчилар жамоасини шакллантиришнинг методикасини талабаларга тушунтириш. Жамоа олдига ва айрим ўқувчиларга талаблар қўйишнинг усуллари, истиқбол режалар қабул қилиш ва бажариш йўллари, анъаналарга тайёргарлик кўриш ва нишонлаш методикаси ҳақида маълумот берилади. Талабалар иштирок этиши мумкин бўлган жамоаларда ўз ўрнини топишга, фаоллик кўрсатишга одатлантирилади.

### Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Ўқувчилар жамоасини мустаҳкамлашда талаблар қўйишнинг самарали йўлларини қайд қилади.
3.2. Ўқучилар жамоасини шакллантиришнинг турли йўлларини фарқини кўрсатади.
3.3. Талаб қўйиш, истиқбол режалар тузиш ва бажариш, анъаналарни нишонлаш усулларини таққослайди.

**3-асосий саволнинг баёни:**

Жамоани шакллантиришда ўқувчиларга қўйиладиган ягона талабнинг аҳамияти каттадир. Мактабнинг «ягона талаби» – бу ҳар хил шароитларда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солувчи бир неча ўнлаб бандларни ўз ичига олувчи ҳужжатдир. Ягона талаб ўқувчиларнинг дарслардаги, танаффус, синфдан ташқари ишлар вақтидаги жамоат жойларида, уйдаги маданий хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади.Педагоглар жамоаси томонидан қўйилган талаблар қуйидаги шароитлардагина ижобий натижа беради:

1. Ўқувчиларга қўйиладиган талаблар ўқувчини ҳурмат қилишни ўз ичига олиш керак.
2. Педагоглар жамоаси ягона талабларни муайян мактабнинг, синфнинг аниқ шароитини ҳисобга олган ҳолда қўйилиши керак.
3. Талаблар аниқ бўлиши керак. Ўқувчилар ўзларидан нима талаб қилинаётганлигини аниқ тушунишлари лозим.

Ўқувчиларга талаблар қўйиш методикаси болаларни талаблар мазмуни билан таништириб уларнинг аҳамиятини тушунтириши, тажриба орттириши ҳамда уларни мунтазам суратда назорат қилиб боришдан иборат. Назорат қилиб бориш ҳаклари хилма-хилдир.: хулқ-атвор жўрналини юритиш, дарсдаги ножуя ҳаракатлар ҳақида синфнинг муносабати, синфдаги навбатчилик учун бахо куйиб бориш шулар жумласидандир.

Назорат объектив ва мунтазам бўлиши керак. Ҳисоб аниқ ва тушунарли бўлиши, уларнинг натижаси болаларга маълум қилиниши лозим.

Ўқувчилар жамоаси шундай ишларни танлаб олиши керакки, бу ишлар барча уквчилар ҳамда ҳар бир ўқувчининг қизиқишига жавоб берсин. Бундай истиқбол режалар қабул қилиш ва бажариш мақсадга мувофиқдир.

Истиқбол режалар белгилашнинг икки асосий методи борлигини кўрсатиш ўринлидир.

1) Ўқитувчининг ўзи ўқувчилар олдига вазифа куяди, бунда у ана шу вазифаларни хал этиш йўлларини кўрсатади ва ўқувчиларни қизиктиришга интилади.
2) Ўқувчиларнинг ўзлари қизикарли тадбирдларни илгари сурадилар, ўқитувчи бу ташаббусни қўллаб-кувватлайди ҳамда амалга ошириш усулларини топишда ёрдам беради.

Биринчи метод ўқувчилар жамоасини таркиб топтиришнинг дастлабки босқичида, иккинчиси эса анча юқорироқ босқичда, ўқитувчи томонидан қўйилган талабни синф фаоллари қўллаб кувватлайдиган даврда қўлланилади.

Шундай қилиб, ўқувчилар фаолиятини уюштиришда фақат истиқболни қўйиш, унинг мазмунини тўғри белгилашгина эмас, балки бу тадбирларни амалга ошириш ва муддатини белгилаш ҳам аҳамиятлидир.

Ёш жамоада ёки қуйи синф ўқувчиларидан ташкил топган жамоада ишни яқин истиқболни қўйишдан бошлаган маъкул.

Синф хонасини тартибга келтириш, шаҳардан ташқарига сайр, биргаликда кино кўриш, яқинроқдаги тарихий ёдгорликларга бориш каби ишларни бошланғич синф ўқувчилари қувонч билан қабул қиладилар.

Ўқувчилар жамоаси ўсиб ва мустахкаманиб бориши билан уларнинг олдига ўртача ва узоқ истиқболлар қўйилади. Ипак қўрти боқиладиган бино қурилиши, оталиққа олинган боғча учун ўйинчоклар ясаш, мактабни илгари битирган ўқувчилар, шаҳар ёки қишлоқ ишлаб чиқаришининг энг яхши ходимлари билан учрашувлар, хосил байрамини ўтказиш, жонажон ўлка бўйлаб ёзги туристик саёхатни уюштириш ана шундай ишлар жумласидандир. Жамоа доим фаолиятда бўлиши учун унинг олдига янги қизикарли истиқболлар қўйилиши керак.

Ўқувчилар белгиланган ишларни бажариб бўлишлари билан улар олдига олдингисига қараганда кўпроқ куч ғайрат сарфлашни, кўпрок ташаббус кўрсатишни талаб этувчи бошқа вазифалар қўйиш зарур.

Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар жамоаси фаолиятини ўзлашатиришни юқори кўтариш учун курашга йуналтиришдан иборат.

Белгиланган ишлар қуйидаги шароитларга риоя қилингандагина яхши натижа бериши мумкин:

А) Ишларни бажаришга пухта тайёргарлик кўриш;

Б) Тайёргарлик ишларида иложи борича кўпрок уквчи катнашиш.

Тайёргарлик давомида ўқувчилар ўзаро хилма-хил муносабатда бўладилар, бунинг натижасида мактаб жамоаси ўсиб, мустахкаланиб боради. Ҳар бир ўқувчи маълум вақт давомида мактабда бўлади. мактабнинг келажаги, унинг бойлиги, маданий ҳаёти ҳамма вақт катта ва жиддий мақсад сифатида жамоа олдида туриши шарт. Ўқувчилар мактабни севсалар унинг келажагига қизикиб қарайдилар.

Педагогнинг махорати ўқувчилар жамоаси олдига муҳим истиқболлар қўя билишдан, вазифаларни амалга оширишга чақирибгина қолмасдан болалар ғайрат шижоатини, топшириқларини бажаришга қаратишдан ҳам иборат.

Ўқувчилар жамоасини шакллантиришда анъаналар муҳим ўрин тутади. Анъана ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятининг шундай шаклики унда муносабатлар ҳарактери ҳамда ижтимоий фикр ёрқин ифодаланади. Мавжуд анъаналарни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин.

А. Кундалик турмуш анъаналари.

Б. Байрам анъаналари.

Кундалик турмуш анъаналари ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини, меҳнат фаолиятини ва бошқа фаолиятларни ўз ичига олади.

Байрам анъаналарига давлат томонидан белгиланган кунларни нишонлаш, битирувчилар кечаси, пахта байрами ўтказиш, «алифбе куни» ва бошқалар киради.

**Назорат топшириқлари:**

1. Ўқувчилар жамоасини мустахкамлашнинг фойдали йўлларидан бирин аниқланг.

а) Талабнинг аниқ бўлиши.
в) Мунтазам назорат қилиш.
с) Жамоа аъзоларига кенг эрк бериш.
д) Каттиккуллик қилиш.
е) Фаолларни рағбатлантириб туриш.

2. Мактабнинг «Ягона талаби» деганда нимани тушунасиз?

а) Директорнинг буйруқларини.
в) Ўқитувчилар кенгаши қарорини.
с) Ўқитувчиларнинг хулқини тартибга солувчи қоидалар йиги-ндиси.
д) Синф мажлисининг қарорлари.
е) Синф раҳбарининг тарбиявий ишлари режаси.

3. Ўқувчиларга қўйиладиган талаблар______________________ кушиб олиб борилганда ижобий натижалар берилади.
4. «Ўқувчилардан талаб қилишдан олдин, ўқитувчи ўзидан талаб қилишни ўрганиши зарур» - деган фикрни ким билдирган.

а) Х.Х.Ниёзий.
в) А.Авлоний.
с) А.Навоий.
д) К.Д.Ушинский.
е) А.С.Макаренко.

5. Фаоллар билан ишлашда куйи синф ўқувчилари, ўрта ёшдаги ўқувчилар ҳамда юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган иш усулларини таҳлил қилинг.
6. Истиқбол режалар қабул қилиш ва бажаришнинг тарбиявий аҳамиятини сўзлаб беринг. Уларнинг ютукларини изоҳланг.
7. Киска, ўрта ва ўзок муддатли истиқбол режаларга мисоллар келтиринг. Уларнинг қабул қилиниши, бажарилиши ва якунланишини таккослаб кўринг.
8. Мактабда нишонланадиган анъаналар неча гуруҳга бўлинади.

а) Икки гуруҳга.
в) Уч гуруҳга.
с) Тўрт гуруҳга.
д) Беш гуруҳга.
е) Олти гуруҳга.

9. Параллел таъсир этиш принципининг моҳиятини тушунтириб беринг ва унинг аҳамиятини изоҳланг.
10. Ўзингиз аъзо бўлган жамоанинг шаклланганлик даражасини аниқланг. Фаоллар муносиб танланганми. қандай ўзгариш киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. жамоангизнинг ютук ва камчиликларини ёзма таҳлил қилинг.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
2. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарк», 1999.
3. Педагогика. А.К.Мунавваровнинг тахрири остида. Т., 1996.
4. Педагогика. Т.А.Ильина тахрири остида. М., 1984.
5. Макаренко А.С. Бола тарбияси ҳақида суҳбатлар. Т., 1978.

## 18 МАВЗУ: ТАРБИЯЧИ ВА СИНФ РАҲБАРИНИНГ ИШ УСЛУБИ
**(2 –соат)**

**Асосий саволлар:**

1. Мактабда тарбиявий ишлари йўлга қўйиш, режалаштириш ва ўтказиш тартиби;
2. Синф раҳбари ва тарбиячига қўйиладиган талблар;

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: с**инф, жамоа, ўқувчилар жамоаси, тарбиявий иш режа, тарбиячи, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги ҳамкорлик, тарбиявий соат, ота-оналар қўмитаси, педагогик ҳамкорлик.

### 1. Мактабда тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, режалаштириш ва ўтказиш тартиби

**1-асосий савол бўйича ўқитувчининг мақсади:** Мактабда тарбиявий ишларни йўлга қўйиш тушунтиради. Тарбиявий ишларни тўғри режалаштириш ва ўтказиш тартибини ўрганиш орқали талабаларда раҳбарлик ва тарбиячилликка қизиқиш уйғотади.

**Индентив ўқув мақсадлари:**

1.1. Мактабда тарбиявий ишларни йўлга қўйишни тушунтиради;
1.2. Мактабда тарбиявий ишларни режалаштириш ва ўтказиш тартибини асослайди.

**----------------------**

## МАВЗУ: МАКТАБНИ БОШҚАРИШ ВА УНГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ.

**Асосий саволлар (масалалар):**

1. Бошқариш ҳақида умумий тушунча.
2. Бошқариш омиллари. Мактабни ички бошқариш.

**Асосий тушунчалар ( иборалар):**

Бошқариш, раҳбарлик қилиш, ваколатли ташкилотлар, бошқариш омил-лари, ички бошқариш, назорат қилиш, маслахатли бошқариш.

**1-савол. Бошқариш ҳақида умумий тушунча:**

**Ўқитувчининг мақсади:** Халқ таълими тизимини бошқариш ҳақида талабаларга тушунча беради. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиш хусусиятларини тушунтиради. Бошқаришга қизиқиш хосил килдиради.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. **Халқ таълими тизимини бошқаришнинг моҳиятини тушунтиради.**
2. **«Таълим тўғрисида»ги қонунда халқ таълимини бошқариш ҳақидаги моддаларни изоҳлаб беради.**
3. **Таълим тизимини бошқаришнинг ваколатли ташкилотлари вазифаларини таҳлил қилади.**

1-савол баёни:

Бошқарув ҳар қандай жамиятга хос бўлган,хаёт ва турмуш заруратидан келиб чиқадиган фаолиятдир.Бозор иқтисоди шароитида бу фаолият моҳияти янада такомиллаша боради.Бундан кўзланган асосий мақсад меҳнат ахлининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни ва шу асосда барча ижтимоий муносабатларни тараққий эттиришдан иборат.

Бошқарув халқ манфаати кўзланган ҳолда демократик услуб негизида амалга оширилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай бошқарув жараенида инсон омилига, хусусан, миллат манфаати ва миллий қадриятларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор каратади. Зотан, жамиятимиз ривожи учун бошқарув хал қилувчи кучга эга бўлмоги лозим.

Бошқарув-тараккиетнинг ҳар қандай босқичда жамиятга хос бўлгани ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий ҳарактерга эга. Зотан, бу хусусият ижтимоий жамоа меҳнатида, турмуш ва меҳнат жараёнида кишиларнинг ўзаро алоқа бўлиши, ўз моддий ва маънавий фаолиятнинг махсулотини алмаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Меҳнат ҳамма даврларда ижтимоий ҳаректерда бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Чунки,жамият қонуниятлари шуни такоза этади. Инсонлар дунёга келиб, онгли ҳаётларини бошлаши биланоқ уюшишга, биргаликда ишлашга эҳтиёж сезганлар. Бироқ, бу турли даврларда турлича кечган. Барча даврларга хос ягона хусусият бошқарув жараёни билан изоҳланади. Мустақил Ўзбекистон республикасида Халқ Маорифи кенг ёйилиши, миқдор ва сифати жиҳатидан жадал ўсиши, турли хилдаги таълим тизими ва таълим муассасаларидан ташқари ўқув-тарбия масканларининг ишлаб туриши, таълим ва тарбия жараёнини бошқаришнинг жуда зарурлигини тақозо этади. Социал бошқариш масалалари илмий билимнинг махсус соҳаси қилиб ажратилади. Педагогик жараёнларни, ходисаларни ва объектларни бошқаришда педагогика қонуниятларини ҳисобга олиш зарур. Бу ҳолда педагогик бошқариш тушунчаси қўлланилади. Барча типдаги ўқув юртлари, мактабдан ташқари муассасалар, халқ маорифи бўлимлари ва бошқалар асосий бошқариш объектларига киради. Таълим –тарбияни ташкил қилиш ва бошқаришга доир ишларнинг ҳаммаси пировард натижада ягона асосий мақсадга эришишга, маълум даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайергарлигига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган ва имон-эътикодли қилиб тарбияланган кишини таркиб топтиришга қаратилгандир. Халқ маорифи тизими таркибига вазирликлар, туман халқ маорифи бўлимлари, мактаблар, лицей касб-хунар коллежлари киради.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, таълим тизимини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида кўрсатиб берилган. Улар қуйидагилардир:

25–модда: Ўзбекистон Ркспубликаси Вазирлар Махкамасининг таълим сохасидаги вақолатларига куйдагилар киради:

-таълим сохасидаги давлат сиесатини амалга ошириш:
-таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш:
-бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг худудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
-қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш:
-давлат таълим стандартларини тасдиқлаш:
-давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш:
-давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш:
-давлат олий таълим ректорларини тайинлаш:

-таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасадан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш:

26-модда: Таълим бошқариш бўйича вақолатли давлат органларнинг ҳуқуқий доираси.

Таълимни бошқариш бўйича вақолат органларнинг ҳуқуқ дорасига қуйидагилар киради:

-таълим сохасида ягона сиесатни руебга чиқариш:
-таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий масалаларда раҳбарлик қилиш:
-давлат таълим стандартлари,мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайергарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш:
-давлат таълим муассасаларини молиялаш Республика ва махалллий буюжетлар маблағлари, шунингдек,буюжетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади:

32-модда: Таълимни ривожлантириш фондлари.

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун хужатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эл юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин. Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси маорифга бевосита раҳбарлик қилади. У барча типдаги мактаблар боғчаларга раҳбарлик қилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги барча университетларга, касб-хунар коллежларига, лицейларига, билим юртларига раҳбарлик қилади. Олий ўқув юртлари учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Халқ таълим вазирлиги «Таълим ҳақида»ги қонуннинг бажарилиши, мактабларда ўқув- тарбия жараёнининг йўлга қўйилиши, унинг моддий баъзаси, ўқитувчиларнинг малакаси ва катталар таълимининг ташкил этилиши учун жавоб берадилар. Халқ таълими вазирлигида турли хил ўқув методик бўлимлар ташкил этилади. Улар педагогика жамотчилигини халқ маорифи бўлимлари ва мактабларга ёрдам беришга жалб этадилар. Туман, халқ маорифи бўлимлари ўзларига қарашли мактаблари фаолиятини, махаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда назорат қиладилар.

**Назорат топшириқлари:**

1. Бошқариш ва унинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Халқ таълими тизимини бошқаришнинг обьектларини аниқланг.
   А. Ўқитувчилар жамоаси.
   Б. Ота оналар ва жамоатчилик.
   В. Барча турдаги ўқув юртлари, маориф муассасалари.
   Г. Ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар.
   Д. Маданий окартув муассасалари.
3. «Таълим тўғрисида» қонуннинг Қайси моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг таълим сохасидаги вақолатлари кўрсатиб берилган.
   А. 15 моддада.
   Б. 23 моддада.
   В. 25 моддада.
   Г. 30 моддада.
   Д. 32 моддада.
4. «Таълим тўғрисида» қонуннинг 26 моддасида нималар ифодаланган?
   А. Талим тизимини тараққий эттиришнинг асосий тамойиллари.
   Б. Таълим бошқариш бўйича вақолатли давлат ташкилотларининг ҳуқуқий доиралари.
   В. Халқ таълимининг халқаро алоқалари.
   Г. Таълимни молиялашнинг тартиби.

Д. Таълим иштирокчиларини ижтимоий ҳимоялаш тартиби.

5. Давлат таълим стандартлари ким томонидан тасдиқланади?
   А. Вазирлар Махкамаси томонидан.
   Б. Халқ таълими вазирлиги томонидан.
   В. Бош Вазир томонидан.
   Г. Халқ таълими бошқармалари томонидан.
   Д. Олий таълим вазирлиги томонидан.
6. Ўзбекистон Республикасида таълим сохасини бошқарувчи вақолатли ташкилотларнинг вазифаларини ёзма ифодалаб беринг.

**2-асосий савол: Бошқариш омиллари. Мактабни ички бошқариш:**

**Ўқитувчи мақсади:**

Талабаларга халқ таълимини бошқаришдаги муҳим омиллар ва мактабни ички бошқариш ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлар:

1. Халқ таълимини бошқаришдаги муҳим омиллар ва мактабни ички бошқаришнинг моҳиятини тушунтириб беради.
2. Талабаларга халқ таълимини бошқаришдаги муҳим омиллар ва мактабни ички бошқаришнинг моҳиятини асослаб беради.
3. Талабаларга халқ таълимини бошқаришдаги муҳим омиллар ва мактабни ички бошқаришнинг моҳиятини шархлаб беради.

**2-асосий саволнинг баёни:**

Ишлаб чиқаришни бошқариш омиллари деганда бошқарув меҳнатининг махсус турларини, бошқарилувчи объектларга таъсир кўрсатишнинг у ёки бу йуналишларини тушунмоқ керак. Режалаштириш, ташкил қилиш, созлаш, назорат қилиш, ҳисоб китоб қилиш омиллари бошқарув омиллари ҳисобланади. Режалаштириш-бошқарилувчи объектларни ривожланти-риш ва моделлаштиришни прогноз қилишни ҳам ўз ичига олади. Ташкил қилиш эса ишлаб чиқариш объектининг тузилишини ва бошқарув тузилишини танлаб ҳамда шакллантиришдир. Тизимнинг элементлари ўртасидаги муносабатларни ўзаро ҳаракатини белгилашдир.

Созлаш-тизимнинг турли элементлари ўртасидаги нисбатни тутиб туришга, бошқарилувчи объект ишлаётганда режа-топшириқлардан четга чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилгандир. Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг фаолиятини созлаб боришни ҳам англатади. Назорат қилиш-ишлаб чиқаришнинг амалдаги жараёнини режага қанчалик мувофиқлигини кузатиб ва текшириб туришда, шунингдек ҳар бир ходим фаолиятини текширишдан иборатдир. Нихоят ҳисоб китоб қилиш эса режани ёки уни амалга оширишдаги муайян босқичларнинг қандай бажарилаётганлигига якун ясашдир. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқоридаги санаб ўтилган бошқариш омилларини халқ хўжалигининг хохлаган сохасига, жумладан мактаб-маориф сохасига ҳам тўлиқ маънода тадбиқ қилиш мумкин.

Бошқаришда ижрони текшириш қоидаси. Бу бошқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Бошқариш тизимида ташкилотчилик жуда катта аҳамият касб этади. Ташкилотчилик ижро билан диолектик бирликни ташкил этади. Ижрони текшириш юқори ташкилотлар томонидан берилган директив топшириқ ва хужатларнинг қатъий ва сўзсиз бажарилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, у ёки бу қарорга зарур тузатишлар киритиш, бундан буёнги вазифаларни аниқлаш, мақсадга эришишнинг шакл, метод ва янги усулларни белгилаш имконини беради.

Қарор билан ижронинг бирлиги тўғри раҳбарлик услубининг негизини ташкил этади. Ишнинг бу хилда ташкил этилиши ўқитувчи ва тарбиячиларда ўзига ҳамда бошқаришга нисбатан юксак талабчанлик фазилатларни тарбиялайди, ишга нисбатан

масъулият хиссини кучайтиради, интизомни мустахкамлайди ва шу кабилар. Бошқаришининг режалик қоидаси, бошқариш тизимидаги ақидаларнинг энг муҳими ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб бошқарувида муайян тизим бўлиши керак. Бунинг маъноси аввало шундан иборатки, бу иш тасодифий бир –бирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат эмас. Мактабда бошқарув меҳнати билан шуғулланувчи кишилар (Мактаб деректори унинг ўринбосарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, услубий бирлашма раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотининг раиси ) башкарувчилик жамосини ташкил этади.

Мактабда бошқариш тизими асосан иккига бўлинади:

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар, тарбиячилар ёшлар ташкилотчиси, синф раҳбарлари, услуб бирлашмаларининг аъзолари, техник ходимлар.

Бошқариш соҳасидаги ижрочи ходимларни ҳам иккита асосий гуруҳга А мутахассисларга (ўқитувчи ва тарбиячилрга ) Б техник ходимларга (лаборант, фаррош, электр мантёр, мактаб қоровули кабиларга) бўлиш мумкин. Мактабга ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларни тўғри танлаш ва уларни жой- жойига қўйиш мактаб ички бошқарувидаги муҳим масалалардан биридир. Мактаб ходимларини танлаш бобида қуйидаги коидаларга риоя қилиш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ходимларини танлашда уларнинг сиёсий билимини, халоллигини, ишини билишини ҳисобга олиш зарур. Бу ўринда ишнинг кўзини билиш, ишчанлик, уюшқоқликни таъминлаш бошқарув апарати ишидаги асосий вазифа эканлигини англаш лозим. Умум таълим мактабларида бошқарувчиларнинг бошқариш маданиятини ошириш ва уни демократлаштириш Ҳозирги бозор иқтисоди даврининг муҳим талабларидан биридир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги ислоҳатлар давридаги хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш конституциявий қоидалар, миллий ақидалар асосида олиб борилади. Мактабни бошқариш шакллари ва усуллари жумҳуриятимиз иқтисодий тараққиётининг ҳар бир босқичида жамият ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларга мувофиқ ўзгариб, такомиллашиб бориши мумкин. Аммо жумхуриятимиз иқтисодий тараққиётининг барча босқичларида ҳам, айниқса ҳозирги ислоҳотлар даврида ҳам халқ таълим сохасини бошқаришнинг қоидалари ва мазмуни ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Демак, мактаб ички бошқарувини тўғри ташкил қилиш- ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир. Биз ана шу бошқариш қоидаларга алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Демократиялаш қоидаси. Халқ таълими тизими ва мактабни бошқаришнинг энг муҳим қоидаси- демократиялаштириш. Бу ақида ҳозирги мустақиллик даврида жамиятни янада демократлаштириш муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Демократик ақида вазифаларни хал этишдаги шунчаки анзачиликка ҳам, шунингдек кўпчиликнинг хохиш-иродасини менсимасликка ҳам, махаллий органларни меҳнат жамоаларининг манфатларига қарама- қарши қўйишга ҳам тоқат қила олмайди. Унинг амалга оширилиши ташаббус ва изланишнинг жамият қонунлари ва нормаларига бекаму-кўст риоя этишга асосланган мустаҳкам интизомлилик, намунали уюшқоқлик билан узвий бирлигини тақозо этади. Мактабларни бошқаришда, айниқса, демократик ақида, қонун-қоидалар ниҳоятда муҳим. Бу ўринда фикр олишув, маслаҳат таълим – тарбия жараёнида зарурий омил эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бошқаришнинг илмийлиги ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ижтимоий тараққиёт қонунларини тобора тўлароқ билиб бориш билан белгиланади. Хўжаликни илмий асосда бошқариш қоидасини амалга оширишнинг учта асосий шарти мавжуддир: а)ишлаб чиқаришни бошқарнишни илмий негизларини бутун чоралар билан ривожлантиришни, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турли муамоларини ишлаб чиқарувчи илмий тадқиқот муассалари тармоғини барпо этиш; б) бошқарувчи ходимларни таёрлаш ва қайта таёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш ҳамда уни янада такомиллаштириб бориш; в) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг, жумладан, мактаб-маорифини бошқаришнинг энг яхши тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва

оммалаштириш. Ҳар бир раҳбар ходим ўзи бошқараётган хўжаликда ёки ўқув юртида ана шу учта шартга тўлиқ риоя қилиши керак.

Мактабда педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш муаммоси кўпинча дарсда вақтдан унумли фойдаланишдан ,синфдан ташқари тадбирлардан ва ўқитувчи-тарбиячиларнинг ижтимоий топшириқларни тартибга солишдан иборат деб қаралади. Педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этиш мазмуни анча кенг тушунча бўлиб, унга аввало, ходимларнинг малакаси, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қўлланилаётган усуллар тизимини узлуксиз такомиллаштириш ва таълим-тарбия жараёнига техника воситаларини жорий этиш масалалари киради. Унда педагогик иш режимини, мактабнинг кунлар, хафталар, ойлар ва чораклар бўйича иш тартибини такомиллаштириш, педагоглар кенгаши мажлисларини, илмий-услубий ва педагогик ҳарактердаги конференциялар, йиғилишлар, кенгашлар каби тадбирлрни ўтказиш ва бу ишни моҳирона режалаштириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш назарда тутилади.

Бошқаришнинг жамоатчилик қоидаси ва масъулиятлар –тўғри бошқариш ва раҳбарлик қилишнинг олий босқичидир. Бу қоида бошқариш тизимида салмоқли ўринни эгаллаши билан бирга омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, жамоа ва унинг маслаҳати тўғри раҳбарликнинг гаровидир. Жамоа йўли билан хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, энг муҳим қарорларни биргаликда, маслаҳатлашиб ишлаб чиқиш тўғри бошқарувни ташкил қилишнинг муҳим шартидир. Мактабдаги ҳар бир шахснинг муайян ўрни бўлиши лозим, шунингдек у аниқ ва катъий белгиланган режа ҳамда топшириқ орқали амалий ишларни бажаради. Буларнинг барчаси, албатта, таълим –тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва мустақиллик мафкураси манфаатларидан келиб чиқиши зарур.

**Назорат топшириқлари:**

1. Бошқаришнинг муҳим омиллари тўғрисида ёзма баён қилинг
2. Бошқариш омилларининг моҳиятини изоҳланг
3. Мактабни ким бошқаради.
   А. Вазирлар Махкамаси.
   Б. Халқ таълими Вазирлиги.
   В. Мактаб директори
   Г. Педагогик кенгаш
   Д. Ота-оналар кумитаси.
4. Қайси жавобда бошқариш сохасидаги ижрочи ходимлар гуруҳи тўғри кўрсатилган?
   А. Мутахассислар ва бошқарув органи
   Б. Мутахассислар ва техник ходимлар
   В. Пед.кенгаш ва тех.ходимлар
   Г. Пед кенгаш ва директор.
   Д. Директор ва мутахассислар

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. Баркамол авлод ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т .1997
2. Турсунов И .Нишоналиев.Г Педагогика Т.1997
3. Мунавваров А.К. Педагогика Т. 1996


**19 мавзу йук**

## 20 МАВЗУ: «ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРДАН VII АСРГАЧА ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ».

**(2-соат маъруза)**

**Асосий саволлар:**

1. Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар.
2. «Авесто» энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида.
3. Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига ҳослиги.

**Таянч иборалар:**

Маданий анъаналар, қадимий маданият, таълим тарбияга оид бой мерослар, ижодий меърос, санъат ва адабиёт намуналари, маънавий маданият ёдгорликлари, тарихий жараён, афсона ва ривоятлар, зардуштийлик, Авесто, зардушт таълимоти, ҳаётий йўл-йўриқлар, инсоний ҳислатлар.

**1. Асосий савол:**

Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрлар.

**Мақсад:** Педагогиканинг фан сифатида шаклланишида энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни талабалар онгига етказилади. Талабаларда қадимги ёдгорликларга қизиқиш уйғотилади.

**Идентив ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифалари):**

1. Педагогика фан сифатида шаклланишида энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни фарқлайди.
2. Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни асослаб беради.
3. Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни шархлаб беради.
4. Педгогик таълимотларнинг ривожланиш хусусиятларини текшириб кўради.

**1. Асосий савол баёни:**

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилларда Бактрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиена, Парфия, Зарафшан воҳалари Паркана каби ўлкаларда турли қабила ва элатлар яшаган. Булар ҳозирги ўзбек халқининг илдизи ҳисобланган. Сак-массагетлар сўғдиёналар, хоразмийлар, бахтарлар, чочликлар, ва парканаликлар каби қабила ва элатлар эди. Бу элатлар яшаган худудларга ўзига хос маданий анъаналар таркиб топа борган. Аждодларимизнинг бу қадимий маданиятига таълим-тарбияга оид бой мерос ҳам киради. Ҳозирги туркий ва форсий забон халқларнинг бизгача етиб келган муҳим археологик топилмалари тарихчилар, адабиёт ва санъат намоёндаларининг ижодий мероси, санъати ва адабиёт намуналари бунинг далилидир.

Туркий ва форсий забон халқларнинг ҳаёт кечириш санъати донолик мажмуаси сифатида юзага келиб борлиққа амалий муносабатда бўлиш намунаси ифодаланган маънавий маданият ёдгорликлари қадимги грек тарихичиси Геродотнинг (тарих), Страбуннинг (география), асарлари. Махмуд Қошқарийнинг (Девону луғотут турк), Ўрхун-Енисей битиклари ва бошқалар шу каби адабий-тарихий манбаалардан сақланган ва шулар орқали бизгача етиб келган. Бу ёдгорликлар инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта рол ўйнаганлигидан далолат беради. Тарбия инсониятнинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан таркиб топа боришида таъсир этган бўлса, инсоннинг шакллана бориши ҳам ўз навбатида инсоният жамиятнинг таркиб топа боришига ёрдам берган. Инсоннинг ўз-ўзини англаши ва жамият тараққиёти бир-бири билан узвий алоқада бўлган бу тарихий жараённи билиш инсон тафаккурининг қадимги

даврлардан бошлаб босқичма-босқич ривожланиши ва шу билан бирга инсоннинг ҳам тобора шакллана борганлиги ҳақида тўла тассавур ҳосил қилишга имкон беради. Энг қадимги кишиларнинг дастлабки оддий истаклари орзу умидлари, хислатлар қадимги эпосларда, улардаги афсонавий образлар қиёфасида ўз ифодасида топган. Рухга сиғиниш-онимизм аждодлар руҳига сиғиниш-тотемизм сехргарлик каби диний эътиқодлар ва меросимлар акс этган афсоналар ривоятлар энг қадимги авлодимизнинг тафаккур дунёси акс этган. Энг қадимги маданий бойликларимизни ўрганишда уч асосий манбаага таянишимиз мумкин.

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари;
2. Буюк адиблар аломатларнинг ижодий мерос;
3. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар;

Маълумки, ўтмишда кишилар меҳнат фаолияти жараёнида ўз эҳтиёжларини қондирган ва бу жараён ёш авлодга меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам берган. Тарихчилар ва тарихчи педагогларнинг кўрсатишича кишиларнинг меҳнат фаолияти ёш жиҳатдан кўрсатишича кишиларнинг меҳнат фаолияти ёш жиҳатдан уч гуруҳга бўлинган:

1. Болалар ва ўсмирлар
2. Ҳаёт ва меҳнатда тўла иштирок этувчилар
3. Кексалар

Ибтидоий жамият даврида бола ўзи уддалай оладиган фаолиятга бевосита қўшилиб у ҳаёт кечириш ва меҳнат қилишга ўрганган. Ўғил болалар эркаклар билан бажариладиган ов қилиш, қурол ясаш каби ишларни бажарса, қизлар аёллар меҳнати билан танишар экан. Бола маълум тайёргаликдан сўнг синовдан ўтиб кейин амалий фаолиятда иштирок эта бошлайди.

Уруғчилик жамоаси босқичида болалар меҳнати, касб-хунарга интилиш фаоллашиб борди. Тажрибали кишилар болаларни тарбиялаш билан бирга уларни ёзишга ҳам ўргата бошладилар аста-секин тарбия тизимига ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг бошланғич турлари кириб кела бошлади.

Жамият тараққиёти билан мактабларига ва ёзувга эҳтиёж сезила бошлаган. Дастлаб сураткашлик ривожланиб пиктографик хат, кейинчалик қўшни мамлакатлардан кириб келган ҳарф билан ёзиш усусли пайдо бўлди ва тарқалди. Эрамиздан олдинги биринчи минг йиллар ўрталарида оромий ёзувда, Александр Македонский истилосидан сўнг юнон ёзуви ва шу билан бирга форсий миххат ҳам маълум вақтларда қўлланиб келинган. Юнон оромий алифбоси асосида Хорозм, Суғд, Бахтрия ёзувлар шаклланган. Эрамиздан олдин тахминан 484-431 йилларида яшаган юнон тарихчиси Геродотнинг «тарих» китобида қадимги форслар, саклар ва масгетларнинг таълим-тарбиявий қарашларига оид муҳим маълумотлар берилган: «Форсларнинг энг шарафлайдиган нарсаси жасурликдир» -дейди олим, шунга кўра улар кўпроқ ўғил болага эга бўлишдан фахрланишган. Подшоҳ ҳам кимнинг кўп ўғли бўлса, унга ҳар йили совға саломлар юборган. Бундан ташқари улар тарбияда болаларнинг ёшига ҳам эътибор беришган. Ўғил болани 5-20 ёшгача фақат уч нарсага: отда юришга, камон отишга, тўғриликга ўргатишган. Болани 5 ёшгача отасига кўрсатмаганлар чунки бола вафот этса отасининг қайғурмаслиги учун. Бола 5 ёшгача аёллар тарбиясида бўлган. Бола хеч қачон ота-онасини бехурмат қилмаган. Улар ота-онасига хурматсизликни фақат никоҳсиз туғилган боладан кутиш мумкин деб ҳисоблаган. Геродот форслар учун ёлғончилик ва қарздор бўлиш шармандалик ҳисобланган дейди. Улар дарё сувига тупурмаганлар, ҳатто қўл ювмаганлар. Улар дарёни муқадас санаганлар.

Геродотнинг бу маълумотларидан кўриниб турибдики, бизнинг виждонларимиз фарзандларини жасоратли, ўз ватанининг ҳақиқий ҳикоячиси кучли ва ботир этиб тарбиялашга катта эътибор берганлар. Эркаклargина эмас ҳатто аёллар ҳам жасорат

кўрсатган юнон файласуфлари томонидан ёзиб қолдирилган. Суғд ёзма ёдгорликлари орасида «эски хатлар» номи билан юритиладиган ва В.Б.Хеннинг томонидан аниқланган қимматли манбалар бор. Бу ҳатлар эрамизнинг бошларидаги суғд ёзуви ҳақида маълумот беради. «Эски хатлар» Дунхуан шахри (Шарқий Туркистон) яқинидаги Сагдо қишлоғида яшаган суғдлик тижорат савдо аҳолининг Самарқандга ўз она юртига ёзган шахсий хатларидир. Бошқа бир Хитой тарихчиси Сюань-Цзин эса Самарқанд аҳолисининг ахлоқий ва хулқ одоб қоидаларига риоя этишда бошқаларга ўрнак бўлганлигини айтиб ўтган. Бу маълумотлар қадимги болалар ўқитиладиган савод мактаблари бўлганлиги ва мактаблардан ташқари болалар махсус мураббийлар томонидан Ҳарбий-жисмоний машқларга ва хунарга ўргатилганлиги таълимдан мақсад-болаларни ҳаётга тайёрлаш эканлиги ҳақида маълумот беради. Шунинг билан бирга энг қадимги даврларда таълим-тарбияга оид қимматли маълумотларни биз ҳалқ оғзаки ижоди намуналари-афсоналари, қахромонлик эпослари, қўшиқлар, мақол ва ибораларидан кўрамиз. Чунки ҳалқ донишматлигининг кўзгуси бўлган ҳалқ оғзаки ижодида ҳалқ педагогикасига хос бўлган тарбия тажрибалар умумлашгандир.

Мифлар асосида яратилган қахромонлик эпослари учун замин тайёрланади. Бу қахрамонлик эпосларида ватан ва эркинликка бўлган муҳаббат ўз юрти ва жонажон қабиласи учун жонини фидо этиш, шон-шараф ор-номус учун кураш туйғулари ифодаланади. Бизгача етиб келган эпик ривоятларда аждодларимиз ватанпарварлик кураши ва ифодасини топган. Ватанни ҳалқни севиш, ор-номус ва дўстларга, сафдошларга садоқат каби инсоний туйғулар, бурч хисси, ватанни ва ҳалқ учун ўз жонини қурбон этиш, ҳар қандай машаққатларга бардош бериш-уларнинг асосий хислатларидир.

Жасурлик, кучлилик, мардлик-қадимий кишиларда таркиб топиши зарур бўлган фазилат саналган. Айниқса, тарихий шахслар билан боғлиқ ривоятлар бунинг далилидир. Чунки уларда муайян шахс фаолияти донишмандлиги, қаҳрамонликлари, тарихий шахсга эга бўлган ахлоқий фазилатлар: назокатга, ақл-идрок, вафо ва муҳаббат, садоқат, адолат, одамийлик кабилари улуғланган.

Эпосларда хотин-қизларнинг фидоийлиги жасорати, ақл-идроки, эркаклар билан тенг шароитда фаолият кўрсатганликлари айниқса ёрқин ифодаланган.

Тарихдан маълумки, дастлаб Амударё асосий тармоғи Ўзбей орқали Каспий денгизга қуйилган. Унинг ўнг қирғоғидаги ерлар Турон, чап қирғоғидаги ерлар эса Эрон деб юритилган. Эрамиздан олдин Аҳмонийлар, Саклар ва Массагетлар қабилаларига кетма-кет ҳужум қилиб туришган. Ана шу тарихий воқеалар сак ва массагетларнинг эпосларида ўз ифодасини топган.

Эрон шохи Кир кўчманчи сак, массагет қабилаларига қарши уришиб мағлубиятга учрайди ва 529 йилда халок бўлади. Тарихчилар сак ва массагетлар Кир ва унинг қўшинларини аввал ўз худудларининг анча ичкарисига бостириб киришга имкон беришиб, кейин унинг қўшиннинг катта қисмини қириб ташлаганликлари хақида маълумот беради.

Полиэннинг «Ҳарбий хийлалар» асарида шундай ривоят келтирилади: Сакларга қарши Доро босқинчилик юришини бошлайди. Қабила бошлиқлари Саксфар, Омарт, Тўмарислар душманга қарши чора кўриш юзасидан маслахатлашиб ўтирганда йилқичи Широқ кириб келади ва Эрон қўшинини йўқ қилиш чорасини баён қилади. У ўз жонидан кечиб, ўз режасини амалга ошириш мумкин эди. Шунинг учун саклар бошлиқлардан у халок бўлгандан сўнг, унинг болаларига ғамхўрлик қилишни сўрайди. Улар рози бўлгач, ёнидаги тиғини олиб, ўзининг кулоқ бўрнини кесади, баданларини яралайди. Сўнг Доро қошига бориб, ўзини саклардан жабр кўрган қилиб кўрсатади ва саклардан ўч олиш учун уларга ёрдам беришга, Доро қўшинини фақат ўзи биладиган сўқмоқ йўл билан саклар қароргохига бошлаб боришга энг муқаддас ўт ва сув номидан қасамёд қилади. Доро унинг қасамиёдига ишонади. Широқ қўшинни бошлаб кетади. Етти кун ўтгандан кейин Доро қўшинни озиқ-овқатсиз, сувсиз қолиб чўлнинг қоқ ўртасида халокат ёқасида туради. Уларнинг на орқага қайтишга на олдинга юришига мажоли қолмаган эди. Шох йўл бошловчини ушлашга буюради. Широқ эса қах-қах отиб кулади ва

-Мен сизларни очлик ва ташналикда қолдириб ғалабага эришдим, бу ҳамюртларимни бошидан кулфатни даф этишга муваффақ бўлдим,-дейди. Широқ халок бўлади. Лекин ўз қабиласини босқинчилар хужумидан сақлаб қолади. Бу ривоятдаги Широқ ватанпарварлик ва қахрамонлик ўз юртини бениҳоят севувчи тимсоли сифатида кўз олдимизда гавдаланади.

Герадотнинг «Тарих» китобида келтирилган массагетлар хукмдори Тўмарис ва Эрон шохи Кир хақидаги ривоятлар ҳам ўзига хосдир.

Ҳалкимизнинг таълим-тарбияга оид қарашлари, хулқ-атворига оид хислатлари бу каби ривоятларда, энг қадимги ёдгорликларда миф ва афсоналарда, Авесто, Шоҳнома каби асарларда сақланиб бизгача етиб келган.

Қадимги аждодларимиз инсонда жуда қадрлайдиган хислатлар жасурлик, адолат, садоқат, инсонийлик бўлган. Бу хислатлар ўз-ўзидан шаклланмаган. Табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар ибтидоий уруғчилик, қабилачилик, турмуш тарзи буни тақозо этган. Икки катта куч-яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги ёвсиз кўраш инсондаги бу хислатларнинг бевосита шаклланишига туртки бўлган.

Буни биз энг қадимги кишиларнинг қўшиқ ва лирик шеърларида ҳам кўрамиз. Бу қўшиқ ва лирик шеърлар IX-асрда яшаган улуғ олим Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали бизгача етиб келган.

**Назорат топшириғи:**

1. Тест: эрамизнинг бошларида ҳозирги Марказий Осиё худудида Юнон ва Оромий алифбоси асосида қайси ёзувлар шаклланган?
   А) Хоразм, Бахтрия, Юнон;
   Б) Хоразим, Суғт, Юнон;
   В) Хоразим, Юнон;
   Г) Суғд, Бахтрия; (билим)
   Д) Бахтрия;
2. Энг қадимги ёдгорликларни ўрганиб чиқинг ва улардаги инсон тарбиясига оид фикрларни моҳиятини изоҳланг. Сизнингча қайси тарихи манбалардан аниқ маълумот олиш мумкин? (тушунтириш)
3. Тест: Туркий ва форсий забон ҳалқларининг маънавий-маданий ёдгорликлари қайси адабий тарихий манбаларда сақланиб бизгача етиб келган.
   **А) Геродотнинг “тарихи” ва Стробоннинг “География” асарида;**
   Б) Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғоти турк”, Геродотнинг “тарих”, Стробоннинг “География” асарлари, Урхун-Енисей битиклари, Ирк битиклари, В.Б.Хеннинг “Эски хатлар” манбаси;
   В) Урхун-Енисей битиклари, Стробоннинг “География” асари ва Геродотнинг “Тарих асарида”; (фойдланиш)
4. Энг қадимги ёдгорликлардаги инсон тарбиясига оид фикрларни таҳлил қилинг. (анализ)
5. Миллий умуминсоний тарбияда қадимги ёдгорликларнинг ўзига хослигини, ҳамда узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг. (баҳолаш)

**2-асосий савол:**

**“Авесто”-энг қадимий ёзма маърифий ёдгорлик сифатида:**

**Мақсад:** Энг қадимги ёдгорликларда инсон тарбиясига оид фикрларнинг моҳиятини талабаларга тушунтирилади, педагогика тарихи фанини ўрганишга қизиш уйғотилади. Ёдгорликларни дунё миқёсидаги тарихий, тарбиявий, таълимий аҳамияти талабаларга тушунтирилади.

**Индентив ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифаифалар):**

1. «Авесто»-энг қадимги ёзма маърифий ёдгорлик сифатида эканлигининг моҳиятини сўзлаб беришради.
2. «Авесто»даги инсон тарбиясига оид таълимотни изоҳлаб беришради.
3. «Авесто»даги инсон камолотига оид таълимотни бошқа муқаддаси китоблар билан таққослаб кўради..

**2-асосий савол баёни:**

Эрамиздан олдинги минг йиллар ўрталарида энг қадимги аждодларимиз томонидан қахрамонлик мазмунидаги афсона ва ривоятлардан бири зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»дир.

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк сахифалари Зардуш томонидан 548-529 йиллар орасида Амударё сохилларида яратилган. Кейинчалик жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо-хинлари томонидан тўлдирилиб такомиллаштирилган.

80-йилларнинг ўрталарига келиб барча тадқиқотчилар «Видевдад»да учрайдиган Мавр, Бахтрия, Хитой, Суғд, Хоразм, Амударё, Сирдарё каби жуғрофик атамаларга асосланиб, «Авесто»нинг ватани Марказий Осиё ва унга чегарадош юртлардир, деган қатъий хулосага келадилар. Ҳақиқатдан ҳам «Авесто»даги жуғрафия доим маълумотлар бу хулосани тасдиқлайди.

Араблар 8-асрда Эронни босиб олган зардуштийликка садоқатини сақлаган бир неча минг махаллий аҳоли жанубий Хиндистонга қочиб ўтдилар. Улар қадимги маданият, адабиёт ва эътиқодига доир ёдгорликларни ҳам ўзлари билан элтадилар. 1723 йили инглиз олими Жорж Боуже «Авесто»нинг бир неча нусхасини Хиндистондан элтиб, Оксфорд коллежининг кутубхонасига топширди.

Ҳозирги ана шу дасхатлардан бири Бомбейдаги Кома шарқшунослик илмгохида сақланади. Бу илмгоҳ зардуштийларнинг маданий маркази бўлиб, шу жамоа маблағи ҳисобига ишлайди. Китоб 1615 йилда парфиёни ёзувида кўчирилган бўлиб, 672 бетдан иборат.

1. Ясна-ибодат пайтида ижро этиладиган матрлар. 72 бобдан иборат бўлган бу қисмнинг 17 боби Зардушт қўшиқлари-Готмадхияларидан иборат;
2. Яшт-оташпарастларнинг Аллохини тафсиф этадиган махсус оханглар асосида қурилаган мадхиялари.
3. Вендидот-девларга-зулмат тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунлар манти, қадимги достонлар, мифларнинг мазмуни, парчалари сақланган марфологик қахрамонларнинг номлари зикр этилган.
4. Виспарт-бугун борлиқ Аллоҳники ибодатлар тўплами, ибодат йўсинлари.

«Яшт» ҳамда «Вендидод»да Зардуштнинг шахсияти, руҳий олами, ижтимоий келиб чиқишига оид далиллар, зардуштийликнинг тарқалиши йўлидаги зиддиятлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича мукаммал маълумот берадиган улкан, энг кўхна манба ҳисобланади.

Грек олими Плиний «Авесто»ни 2 миллион байтдан иборат деган эди. Биз унда Марказий Осиё, Эрон ва Озарбойжон ҳалқларининг энг қадимги маросимлари: урф-одат, эътиқод, ибодат пайтида қироат қиладиган оятлари, диний маросимларда ижро этадиган қўшиқлари, минглаб ҳалқ оханглари ҳақида маълумот оламиз. Бундан ташқари, китобда қадимги ҳалқ оғзаки ижодига тааллуқли ягона сюжетлар-достонлар, парчалар мавжуд.

Бундан ташқари, «Авесто»да эрамизда олдинги икки мингинчи йиллардан тортиб то олтинчи асрларгача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва Эрон ҳалқлари тарихига доир, Сирдарё ва Амударё сохилларида яшайдиган ҳалқларнинг ижтимоий турмушига оид маълумотлар бор. Чунончи, китобда шу заминларда истиқомат қилган ҳалқларнинг касб-кори, савдо-сотиғи, қўшни ҳалқлар билан муносабатлари баён қилинган: ҳар бир касб хунар эгасининг жамиятда  тутган ўрни алоҳида қайд этилган, деҳқонлар билан чорвадорлар жамият моддий неъматларини яратувчилар сифатида таърифланган.

Шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг фикрича 1278 йилда Райд-зардушт Ибн Бахром Ибн Пажду деган киши томонидан ёзилган зардуштнома достонида Авесто ва Зендани Зардушт дунёга келтирилганлиги, унинг туғилганлиги ва кейинги ҳаёти ҳақидаги китоб эканлиги баён этилган. Маълумотларга кўра «Авесто» эрамиздан тўлиқ китоб ҳолида эрамиздан аввалги биринчи-минг йилликнинг биринчи ярмида ёзилган.

«Авесто»нинг ватани Хорозм эканлиги Б.Ғофуров, Х.Ҳамидовлар янада аниқ киритишган. «Авесто»ни шох Виштаспга (Гуштасп) тақдим этади. Виштасп унинг хомийсига айланади. Виштаспнинг фармонига биноан оташхоналар, ибодатхоналар қурдирилади ва зурдуштийлик дини кенг тарқалади.

Манбааларда «Авестонинг» китоб ҳолидаги матни эрамизда олдин 12 минг ошланган мол терисига олтин Ҳарфлар билан битилгани келтирилади, бу нусхани Искандар истилосигача Истахр шахрида  сақлашган. Искандар Истахрни босиб олгач «Авесто»даги тиббиёт, нужум, илму-хикмат сохаларига оид матнларини юнон тилига таржима қилдирилиб бошқасини ёқиб юборишга буюрган. «Авесто»да яхшилик ва ёмонлик тушунчалари орқали бутун яхшилик ва ёмонлик дунёси тушунилади. Унда инсон меҳнати туфайли барча ёмонликлардан ёвўзликлардан қутилиш мумкин деган улуғ ғоя ётади.

Зардуштийлик таълимотида жисмоний ва маънавий дунё уч ҳаётий даврга бўлинади.

1. Энг қадимги давр;
2. Ҳозирги давр;
3. Бўлғуси ҳаёт;

Зардушт таълимотида 15 ёш балоғат ёши саналган. Ўсмир балоғат ёшига етганда Зардушт қонунлари аҳлоқий йўриқлар ўргатилган. Ўсмирларнинг художўй меҳанкаш адолат уй ниятлари, сўзлари ишларида халолликка алоҳида эътибор беришилган. Зардуштийликнинг аҳлоқий йўриқларига кўра инсоннинг ўз бурчини хис этишнинг биринчи белгиси поклик ҳисобланган. «Авесто»да инсоннинг баркамол бўлиб етишида унинг сўзи, фикри, иши бирлигига катта эътибор берилган. Бу аҳлоқий учлик энг қадимги даврлардан бошлаб ундан кейинги яратилган барча маърифий асарларда ҳам асос бўлган десак ҳам хатто қилмаймиз. Унда инсоннинг ҳар томонлама мукаммал камол топиши зарур бўлган барча талаблар ҳаётий йўл-йўриқлар ўз ифодасини топган.

**Назорат топшириқлар:**

1. Тест: Зардуштийликнинг аҳолоқи йўриқларга кўра инсоннинг ўз бурчини хис этишнинг энг бирнчи беришлгиси нима ҳисобланган?
   А) Бойлик;
   Б) Меҳнат севарлик;
   В) Маънавий поклик;
   Г) Тўғри сўзлилик;                    (билим)

2. Тест: «Авесто» ким томонидан яратилган?
   А) Александр Македонский томонидан;
   Б) Номаълум киши томонидан;
   В) Оташпараслик дини кохинлари томонидан;

Г) Зардушт томонидан; (тушунтириш)

3. Тест: «Авесто» инсон камолоти учун қандай аҳамиятга эга?
   А) «Авесто»да ҳақиқат учун кўраш таълимоти мавжуд;
   Б) Ёмонлик ва яхшилик орасидаги кўрашдан иборат;
   В) «Авесто» тарихий манба; (тушунтириш)
   Г) «Авесто»да инсон меҳнати туфайли барча ёмонликлардан қутилиш мумкин деган улуғ ғоя ётади;
4. «Авесто»даги инсон тарбиясига оид таълимотни таҳлил қилинг (анализ);
5. «Авесто»даги миллий ва умуминсоний тарбияда тўтган ўрни бошқа тарихий манбалар Булар аҳамиятини таққослаб кўринг; (баҳолаш)

**3-асосий савол:**

**Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий ҳалқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлари.**

**Мақсад:** Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий ҳалқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларини талабалар онгига етказади. Талабаларда уларга қизиқиш уйғотади ва уларни дунё миқиёсида тутган ўрнини талабаларига тушунтириб беришади.

Идентив ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифалар):

1. **Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий ҳалқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларининг моҳиятини тушунтириб беришади.**
2. **Улардаги ўзига хос анъанавий хусусиятларининг моҳиятини изоҳлаб беришради.**
3. **Қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий ҳалқлар ахлоқ-одоб ёдгорликлардан фарқли томонларини тушунтириб тарбиявий аҳамиятини асослаб беришади.**

3-асосий савол баёни:

Туркий ҳалқларнинг ёзма маърифий ёдгорликлари ўзига хос хусусятга эга бўлиб улар янги давр кишисини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Булар «Ўрхун Енисей» ёдгорликлари, ирқ ёзувчилари (табирнома) кабилардир. Энг қадимги туркий тилда яратилган ва румий ёзувларда битилган Урхун Енисей битиклари 6-8 асрларида ёзиб қолдирилган бўлиб уларда таълим тарбияга оид қимматли маълумотлар берилган. Тошга ўйиб ёзилган Урхун Енисей ёдгорликлари даслаб Енисей хавзасида сўнгра Мўхилистоннинг Урхун дарёси бўйида топилиб Даниялик олим Вильгелм Томсон 1893 йилда бу ёзувларни ўқиган ва унда таълим-тарбияга оид ноёб маълумотлар битилганлигини таъкидлаган. Битик тошларида турк хоқонларининг юришлари бу юришларида кўрсатган жасоратлари уларнинг билимли, мард, ҳалқпарвар алп йигитлар эканлиги баён этилади.

Ўз ватаннинг мустақилиги учун кўраш, ҳалқни асоратдан олиб чиқиш уларнинг бирлигини, таъминлаш хоқонлар Бумин, Истами, Элтариш ва унинг ўғиллари Билга хоқон ва лашкари боши Қул тегин маънавий оталари Тунюкукларнинг зиммасига тушгани ҳикоя қилинади.

Масалан, Кул тегин битигида у ҳалқпарвар, тадбиркор, ҳалқнинг келажагини ўйлайдиган жонкуяр саркарда, ўз манфаатидан ватан манфаатини юқори қўювчи шахс

сифатида таърифланади. Кул тегин Элтариш хақоннинг кичик ўғли у 731-йил 27 февралда 47 ёшида вафот этади. Битик тош 732-йил ўрнатилган, бу битик тошда барча воқеалар Кул тегининг акаси Билга хоқон тилидан ҳикоя қилинади. Унинг ҳақиқий исми Муғилён бўлган. Битигни муалифи Кул тегининг жияни Йўллуғ тегиндир. Кул тегин битигида Билга хоқоннинг оғайинларига қариндош тегиндир. Кул тегин битигида Билга хоқоннинг оғайинларига қариндош уруғларига мурожаат уларнинг хатолари туфайли турк элида кўп фалокатлар юз бергани ифодоланади. Туркийларнинг Ҳарбий юришлари, уларга қўшни бўлган табғачларнинг босқинчилиги туфайли ҳалқ бошига кулфатлар тушгани, уларни ёлғончилик, фирибгарлик қурбони бўлганлиги таъкидланган. «Олтин, кумуш ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган табғач ҳалқлари сўзи ширин, ипак кийми нафис экан. Ширин сўзи ипак кийими билан алдаб, йироқ ҳалқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яхши қўшни бўлганидан кейин ёзув илмини бу ерда ўрганар экан. Яхши доно кишини яхши алп кишини йўлатмас экан. Бирор киши адашса, уруғи, ҳалқи, уйи, ёпингичига қўймас экан. Ширин сўзига нафис ипакига алданиб, кўп турк ҳалқи, ўлдинг».

Қул тегин битигида Билга хокон энг муҳим инсоний хислатлар ҳаёти заруриятлар ҳақида панд насиҳат баён этган. Турк ҳалқи бирлашмагани, бир- бирига ишонмагани учун хийла ва фириб қурбони бўлиб табгачлар уларни қул ва чўри этгани қашшоқ, эрсиз ва мутье бўлганлигини куйиниб сўзлайди.

Билга хоқон турк эли ўртасида элпарвар хоқон деб танилган эди. У турк ҳалқининг ватани абадий бўлиши учун курашади. Ҳалққа қарата шундай ўгит қилар эди: Ватанни сақлаб қолмоқ фақат хоқонга эмас, ҳалққа ҳам боғлиқ. Аждодларимизнинг хато ва ютуқлари бунинг далилидир.

Тўнюқуқ битиги эса 310 мисрадан иборат бўлиб 717-718 йилларда Тўнюқуқ ҳаётлигида ёзилган. Бу битигда Тўнюқуқ ватанпарвар шахс сифатида номоён бўлади. Тўнюқуқдаги инсоний фазилатлар эзгулик инсонпарварлик хислатлари унинг қўшни ҳалқлар ўртасидаги обрўсини янада ошириб юборади. Масалан, унинг асирларини ўз юртларига жўнатиб юбориши бошқа душман қабилаларининг ҳам бош эгиб келишига, бу эса эзгулик билан ёвузлик, қониқишнинг олдини олиш мумкинлигини кўрсатади. У адолатсизлик қилмади, инсонпарварлик намунасини кўрсатди, аммо шу билан бирга хоқонлик қонунларини, манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилиб, жасорат намунасини кўрсатди.

Юқоридаги ёзувлардан ташқари, алпларнинг жанговарлигига, ахлоқ- одоби ва билимига бағишланган битигтошлар ҳам кўп топилган.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, гарчи Ўрхун Енисей ёзма ёдгарликлари бериш восита таълим- тарбия масалаларига бағишланган бўлмаса ҳам, улардан ўша давр ахлоқий қоида ва талаблари юзасидан маълум бир маълумот олиш мумкин.

Хоқонлар ва алпларнинг жанговар фаолияти, турмуш тарзи, ватанпарварлик, бирдамлик, иттифоқ бўлиб яшашга интилиш, мардлик, жасорат, самимийлик, инсонпарварлик, эзгулик каби хислатлари жами ҳар бир аъзолари ахлоқий қиёфасини белгиловчи муҳим фазилатлар сифатида маърифий қадрятларимиз тарихида муҳим аҳамият касб этади. Қадимги маърифий ёдгорликларимиздан ирқ битиги таъбирнома ҳам таълим-тарбия тарихида ўз ўрнига эга. Мазкур қўлёзма XIX асрнинг охирда шарқий Туркистоннинг Дунхуван деган жойдан топилган. Ирқ битигида энг қадимги аждодларимизнинг ҳалқ оғзаки ижодига хос мифиологик ҳамда тотемистик ифодалар ўз аксини топган. Анъанага кўра ҳар бир эпизодда яхши ғоялар таъриф этилади.

Воқеалар туш ва унинг таъбирлари тарзида баён этилади. Инсон доимо фаровон ҳаёт кечиришни орзу қилган. Ана шу эзгу орзуга етишда у қийинчиликларга дуч келган. Лекин инсон бу қийнчиликларни илохий қудрат-тангри ёрдамида енгиб ўтган ўзи учун гўзал ҳаёт таъмин этган. Аммо яхшилик бор жойда унга ёмонлик ҳам рўбарў келади. Туш таъбирларида ёмон ходиса воқеалар замирида ёмонлик ётиши ифодаланади:

«Мен олти бошли илонман,
Олтин коркин-кўрсоғимни

Қилич билан чопиб,
Менинг танамни йўл четига,
Бошимни уйим йўлига қўйишди»,-дейишди
билиб қўйинг: бу-ёмон

Лекин ҳалқ келажакка ёмонлик устида яхшилик, эзгулик ғолиб келишига ишонган:

Тонг ота бошлади,
Сўнг унинг изидан ё ёрилди,
Сўнг қуёш чиқди,
Ҳамма ер ёруғ бўлди, дейишди,
Билиб қўйинг:-бу яхши.

«Ирк битиги»нинг асосида инсон, унинг қайғу, қувончи, шодлиги, орзу-истаклари ётади. Энг қадимги даврлардан эрамизнинг IX асргача яратилган маърифий ёдгорликларда ирк битиги сингари инсон камолотини қўйилиш катта ўрин эгалайди. Уларда аждодларимизнинг хулқ одобига оид дастлабки тасаввурлари, эзгуликка бўлган интилишлари ифодаланган. Буларнинг ҳаммаси давримиз тарбиявий муаммоларини ҳал қилишда ўз долзарблиги билан муҳимдир.

Назорат топшириқлари:

1. Тест: Қуйидаги қадимий ёдгорликлардан қайсилари энг қадимги туркий ҳалқларнинг ёзма маърифий ёдгорликларидан ҳисобланади?
   А) Ўрхун-Енисей, «Авесто»;
   Б) Ирк ёзувлари, «Авесто»;
   В) «Авесто», Ирк ёзувлари, Ўрхун Енисей;
   Г) Ўрхун Енисей, Ирк ёзувлари;
2. Тест: Туркий ҳалқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлар нимадан иборат?
   А) Янги давр кишисининг тарбиялашда таълим-тарбияга оид қимматли маълумотлар беришади;
   Б) Тарихий маълумотлар беришади;
   В) Тарихни ифодаловчи манба сифатидадир;
   Г) Келажак сари интилувчи ҳалқимизнинг тарбияси учун муҳим манба; (фойдаланиш)
3. Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар туркий ҳалқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларини моҳиятини аниқланг;
4. Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар туркий ҳалқлар ахлоқ-одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятларини бир-бири билан таққосланг (баҳолаш)

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Раҳмонов И. «Ўрхун битиклари», Т.: 1987 й.
2. Беришрезиков Е. «Святўе лики туркестана», Т.: 1992 й.
3. Искандаров И. «Ўзберишк педагогикаси антологияси», 1-жилд. Т.: 1995 й.
4. Ҳошимов К ва бошқалар «Педагогика тарихи» Т.: 1996 й.
5. Турсунов И., Нишоналиев У. «Педагогика курси» Т.: 1997 й.

## 21 МАВЗУ: «ИСЛОМ ДИНИ ҒОЯЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИКА ТАЪСИРИ»

(2 соат маъруза)

1. **Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсири**
2. **Мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг мазмуни**
3. **Хадис илмининг пайдо бўлиши. Имом Исмоил ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийларнинг хадис илми ривожидаги тутган ўрни.**
4. **Сўфийлик таълимотида етук инсон муаммосининг талқини.**

Таянч иборалар:

«Қуръон» тенглик тотувлик сура инсонпарварлик тарғиботи руҳий маънавий поклик етуклик, ислом ақидалари, аҳлоқий-ҳуқуқий тамойиллар, эътиқод, эҳтиром, этика, намоз, зақиёт, рамозон, ҳаж қилиш. Маънавий эҳтиёж, борлиқни мафкуравий идрок этиш, хадис, сунна, ривоят ижодий мерос.

1-асосий савол:

**Мақсад:** Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсирининг моҳиятини талабаларга тушунтирилади, ислом дини ғояларини тўғри талқин этиш ва уни мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотилади.

**Индентив ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифалари):**

1. **Ислом дини ғояларининг моҳиятини тушунтириб беришади;**
2. **Ислом дини ғояларининг таълим-тарбия таъсирини белгилаб беришади;**
3. **Ислом дини ғояларининг таълим-тарбия таъсирини асослаб беришади;**
4. **Ислом дини ғояларининг таълим-тарбия таъсирини таҳлил қилади;**

VII аср бошларида ислом ғоясига асосланган араб халифалиги ташкил топилди. Бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун. У III Аср ўрталарига келиб маворауннахрни забт этишга тўла эришдилар.

Ислом Арабистон ярим оролида унинг кўп асрлик тарихида ўсиб чиққан яхлит диний сиёсий оқим сифатида вужудга келди.

Ислом динининг асосчиси ва тарғиботчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 570 йилда Маккада Қурайиш қабиласига мансуб Ҳошимийлар хонадонида туғилади.

«Қуръон» - дунё маданиятининг улкан бойлиги, барча мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб араб тилида «қирот» маъносини англатади. У 114 сурадан иборат. «Қуръон» -кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч тотув яшашга, эзгуликка ундайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий аҳамиятга эга. «Қуръоннинг» ахлоқий қиммати хақида фикр юритилар экан, инсоннинг маънавий камолотга етишида қай даражада муҳим ўринга эга эканлигига амин бўламиз. Шунинг учун у мана неча асрлардан бериши инсониятнинг энг улуғ қадрияти сифатида эъзозланиб келмоқда. Ислом одамларни яхшилика даъват этади, ёмонликдан қайтаради.. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ -маънавий поклик ва етукликка ва меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод этишга ундайди. У адолат, тенглик, тинчлик, эркни тараннум этади. Буни биз «Қуръон» нинг инсонни камолотга эришишда қай даражада ўрин эгаллашларини, унинг инсонга бутун борлиққа муносабати, турмуш тарзи ва хулқ одоби меъёрларини таркиб топтиришда улкан аҳамиятдан ҳам билсак бўлади.

Маълумки, етук инсон, аввало ўзининг илмлилиги билан намоён бўлади. Ислом мусулмонларни тараққиёт сари ундаган. Чунки инсон шахси, жамият, илм билан камолотга етади, тараққий этади. Кишиларни илмга қизиқтириш учун

« Куъон» нинг « Зумар» сураси 9- оятида шундай дейилади.
Айтинг: биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?» Дархақиқат, фақат ақл эгаларигина панд- насихат олурлар. Исломда инсонинг ақлий камолоти ва тафаккурига катта эътибор берилади. Булар илм ва хақиқатни даллилар билан исботлашда: исломнинг аниқлик дини, унинг тақлид душмани эканлигида намоён бўлади. Ҳар бир нарсани Ҳар томонлама ўрганиб чиқиб тўғрисини танлаб олишга: « Менинг баданларимга- сўз қулоқ тутиб унинг энг гўзалига
эргашадиган зотларга хушхабар беринг! Ана шулар Аллох хидоят қилган зотлар ва ана шуларгина ақл эгаларидир (« Зумар» сураси 18 оят). Ҳар бир фикрни ўйлаб тушуниб, кейин унга риоя этганлар Аллох хидоят этган кишилар ҳақиқий ақл эгалари деб аталади. Албатта илм ақл ёрдамида амалга ошади. Шунга кўра, «Қуръон»да инсонни ақл ишлатишга чақирилади. Унда ақл инсонга берилган буюк неъмат деб таърифланади. Ақлни ишлатмасликнинг ёмон оқибатлари хусусида сўз юритилади. Исломда билим, ақл инсон камолотининг меъзони ҳисобланиб, инсон кўриш, эшитиш, ақлни ишлатиш воситасида билиш қобилиятига эга бўлади деган.

Илм фан тараққиёти инсоннинг ахлоқий камолга етишида катта ахамиятга эга шунга кўра, хулқ одоб қоидаларини таркиб топтиришга «Қуръон»да эътибор берилади. Ҳар бир шахснинг жамиятнинг равнақ топишида ахлоқнинг асосий роли тасвирланади. «Қуръон»да ҳар бир мўмин мусулмон бажариши зарур бўлган яхши хулқлар инсонни ҳақиқий камолотга ундовчи инсоний фазилатларидир деб тушинтирилади. Чунки ислом дининининг асосий мақсади ҳам ёмонликнинг олдини олиш кишиларга ёмонликнинг хуник оқибатларини тушунтириш ҳамда уларни доимо тўғри йўлга чақиришдан иборатдир. «Қуръон»да инсонни имоннинг ўзига хос меъзони саналган саховат меҳмоннавозлик, жасорат, сабр ва қаноат, тўғрилик, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган. Инсондаги ахлоқий сифатлардан энг муҳими ҳайр-эҳсонларда ҳақида алоҳида фикрюритилади.

Қур«ъони карим»да эҳсонга лойиқ кишиларга биринчи навбатда ота-оналар киритилган ва ота-она ҳаққи белгилаб берилади. «Ал-Исро» сурасининг 23-24 оядларида ота-онага яхшилик Аллох таолога ибодат қилишдан кейин 2 вазифа сифатида таъкидланади. Мазкур оядларида энг олий инсоний муаммоли қоидалари сифатида қуйидагилар белгиланган**:**

- **ота-она хатти-ҳаракаттаининг фарзандга малол келмаслиги;**
- **ота-она билан гаплашганда уларга оғир ботадиган сўз айтмаслик;**
- **ота-онага эҳтиром бажо келтириш;**
- **ота-онага раҳим шавқат қилиш;**
- **уларнинг ҳақига дуо қилиш;**

«Қуръон»да кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида ҳам гап боради ва бу олий даражадаги инсоний хислат бўлиб, пок қалбли кишиларгина бунга эриша олади.

«Хужурот» сурасининг 10-оятида: «Мўминлар ҳеч шак- шубҳасиз оғаинилардир. Бас, сизлар икки оға-инингиз ўртасини ўнглаб қўйинглар», -дейилади. «Қуръон»да инсондаги зарур хислатлардан саналган олий- жаноблик ҳақида ҳам фикр юритилади. «Хашр» сурасининг 9-оятида « гарчи ўзларида эҳтиёж бўлсада ўзларини куйиб ойсор – ихтиёр қилурлар . Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир». «Қуръон» нинг маълум оятлари ширинсуханлика бағишланади. Тўғри сўз ва муомала маданиятига риоя қилиш қонун- қоидалари Исломгача ҳам бўлган. «Қуръон» да инсонни аҳлоқий камолга етказишда яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга, деб кўрсатилади. Исломда саломга алик олиш хусусида «Нисо»

сурасининг 86 оятида «қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки ўша иборани қайтаринглар» , - дейилади. «Қуръон» да инсонни маънавий пок бўлиш, ҳавойи нафсдан сақланиш масалаларига ҳам эътибор берилади. Ҳавойи нафсга берилишнинг асосий сабаби сифатида киши иродасининг заифлиги ва илмсизлиги ёки илмнинг камлиги кўрсатилади. Чунки инсон билимсизлиги туфайли хавойи нафсга маҳкум этилади, шунга кўра ақлни ишлатиб ҳаётда тўғри йўл тутишга даъват этилади. Масалан, «анъом» сурасининг 119 оятида «Шубҳасиз , кўп кишилар ўз хоюю-хаваслари билан билмаган ҳолларида ўзларини йўлдан оздурурлар». «Рум» сурасининг 29- оятида «Золим кимсалар бирон билим- ҳужжатсиз хавойи нафсларига эргашиб Аллоҳга ширк келтирадилар » каби фикрлар бунинг далилидир. «Қуръон» да инсонни ахлоқий камолга етказишда зид хусусиятлар: ман- манлик, ва ароқхўрлик ва қиморбозлик ,талончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, чақимчилик, ғийбатчилик, маиший бузуқлик, хасадгўйлик, очкўзлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган. «Қуръон » да хақиқий инсон бир-бирини камситмаслиги, бошқаларни ҳурмат қилиши, шу билан кишилар ўртасида тотувликни мустаҳкамлаши мумкин эканлиги каби ғоялар ҳам мавжуд.

Исломда хасад ҳам энг қабих хислат сифатида қораланади.

«Қуръон» да инсоннинг ахлоқан камол топишида бекорчи гап сўзлардан йироқ юриш, майда ва беҳуда гапларга вақт кетгазмасликлардан ўзини четга олиш кабиларга ҳам эътибор берилган. Инсоннинг маънавий камол топишида меъёрни сақлаш катта аҳамият касб этади.

«Қуръон» да таълим берилишича мол-дунё инсонни синаш учун берилади. Мол дунёга эришган ҳар бир инсон уни тўғри йўлда сарфлаш керак, дейилади. («Анфол» сураси,28-оят ).

«Қуръон» да таълим берилишича бойлик абадий эмас, хақиқат ва яхшилик абадийдир.

Ислом таълимотида илгари сурилган муҳим ғоялардан яна бири ва унинг энг муҳим таркибий қисми поклик ва тозаликка риоя қилишдир.

Ислом узоқ вақт шўро мафкурасида унинг ҳалқлар ўртасида душманлик рухини сингдирувчи, инсоннинг қадр-қимматини камситувчи, билиш ва қобилиятларини, ақлнинг, инсон ижодий қобилиятларининг кучини , инсон иродасини инкор этувчи дин сифатида танқид қилиб келинди. Лекин биз юқорида кўриб ўтган масалалар бундай фикрлар асоси эканлигини кўрсатди. Ислом ва унинг асосий таълимоти мужассамланган «Қуръони карим» да инсонни ҳам ақлий ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний , бир сўз билан айтганда комил инсонни тарбиялашда муҳим манба эканлиги намоён бўлади.

Талабалар учун назорат топшириқлари:

1.Тест. Ислом динида қандай асосий ғоялар илгари сурилган?

А) «Қуръон» да инсонни ахлоқий камолга етказишда яхши кишилар ўртасидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш, уларнинг тотув яшашига эришишдир.

Б) Исломдаги **асосий ғоя инсоннинг ақлий камолотига етишига қаратилган.**

**В) Ислом динида инсоннинг ахлоқий, ақлий,рухий ва маънавий етукликка чорлайди. Одамларни яхшилика даъват этади, ёмонликдан қайтаради. Тенглик, тинчлик, эркни тараннум этади.**

**2. Тест: Кишиларни илим олишга оид «Қуръон» нинг «Зумар» сурасининг 9-оятида нима дейилган?**

**А) Энди ерга нохақ кибру хаво қилиб юрадиган, агар барча оят-мўъжизаларни кўрса ҳам уларга иймон келтирмайдиган оят- мўъжизалардан буриб юбораман.**

**Б) Айтинг. «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми»? Дархақиқат фақат ақл эгаларигина панд насихат олурлар.**

**В) Сабрли, саботли бўлиш бу қийинчиликларга бардош беришришдир.**

**3. «Қуръон» даги илмга ахлоқ-одобга оид сураларни ўрганиб моҳиятини изоҳланг.**

**4. Ислом динининг асосий мақсадлари ва ундан келиб чиққан ҳолда вазифаларини таҳлил қилинг.**

**5. Исломда умуминсоний тарбиянинг ўзига хос томонларини миллий тарбияга узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг. (баҳолаш)**

2-асосий савол:

**Мусулмон мактабларида таълим - тарбиянинг мазмуни.**

Мақсад: **Мусулмон мактабларида таълим - тарбиянинг мазмунини талабаларга тушунтирилади, уларни ўрганишга қизиқиш уйғотади.**

Идентив ўқув мақсадлар (талаблар учун ўқув вазифалари):

1. **Мусулмон мактабларида таълим – тарбиянинг мазмуни тушунтириб беради.**
2. **Мусулмон мактабларида таълим –тарбиянинг мазмунини изоҳлаб беради.**
3. **Мусулмон мактабларида таълим –тарбиянинг мазмунини таҳлил қилади.**
4. **Мусулмон мактабларида таълим – тарбиянинг моҳиятини далиллаб беради.**

2- асосий савол баёни:

XII – аср бошларида ислом ғоясига асосланган Араб халифалиги ташкил топиб, бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа мамлакатталарни забт этишни бошлади. Бутун арабистон ярим ороли шунингдек, Эрон, Кавказ орти юрти, Сурия Шимоли Африка, Жанубий Испания халифалик таркибига киритилди. XII–аср ўрталаридан бошлаб араблар Мовораунахрга ҳам юриш қилди ва қийинчилик билан забт этди.

Араб истилочилари босиб олинган ерларга ҳалқни ислом динига кирита бошладилар. Тарихчи Ат – Табасарининг «Ат –Табарий тарихи», Наршахийнинг «Бухоро тарихи» ва бошқа тарихий асарларида келтирилишича, араб истилочиларининг Моворауннахр ҳалқини ислом динига киритиш жараёни қийин кечган ва бир неча йилларга чўзилган. Чунки Мавораунахр араб истилосигача ҳам маънавий ҳам иқтисодий тараққий этган мамлакат бўлиб, унинг аҳолиси араб босқинчиларига тезда бўйсина қолмади. Аҳолининг истилочиларга бўйсинишини истамаганлигининг асосий сабабларидан бири истибдод ва қатоғонлар билан бир қаторда, босқинчиларнинг махалий ҳалқининг йиллар давомида таркиб топган бой маънавий меъроси-санъати, адабиёти, ёзувини, асари-атиқаларини поймол этишга ҳаракатта қилганлиги ҳам бўлди. Шунинг учун ҳам араб истилочилари ҳалқни бўйсундириш учун ҳарбийлар билан бир қаторда, исолм дини тарғиботчиларидан ҳам фойдаландилар ва аста секин маълум натижаларга эриша бошладилар.

Араблар исом динини тарқатишда турли усуллардан фойдаландилар. Жумладан ислом динини қабул қилганлар солиқдан озод этилди.

Ҳалифалар истилочилик сиёсатини ўтказар эканлар барча ҳалқлар устидан маданий устунликни ўрнатишга ҳаракат қилдилар чунки араб ҳалқи XII аср бошларида ўзига хос маданият адабий тил яратган бўлиб, унда нотиқлик ва шеърият юқори даражада қадрланган. Айниқса Қуръоннинг ўзи ажойиб фазилатларга эга бўлиб, у ўрта аср адабиётининг энг нодир адабий ёдгорлиги орасида ўрин олган. IX асрда таркиб топган «Минг бир кеча» эртаклари эса жахон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланади. Араб тили ҳам ўз навбатида янги маданият тили бўлиб майдонга чиқди бу маданият ҳам қадимги араб маданияти, шунингдек араб давлати худудида яшаган бошқа ҳалқлар маданиятининг мажмуаси эди. Араблар юнон фанининг ютуқларидан амалий фойдаландилар, уларнинг файласуф олим, ёзувчиларнинг асарларини таржима қилдилар. Астраномия тиббиёт, кимёга оид барча йирик асарлар араб тилига таржима қилинди.

Хатто араб олимлари сунъий олтин тайёрлаш воситаси «фалсафа тоши» ни излаганлар юнонлардан тасниф этилиб фанлар икки қисмга назарий ва амалий қисмларга ажратилди. Биринчи қисм уч бўлим – табиат тўғрисидаги фан, илохиёт тўғрисидаги ва математика фанлари бўлиб уларга арифметика хандаса, астраномия ва мусиқа киритилган.

Иккинчи қисм эса, этика, иқтисод ва сиёсатга бўлинган. Ҳинд фани араб маданиятига асосан арифметика, алгебра, тиббиёт таъсир этган. Европаликлар ҳам сонларнинг Ҳинд назарияси билан араблар орқали танишганлар, алжабр алгебра деган арабча номни қабул қилинган. Араблар улкан давлат барпо этиб, география ривожига ҳам катта таъсир кўрсатдилар. Масалан, араб мулкларининг дастлабки Ҳариталари 9-асрда тузилган бўлиб уларда дарёлар оқими тўғрисида муфассал маълумот бўлган. Испаниядан Марказий Осиё ва Ҳинд дарёсигача чўзилган мусулмон дунёси бу Ҳаритада батафсил кўрсатилади. Кўп худудларга Арабча номлар берилади. Хусусан, Мавороуннахр ҳам арабча бўлиб « Дарё орти» маъносини билдиради.

Ислом арабистон ярим оролида унинг кўп асрлик тарихидан ўсиб чиққан диний-сиёсий оқим сифатида вужудга келган бўлса, айни пайтда у қадимги дунёни идрок этишнинг ва ўрта аср жамиятининг тикланиш даврида бутун яқин шарқ маънавий эҳтиёжига акс садо ҳам бўлди. Сиёсий ғалаба ҳамда ўзига янги ва ўзга қарашларни сингдира билиш туфайли у ўрта аср даври борлиқни мафкуравий идрок этишнинг асосий шаклларидан бўлиб қолди. Исломнинг ғалаба қилишида унинг асосчиси Аллоҳнинг вакили бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад Алайхисаломнинг шахси катта ролъ ўйнайди. қуръон оятларини ўрганиш ўзгалик билан ўзликнинг исломга уйғунлашувини аниқ белгилаш унинг асосчиси шахсини кўра олиш, хис этиш имконини беради. Мавороуннахр бошқа истило этилган давлатлар қаторида ислом дини билан бирга мазкур диннинг муқаддас китоби «Қуръон» нинг тили, араб тилини ўрганиш жорий этилди. Бу китобни бошқа тилларга таржима қилиш тақиқланди.

Мусулмон мактабларида араб тили муҳим фан сифатида ўқитиларди, билим шу тилда ўрганилар эди. Арабистондаги каби Мавороуннахрда ҳам барча масжидлар хузурида мактаблар очилади ва ўғил болларга шу мактабларда Қуръон ўқишни ўргатишга фармон берилади. Болаларни масжид имоми ўқитар эди. Мусулмон таълимотига кўра ҳар бир мусулмон бешта асосий рукнни бажариши зарур. Биринчиси, «Ла илахо иллаллох ва муҳаммаду-р-расулуллох» деб шаҳодатлик бериш, иккинчиси, номоз ўқиш учунчиси, закот бериш тўртинчиси, рамозон ойида рўза тутиш, имконига кўра хаж қилиш.

Назорат топшириқлари:

**1. Тест: Мусулмон мактабларда қайси тил асосий фан сифатида ўқитилар эди?**

**А) ўзберишк ва араб тиллари;**

**В) форис тили;**

**Б) араб тили; (билиш)**

**2. Тест: Мусулмон мактабларида фанлар неча қисмга ажратилган ва қайсилари?**

**А) назарий қисм (тибиёт, илохиёт ва матиматика);**

**В) назарий ва амалий қисм: биринчи қисм тибиёт, илохиёт ва математика, иккинчи қисм этика иқтисодиёт ва сиёсат;**

**Б) амалий қисм (Тибиёт, илохити ва математика);**

**3-Мусулмон мактабларида таълим тарбиянинг моҳиятини изоҳланг (тушунтириш)**

**4-Мусулмон мактабларида таълим-тарбиянинг мақсади ундан келиб чиқадиган вазифаифаларни таҳлил қилинг. (анализ)**

**5-Мусулмон мактабларида борлиқни мафкуравий идрок этишнинг асосий шакллари бўлган ислом таълимотининг таъсирини таққослаб беринг. (баҳолаш)**

3-Асосий савол. Хадис илмининг пайдо бўлиши. Имом Исмоил Ал Бухорий ва Имом Ат Термизийниг хадис илми ривожидаги тутган ўрни.

Мақсад**:** Хадис илмининг пайдо бўлиш тарихи ўргатилади. Уни ва унинг намоёндаларини ўрганишга қизиқиш уйғотилади.

Идентив ўқув мақсадлари. (Талабалар учун ўқув вазифалари)

1. **Хадис илмининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини тушунтириб беради.**
2. **Хадис илми аомоёндаларининг таълим-тарбия ривожига қўшган хиссаларини изоҳлаб беради.**
3. **Хадис илми ва унинг намоёндаларини таълим-тарбия ривожига қўшган хиссаларини таҳлил қилиб беради.**

Хадис илми ва унинг намоёндаларини таълим-тарбия ривожига қўшган хиссаларини асослаб беради.

3-асосий савол баёни:

Ислом дини таълимотида «Қуръони карим» дан кейин асосий манба хадислардир. Хадис илми билан шуғулланиш асосан 8-асрнинг 2-ярмидан бошланиб, унга энг билимдон, мўътабар шахсларгина тартиб беришган. Маълумотга кўра, 8-11 асрларда 400 дан ортиқ мухаддис хадис илми билан шуғулланган**.**

«Хадис» ёки «сунна» сўзлари бир маънони англатиб Расуллуллоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда дини ва ахлоқий кўрсатмалари хақидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайхисаломнинг ибратли ишлари эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий - ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари, панд-насиҳатлари унинг номи билан боғлиқ хадисларда мужассамланган.

Хадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайғамбаримиз Қуръони карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг хадисларини Қуръон оятларидан деб ўйлашларидан чўчиб уни ёзиб боришларига рухсат этмаганлар. Лекин, хадисларни ёд олган кишилар тобора камайиб боргани ҳамда аста-секин улар унитилиб кетишининг олди олиниб халифалар ишонарли хадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломшунос олимлар бу ишни бошида турган дастлабки халифа Умар Ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар. 8-9 асрлар хадис илми учун олтин давр ҳисобланади. Бу давр ислом дунёсида энг нуфўзли манбалар деб саналган 6 та ишончли тўплам (ас-сахих ас-ситта) яратилди. Бунда бизнинг ватандошларимиз мухаддисларнинг ҳам хиссалари бор.

Олимлар (олти китоб) ни қуйидагалардан иборат деб кўрсатадилар**:**

1. **Исмоил ал Бухорий томонидан ёзилган «ас-сахих»**
2. **Имом Муслим ан-Нишопурий томонидан ёзилган «ас-сахих»**
3. **Имом Ибн Можжа томонидан ёзилган «Суннан».**
4. **Имом Абу Довудс Сулаймон Сижистоний томонидан ёзилган «Суннан».**
5. **Имом Ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзилган «Аж-жамии ал-кибр»**
6. **Ахмад ан - Насоий томонидан ёзилган «Суннан» каби тўпламлардир.**

**Хадис таклиф этищда асосан уч йўналиш пайдо бўлган.**

**1. Муснад йўналиши. Бунда турли мавзудаги йўналишлар бир жойга келтириб алифбо тартибида жойлаштирилган.**

**2. Сахих (ишонч) йўналиши. Бунга Имом Бухорий асос солган. Буларга тўғри ишонарли хадислар келтирилган.**

**3. Сунан йўналишидаги хадислар. Бу йўналишдаги хадисларга, ишонарли хадислар билан бир қаторда, заиф хадислар ҳам киритилган.**

«Сахих» йўналишининг асосчиси, энг етук ва машҳур мухаддис Абу Абдуллох Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Бухорий хадис илимида «Амир ул-Мўъминин», «Имом ал-Мухаддисийн» («Барча мухаддисларнинг пеш воси») деган шарафли номга сазовор бўлган. У 810 йил 13 майда Бухорода туғилган. Гўдаклигида отадан етим қолган. Мактабда савод чиқарган. 10 ёшиданоқ араб тили ва китобларидан уларни ёдлай бошлайди. Ал-Бухорий хадис илмини катта қизиқиш билан ўргана бошлайди. Ёшлик чоғидан бошлаб турли мухаддислардан эшитган хадисларни ёдлаб борар эди. Абдуллоҳ Ибн ал-Муборак, Ваки Ибн Жарроҳ каби олимлар тўплаган хадисларни ёд олган, хадис ривоятчилари ҳақидаги бахсларда қатнашган. Имом Бухорий истеъдодли ўткир муҳофазали, зийрак олим бўлган.

У Дамашқ, Қохира, Басра, Бағдод шаҳарларида машҳур олимлардан фиких илмидан дарс олади, ўзи ҳам бахс ва мунозараларида қатнашади, толибу илмларга дарс ҳам беради.

Имом Бухорийнинг ўткир зехн эгаси эканлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин. Ривоятларга кўра «У қайси бир китобни қўлга олиб, бир маратоба мутоала қилса, ҳаммаси ёд қолаверади».

Имом Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулқ-одобда тенгсиз, саховатли инсон бўлган. У хадис илмининг етук олими бўлса ҳам, вақти келганда замондошлари, шогирдларидан ҳам ўрганади. Маълумотларга кўра, ал-Бухорий 600 мингга яқин хадисни тўплаган, 100 минг сахих 200 минг ғайри сахихларни ёд олган.

Имом ал-Бухорий узоқ сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талабалар ва уломоларга хадис илмидан сабоқ беради ва унинг тарғиботчисига айланади.

Олимларнинг таъкидлашларича, Имом ал-Бухорий жуда бой мерос қолдирган. Унинг «Ал-Жомеъ Ас-Сахих» («Ишончли тўплам») асари 4 жилддан иборат бўлиб, энг етук шох асари сифатида дунёга машҳурдир. Бу асарда Пайғамбаримиз Саллаху Алайхи Вассаллам хадисларидан ташқари, Ислом ҳуқуқшунослиги, ислом маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, тарих ва этнографияга оид маълумотлар ҳам беришган. Унга 600 минг хадисдан 7275 та энг сахих хадислардан киритилган бўлиб, такрорланмайдиган 4000 хадисдан иборатдир. Бу китоб Ислом таълимотида Қуръони Каримдан кейинги манба ҳисобланади.

Ислом дини инсони маънавий камолот сари етакловчи таълимот. Шу сабабли Қуръони Каримдан ҳам хадисларда ҳам яхши хулқ ва одоб кенг тарғибот этилган. Шариат талаблари билан бир қаторда, хадисларда ахлоққа доирлари, айниқса муҳим. Имом Бухорий ҳам 4 жилдли ушбу асарининг 1 жилдида одоб ҳақидаги хадисларни жам этган. Кейинчалик аллома бутун Ислом олами одоб-ахлоқи ва тарбияси масалаларига бағишланган «Ал-Адаб Ал-Муфрад» номли махсус хадислар тўпламини яратди. Бу асар 644 та бобда баён этилган 1322 хадисдан иборат. Машҳур мухаддислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат-Термизий бўлиб, у 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган. Унинг оиласи ва ота-онаси ҳақида маълумот йўқ.

Ат-Термизийнинг ўткир зеҳни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги туфайли Ал-Бухорий ҳам уни фақат шогирд сифатида эмас, ўзига ҳамкор эмас, ўзига ҳамкор дўст сифатида ҳам ҳурмат қилган.

Ат-Термизий узоқ сафарида хадисларни тўплада. У 863 йилда ўз ватанига қайтди ва ўзи ҳам шогирдларга таълим бериб, ҳам китоблар ёзди.

Ат-Термизийнинг ўндан ортиқ асарлари яратилганлиги маълум булар «Ал-Жомеъ Ас-Сахих» («Ишончли тўплам»), «Аш-Шамоил Ан-Набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-Илал Фи-Л-Хадийс» («Хадислардаги илатлар ва оғишлар ҳақида») асарлари машҳурдир.

Ат-Термизийнинг ёзиб қолдирган асарларидаги хадислар ҳам Ал-Бухорий хадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, мурувватлилик, меҳр-шавқат, катталарга, ота-она ва қариндошларига ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Ат-Термизий 892 йилда ўз ватанида вафот этади.

Хадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр -оқибат кўрсатиш, сахийлик очиқ кўнгиллилик, ота - она ва катталарга қариндошларга ғамхўрлик, ҳурмат фақир бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб ҳунарни улуғлаш, халоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир.

Бундан ташқари инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Қуръони Карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни мезони саналади. Хадисларда инсоннинг маънавий камолоти мезони унинг тафаккур доираси дунёқарашининг кенглиги илмий билимларни қай даражада эгаллагани ўз билими билан атрофдагиларга жамиятга фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишида муҳим омил билим деб кўрсатилади. «Толиби илм қилиш фарздир. Толиби илмга ҳар бир нарса истихфор айтади хатто денгиздаги балиқлар ҳам» . «Илм ўрганмоқ ва ўргатмоқнинг фазилати хадисида» (21-боб 35-бериш) илмни кўп ёққан ёмғирга ўхшатилади ва илм аҳлини уч турга бўлади. Бир киши оллоҳ илмини теран ўрганадир ва ўзгаларга ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб одамларга ўргатади. Аммо ўзи амал қилмайди. Учинчи бир киши мўтаккабирлик қилиб ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларни ҳам ўргатмайди. Исломда икки хил илм хақида фикр юритилади бири ҳуқуқий диний йўл-йўриқлар илми бўлса иккинчиси дунёвий илмларни эгаллаш назарда тутилади. Ҳар иккаласидан ҳам билимга эга бўлиш ҳар бир киши учун фарз ҳисобланади. Хадисларда ота-онанинг дилини оғритиб озор бериш буйруқларни бажармаслик ҳам қораланади. Ота-она хаққини адо этиш ҳар бир фарзанд учун фарз ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ота-она ҳам ўз навбатларида фарзандларини тарбия қилмоғи, одоб ўргатиши, илмга йўллаши, яхшилик қилиш лозимлигини такидлаши зарурлиги хадисларда қайд этилган.

Хадисларда кишиларнинг бир-бири билан дўст, тинч-тотув яшаши, мурувватли, меҳр-шавқатли бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сўрилади. Хадисларда инсоний хислатлардан эзгулик, иффат, сабр-қаноат, шукроналик каби ахлоқий хислатлар улуғланса, исрофгарчилик, тамагирлик, очкўзлик, нафсу хавога берилиш, бахиллик, жоҳиллик каби иллатлар қораланади. Инсон камолоти бериш восита унинг соғлигига ҳам боғлиқдир, чунки соғлом инсонгина ҳам оила , ҳам жамиятнинг равнақ топиши учун фаолият кўрсатадиган киши бўлиб етишади. Хадисларда умуман исломда тозаликка, поклика умуман рухий ва жисмоний покликка катта этибор беришади. «хақ таоло ўзи пок, покликни яхши кўради. Ўзи тоза, тозаликни яхши кўради Ўзи олийҳимматдир, олиҳимматликни яхши кўради. Ўзи очиқ қўл очиққўлликни яхши кўради: Эшикларнинг олдини покиза тутинглар» ( 190-хадис)

Хадислар Муҳаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб мазмунан ҳар бир мўминнинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳам бир шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатлардан камолга етказишга оид эътиқод ва имондан иборат бўлиб фақат эзгуликка хизмат қилиш, олижаноб бўлиш, покиза юриш ҳолол бўлиш жаҳолат ва жаҳолатпарасликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош уруғларининг, миллатининг ва ватаннинг қадриятларини асрашдан иборатдир. Шундай экан хадислар комил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади ва ундан ёшлар тарбиясида фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаифаси ҳисобланади.

Назорат топшириқлари:

**1. Тест: «Хадис» ёки «Сунна» сўзлари қандай маънога эга?**

**А) Ал-Бухорий ва ат-Термизий битикларидан иборат ва ривоятлар маъносига эга;**

**В) Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеь ас-Сахих» асаридан иборат ва ривоятлар тўпламига эга;**

**Б) Бу сўзлар бир маънони англатиб расулиллохунинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат;**

**(баҳолаш)**

**3. Тест:қуйидаги асарлар ал-Бухорий ва ат-Термизийларга тўлиқлидир?**

**А) «Ас-Сахих», «Сунанн»;**

**Б) «Ал-Жомеь» «Аж-Жамо ал-Кабир»**

**В) «Сунанн», «ал-жамеь ас-Сахих»; (тушунтириш)**

**3. Хадисларнинг комил инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини изоҳланг; (тушунтириш)**

**4. Хадис илмининг моҳиятини ва хадис илми мухаддисларининг асарларини мазмунини таҳлил қилинг; (анализ)**

**5. Хадис илми ва «Қуръони карим»даги таълим-тарбия, инсон камолоти тўғрисидаги таълимотини таққослаб кўринг; (баҳолаш)**

**IV-асосий савол. Суфийлик таълимотида етук инсон муаммосининг талқини.**

Мақсад: Сўфийлик таълимотида тўғрисида тушутирилади, уни тўғри талқин этиш ва мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотилади**.**

Идентив ўқув мақсадлари (Талабалар учун ўқув вазифалари).

**1. Сўфийлик таълимотидаги етук инсон муаммоси талқинини тушунтириб беради;**

**2. Сўфийлик таълимотидаги етук инсон муаммоси талқинини изоҳлаб беради;**

**3. Сўфийлик таълимотидаги етук инсон муаммоси талқинини таҳлил қилиб беради.**

**4. Сўфийлик таълимотидаги етук инсон муаммоси талқинини шархлаб беради;**

4-**асосий савол баёни**:

Ҳар қандай ғоявий таълимотида бўлгани каби ислом динида ҳам зиддиятлар ва иҳтилофлар пайдо бўлиб уларнинг натижасида VII асрнинг иккинчи ярмида бошлаб исломнинг ўз ичида ҳам турли йўналишлар оқимлар юзага кела бошлади. Бу йўналишлардан бири VII аср охири ва IX аср бошларида пайдо бўлган сўфийлик оқими-таълимоти пайдо бўлди. Мазкур оқим бутун мусулмон мамлакатталарида жумладан Ўрта Осиёда кенг тарқалди.

Сўфийлик бутун шарқ маънавий ҳаётида комил инсон ҳақидаги ғояларининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Сўфийлик таълимоти ҳақида қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, булар мазкур таълимотни ўрганишда бой манба бўлиб ҳисобланади. Айниқса Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асари сўфийлик силсиласи ҳақида қимматли мерсдир.

Мазкур оқим XII-XIII асрда Араб мамлакатталарида пайдо бўлиб сўнг бошқа мусулмон мамлакатталарида, хусусан, Маворауннахрда ҳам кенг ёйилди. Лекин олимлар бу оқимнинг баъзи кўринишлари исломгача ҳам мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар.

Сўфийлик назариясига кўра, дунё бутун олам худонинг мужассамланиши. Худо барча кўринадиган нарсаларида мавжуд, нарасалар эса худода мавжуд. Дунё-дунёвий руҳ шаклида бутун оламга тарқалган худо сингари ягонадир. Инсон эса ана шу руҳининг бир қисми, эртами кеч у билан қўшилади.

Амалий қисм аҳлоқий меъёрлар ва хулқ атвор қоидаларининг муайян тизимидан иборат бўлиб бу меъёр ва қоидалари худбинлик ва шахсий манфаатлардан ўзин тийишни талаб этади.

Бу ҳақида Сўфийлик назариётчиларидан бир Имом Газзоли шундай дейди: «Сўфий бўлиш-доим худога содиқ қолиш, одамларга саммимий, мулоим муомалада бўлиб, улар

билан тинчликда яшаш ўз юкини бошқалар гарданига ағдармаслик, балки одамларнинг истагига мувофиқ ҳамма нарсани ўз устига олиш демакдир Сўфийликнинг қоидаси шундан иборатки, камбағалликнинг беришзаги, сабр-тоқат унинг нақиши, қаноати қилиш унинг оти, ишонч унинг қадр-қийматидир».

Сўфийлик мусулмон шарқи ҳалқининг кўп асрли маънавий ҳаётини ғоявий асосини белгилаб берган таълимот бўлиб майдонга чиқди. У илоҳий поклик ва инсоний гўзалликни идрок этиш йўли, хақ ва хақиқатни ҳимоя этиш воситаси бўлиб ҳизмат қилди. Сўфийлик кўп қиррали оқим бўлиб «Соф», «Ягона» сўфийлик ҳеч қачон бўлмаган. У турли кўринишлардан оқимлар тарзида намоён бўлган. Биринчи оқимда таълим беришича, худо ҳар жиҳатдан комилдир, энг олий гўзалик, шодлик, бахт унинг вазифаларидир, фоний бўлишдадир. Бу оқимдаги сўфийлар маънавий-руҳий комилликка эришиш йўлида 4 босқични ўташи керак деб ҳисоблайдилар**.**

1. **Шариат (диний маросимлар ва шариат ақидаларини изчил бажариш);**
2. **Тариқат (нафсни тийиш худо тўғрисида ўйлаш кўнглини поклаш);**
3. **Маърифат (билимли бўлиш худони таниш);**
4. **Ҳақиқат (сўфий худонинг даргохига эришади);**

Сўфийликнинг иккинчи оқимига мансуб бўлган сўфийлар биринчи оқим намоёндалари қарашларини қабул қилган, аммо уларни ислом дини тартиб қоидаларига мослаштирганлар. Бу оқимнинг назариётчиси Имом Газзоли ва Аҳмад Яссавийлардир. Сўфийликнинг учинчи оқими Нақшбандия таълимоти билан боғлиқдир. Нақшбанд инсон баркамол бўлиши учун аввало имонли бўлиши зарур дейди. Нақшбандия тариқати асосида ҳар бир исоннинг ҳалол пок бўлиши ўз меҳнати билан ҳаёт кечириши кераклиги, сабр қаноатли бўлиши, камтар, сахий бўлиши имон ва эътқодини мустаҳкам тутиши, дилда худони жо этиб амалда ҳалқ билан бўлиши каби олижаноб хислатларни таркиб топтириш ётади. Нақшбандия тариқатини асосини инсон ҳам руҳан ҳам жисмонан покланиши ташкил этиб бу жараён ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳозирги даврда ёш авлодни етук инсон этиб тарбиялашда унинг аҳлоқий тизими йўллари ва усуллари қўл келади. Зеро, ақлий, аҳлоқий, жисмоний камол топган шахснинг ҳам руҳий ҳам маънавий тарбия силсиласи бунинг яққол далилидир.

Демак, ҳақиқий сўфийлик таркидунёчилик ғоясини илгари сурмайди, у инсонни маънавий покланишга йўллайди. Лекин баъзи кишилар (ҳатто дин пешволари) ҳам инсоннинг руҳан худо билан бирлашиши яъни «Мен худоман» деб ифодалашнинг моҳиятини тушунмасдан, уларни тақиб этади.

Аслини олганда, сўфийлик-бу мурувват, саҳоват, меҳнат, қаноат, диёнатдир. Улар инсон хулқидаги барча иллатлар билан курашувчилардир. Сўфийлар ҳаётни ана шу разилликлардан тозалашда ҳар бир инсоннинг ўзини маънавий жиҳатдан поклаши учун курашувчилардир.

Ислом ер юзида кенг тарқалган динлардан бўлиб, у мусулмон маданиятининг таркиб топишида муҳим роль ўйнайди. Унинг муқаддас китоби «Қуръон» ни хулқ, одоб турмуш тарзига оид таълимоти мусулмонлар аҳлоқий тарбиясининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Барча мусулмон мамлакатталарида «Қуръон» нинг шархловчилари томонидан шариат қонун-қоидалари аҳлоқий талабларини тарғиб этилиши кейинчалик мусулмон адабиётида аҳлоқий дидактик мазмундаги асарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Ислом барча мусулмон мамлакатлари каби Хуросон ва Моварауннахр ҳам асосий дин ҳисобланади шунинг учун ҳалқ ҳаётида хулқ - одоб қоидалари ва анъаналарининг шаклланиши ҳамда мустахкамланиб қолишида муҳим роль ўйнайди ва ҳаётий дастур сифатида сақланиб қолди.

Назорат топшириқлари:

1. **Тест. Сўфийлик оқими қандай оқим ҳисобланади?**

**А) Жалолиддин Румийларга мансуб бўлган оқим бўлиб, худо ҳар жиҳатдан комилдир деган ғояни илгари суради.**

**Б) Сўфийлик кўп қиррали оқим бўлиб «Соф», «Ягона» демакдир.**

**В) Сўфийлик инсонни маънавий рухий комилликка эришиш ғоясини илгари сурадиган оқимдир. (билиш )**

**2.Тест: Сўфийликнинг биринчи оқимида инсон маънавий - рухий комилликка эришиш йўлида неча босқичдан ўтиши керак деб ҳисоблайди?**

**А) Икки босқичдан. (Шариат, тариқат)**

**Б) Тўрт босқичдан. (Шариат, тариқат, маърифат, хақиқат)**

**В) Уч босқичдан. (Шариат, тариқат, маърифат) (билиш)**

**3. Сўфийлик таълимотида етук муамосининг моҳиятини изоҳланг. (тушунтириш)**

**4. Сўфийлик оқимларининг мақсад ва вазифаифаларини аниқлаб таҳлил қилинг; (анализ)**

**5. «Қуръони карим»да илгари сурилган таълим-тарбияга оид ғояларини сўфийликда илгари сурилган ғояларга узвийбоғлиқлигини таққослаб кўринг; (баҳолаш)**

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:


1. **«Қуръони Карим» – Т.: 1992 й.**
2. **Хадисларда намуна. – Т.: 1992 й.**
3. **Беришрезиков Е. «Святўелики Туркистана» Т.: 1992 й.**
4. **Хошимов К ва бошқалар «Педагогика тарихи» Т.:1996й.**
5. **Хайруллаев М «Ўзберишк педагогикаси антологияси» 1-жилд. Т .: 1995й.**


## 22 МАВЗУ: ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА ПЕДАГОГИКАНИНГ ТАРАҚИЁТИ
АСОСИЙ САВОЛЛАР

1. **Шарқ уйғониш даври ва унда таълим - тарбия масалалари.**
2. **Абу Наср Фаробийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссаси.**
3. **Абу Райхон Берунийнинг педагогик фикрлари.**
4. **Абу Али Ибн Синонинг педагогик қарашлари.**
5. **Унсурул Маоли қайковус ёшлар тарбияси хақида.**
6. **Юсуф Хос Хожиб ёш авлодга таълим тарбия беришриш тўғрисидаги қарашлари.**

Таянч иборалар:

Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, шарқ уйғониш даври, маданий-маърифий ҳаёт, маданий ривожлантириш замини, академия, расадхона, маданий юксалиш, Сомонийлар давлати, ахлоқий хислатлар.

1. Асосий савол. Шарқ уйғониш даври ва унда таълим-тарбия масалалари.

Мақсад: Шарқ уйғониш давридаги таълим-тарбиянинг моҳиятини талабаларга тушунтиради, шарқ уйғониш таълим-тарбиявий фикрларни тўғри талқин этади. Мутафаккир олимлардаги хислатларни ўрганиб ўзларида кўникиш ҳосил қилишга ўргатади.

Идентив ўқув мақсадлари (вазифалари):

**1. Шарқ уйғониш даврдаги таълим-тарбиянинг моҳиятини тушунтириб беришади.**

**2. Шарқ уйғониш даврининг жамият аъзоларини таълим-тарбияга бўлган муносабатини изоҳлаб беришади.**

**3. Шарқ уйғониш даври таълим-тарбиясини ҳозирги давр таълим-тарбиясига таққослаб беришади.**

1-асосий савол баёни:

Араб халифалигида юз берган ижтимоий-сийсий ўзгаришлар ягона ислом динининг таркиб топиши маданий, маънавий ҳаётга ҳам таъсир этди. Унда катта кўтаринкилик руҳини пайдо қилди. Араб халифалигида IX асрда вужудга келган уйғониш даври халифаликнинг Боғдод, Дамашқ ва бошқа шаҳарларида бошланиб барча бошқа ҳалқлар маданий ҳаётига тарқалган бу эса у давлатнинг ҳам маданий ривожланишига замин тайёрлаган. Халифалик емирилиши натижасида ташкил топган мустақил давлатлардаги маданий ривожланиш халифалик даврдаги маданий ривожланишнинг давоми бўлди.

Халифа Хорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун даврида Боғдодда «Байтул хикма» (Донишмадлик уй) (Ҳозир академия маъносида ташкил этилди). Мазкур академия барча илм соҳиблари тўпланган марказга айланди. Унинг қошида жаҳон кутубхонаси ташкил этилди, расадхона ҳам қурилди, кейинчалик янги кутубхона барпо этилди. Бахдоддаги мазкур илм маркази, ўз навбатида шарқ ва ғарбда илм-фаннинг тараққий этишига, маънавий ҳаётнинг юксалишига таъсир этган. Бу ўринда халифа ал-Маъмуннинг илм-фан равнақида кўрсатган хомийлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Халифа ал-Маъмун илм-фанни жуда қадрлаган. У IX аср бошларида халифаликнинг Хуросондаги ноиби бўлган вақтида ҳам Моварауннахр ва Хуросондаги олимларни тўплаб уларнинг ижодига шароит яратиб берган. Булар орасида ал-Хорозмий, ал-Фарғоний, ал-Жавхарий каби ватандош олимларимиз бўлган. Ал-Маъмун халифалик таҳтига ўтиргач, у олимларни барчасини Бағдодга чақириб олди.

**Шунингдек, қадимги яратилган маданий ёдгорликлар улар хох юнон, хох араб, хох Моварауннахр ва Хуросон ҳалқининг энг қадимги антик даврлар маданияти бўлсин, уйғониш даври маданиятининг ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди.**

**Агар Араблар Ўрта Осиёни босиб олиб бу ерда илгари мавжуд бўлган фан ва маданият ўчоқларини йўқотган бўлсалар кўп ўтмай қадимий илмий анъана аста секин тикланиб, натижада илм-фаннинг етук симолари етишиб чиқа бошлади. Буларнинг барчаси бир-бирига қўшилуви натижасида шарқда бир бутун маданият таркиб топади ва ривожлана бошлайди.**

**Яқин ва ўрта шарқда, жумладан Эрон, Кавказ орти ва Ўрта Осиёда савдо алоқаларининг ривожланганлиги, хунармандчиликнинг тараққий этиши, иқтисодий ва маданий алоқаларининг барчаси умумий ривожланишга таъсир этди. Яқин ва ўрта шарқ мамлакатларидаги маданий юксакликга олиб келган асосий сабаб феодал муносабатларнинг янги босқичи бўлди. (М. Хайруллаев). Бу даври маданий тараққиётида араб халифалигига бўйсунган мамлакатларнинг хўжалик иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ва бунинг оқибатида турли маданиятлар Хинд,**

Ўрта Осиё, Эрон, Араб, Юнон, Рим маданиятларининг яқиндан ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир этиб бориши катта роль ўйнайди.

Бу даврда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиганер майдонлари кенгайди, кўплаб суғориш иншоатлари тикланди ва янгилари қурилди, пахта, зиғир, каноп экилиб улар толасидан мато тўқилди. Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик саноат махсулотларининг ишлаб чиқарилиши савдонинг ривожланишига ер очда натижада яқин ва ўрта шарқ мамлакатларининг чет давлатлар: Испания, Хиндистон, Хитой, Византия билан савдо ишлари кўлами ортиб борди. Шарқ ва ғарбнинг ҳаётида янги давр бошланди. Бу жараённинг айниқса Оврупа учун аҳмияти беқиёс бўлди. Шарқ фақатгина Оврупа маданиятининг ривожига таъсир этибгина қолмай балки умуман Оврупалик одамнинг психологияси, тафаккури, ҳарактери, ҳаёт тарзини, тарихий жараёнини тубдан ўзгартириб юборди ва математика, фалсафа, астрономия, тиббиёт, хулқ-одоб, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга юқори даражада таъсир этди.

X асрдан бошлаб Моворауннахр ва Хуросонда мустақил феадал давлатлар Тохирийлар, Самонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хорозмшохлар давлатларининг пайдо бўлиши ҳам маданий ҳаётнинг янада равнақ топишига олиб келди. Бу даврда пул муомаласи ривожланди. Жамият сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар албатта маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирин ўтказди.

Самонийлар давлатида Марв, Бухоро, Самарқанд ва Урганч ўша даврнинг маданий марказларидан саналади. Бу даврда араб тили илмий ва алоқа эди. Мактабларда дарслар араб тилида олиб борилар эди. Расмий ҳужжатлар, шеърият қоидалари араб тилида юритилар эди. Илмий асарлар ҳам араб тилида ёзганлар эди. X аср ўрталарига келиб, форс-тожик тилида ҳам иш юритила бошлади, аммо ёзиладиган ҳужжатлар, ишлар форс-тожик тилида бўлса ҳам араб имлосида ёзилар эди. Ўша даврда Бухорода катта китоб бозори бўлган, китоб дўконларида олим ва фозил кишилар учрашиб, илмий бахс, мунозаралар ўтказганлар.

Шарқ уйғониш даврида илм-фан ривожланиши уч йўналишда бўлади.

Биринчи **йўналиш, математика, тиббиёт йўналиши бўлиб, Буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минерология, тиббиёт, фармокология ва бошқа фанлар киритилиб, Маҳаммад, Ахмад Фарғонийлар математикага оид Ибн Сино тиббиёт ва фалсафа, Абу Райхон Беруний тиббиётга оид йирик асарлар яратдилар.**

Иккинчи **йўналиш ижтимоий-фалсафий йўналиш бўлиб, бунда фалсафа, тарих, мантиқ, фикх, руҳшунослик, нотиқлик ва бошқа фанлар бўлиб, бу соҳада Фаробий, Ибн Сино, Муҳаммад Наршахий ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.**

Учинчи **йўналиш-таълимий-аҳлоқий йўналиш бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки ахлоқий асарларида баён этсалар адиб ва тарбияшунос олимлар таълимий-дидактик асарларида ифодаганлар.**

Шарқ уйғониш даврида инсон муаммоси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган, яратилган асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг аҳлоқий-руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган. Инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак аҳлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва хислатларни таркиб топтиришга олиб келучи таълим-тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган. Зеро, инсоний ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодалангани учун ҳам шарқ уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълим-аҳлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг, буюк мўтаФаккирларнинг, ҳам тарихчи, шоир ва адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлади. Таълим-ахлоқий рисолалар пайдо бўлиб, ахлоқнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари таҳлил этилди. «Фозил дамлар шахри», «Бахт саодатга эришув ҳақида», «Аҳлоқ ҳақида рисола», «Ишқ рисоласи», «Қўтадғу билиг», «Хиббатул хаққойиқ», «Қобуснома», «Гулистон», «Бўстон», «Махбуб ул-кулуб» каби

**Фаробий, Ибн Сино, Юсуф хос хожиб, Ахмад Юганкий, Тусий, Давоний, Кашифий, қайковус, Жомий, Алишер Навоийларнинг таълим-ахлоқий асарлари инсон шахсини маънавий-ахлоқий муаммосини ҳал этишда соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга.**

**Шарқ уйғониш даври таълимий-дидатик асарларида инсон шахсининг камол топиши йўллари, усуллари баён этилди. Бу давр педагогикасида касб хунар ўрганиш илм ўрганиш билан баб-баробар талаб этилди. Инсонни камолотга ёзувчи ахлоқий хислатлар сифатида дўстлик, садоқат ва вафо, севги ва муҳаббат, ватанпарварлик, самиймийлик, саховат, муровват, эркинлик, иродалилик, жасурлик Қабилар илгари сурилади. Салбий хислатлар сифатида рашк, риёкорлик, худбинлик, очкўзлик, хирс, сотқинлик Қабилар қораланади.**

Назорат топшириғи:

**1. Тест. «Байтул хикмат» (Донишмандлик уйи) қайси даврда ким томондан ва қаерда ташкил топган?**

**А) Арабистонда (770-846) йийилларда Халифа Хорун томонидан;**

**Б) Халиф Хорун ар-Рашид (786-853) ва унинг ўғли Маъмун даврида Боғдодда ташкил этилди;**

**В) Иккала жавоб ҳам тўғри;**

**2. Тест. Шарқ «Уйғониш даври»да илм-фан неча йўналишда ривожланди ва қайсилари.**

**А) Икки йўналишда 1. математика-тиббиёт йўналиши, 2. таълим-ахлоқий йўналиш**

**Б) Бир йўналишда 1. Ижтимоий фалсафий йўналиш. 2. математика-тиббиёт йўналиши.**

**В) Уч йўналишда 1. Ижтимоий фалсафий йўналиш 2. таълим-ахлоқий йўналиш**

**3. Шарқ «Уйғониш даври»да таълим-тарбиянинг мазмунини ўрганиб моҳиятини аниқланг. (фойдаланиш);**

**4. Шарқ «Уйғониш давр»даги таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифаифаларини асосланг (баҳолаш);**

**5. Шарқ «Уйғониш даври»да таълим-тарбия ҳозирги мустақиллик давр таълим-тарбияга узвийбоғлиқлигини тақослаб кўринг (баҳолаш);**

2-асосий савол; Абу Насир Фаробийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссаси

Мақсад: **Фаробийнинг педагогика тараққиётигаа қўшган хиссаси моҳиятини талабаларга тушунтиринг. Унинг таълим-тарбия фикрларини тўғри талқин этади. МўтаФаккирларнинг инсон камолоти ҳақидаги фикрлари ўрганиб қўшимчаҳосил қилишга ўргатади.**

Индентив ўқув мақсадлар (вазифаифалари):

**1. Абу Насир Фаробийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссасининг моҳиятини тушунтириб беришради.**

**2. Унинг таълим-тарбиявий фикрларини изоҳлаб беришради.**

**3. МўтаФаккирнинг инсон камолотига оид фикрларининг аҳамиятини шархлаб беришради.**

2. Асосий савол баёни:

**Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мўтаФаққир Абу Насир Фаробий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимот таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машхур юнон файласуфи Арастудан кейин Шаркда ўз билими, фикр доирасини кенглиги билан ном чиқарган Фаробийнинг йирик мўтаФаққир-«Муаллими соний» - «Иккинчи муаллим» деб атайдилар.**

**Фаробий таълим-тарбияга бағишланган асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор беришриш зарурлиги таълим-тарбия усуллари ва услублари хакида фикр юритади. «Фозил одамлар шахри», «Бахт гаодатга эришув тўғрисида", "Ихсо-ал-улум", "Илмларнинг келиб чиқиши", Ақл маънолари тўғрисда" каби асарларида ижтимоий тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.**

**Форбий "Бахт саодатга эришув тўғрисида" асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этган. Унинг таъкидлашича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу-олам асослари ҳақида илмдир. Уни ўргангач, табиий илмларни, табий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Удан сўнг, умуман, жонли табиат-ўсимлик ва хайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади, дейди.**

Форобий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига мухтож бўлади, деб ҳисоблайди.

Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаифаси " жамият талабларига жавоб беришра оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

Форобий таълим ва тарбияга биринчи марта таъриф беришрган олим саналади. Таълим-деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий. Билим беришриш; Тарбия-назарий фазилатни, маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, дейди олим.

Абу Наср Форобий яна айтади: «Таълим-деган сўз ҳалқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу ҳалқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб хунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир».

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса, амалий иш тажриба билан, яъни шу ҳалқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-хунарга берилган бўлиши, ўрганишдир", -дейди.

Форобий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сўрган. Ҳар иккала усул ҳам пировардида инсонни ҳар томонлама камолга етказиш мақсадини кўзлайди.

Хулоса қилиб айтганда Форобий педагогик таълимотининг асосида комил топган инсонни, шакллантириш инсоннинг ўз моҳияти билан ижтимоийлиги, яъни фақат жамиятда, ўзаро муносабатлар жараёнида комиллика эришади, деган фалсафий қараши ётади.

**Инсоннинг камолга етишида ҳам ақлий, аҳлоқий тарбиянинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамият касб этади. Бунда Форобий тавсия этган таълим ва тарбия у судлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан диққатга сазовордир. Назорат топиш ихтиро Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаифаси нимадан иборат.**

Таълим-тарбиянинг асоий вазифаси инсонни камолотга ёлғиз эришишдан иборат деб билади. б) Таълим-тарбиянинг асосий вазифа оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади.

1. Тест. Абу Наср Форобийнинг фикрига инсонда гўзал фазилат қандайҳосил хилишини аниқланг. (фойдаланиш)

а) Форобий инсонда гўзал фазилатлар икки йўл таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади ҳар иккаласи бирлашса, етуклик номоён бўлади деб ҳисоблайди.

б) Форобий инсонда гўзал фазилатлар фақат таълим йўли билан ҳосил қилинади деб ҳисоблайди.

в) Форобийнинг фикрича инсонда гўзал фазилатлар фақат тарбия йўли билан ҳосил қилинади.

3. Абу Наср Форобийнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссасини моҳиятини изоҳланг. (тушунтириш)

4. Абу Наср Форобийнинг педагогик фикрларини ҳозирги замон педагогикаси узвийбоғлиқ томонини таққосланг.

3-АСОСИЙ САВОЛ

Абу Райҳон Берунийнинг педагогик фикрлари.

Мақсад. Абу Райҳон Берунийнинг педагогик фикрларини моҳиятини талабаларга тушунтирилади. Унинг асарларининг тарбия аҳамиятини талабалар ўрганиб ўзларида кўникма ҳосил қилишга ўргатади.

Идентив ўқув мақсадлари (вазифалар).

1. Абу Райхон Берунийнинг таълим-тарбияга оид фикрларини тушунтириб беради.
2. Мутафакирнинг таълим тарбияга қўшган хиссаларини изоҳлаб беради.
3. Берунийнинг таълим-тарбияга оид қарашларининг ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсирини асослаб беради.

3-асосий саволлар баёни

Қомусий олим Абу Райхон Муҳаммад ибн Ахмад ал-Беруний X асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг бошларида, ғоят мураккаб тарихий даврда яшади ва ижод этди. Абу Райхон Беруний 362 йил 3 зулхижжада (милодий 973 йил 4 сентябрь) Хоразмнинг Қиёт шаҳрида дунёга келди. Берун - бирун сўзи "ташқари", шаҳардан ташқарида деган маънони англатади.

Беруний хали жуда ёш олим бўлишига қарамай, Қиёт шахрида 994-995 йилларда астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган. Ўша даврда Хоразмда ва Каспий олди вилоятларида Қобус ибн --Вушмагир ёш олимга хайриҳоҳлик кўрсатади. Шамс ал Маоли" ("Оли мартабалар қуёши") лақаби билан машхур бўлган бу подшоҳга бағишлаб Беруний "қадимги ҳалқлардан қолган --ёдгорликлар" асасарини ёзади ва унга тақдим этади. Бу асар Беруний номини-- Яқин ва Ўрта Шарққа машхур қилди.1004 йилда Беруний Маъмун II ибн Маъмун томонидан Хоразмга чақириб олинади ва унинг яқин маслахатчиси бўлиб қолади . Маъмун даврида Урганчда "Маъмун академияси" номли илмий марказ ташкил этилади ва у ерда мусулмон шарқининг йирик олимлари фаолият кўрсатади.

Беруний бир неча йил ноёб металлар ва қимматбаҳо тошлар устида кузатишлар ва тажрибалар олиб боради ва кейинчалик ана шу тадқиқотлар асосида "Минералогия" асасарини яратади. Берунийнинг яна бир муҳим асари мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалардир. Бу асарда ҳам у бир неча фанлар юзасидан дастлабки тушунча, маълумотлар беришрган.

Маълумки, Махмуд Ғазнавий Хиндистонга қарши босқинчилик юришларини олиб борган. Ана юришларнинг бирида Беруний ҳам Ғазнавийга ҳамрох бўлиб борди. У санскрит (эски хинд тилини) билганлиги хинд ҳалқи маданияти, адабиёти ва санъати билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди ва бу меҳнатлари натижасида 1030 йилда ўзининг Шарқ ва Ғарбда кенг эътироф қилинган машхур "Хиндистон" асарини яратади. Китобнинг тўлиқ номи "Китобу фи тахкики молил Хинд маъкулатин макбўлатин фил Ақли ав марзулатин", яъни "Хиндларнинг сиғадиган сиғмайдиган таълимот асарини аниқлаш китоби" бўлиб, ўқишга қулай бўлишлиги учун қисқача "Таxкику мо-мил Хинд"- (“Хиндистонга оид тадкиқотлар" ёки "Хиндистон") деб юритилади.

Беруний астраномияга оид "ал - қонун ал - Масъудй" ("Масъуд қонуни”) номли йирик асарни шох Масъудга бағишлайди. Беруний яна "қимматбаҳо тошларни билиб

олиш бўйича маълумотлар тўплами" ("Минералогия"), "Доривор ўсимликлар ҳақида китоб" ("Китоб ас-саидона фи - т-тибб китоби асарларини ҳам ёзди. "Минералогия" шарқдагина эмас, Европада ҳам қимматбаҳо тошларни ишлаш усулларини ва улар билан савдо қилиш қонунларни ўрганиш. ер ости бойликларини текшириш ҳақида маълумот берса, "Саидона" номи билан машхур бўлган кейинги асарда Шарқдаги доривор ўсимликларнинг тавсифи баён қилинган. Мутафакир илгари --сурган аҳлоқий хислатлардан яна бири адолатдир. У жамиятда адолат ўрнатиш ,уни ёвузликлардан халос этиш учун доно, адолатли хукмдор бўлиш керак дейди. Беруний инсонни камолотга етказувчи хислатлардан яна бири олижаноблик деб кўрсатади. Олижанобликнинг мазмуни яхшилик ташкил этади. Бунда олим инсон сифатида муамола қилишни назарида тутади.

Энг муҳим мутафакир инсон камолотида меҳнат ва меҳнат тарбияси ҳақида муҳим фикрларни баён этади. Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги давр педагогикаси эътироф қилувчи ирсият, муҳим тарбиядир. Беруний инсон ҳар томонлама камолотга етиш учун у илмий билиши билан бирга меҳнатсевар ва хунар эгаси бўлиш керак дейди.' Юқоридагилардан кўриниб турибтии Беруний комил инсонни га оид бу фикрлари фақат замонаси учун эмас, ҳозирги давр таълим-тарбия ишлар такомиллаштиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, унинг ўзи ҳам хақикий комил инсонга хос хислатларга эга эканлигини, ҳаёти ва ижодий фаолияти, ёзган асарлари билан исботлаб, келажак авлодларга катта маънавий мерос қолдирди.

**Назорат топшириқлари:**

l.Тест. Берунийнинг Қайси асари ўша давр мактаблари учун бошланғич асосий фанлардан маълумот берувчи дарслик ҳисобланган. (билиш)

а) “Геодезия”

б) “Ҳиндистон.”

в) "Юлдузшуносликда бошланғич маълумотларни англаш

г). “Қонуний Маъсудий”

2. Тест. Беруний асарлари қандай принципларга асосланган. (тушунтириш)

а) Инсонпарварлик ва инсоншунослик.

б) Илмийлик, демократик.

в) Тизимийлилик, изчиллик.

г) Билиш ва тарбиянинг табиатга уйғунлик принципи.

3. Берунийнинг педагогик ғояларидан энг муҳими нимадан нборат.(фойдаланиш)

а) Билимни асослари эгалашдан.

б) Билимни пухта ва мустахкам эгаллашдан.

в) Ўқитишни табиатга уйғун бўлиши.

г) Тарбияни асосини эгаллашдан.

4. Берунийинг педагогик ғояларини ҳозирги давр ёшларининг таълим-збиясига узвий боғлиқлигини таққосланг. (баҳолаш)

4-асосий савол

**Абу Али Ибн Синонинг педагогик қарашлари.**

Мақсад: Абу Али Ибн Синонинг педагогик қарашларининг моҳиятини талабаларга тушунтирилади. Ибн Синонинг асарларини тарбиявий қирраларини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

Идентив ўқув мақсад (талабалар учупп ўқув вазифалари)» .

1. Абу Али Ибн Синонинг педагогика тараққиётига қўшган хиссасини моҳиятини тушунтириб беради».

2. Унинг педагогик қарашларини аниқлаб беради.

3. Унинг педагогик қарашларини ҳозирги даврдаги педагогик аҳамиятини шарҳлаб беради.

4- Асосий савол баёни

Шарқда "Шайх ар - Раис" номи билан машхур бўлган алломалардан бири ўрта аср буюк мутафаккири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино ҳам бошқа замондош Қомусий олимлар катори математика, астрономия, физика, «кимё, биология, тиббиёт, доришунослик, рухшунослик ,физиология, фалсафа, филология, таълим-тарбия сохаларида ижод этган ва дунёга машхур йирик асарлар мерос қолдирган олим.

Абу Али Ибн Сино 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона кишлогида кичик амалдор оиласида дунега келади. Кейинрок унинг оиласи Бухорога кўчиб ўтгач, у бошланғич мактабда ўқий бошлайди. Ундаги туғма қобилият, ўткир зехн, кучли хотира ўзаро бирикиб кетган эди. Ибн Синонинг отаси Абдуллох хамда унинг дустлари билимдон кишилар бўлиб, уларнинг илмий мунозара ўтадиган оилавий муҳим ёш Ибн Синога ҳам таъсир этади. Шу билан бирга унинг болалик ва усмирлик йиллари ўтган Бухоро шахри Сомонийлар даврининг йирик маданий маркази ҳисобланар эди. Бухорода кўплаб Мадраса, касалхона нодир китоблар сақланадиган кутубхона бўлган. Жахоннинг турли мамлакатталаридан келган олимларнинг мунозараларида ёш Ибн Сино ҳам катанашиб, турли фанларга билимларини чуқурлаштириб борган. У устозларидан хинд ҳисоби, фиқхдан биглим олган. Кейин эса файласуф Абу Абдуллох Нотилийдан фалсафа мантик, хандаса ва бошқа фанлардан таълим олади. Шундан сўнг Ибн Сино ўзи мустақил ҳолда барча фанлар билан шуғуллана бошлайди. У Айниқса тип илмини чуқур эгаллаб олади, бу сохада унга таълим беришган киши бухоролик Абу Мансур Камарий бўлди. Ибн Сино сўнгра фалсафани ўрганишга киришади. Айниқса, Арестотель фалсафасини, унинг “Метафизика" асари моҳиятини буюк мутафаккир Абу Нарс Форобийнинг ёзган шархи туфайли тўлиқ ўзлаштириб олади.

X аср охири - XI аср бошларига келиб, ўлкада сиёсий-ижтимоий вазият мураккаблашади. Шу туфайли Ибн Сино Хоразмга - Урганчга кўчиб ўтади. Хоразмда у бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райхон Беруний бошқараётган "Маъмун академиясида" илмий иш билан шуғуллана бошлайди. Хоразмда ўзининг йирик асари - "Тиб қонунлари" , "Аш-Шифо китоблари устида иш олиб боради.

Маълумки, Ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус рисолаларда талкин этган. Шунингдек, фанларни тасниф этади. Бунда у биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга , яъни назарий ва амалий гуруҳларга бўлади. .Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлик ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга йўлласа, амалий қисм бизга бу дунеда нима қилишимиз кераклигини ўргатади дейди.

У биринчи ўринга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дуне қонуниятларини ўрганувчи барча фанларни киритади.

Абу Али Ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган маърифатни эгаллашга давъат этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонуниятларини очиб авлодларга етказиши керак. Бу мақсадга етишиш учун инсон кийинчиликлардан кўркмаслиги зарур, дейди. "Эй биродарлар! “Одамларнинг ботири мушкулотдан кўркмайди. Камолотҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўркогидир".

Талабага билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир. Шунга кўра Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йуриклар беради. Булар қуйидагилардан иборат:

- болалар билан муомалада босик, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериши.
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
- фанга қизиктира олиши;

- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши;
- Ҳар бир сўзнинг болалар хиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур, дейди олим.

Ибн Синонинг тарбиявий қарашларида оила ва оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Чунки инсон аввало оилада камолотга етади. Олим оилада ота-онанинг вазифаси ва бурчига катта эътибор беради. Оила муносабатларига тўхталар экан, айниқса ота-оналарнинг оилада меҳнат севарлиги билан фарзандларини ҳам касб ва хунарга ўргатиши борасида муҳим фикрлар баён этади. Инсоннинг хулқи ва рухига меҳнатнинг ижобий таъсирини таъкидлаш билан бир қаторда турли касб эгалари хунарманд, дехқонлар меҳнатини улуғлайди ва қиморбоз, судхўр кабиларни қоралайди. У меҳнатсиз ҳаёт кечириш инсонга ҳам рухий томондан салбий таъсир этишини тўғри талқин этади.

Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ҳам ақлий, ҳам аҳлоқий-эстетик ҳамда жисмоний томондан ривожланиши унинг камолга етишининг асосий мезони сифатида талқин этилади.

Тарбия тизимига жисмоний тарбиянинг киритилиши эса Ибн Синонинг тарбия сохасидаги катта хизматларидан бўлиб ҳисобланади.

Ибн Сино инсон камолотида ақлий, аҳлоқий, жисомоний тарбиянинг ўзаро алоқада амалга оширишнинг илмий таълимотини, усулларини яратиб, таълим-тарбия сохасида ўз ўрнига эга бўлди.

Олимнинг буюк хизматларидан бири шундаки у инсоннинг меҳнати, қобилияти, ақл-заковатини улуғлайди, ундаги қудратга ишонади, инсон тафаккурининг тантана қилиши кераклигини тинмай тарғиб қилди.

Ибн Синонинг инсон камолотида таълим-тарбиянинг аҳамиятига оид қарашларини ижтимоий-фалсафий фикрлар таркибидагина эмас, балки мустақил рисолаларида аҳлоқий масалаларни чуқур илмий-амалий жиҳатдан ифодалаган , илм-фан сохасида тарбияшунос олим сифатида ҳам тадкик этиш, ўрганиш навбатдаги вазифалардан ҳисобланади.

**Назорат топшириқлари**.

1. Тест. Ибн Сино инсон камолотида қандай тарбияларнинг алоқада амалга оширишнинг илмий таълимотини , усулларини яратди. (билиш).

а) Ақлий, аҳлоқий, жисмоний.
б) Ақлий, аҳлоқий, эстетик.
в) Ақлий, аҳлоқий, иқтисодий.
г) Ақлий, аҳлоқий.

2. Тест. Ибн Сино инсон саломатлигини сақлашни фаолиятининг бошқа барча томонларини билан боғлаб олиб бориш ғоясини қайси асарида илгари суради. (билиш)

а) "Хай ибн Яхзон".
б) "Китоб ат - ишорат ва ат танбихон".
в) "Тиб қонунлари".
г) "Тадбири манзил".

3. Ибн Сино педагогик қарашларини моҳиятини изоҳланг.(тушунтириш)
4. Унинг педагогик ғояларини ҳозирги давр пелагогикасига узвий боғлиқлигини таққосланг.(баҳолаш)

**5-Асосий савол. Унсурул Маолий Кайковус ёшлар тарбияси ҳақида.**

**Мақсад.** Унсурул Маоли қайковуснинг таълим - тарбияга оид фикрларини моҳиятини талабаларга тушунтирилади, унинг асаридаги тарбиявий хусусиятларини ёшларда кўникма ҳосил қилишга ўргатади.

**Идентив ўқув мақсадлар (талабшшр учуш ўқув вазифашфаларш,)**

I. Унсурул Маолий Кайковуснинг асарини моҳиятини тушунтириб беради.
2. Унинг асасарини таълим - таълим тарбияга таъсирини белгилаб беради.

3. Унинг таълим-тарбияга оид қарашларининг ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсирини таккослаб беради.

**5-Асосий савол баёни**

Кайковус 412 хзижрий йилда (милодни 1021-1022) туғилган. Унинг авлодлари гилон қабиласидан бўлиб, Табаристонда (ҳозирги Каспий денгизининг жанубидаги худуд) яшаганлар.

Аммо биз қайковус ҳақида батафсил маълумотларга эга эмасмиз. Кайковус ўз ҳаёти давомида кўрган-билганлари асосида ўзининг буюк "Қобуснома" асасарини яратди. Китобни у ўғли Гилоншохга бағишлаган. Бу пайтда қайковус тахминан олтмиш ёшларда эди. "Қобуснома" Шарқда, хусусан Эроннинг ўзида ҳам сақланиб келаётган анъанага кўра панд-насихат тарзида ёзилган бўлиб, мана бир неча асрлардан бери ҳалқларни, жумладан ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда, уларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб келмокда.

"Қобуснома" мураккаб йўлни босиб ўтди. Шўро мафкураси даврида [асарнинг. инсонни ақлий, аҳлоқий тарбиялашдаги аҳамияти хоким синф ахлокини тарғиб қилиш деб баҳоланди. Қайковуснинг Ватан ҳақидаги, касб-хунарни улуғловчи, билимларни эгаллаш ҳақидаги фикрлари, диний қарашлари сиёсий нуктаи назаридан кораланади. Асарнинг қиммати фақат унинг адабий-бадий, тил хусусияти ва тарихий жиҳатларида деб таъкидланади."Қобуснома" асарига давр ва шарт-шароитлар, сиёсий қарашлар таъсирида қай даражада соя ташланмасин, бу асар машҳур хинд асари "Калила ва Димна", Низом ул-Мулкнинг "Сиёсатнома", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Юсуф Хос Хожибнинг "Кўтадгу билиг", Махмуд Қошғарийнинг "Девону лугатит турк" , "Саъдийнинг "Гулистон", Ахмад Югнакийнинг "Хибатул хақойик", Алишер Навойининг "Махбуб ул-кулуб", Воиз Кошифийнинг "Аҳлоқий мухсиний", Давонийнинг "Аҳлоқи Жалоли" каби аҳлоқий-таълимий асарлари билан бир каторда Шарқ педагогик фикр тараққиётида инсон камолотини шакллантиришда муҳим ўринни эгаллайди.

Унда Шарқ пандномаларидаги анъанага биноан ва X асрда пайдо бўлган ёшлар жамоаси жувонмардлик тарбияси ифодаланади.

Инсондаги бошқа барча хислатлар шу уч нарсага боғлиқ, дейди қайковус. Жувонмардлик (ёки иёрлик)нинг устунларини (рукнлари) қуйидагиларда деб кўрсатади: жасурлик, мардлик, сабр-матонат, ваъдага вафо қилмоқ, пок дил ва пок забон бўлмоқ; асирларга зиён етказмаслик, бечора кишиларга мадад бериб, ёмонларнинг ёмонлигини яхшилардан йироқ тутиш, ростгуйлик, яхшига ёмонлик килмаслик, зиён-захматдан сақлаш одамларга ҳам зиён захмат етказмаслик. Жувонмард сипохийлар эса сабр-бардош билан иш тутиши, камтарлик ва меҳмондўстлик, сахийлик, хақшунослик пок кийниш, яхши куролланиши зарурлигини қайд этади.

Шунингдек, мазкур бобда Кайковус ақл ҳақида ҳам фикр билдириб инсон қобилиятининг бир хил эмаслигини, инсон ақлининг туғма, азалий ақл (табий ақл) ва касбий ақл, яъни муктасиб (ўрганилган ақл кабиларига бўлинишини баён этади. Касбий ақлни дониш дерлар, дейди.

Кайковуснинг ўзи таъкидлаганидек, бутун бир асар ана шу охирги бобида таъриф берган жувонмардлар тарбиясига бағишланган. Қайковус унда "... барча фикр ва тушунчаларимни сенинг учун китобга ёздим ва ҳар бир илм, ҳам хунар ва ҳар пешаким билур эдим, ҳаммасини қирк тўрт бобда этдим", дейиш билан ҳар бир ёшнинг ақлий, аҳлоқий, жисмоний тарбиясига оид турмуш тажрибаси билан боғлаган ҳолда камолга етказиш йўллар усулларини баён этган. Китобда жувонмардлар эгаллаши зарур бу, қуйидаги йуналишларда таълим-тарбия беришриш назарда тутилган:

1. Кайковус билим олиш ҳақида.
2. Хунар ва турли касб эгалари ҳақида.
3. Турмуш ва хулқ-одоб қоидалари ҳақида.
4. Жисмоний етуклик ҳақида.

Кайковус билим ва ақлнинг аҳамиятини улуғлар экан, уни мол-дунё, ҳам юқори қўяди: "Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоқка саъй кўргузгилки, мол

била бой бўл-ондан, ақл била бой бўлгон яхширокир, нединиким ақл била мол жам этса бўлар, аммо мол  била ақл ўрганиб бўлмас. Билгил, ақл бир молдирки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас" - деб таърифлар экан, инсон адаби ҳам ақлнинг белгиси, (адаб-суратил ақл")   дея хулоса чиқаралди.

Кайковус жамият тараққиётида илм билан бирга касб-хунарнинг зурурлигини таъкидлайди: "Агар киши ҳар қанча олий насаб ва бой бўлсаю, аммо хунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур, насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг  куймишлар, сен унга гарра бўлмагил .   .   . Аммо сен хунар била бир номга эга бўлгил". Шунинг учун ҳам асарда турли касб эгалари улуғланади. Касб-хунар ўрганишни билим олиш билан қўшиб  олиб боришни тавсия этади.  Фанни  амалиёт билан узвий алоқада қарайди.  қайковуснинг бу қарашлари Ўша даврнинг илғор қарашларидан саналади.

қайковус "Қобуснома" асарида жисмоний тарбияга ҳам катта эътибор зган. Зеро, қайковус асасарини жувонмардлар тарбиясига бағишлар экан, арнинг энг аввало жимонан соғлом бўлиб камолга етишини алоҳида ўсидлайди.

қайковуснинг   "Қобуснома" асари XI асрда юзага келган йирик тарбиявий асардир. Бунда ўша даврга хос ҳар бир ёш эгаллаши зарур бўлган ақлий, аҳлоқий, жисмоний тарбия билан боғлиқ фаолият турлари:  отда юриш, мерганлик, сувда сўзиш, ҳарбий машқлар санъати, ифодали ўқиш, ҳатотлик санъати, шеър ёза олиш, мусиқий билимга эга бўлиш, шатранж ва нард уйинини билиш кабилар ҳам ўз ифодасини топган.

Кайковуснинг катта хизмати шундаки, у ёшларни ҳаётга тайёрлашда хар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолиятга татбиқи нуктаи назаридан ифодалаши билан ҳамма замонларда, хар қандай тузумда хам ўз қимматини йуқотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Назорат топшириқлари.

1. Тест. Кайковуснинг "Қобуснома" асари қандай мазмунга эга.

а) Панд - насихат тарзида ёзилган бўлиб, ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда, уларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб келмокда.

б) Асар иқтисодий. билимлардан иборат бўлиб , ёшларни демократик ҳуқуқий давлатга таёрлашдан иборатдир.

*в) Асарда ақлий-аҳлоқий,   жисмоний тарбияга эътибор берилган бўлиб, ёшларни комилликка тайёрлашдан иборат. (билиш)

2. Кайковуснинг  таълим-тарбияга оид фикрларини моҳиятини тушунтириб беринг. (тушунтириш).

'3. Қайковуснинг ёшлар тарбиясига оид фикрларини ҳозирги давр таълим-тарбиясига узвий боғлиқлигини таққослаб кўринг.(баҳолаш)

6-асосий савол. Юсуф Хос Хожиб ёш авлодга таълим-тарбия бериш
туғрисидаги қарашлари.

Мақсад:Юсуф Хос Хожибнинг педагогика тараққиётига қўшган хиссасини моҳиятини талабаларга тушунтирилади.Унинг таълимий-тарбиявий фикрларини тўғри талқин этилади. Мутафаккир асарида инсон камолотига оид фикрларни ўргатиб талабаларда кўникма ҳосил қилишга ўргатади.

Индентив укув  мақсадлари (талабалар учун ўкув вазифалари).

1. Юсуф Хос Хожибнинг асарида ёшларга таълим-тарбия бериш  хақидаги қарашларини моҳиятини тушунтириб беришради.

2.Унинг педагогик қарашларини ҳозирги давр таълим-тарбиясига таъсирини белгилаб беришради.

3. Юсуф Хос Хожибнинг асаридаги таълим тарбияга оид қарашларининг ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсиринг таққослаб беради.

6-асосий савол баёни

Юсуф Хос Хожиб Боласогунда туғилган, ўз асарини ёши элликдан ўтганда ёзган. Асарнинг хижрий 462 (1069 - 1070) ёзиб тугалланганлиги, уни ўн саккиз ойда, яъни 461

йилнинг биринчи ярмида бошлаб , 462 йилнинг ўрталарида тугатганлиги, агар бу даврда Юсуф Хос Хожиб 50 ёшлар атрофида бўлса, 410 (1019 милодий) йилларда туғилганлиги тахмин этилади. Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг" асари 6500 байтдан ёки 13000 мисрадан иборат. Буюк мутафаккир асарни ёзиб тугатгач, корахонийлар хукмдори Тавгачхон (китобда Тавгоч Улуг Бугра Корахон (Хокон), Або Али Хасан бинни Сулаймон Арслон Корахон (хокон) номлари билан зикр этилган хузурига келиб, унга тақдим этади. Китоб хонга манзур бўлиб, унинг муаллифига Хос Хожиблик унвонини беради. "Кўтадгу билиг" асари катта шухрат козонади. Шунинг учун ҳам "Кўтадгу билиг" ни чинликлар (Хитой) "Адаб ул - мулук" ("Хукмдорлар одоби"), мочинликлар (Шарқий Туркистон) "Анис ул-малолик" ("Мамлакаттанинг тартиб усули"), эронликлар.; "Шохномаи туркий", Шарқ элида "Зийнат ул-умаро", ("Амирлар зийнати"),; туронликлар "Кўтадгу билиг" баъзилар эса "Пандномаи мулук" ("Хукмдорлар насихатномаси") деб атагани китоб мукаддимасига киритирилади. Мазкур асарнинг шухрат топиши бежиз эмас эди. Чунки Юсуф; Хос Хожиб ўз даврининг етук мутафаккири, чукур билимли, донишманд кишиси эди. Буни асарнинг мундарижаси ва мазмунидан ҳам билсак бўлади. У ўз асарида тиббиёт, фалакиёт, тарих, тиббиёт, география, риёзиёт, хандаса, фалсафа, адабиёт, таълим-тарбия, фикхга оид фикраларни баён этиб, файласуф ва Қомусий олим сифатида ўзини номоён этди. Чунончи у барча ижтимоий табақалар ўртасидаги муомала, муносабатларни ёритиш Билан дипломатияга оид қоидалар тизимини яратди, турли касб эгаларининг касб-корига оид талаблар ва жамиятнинг аҳлоқий тамойилларини тараннум этиш билан таълим-тарбия сохасида ўзига хос услубни яратди. "Кўтадгу билиг" - бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим Дега маънони билдиради. Демак, асар номидан ҳам унинг панд-насихатлар, таълим-тарбияга оид, Ҳар томонлама комил инсонни тарбиялайдиган етук дидактик асар эканлиги яққол кўриниб турибди.

"Кўтадгу билиг"нинг тадқиқотчиларидан бири Б.Тўхлиев таъкидлаганидек, Юсуф Хос Хожиб "Комил инсон ҳақида гапирар экан, камолотнинг катор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алохида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чикиб, Бошкалар ғами билан яшаши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишдир".Ҳозиргача "Кўтадгу билиг" нинг Хирот, Кохира, Наманган нусхалари маълум бўлиб, Венага келтирилган Хирот нусхасини Херман Вамбери нашр қилди ва таржимасини берди.1890 йилда В.В.Радлов Вена нусхасининг Факсимилесини, 1891 йилда шу Факсимиле асосидаги матнини нашр қилдиради.1896 йилда Кохира нусхаси топилгандан сўнг, ундан кўчирма олгач, В.Радлов ҳар икки нусхани қиёслаб 1910 йилда рус графикасига асосланган тўлиқ транскрипциясини немис тилига таржимаси билан нашр эттирди. 1913 йилда эса унинг учинчи нусхаси Наманганда топилиб, кейинчалик олимлар бу асарни тадкик этишга киришдилар.

Демак, Юсуф Хос Хожибнинг "Кўтадгу билиг" асасарини илмий жиҳатдан ўрганишга жуда кўп олимлар ҳисса қўшган. В.В.Радлов, Х.Вамбери, С.Е.Маловлар уни таржима этиб, нашр қилган бўлсалар В.В.Бартолбд, Э.Беришртельс, И.В. Стеблева, О.А. Валитовалар Ҳар томонлама тадқиқ этдилар. Асарнинг мукаммал нашрини тайёрлашда ҳамда уни тадқиқ этишда ўзбек олимларининг хизмати, айниқса диққатга сазовор.

Биринчи бўлиб профессор Фитрат 1924 йилда Наманган нусхасини олиб кутубхонага келтиради ва у хақда мақола эълон қилади. "Кўтадгу билиг"нинг мукаммал нашри ўзбек олими К. Каримов томонидан амалга оширилди ва тадқиқ этилди. Уни таҳлил этишда С.М.Мўталлибоев, Н.М. Маллаевларнинг ҳам хизмати катта Юсуф Хос Хожиб Х асрнинг ташкил топган Корахонийлар хукмронлиги даврида яшаб ижод этди. Корахонийлар Сирдарёдан Еттисувгача, Шимоли Фаргона ва бутун Шарқий Туркистонда хукмронлигини ўрнатгандан сўнг Мовароуннахрнинг ички худудларига ҳам кириб бориб, Кошгардан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонда ўз давлатини таркиб топтирган эди. Унинг маркази Кошгар (Урдукент) бўлиб, шимолда Боласогун (Кўзурду), Ғарбда Самарканд, марказидаги Узганд йирик шаҳарлардан

ҳисобланарди. Ҳар бир давлатда бўлганидек Корахонийлар давлатининг ҳам идора қилиш усули, юргизадиган сиёсати, қонунлари, тарбия тамойиллари ифодаланган комус низомнома зарур эди.

"Кўтадгу билиг" асари ҳам шундай зурурият туфайли яратилди. Бу асарда корахонийлар давлатини мустахкамлаш, унинг идора усулларини яратиш ,барча табақа, тоифадаги кишиларнинг хулқ-атвори, жамиятда тутган ўрни, давлатни иқтисодий,ижтимоий, маданий жихтдан мустахкамлаш, давлат мустахкамлигининг бош таянчи - инсонни маънавий камолга етказиш масалалари камраб олинади."Кўтадгу билиг"даги бош ғоя - инсонни ҳаётда бахт-саодатга элтувчи асосий қарашлари тўрт рамзий қаҳрамон кунтугди Элиг подшо, адолат тимсоли, Ойтулди - вазир, давлат тимсоли, Угдилмиш - вазир, ақл тимсоли, Ўзгурмиш - вазирнинг кариндоши, қаноат тимсолининг ҳаёти ва давлатни бошқариши жараёнидаги хатти - ҳаракатталари ва фикрлари орқали берилганки, булар инсон камолотининг муҳим мезонлари саналади.

Юқорида эслатганимиздек, Юсуф Хос Хожибнинг асарида инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади.Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурч ва вазифаифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос бир тарзда баён этилади.

Мутафаккир китобнинг анъанавий бошланмасидан кейинрок инсоннинг хақикий бахти билимда эканлигини баён этади. Яна илм-заковатнинг аҳамияти ҳақида катор бобларда ҳам фикр юритиши билан бирга унга алоҳида боблар ҳам бағишланган. Лекин олим фақат илм-маърифатнинг аҳамиятини кўрсатибгина қолмайди, у билим ва заковатнинг амалиётдаги ўрнини ҳам ёритади.Юсуф Хос Хожибнинг биз таҳлил этган мазкур асари инсонни Ҳар томонлама камолга етказишнинг барча масалалари ўзининг бадиий ифодасини топган йирик таълимий - аҳлоқий достондир. Олим инсонни камолга етиши учун қуйидагиларни назарда тутади:

1. Ақлий камолот - билим ва заковат, ўқувга эга бўлиш.
2. Аҳлоқий камолот.
3. Жисмоний камолот.

Юсуф Хос Хожиб инсоннинг, камолга етишининг йўл-йуриклари, усуллари, чора-тадбирларини юксак бадиий маҳорат билан ёритиб беради. унинг учун ҳам бу асар ўзининг илмий , маърифий, тарбиявий аҳамиятини шу пайтгача сақлаб келмокда.

**Назорат топшириқлари.**

1. Тест. Юсуф Хос Хожибнинг "Кўтадгу билиг" асари қандай асар ва нима маънони англатади.(билиш)

а) Бахт ва саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони аглатади. Панд, насихат, таълим, тарбияга оид, ҳар томонлама комил инсон тарбиясига оид дидактик асардир.

б) Хукмдорлар насихатномаси: деган маънони англатади. Тарихий дидактик, муаллифнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумот беради.

в) Иккаласи ҳам тўғри.

2. Тест. Юсуф Хос Хожиб инсонни камолга етиши учун нималарни назарда тутади.(тушунтириш)

а) Ақлий камолот, илмий, аҳлоқий.

б) Илмий камолот, аҳлоқий, жисмоний

в) Ақлий Аҳлоқий, Жисмоний.

г) а, в катордаги жавоб тўғри.

3. Тест. Юсуф Хос Хожиб асаридаги ёшлар таълим-тарбия бериш моҳиятини тушунтиринг (тушунтириш).

4. Юсуф Хос Хожиб асарларининг ўзига хос томонларини миллий тарбияга узвий боғлиқлигини таққослаб кўринг.(баҳолаш)

**Адабиётлар рўйхати:**

1 И. Каримов “Ўзбекистон ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” Т, “Ўзбекистон”

1995 й.
2. К. Ҳошимов ва бошқалар "Педагогика тарихи" Т., "Ўқитувчи" 1996 й.
3. М. Хайруллаев. "Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири" Т. "Ўзбекистон" 1971 й.
4. Беруний. "Танланган асарлар" 2,3,4, жилд. Т., 1965, 1966, 1975 йиллар.
5. Ирисов А. "Беруний ҳикматлари" Т., 1973 й.
6. М. Харуллаев "Ўзбекистон педагогикаси антологияси" 1 жилд. Т., 1995 й.
7. Раҳимов С. "Абу Али Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида" Т., 1967 й.
8. Кайковус "Қобуснома" Т., "Ўқитувчи" 1986 й.
9. Каримов К. Илк бадиий достон. Т., "Фан" 1976 й.

**Мавзу: XIV-XVI асрларда маветаб ва педагогнк қарашларнинг ривожи.**
**(2 соат маъруза)**

**Асосий саволлар.**

1. 14-16 асрда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикр тараққиёти.
2. Сохибқирон Амир Темурнинг таълим тарбияга оид фикрлари.
3. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогик қарашлари.
4. Алишер Навоий асарларида ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари
5. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг педагогик фикрлари
6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамияти.

**Таянч иборалар.**

Феодал муносабатлар, ижтимоий маҳорат, илм-маърифат, тиббиёт илми, юнон-ром маданияти, «Бобурнома», "Ҳамса", хаттотлик, миниатюра, санъат, архитектура, географик-библиографик луғат,аниқ фанлар, Ҳарбий санъат, умумбашарий қадриятлар.

**1-асосий савол. 14-16 асрларда Мавораунnaҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти.**

**Мақсад:** 14-16 асрларда Мавораунnaҳрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётнинг моҳиятини талабаларга тушунтирилади ва мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотилади.

**Идентив ўқув мақсадлар (талабалар учун ўқув вазифалари).**

1. 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг моҳиятини тушунтириб беради.
2. 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг моҳиятини изоҳлаб беради.
3. 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг бошқа тараққиётлардан ажратиб беради.
4. 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиётининг моҳиятини асослаб беради.

**Асосий савол баёни**

14 асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахрнинг феодал тарқоқлигига барҳам берилди, мамлакатта муғул босқинчларидан тозаланди.14 асрнинг охири ва 15 асрда Марказий Осиё феодал муносабатлар янада ривож топа бошлади. Сохибкирон Темур ва дастлабки темурийлар хукмронлик килган давр Мавороуннахр тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Марказлашган буюк Темур давлатининг барпо этилиши билан Мовароуннахр янада фан ва маданият, маориф, қайтадан равнақ топа бошлади. Темур ва унинг издошлари, темурийлар даврида фан ва маданият ривожланди. Айниқса Самаркад ва Хирот

шаҳарлари маданият,илм-маърифат марказига айланди. Шохизинда, Гурамир мақбараси, Бибихоним жоме масжиди Регистон майдони ва шу сингари, кўплаб Мадраса ва масжидларнинг меъморчилик намуналари бунёд этилди.

Улугбек замонига келиб эса математика, астрономия, каби фанлар айниқса ривож топди. Тиббиёт , тарих, адабиёт ва шулар билан баробар диний билимларнинг ҳам равнақ топишига катта эътибор берилди. Олий мактаб-мадрасалар кўрилди. Бухоро,Самарканд ва Ғиждувонда кўрилган уч Мадраса фан тараққиётида илмий марказ бўлиб келди.

Бухородаги Мадраса пештоқига битилган қуйидаги ёзувлар ҳалигача яққол кўзга ташланади: «Илм олмоққа интилмоқ. Ҳар бир муслим ва муслима учун карзу фарздир"

Шулар 14 асрнинг иккинчи ярими ва 15 аср Марказий Осие тарихида уйгониш даври бўлиб тарихга кирган деб олишимизга асос бўла олади.
Бу даврда ўзбек адабиётида анча силжиш рўй берди. Улуғбек олимларга хомийлик қилиб, фан аҳлини раҳбатлантирди, унинг ўзи, айниқса, астрономия, математика фанлари бўйича муҳим ишларни амалга оширди. Самаркандда Румий,маъсуди, Мансур коший, Муҳаммад Биржонди ва бошқалар ижод этдилар. Хиротда эса Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, улуғ рассом Бехзод тарихшунос -Хондамир ва бошқалар ижодиёт чўққиларига кўтарилдилар

Улугбекнинг шогирди Муҳаммад Қушчи Самаркандий Ўша даврда Мовароуннахрнинг маданий ва илмий ҳаётида катта роль ўйнади. Астрономия тўғрисида «Рисолаи дар фалакиет» деган китоб ёзган Али Қушчини ўз даврининг Птолемейи деб аташарди. Унинг мазкур асарида геометрик билимларнинг асослари баён қилинди, нукта,чизик юза,айлана ва шу каби тушунчалар тўла таърифлаб беришрилди. Тиббиёт фанлари ва шунинг сингарилар соҳасида бошланғич билимлар баён қилинди. Бу асарда ҳамма нарса оддий ва мураккаб нарсаларга бўлиниб таърифланди.

Султон Хусайн Бойкаро даврида олимлар ва шоирлар Самарканддан Хиротга кўчиб ўтдилар. Хирот илмий-маданий марказга айлантирилди. Алишер Навоий Хиротда фан, маданият, маърифат ишларини йўлга қўйишда,у ерларни ободонлаштиришда катта хизматлар қилди. Захриддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида Хирот тўғрисида ёзар экан бутун дунёда бундай обод шаҳарни кўрмаганлигини айтади.

Хиротда масжид ва мадрасаларнинг муаззам биноларини,ижтимоий фойда иншоотлар: ҳаммомлар, шифохоналар, ховўзлар, бог-роглар кўприклар карвон йўлларидаги работлар ва бошқа архитектура иншоотларини кўришга Алишер-Навоий ташаббускор бўлди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий тил-адабиёт, мусиқа, тарих, фалсафа, астрономия, тарбия назарияси сохасида жуда кўп илмий асарлар яратди. У фан ва маорифни биринчи даражадаги мухим иш деб хисоблаб, уларни ривожлантириш учун тинмай кўрашди.

Алишер Навоий даврида китобларни безаш санъати, аввало, хатотлик ва миниатюра юксак даражага етди. Хиротда хашаматли архитектура иншоотлар яратилди. Илмий мунозаралар ўтказиш кенг йўлга қўйилди.

Бу даврда Мовароуннахрда ҳам санъат, архитектура, бинёдкорлик техникаси анча равнақ топди. Мусика, тасвирий санъат, архитектура, маданят адабиет, таълим-тарбияга оид катор асарлар яратилди. Тарихий ва адабий ёдгорлик бўлган «Бобурнома» асари ҳам ўша даврда яратилган асарлар орасида ўзига хос аҳамият касб этди. Амин Ахмад Розий «Хафт иклим» (етти иклим) деган географик библиографик луғат тузди.

16 асрда хаттотлик санъати юксак даражага етди. Султон Али Мирали Халавий ва бошқалар устоз хатгот номини қозондилар. Муҳаммад Бухорий хаттотлик санъатининг назарияси тўғрисида асар яратди.

Бу даврда бир қатор илм масканлари бунёд этилди. Жумладан Шайбонийхон мадрасаси, Абдурахм Садр мадрасаси, Мирараб мадрасаси, масжиди калон ва бошқа иншоотларнинг қурилиши таълим-тарбия жараёнида муҳим босқич бўлди.

Аҳолининг саводхонлигини ошириш, болаларга таълим тарбия бериш борасида ҳам маълум даражада имкониятлар яратилди. Хусусий мактаблар юзага келди, муаллим минглаб болаларни уйда ўқитиш тадбирлари одат тусига кирди.

Шаҳар ва қишлоқларда,овулларда очилган мактабларда болаларни ўқитиш 6 ёшдан бошланди. Олти ешли болалар мактабга бориб, алифбени ўрганар, унинг айрим ҳарфларини чизишни машк килар эдилар. Ўқувчилар мактабларда савод чиқарганларидан кейин мадрасага кириб ҳам диний ҳам дуневий фанлардан билим олар эдилар.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, 14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим-тарбия ва педагогик фикрлар анча юксак тараққиёт босқичига кўтарилди деб ҳисоблаш мумкин

**Назоратр топшириқлари**

1. Тест. 14-16 асрда Мовароуннахрда нима сабабдан фан ва маданият, маориф қайтадан равнақ топди.? (билиш).
а). Амир Темур давлатининг барпо этилиши.
б) Араб давлатининг хукмронлиги.
в). Мўғил истилочиларининг хукмронлиги.
2. Тест.Қайси шаҳарлардаги Олий мактаб-мадрасалар фан тараққиётида илмий марказ бўлди.? (тушунтириш)
а). Тошкент, Самарканд, Бухоро.
б).Бухоро, Самарканд, Гиждувон.
в) Қўқон,Самарканд, Бухоро.
1.14-16 асрларда Мовароуннахрда таълим тарбия ва педагогик фикр эаккиетининг моҳиятини изоҳланг (тушунтириш).
А). Тошкент, Самарқанд, Бухоро.
Б). Бухоро, Самарқанд, Ғиждувон.
В). Қўқон, Самарқанд, Бухоро.
3. 4-16 асрларда Мовароуннахрда таълим тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини изоҳланг.
4. 4-16 асрларда Мовароуннахрда таълим тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳиятини таҳлил қилинг. (анализ).
5. 4-16 асрларда Мовароуннахрда таълим тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳмятини ҳозирги давр таълим –тарбия ва педагогик фикр тараққиётининг моҳияти билан таққослаб кўринг. (баҳолаш).

2-асосий савол. Амур Темурнинг таълим-тарбия ва педагогика тараққиётига қўшган ҳиссаси.

Мақсад: Амур Темурнинг таълим тарбия ва педагогикага оид фикрларини моҳиятини талабаларга тушунтирилади ва талабаларда уларни ўрганишга қизиқиш уйготилади.

Идентив ўқув маяқсадлар (талабалар учун ўқув вазифалари)
1 .А.Темурнинг таълим тарбия ва педагогика тараққиётига оид фикрларини моҳиятини айтиб беради.
2.А.Темурнинг таълим тарбия ва педагогика тараққиётига оид фикрларини моҳиятини изоҳлаб беради.
3.А.Темурнинг таълим тарбия ва педагогика тараққиётига оид фикрларини моҳиятини таҳлил қилиб беради.
4.А.Темурнинг таълим тарбия ва педагогика тараққиётига оид фикрларини моҳиятини ҳозирги давр ёшларига мослигини асослаб беради..

Асосий савол баёни:

Темур шахси кўп йиллар давомида умуман тил теккизилмайдиган мавзу бўлиб келди . Агар унинг номини эсласалар ҳам киноя, камситиш ёки бошқа уйдирмаларни унга тиркаш билан чегараланар эдилар .

Темур шахси масаласи узоқ йиллар давомида ман қилинганлиги натижаси нафақат Темур тарихи,балки бутун марказий Осиёни 14-15 асрлардаги тарихи, маданияти, маорифий масалалари деярли ўрганилмай қолди.

Ўзбекистон қомусий олими Иброхим Муминов Амир Темур шахси, унинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида шўро ҳокимияти даврида дадил фикр айтганлиги учун ҳам тайикка учради.Бу алломанинг таъкидлашича, сохибқирон Амир Темур илм - фан, адабиёт ва санъат фидойиларини зўр кадрлар, хусусан риёзиёт, хандаса, меъморлик, жуғрофия, адабиёт, тарих, ахтаршунослик, тиббиёт, мусиқа, геология ва дин соҳасидаги соҳиби ҳунарлар билан суҳбатлашишни, бахслашишни, улардан фикр - маслаҳат сўрашни ўзи учун фазилат деб билган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Муҳаммад Тарағай Боҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард довюрак ғурурли ўткир зеҳн ва ақл идрок эгаси бўлиб ўсади. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Кўръони Каримни ёд олди, Хадис илмини ўрганди, иймон- эътиқодли, ҳалол пок инсон бўлиб етишди.

У ёшликдан бошлаб ўз олдига она юртини мўғил босқинчилардан озод қилиш мақсадини қўяди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар сохада юксакликка кўтариб, дунёга инсоф-иймон туйғуси диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини. ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-кудрат зўрлик, зўровонликда эмас, аксинча адолатда эканини теран англади».

Можор олими Херман Вамберининг «Мовароуннахр тарихи»да «Темурнинг уруғи барлос буган, аммо оила тамоғи курағон, яъни кўркам, тоза уруғдандир», дея изоҳ беради. Шу билан у Амир Темурнинг мўғил хонининг куёви деган тушунчаларга чек қўйди.

Амир Темурнинг болалиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ, лекин унинг ёшлигидан билимга чанқоқлигини айрим манбалардан билишимиз мумкин.Замондош тарихчиларнинг айтишларича, сохибқорон Темурнинг энг характерли хусуеиятлари-давлат, мамлакатта ва фуқаронинг ғамхўри бўлганлиги эди «Жахонгирлик кодаси эса Ҳақиқатта сихат-саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқатта-адолат деб тушунилган.

Амир Темур, одоб-аҳлоқ, иймон, эътикод, таълим тарбия соҳасида ўз юксакликка мукаммалликка эришган сиймодир. Бунга ишонч ҳосил қилиш унинг томонидан яратилган одоб-аҳлоққа оид дастурлар, ўгитлар, панд-насиҳатларни, шунингдек, Сохибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш кифоя. «Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» (Темурнинг бошидан кечирганлари») номи билан жаҳонга машҳур бўлтан асарларда ўз ифодасини топган.

Тарих фанлар доктори, профессор Ашраф Ахмад Темурнинг ўзи амал қилган қуйидаги сифатларни юксак баҳолайди.

1 .Жиддий ва одил бўлиш, бойни камбағалдан устун қўймаслик.

2 Исломга қатаъий риоя қилиш.

3.Хайри -эҳсон қилиш.

4.Бировга нохақ озор етказмаслик, раҳм шавқатли бўлиш.

5.Исломга таълукли бўлган ишларни ҳар доим кундалик ва дунё ишлардан устун қўйиш.

6.Барча сўзларида доим ҳақиқатгўйликка амал қилган .

7.Вадасига вафо қилиш.

8. Бировлар мулкига эга бўлишга интилмаслик.

9.Нопок ишлардан ўзини тийиш.

10.Инсофли бўлиш ва иймонликка чорлаш.

11 .Илмли кишиларни эъзозлаш.

"Бухоро тарихи» китобининг муллифи Наршахийнинг издоши-тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ёзилишича Амир Темурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат ва мамлакат фуқаросининг ғамхўри бўлганлигидир. Унинг қоидаси «Рости - дурусти» эди «Ҳақиқат-сихат –саломатлик, катта-тартиб, ҳақиқат-адолат демакдир».

Амир Темур ўзининг Аҳлок ва одобга оид ўгит-насихатларида: адолат ва адолатсизлик ҳақида, дўст ва душманлик ҳақида, сўз ва ширинсуҳанлилик ҳақида ўз фикрларини баён этган.

У жумладан шундай дейди «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим» «Белда камар ва тилда сано» яъни иш ва сўз бир бўлсин дейишни кўрдим «Дустлик синовда чиниқади» «дусту душман билан мурасаю мадора қилдим», «Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди» «Ақлли душман жохилу нодон дўстдан яхшироқдир». У ширин суханликга оид ўзининг фикрларини айтиб ўтади. Жумладан: «ширин сўз айтиб ғанимни имонга киритгин», «тил қиличдан ўткирдир», «Бир калима ширин сўз қилични қинга киритади» деб таъкидлади соҳибқирон.

Бу ўгитлар соҳибқироннинг ўз тажрибасида синалган. Амир Темурнинг панд - насиҳадлари подшолик мамлакатларни идора этиш ҳақидаги илмий хулосалар бўлиб жуда катта маърифий -тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Панд насиҳатлар Соҳибқироннинг кўп йиллик ва машаққатли ҳаётининг мевасидир, Булар мамлакатни бошқариш, кишиларни тарбиялаш, аҳлок-одобга ўргатишга оид педагогикадир. Соҳибқирон ўз панд-насиҳатларини унга Аллоҳ томонидан ҳадя этилган дейди.У Мовароуннахр давлатини ва Темурийлар сулоласини бошқаришнинг асосий қонунидир. Уларга амал қилиш Аллоҳга бўйсуниш ислом динига итоат этиш баланд мартабаларга эришишнинг асосидир. Улар Темур ва Темурийлар сулоласи давлатларида таълим-тарбия тизимини ҳам илмий назарий асосидир. «Амир Темур ўгитлари рисолада хаққний такидлаганидек Амир Темурнинг тарих олдидаги хиссаси бенихоя катта. Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл юртни ўз туги остига бирлапггира олди.

Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик хунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. иккинчидан, Амир Темур бир қатор ҳалқлар ва юртларга мустамлакач зулмидан озод бўлишда ёрдам беришрди. Масалан,Ўша даврнинг энг ку; подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдиримни тор-мор келтириб Усмов туркларнинг истебдодига тушиб қолган болкон ярим оролидаги халқлар мамлакатталарга озодлик бахшлайди. Олтин Урда хони Тўхтамишни икки марта тор-мор келтириб,Урусиянинг мўғиллар хукумронлигидан қутилишини қарииб 300 йилга тезлаштиради.

Учинчидан, Туркистон заминини хунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакаттага айлантирилди.Амир Темўрнинг саъй ҳаракаттаи туфайли обод этилган шаҳарлар, кишлоқларни Шахрисабз, Бухоро, Ясси (Туркистон)шаҳарларида қад кўтарган иморатлар «Темур ва Темурийлар давлати «Темурий маданияти», «Улуғбек ва Самарканд», «Обсерватория мактаби» каби улуг тушунчаларни дунёга келиши ва дунё ҳалқлари тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиши ҳам Амир Темур номи билан боғликдир.

**3-асосий савол**

**Муҳаммад Тарағай Улугбекнинг педагогик қарашлари.**

Мақсад: Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогика ривожига қўшган хиссасини моҳиятини талабаларга тушинтириш. У яшаб ўтган давридаги мутафаккирларнинг таълим- тарбиявий фикрларини тўғри талқин этиш. Талабаларда Мирзо Улуғбекнинг хислатларини ўрганиб, ўзларида кўникма ҳосил қилишга қизиқиш уйғотиш.

Идентив ўқув мақсадлар. (Талабалар учун ўқув вазифалар)

1. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогика ривожига қўшган хиссасини мохиятини тушунтириб беради.
2. У яшаб ўтган даврга Мирзо Улуғбекнинг ўз давридаги фанларнинг ривожига қўшган хиссасини изоҳлаб беради.
3. Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг педагогика ривожига қўшган хиссасини моҳиятини таҳлил қилиб беради.
4. Мирзо Улуғбекнинг фан тараққиётига қўшган хиссасини ва таълимий-тарбиявий қарашларнинг ҳозирги давр ёш авлодлар тарбиясига таъсирини асослаб беради.

**Асосий савол баёни.** Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартида эроннинг Ғарбидаги султония шахрида бобоси Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳарбий юриши пайтида таваллуд топди. У Шохрух Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб унга Муҳаммад Тарағай исми берилди. Лекин уни бобоси алоҳида меҳр билан «Улуғбек»деб айтавергани сабабли унинг асосий исми Улуғбек бўлиб қолади ва жахонга ана шу ном билан шухрат таратди. Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг Ҳарбий юришларида Амир Темур набираси Улуғберкни ўткир зехнли ақлу-фаросатли бўлганлиги учун жуда севарди. Улугбек мирзо кўп вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтади. Давлат ишларига ҳам раҳбарлик қилди. Улуғбекнинг тарбияси билан бувуси Сарой Мулк хоним шуғулланиб унга ўқиш ёзишни ўргатди бу эса унинг ҳаётида ўзига хос мактаб бўлди.

1405-1411 йилларда,Ўша даврнинг қонун койдаларига биноан Амир шох малик отабеги бўлиб тайинланган. У Улуғбекака асосан Ҳарбий ва сиёсий тарбиядан илм ўргатди. Улуғбек мактабда «Сулук ул мулук»ларда кўрсатилган давлатни идора қилиш санъати-турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўлаш, Руҳонийлар, мансабдорлар, ҳамда бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш,, ҳайру садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйча кўникмаларни эгаллади.

Улуғбек ёшлигидан математика, астраномия илмларига қизикди.1411 йилда 17 ёшли Улуғбек мирзо Мовароуннахр ва туркистоннинг хокими этиб тайинланиши Темурийлар хонадонида унинг мавқеи юксак бўлганлигидан далолат берди.У ҳокимлик қилган даврда мактаб ва мадрасалар кўрилишлари изчизлашди. Улуғбек, Самарканд, Бухоро ва Ғиждувонда учта Мадраса барпо этди. Самарканддага Мадраса кўрилиши 1417 йили бошланиб уч йилда кўрилиб битказилди. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди шу тарика унинг фалаккиётшунослик мактаби шаклланади Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларга қулай шароит ва панох излаб Темур давридаёқ Самаркандга келган Тафтазоний, Мавлона Ахмад ва Козизода Румий каби олимлар эди. Козозоданинг маслахати билан Хуросон шахридан Ғиёсиддин Жамшид кошийни чакиртирди. Шундай қилиб, Мавороуннахрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони 1417 йилга келиб юздан ортиб кетди.

Козизода Румий машхур математик ва астраномдир. У Улуғбек мадрасасининг дастлабки мударисларидан бири эди. Ғоят билмли бу олим замондошлари «ўз даврининг афлотуни » деб атаганлар.

Улуғбек мактаби тарихида муҳим руль ўйнаган бошқа йирик математик астрономлардан бири Ғиёсиддин Жамшид ибн Маъсуд эди.

Мадрасада бошқа мударрислар билан бир қаторда, Улуғбекнинг ўзи астрономия бўйича маърузалар ўқир эди. Учинчи даражали алгебрик тенгланма олиб келган бир градус ёйнинг синусини аниқлаш Улуғбек ва унинг мактаби эришган ажойиб ва энг муҳим мувафаққиятлардан бири бўлди. Улуғбек атрофида тўпланган Самарканд олимлари каттага аҳамият берган энг илмий йуналишларидан бири фалакиётшунослик фани эди.

Улуғбек бошчилик қилган астрономларнинг мувоффақиятли равишда олиб борган таълим ва илмий ишлари уларни аниқрок асбоблар билан таъминланган намунали расадхона қуриш керак деган фикрга олиб келди. Тарихий манбалар ана шундан далолат берадики , Мирзо Улуғбек ўз мадрасасини қурдириб битказгандан кейин

орадан тўрт йил ўтгач Козизода Румий, Мовлоно Гиен Жамшид ва Муниддин Коший билан маслахатлашиб беш йил орасида яна расадхона қурдирдилар. Расадхона битгач унинг кутубхонаси кўплаб асарлар, жахондаги машхур кишиларнинг асарлари билан тўлдирилди ва у ерда сақланаётган китоблар сони 150 мингдан зиед бўлди.

Расадхона билан Мадраса илми аҳлларининг биргаликдаги фаолияти Улуғбек илмий мактабида юлдуз илми ва риезиетни ўрта асрлар даврида энг юқори поғонага кўтарди.

Улуғбекнинг илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машхури унинг «Зижи» бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек»дир.

Чексиз ақл-идроки, азму қатаъияти, одилона сиёсати билан Мирзо қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннахр диёрининг донишманд хукмдори бўлиб, ҳалқларнинг азалий орзуси-тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди. Улуғбек, аввало илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод «Зижи жадиди кўргоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида тарқалгани фикримизнинг яққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узок замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди. Ҳар миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ғурурланиши табиий ҳолдир, чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий гуллаб яшнаш учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларига қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмокда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат килмокда. Буюк аждодимиз Улуғбек номи билан берилган маънавият масканлари, махалла кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Буларнинг барчаси-миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз хурмат ва эхтиромидан далолат беради.

**Назорат топшириқлари.**

1. Тест Қуйидаги қайси қаторда Мирзо Улуғбек асарлари кўрсатилган. (билиш).

А) «Зижи шох Жахоний», «Рисолаи Улуғбек»

Б) «Тарихий арбаъ улус », «Зижи жадидий кўрагоний»

В) «Рисолаи Улуғбек», «Зижи Улугберишк»

Г) «Б,В» қатордаги жавоблар тўғри.

2.Тест. Мирзо Улуғбек яшаган даврда қайси фанлар ўз ривожини топди.(билиш).

А) Одоб-аҳлок, она-тили, риёзиёт, астрономия.

Б). риёзиёт фалақиётшунослик

В) Ҳарбий фанлар, фалсафа.

Г) а ва б қатордаги жавоблар тўғри.?

3.Тест.Улуғбек ва унинг мактаби эришган муваффақиятларидан бири нимадан иборат. (тушунтириш).

А) «Зижи жадиди кўрагоний» асарини яратди.

Б) Учинчи даражали алгебрик тенгламага олиб келган бир градус ёйнинг синусини аниқлади.

В) Мовароуннахр ҳокимлигига эришди.

Г) А,Б жавоблар тўғри.

4.Мирзо Улугберишкнинг фан тараққиётига қўшган хиссасини моҳиятини изоҳланг.

Унинг педагогик ғояларини таҳлил қилинг. (анализ)

2. Мирзо Улуғбекнинг педагогик ғояларини ва фан тараккиёти, таълим-тарбияга қўшган хиссаларини аҳамиятини ҳозирги даврдаги педагогик ғоялар, фан тараққиётига таққослаб кўринг. (баҳолаш).

**3-асосий савол**. Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари. Мақсад Алишер Навоийнинг педагогик қарашларининг моҳиятини тушунтиради. Унинг асарларини таълимий-тарбиявий аҳамиятини талабалар онгига сингдиради ва моҳиятини ўрганишга қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари** (талабалар учуш ўқув вазифалари).

1.А.Навоийнинг педагогик қарашларини моҳиятини тушунтиради.
2.Унинг асарларидаги инсон тарбиясига оид фикрларини изоҳлаб беради.
3.А.Навоийнинг инсон тарбиясига оид фикрларини текшириб кўради
4.А.Навоийнннг инсон тарбиясига оид фикрларини ҳозирги давр ёшлар тарбиясига таъсирини шархлаб беради.

**Асосий савол баёни.**

Буюк мутафаккир олим Алишер Навоий фан ва санъатнинг турли сохаларини ривожлантириш билан биргаликда таълим-тарбияни ҳам такомиллаштиришга эътибор берган. Унинг ҳамма асарларида тарбияга оид қарашлар ўз ифодасини топган. Алишер Навоий ўзининг бадиий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий-аҳлоқий асарларида эса комил инсоннинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этади. У инсон камолотида илм -фаннинг ўрни ақл-идрокнинг аҳамияти, ақлий тарбиянинг моҳиятини ёритиб **беради.**

Алишер Навоий илмни инсон камолоти учун энг зарур фазилатлардан деб билади. У инсонни, халқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқарувчи омил деб таърифлайди. Шунга кўра ўз асарларида кишиларни илм-маърифатли бўлишга ундайди. Илм олиш ҳар бир кишининг инсоний бурчи деб ҳисоблайди. Чунки эгаллашдан мақсад ҳам ҳалқнинг,ўз мамлакатининг бахт саодатли, фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилишдан иборатдир деб таъкидлайди.

У билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. Бунда у (фозилларни йиғиб, улар орқали илм-фанни тараққий эттиришга эътибор беради.

Алишер Навоий «Ихлосия» деб номланган Мадраса ва унинг қошида мактаблар очади. Мадраса ва мактабда таълим олаётган ҳар бир талабадан илмда катта интизом ва талабга риоя қилишни талаб этади.

Алишер Навоий ўзи барпо этган «Ихлосия» мадрасасида ўз замонасига етук муддарисларини йиғди ва илм излаган талабалар ана шу мадрасаларда пешволаридан таҳсил олдилар.

Яхши хулқ асоси-одоб, у Навоий назарида барча инсоний хислатлар бошланиши саналади. Комил инсонга хос хислатлар ана шунга боғлиқ равишда таъриф берилади. Навоий ўзининг бадиий асарлари билан бир қаторда таълимий - тарбиявий-аҳлоқий асарларида ўзи орзу этган комил инсонга хос ахлоқий фазилатлар деб каноат, адолат, саховат, химмат мурувват, вафо, тўғрилик ва бошқаларни тушунган, ана шу хислатлар таркиб топган инсонда ёмонлик, разиллик бўлмаслиги керак деб ҳисоблайди.

Инсонни ҳар томонлама етук инсон бўлиб шаклланишида Навои жисмоний тарбияни ҳам муҳимлигини таъкидлаб ўтади. Уни биз Навоийнинг «Фарход ва Ширин» асаридаги Фарход образида ўз қаҳромонини жисмонан етук яратганидан биламиз. Унинг қаҳрамонлари ҳар қандай кийинчиликни ўз кучлара ақли билан барараф этади. У яна бола тарбиясида оила яъни ота-она тарбияси муҳимлигини таъкидлаб ўтади. У тарбия ва таълим ота-она ҳамда ўқитувчи томонидан олиб бориши лозим дейди.

У ўзининг «Ҳамса», «Махбуб ул-кулуб», « Муножот», «Вакфия» ва асарларида таълим тарбия масалаларига эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларни кўрсатади. У таълимда илмийликка асосланганлик, тарихийлик, каби талабларни асос қилиб олади. Ўз даврдаги мусулмон мактабларини ютуқ ва камчиликларини таҳлил этади. У ўқитувчи гапирар экан, муаллим ўз шогирдларини ҳам, ўзи таълим бераётган фанни севган бўлиши зарур дейди. Ўзига ҳам,

ўқитувчига ҳам талабчан бўлишни Навоий ўқитувчини жамиятда обрўли ва ҳурматга лойиқ инсон билиб, шогирдлар муаллимни ватандек жуда хурмат килишларини, эъзозлашларини уқтиради.

Навоийнинг ҳақиқий инсони-пок, меҳнатсевар, соф виждонли, инсофли, тўғри, саҳоватли, одобли, камтар, ҳаёли, мурувватли шахс. Бу хислатларни одамларда таркиб топтириш учун уларда ана шу олийжаноб хислатларни тарбиялаш керак дейди ва аҳлоқий фазилатларга таъриф беради, уларнинг оқибатларини тушунтиради.

**Назорат топшириқлари**

1. Тест А.Навоий қандай ташкил қилди ва унга қандай ном берди? (билиш)
А). «Донишмандлар уйи» деб номланган Мадраса.
Б). «Ихлосия» деб номланган Мадраса.
В). «Ихлосия» деб номланган мактаб.
Г). б,в катордаги жавоблар тўғри. ;
2-тест. А.Навоий инсон камолоти учун энг зарур фазилатни нима деб ҳисоблайди? (билиш)
А).Ахлок.
Б).Илм.
В) Одоб.
Г).а ва б қатордаги жавоблар тўғри.
3. А.Навоий асарларидаги таълим-тарбияга оид фикрларни изоҳланг.(тушунтириш).
4. АНавоийнинг педагогик қарашларини таҳлил қилинг. (анализ)
5. А.Навоийнинг асарларидаги аҳлоқий қарашларни асослаб беринг. (баҳолаш)
3 асосий савол. Хусайн Воиз Кошифийнинг таълимий-тарбиявий қарашлари.
Мақсад: Хусайн воиз Кошифийнинг таълимий тарбиявий қарашларини моҳияти тушунтирилади. Талабаларда унинг асарларини ўрганишда қизиқиш уйғотади.

**Идентив ўқув мақсадлари:** (талабалар учун ўқув вазифа)
1.Хусайн Воиз Кошифийнинг таълим тарбияга оид фикрларини моҳиятини талабаларга тушунтиради.
2. Хусайн Воиз Кошифийнинг педагогик қарашларини изоҳлаб беради.
3.Унинг педагогик қарашларини моҳиятини текшириб кўради.
4.Кошифий асарларини тарбиявий аҳамиятини асослаб беради.

**Асосий савол баёни:**

15 асрнинг йирик олимларидан бири Хусайн Воиз Кошифий бўлиб, у аҳлок, нужум мантиқ, адабиётшунослик, риёзиёт, ҳисоб, ислом тарихи, илохиёт, тарих, -мусикашунносликда тасвирий санъат, табобат илмига оид 200дан ортиқ асар қолдириб Шарқ маънавий маданиятини ривожлантиришда муайян ўринни эгаллайди.

Хусайн Воиз Кошифий туғилган йили номаълум бўлиб, тахминан 1440 йилларда Хуросон вилоятининг Сабзавор шахрининг Байхақи қишлоғида дунега келган дейилади. У кейинчалик Жомийнинг тавсияси билан Хиротга келади ва шу ерда яшайди. Хиротда у Навоий билан ҳам учрашади ва у билан дўстона муносабатда бўлади.

Кошифий Хуросонда Хусайн Бойқаронинг воизи, таъбирчиси маслаҳатчиси сифатида шуҳрат қозонди. У қуръон ва ҳадис масалаларини шарҳлаб халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Хусайн Воиз Кошифийнинг «Аҳлоқи Мухсиний», «Аҳлоқи Карим», «Анвари Сухайлий», «Жавохирнома», «Рисола дар илми эъдод», ва бошқа асарлари бизгача етиб келган.

Унинг машҳур асари «Аҳлоқи Мухсиний» узоқ вақт йиллар мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган, мазкур асар 40 бобдан иборат бўлиб, асосан аҳлоқий тарбияга бағишланган.

Р.Махмудов Кошифийнинг аҳлоқий ғояларига инсонни камолга етказиш мақсадида унда таркиб топтириш учун зарур бўлган хислатларни унга бўлиб туркумлаштиради:

1.Комил инсон (етук аҳлоқли инсон) ҳақидаги фикрларни анъанага кўра буюк донишмандлар-хакимлар, саркардалар, шохлар тилида баён этади ва уларни адолатли, доно, оқил ва камтар инсон сифатида таърифлаб, ўзининг комил инсон ҳақидаги концепциясини илгари суради.

Кошифий фақат подшоларнигина эмас, балки ҳар бир оддий инсонда ҳам энг олижаноб хислатлар таркиб топишини истайди. У ўзининг ижтимоий-аҳлоқий идеалини юзага чиқаришда асосий восита деб илм-маърифат ва аҳлоқий тарбияни тушунади. Кошифий одобли инсонни аҳлоқли деб тушунади. Инсон одобли, саховатли, тўғри, халол, пок бўлгандагина ҳақиқий инсон бўлиши мумкин дейди.
дейди. Воиз Кошифий инсонпарварлик ва ҳалолликни энг юксак инсоний фазилатларлардан деб билди. Кошифий инсоннинг энг юксак хулқ-атвор эгаси бўлиши учун унга қоидага амал қилиши зарурлигини илгари суради.
а). элга тескари иш килмаслик, б) ўз нафсига инсоф тилаш, в) киши айбини очмаслик, г) кишиларда учрайдиган ёмон хулқни-одатни яхшиликка буриш, д) ўз айбига иқрор бўлиб, узр сураган кишининг ўз ўрини қабул қилиш, е) юпунларнинг хожатини чиқариш, е) инсон учун машаққат тортиш, ж) ўз нафсини тийиш, з) ҳалққа тоза юз билан кўриниш, и) кишиларга яхши сўз айтиш.
7.Кишиларни иноқликка, тинч -тотув яшашга чақиради.
8. Ҳалқлар ўртасида дўстликни тарғиб этади.
9. Касб-хунар, илм-маърифатни эгаллашга чақиради.
Ю.Илмли кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини таъкидлаб, олимларни, умуман аҳлини эъзозлаш керак, дейди.

Кошифий асарларида инсон **Ақлига, Ақлий тарбияга катта эътибор берилади.** ҳақиқат мезони **сифатида таърифлаб, инсон ўзининг фаолиятини фақат ақл ерда** амалга оширади дейди.

Кошифийнинг аҳлоқий қарашлари Куръон ва Хадислардаги қоидалари билан боғлиқдир. У илгари сўрган аҳлоқий тушунчалар: яхшилик ёмонлик, адолат, бурч, виждон, ор -номус, бахт саодат кабиларни таърифлаб, ҳар бирини инсонда шакллантириш йўллари ва усулларини ҳам баён этади, улар таркибий қисмларигача ажратиб, ижтимоий талаб даражасида тушунтиради, ҳамда асосий мезонларини ҳам кўрсатиб беради. У аҳлоқийликнинг асосий мезонлаи, инсонийлик, адолатлилик, соф инсоний муносабатларни билади.

Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асари ҳам бошқа таълимий-аҳлоқий асарлар қаторида ана шу жавонмардлик илмининг қоида-низомларини ифода этган. Жавонмардликнинг рукнлари ўн иккита бўлган: олтитаси зохирий, олтитаси ботиний, ботинийга:

1.Ғийбат бўхтон ва ёлғондан тилини тийиш.
2.Ножуя номаълум сўзлардан қулоғини беркитиш.
3.Кўриш ножоиз нарсалардан кўзини юмиш.
4.Ҳаром нарсалардан қўлини тортиш.
З.Бориш ман қилинган жойлардан оёғини тортиш.
б.Ҳаром овқатдан тийилиш, зинодан сақланиш.

**Ботиний рукнлар:**
Саховат
2. камтарлик.

3.Каноат.
4.Авф ва махорат.
5.Кибр ва ғурурни тарк этиш.
6. кўнгил дунё ташвишларидан тозалниш.

Юқоридаги пандномаларнинг инсон камолотида ўз ўрни бор. Шарқшунос олим Беришртельс ҳам «Қобуснома»ни , ўта амалиётга оид асар сифатида таърифлаган. Бу фикр Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» асарига ҳам тегишлидир.Унинг мундарижаси ва мазмунида ҳам кўриниб турибдики, мазкур асар ёшларни ҳар томонлама етук инсон сифатида камолга етказишда ҳақиқатдан амалий аҳамиятга эга.

Кошифий фанлар таснифида ҳам касб-хунар, илмга катта эътибор беришради. У илм бойлик орттириш учун эмас , балки ҳаёт кечириш учун зарурдир, деб тушунтиради.Чунки илм-доимийдир мол дунё эса ўткинчидир, ҳақикий, доно, билимли кишилар ўткинчи нарсаларга эътибор бермайдилар дейди.

**Назорат топшириқлари.**

1.тест.Хусайн Воиз Кошифий ўз асарларида инсон камолоти учун нималарни асосий деб ҳисоблайди? (билиш)
А) Ақл, Ақлий тарбия.
|Б) Ахлок, аҳлоқий тарбия.
В) жисмонан етуклик.
Г) меҳнат, меҳнат тарбияси.
2..тест. Кошифий ўзининг қайси асарида инсонларнинг салбий ва ижобий фазилатларини белгилаб беради.? (билиш)
А) «Калила ва Димна»
Б) «Ахлоки Мухсиний»
В) «Футувватномаи Султоний»
Г) а ва в катордаги жавоблар тўғри.
3 . Хусайн Воиз Кошифий асарларини моҳиятини таҳлил қилинг (анализ).
4. Унинг асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини асослаб беринг.(баҳолаш)
4 Унинг асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини асослаб беринг (баҳолаш)

**6-асосий савол. Заҳириддик Муҳаммад Бобур таълим-тарбияга оид асарида ифода этиши.**

Мақсад. Захиридин Муҳаммад Бобурнинг педагогик қарашларини моҳияти тушунтирилади. Унинг таълим - тарбияга оид фикрларини моҳиятини изоҳлайди ва асарларини ўрганишга қизиқиш уйғотилади.

**Идентив ўқув мақсади: (талабалар учун ўқув вазифалари)**

1. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг таълим-тарбияга оид фикрларини моҳияти тушунтиради.
2.Унинг асарларидаги таълим -тарбияга оид фикрларини аҳамиятини изоҳлайди.
3.Бобурнинг асарларидаги таълим-тарбияга оид фикрларни таҳлил қилади.
4.Бобур асарларини ҳозирги давр ёш авлод тарбиясига таъсирини асослаб беради.

**4-асосий савол баёни**

Бобур илм-фан, санъатнинг, умуман ҳаётнинг ҳамма сохалари билан яқиндан қизиққан. Ғайрат ва ташаббус, синчковлик ва истеъдод Бобурни ривожланган феодал даврининг улуғ намоёндаларидан бирига айлантиради. У ҳар доим соҳани аниқ билишга интилган, ундага нуксонларни кўра билган ва масаланинг моҳиятини тезда тушуниб етган. Жаҳон шарқшунослари томонидан олим сифатида эътироф этилган. Бобур фаннинг кўпгина сохалари бўйича қимматли ишларни амалга оширган. Яқин ҳамда Ўрта Шарқ ҳалқлари маданияти тарихи учун катта хизмат қилган. Масалан, ўзбек олими, география фанлари доктори, профессор Х.Хасанов уни фақат давлат арбоби эмас, балки машхур лашкарбоши, тарихчи, гегра биолог, мусиқачи ва меъмор ҳам бўлганини таъкидлайди.

Бобур ижодиёти асосан унинг лирик шеърлари ва адабий-тарихий асари-«Бобурнома» билан яққол кўзга ташланади. Бобурнинг хотираларидан ташкил топган ва темурийлар давлатининг таназзулга кетиш даврини ўзида ифодалаган, қомусий ҳарактердаги «Бобурнома» китоби илмий-тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда тарих, география, ботаника ва фаннинг бошқа сохаларига тааллукли кимматли маълумотлар бор. Бундан ташқари, мазкур асар эски ўзбек тилидаги прозанинг илк намунаси ва нодир ёдгорлиги ҳамдир.

Бобур ана шу солномасида ўзи бўлган жойларнинг, жумладан Хиндистоннинг табиий манзараларини ҳам махаллий ахолининг кийиниши ва урф-одатларини ҳам хайвонлари, қушлари ҳамда уларнинг қилиқларини ҳам тасвирлайди. Ўзи тилга олган нарсаларни теран фикрли, ўткир кўзли рассом сингари жозибали баён қилади.

Бобур ўрта асрлардаги Хиндистон ҳалқлари тарихини ўзидан беш аср илгари яшаб ижод этган Абу Райхон Беруний каби махорат билан ёрита олган. Филология фанлари доктори С.Азимжонова шу масалани таҳлил қилиб, чиқарган хулосасида айтгандек,хинд ҳалқи хаётининг турли томонларига тааллукли материалларнинг изчил баён этилиши, оргиналлиги ва ишонарлиги жиҳатидан Берунийнинг маълумотларига фақат «Бобурнома» даги маълумотларни тенглаштириш мумкин. Беруний ва Бобур қадимий ҳамда ўрта асрлардаги Хиндистон ҳалқлари маданияти тарихининг чинакам тадкиқиётчилирдирлар. Уларнинг асарлари Хиндистон тарихига қизиқувчилар учун асосий манба сифатида хизмат қила олади.

Истеъдод сохиби бўлган Бобур 12 ёшида подшо бўлганидан бошлаб, то умрининг охиригача ўзи кўрган вокеаларни, ўзи қатнашган ходисаларни, ана шу воқеа ва ходисаларга дахлдор бўлган юзлаб тарихий шахслар ҳаётини, фан учун муҳим аҳамиятга молик кўплаб далилларни адабий шаклда ёритган. «Бобурнома» ва шеърлар девонидан ташқари, мусулмонлик қоидалари ва қонуншуносликка бағишланган «Мубайн», араб алфавитини ўрганиш тўғрисидаги «хатти» шунингдек мусиқа ва ҳарбий санъат ҳақидаги асарларни яратди. Бу асарлар ўзбек адабий тили, адабиёти ва илм-фаннинг равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Буюк шоир, адиб, тарихчи ва олим Бобурнинг илмий-адабий мероси ҳозир ўзининг маълум тарихий-маърифий, илмий ва эстетик қимматини сақлаб келмоқда. Унинг кўп қиррали меросида педагогикага оид бирор махсус китоб ёки рисола мавжуд бўлмаса-да, деярли ҳамма асарларида хаётга ва ватанга муҳаббат хислатларининг яққол ифодасини, инсоннинг юксак бурчи ва кишиларнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги теран фикр-мулоҳазаларни, фан ва динга муносабат масалаларини, яхши хулқли ва одобли бўлишга даъватни, илм-фан ва маърифатни эгаллашгача чақириқни, аҳлоқий ва эстетик ғояларни, жўшқин ва мазмундор ҳаёт кечиришга тарғиб қилишни ва хокозаларни кўриш мумкин.

Фан ва маърифатни жуда юқори қадрлаган бобур адабиёт, санъат ва илм аҳли билан доимо яқин алоқада, ижодий муносабатда бўлди, уларга хомийлик қилди, илмий-адабий суҳбатлар, мушоиралар уюштирди. У ўз даврида илмга интилган одамларни жуда камлигидан ташвишланиб, астойдил қизиқиш, интилиш ҳамда машаққатли меҳнат билангина илм олиш мумкинлигини ва шундай қилиш зарурлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у илм фаннинг аҳамиятини чуқур хис қилиб, ўзи жуда қадрлаган илм-фан кишиларини энг аввало, уларнинг юриш-туришига, кўпчилик манфаати учун қилган хизматларига қараб баҳолайди.

Ўз ижодида эзгуликни, иноқликни, вафодорликни ардоклаган шоир ўзида аввалги касбдошларига эргашиб ёвузликни, зулмни, қабихликни қоралайди. Булардан ташқари, Бобур дўстликни, ҳаетни, унинг ҳар бир фурсатини қадрлашга, қайгу-хасрат билан эмас, балки окилона, хушчақчақлик билан яшашга чорловчи, ёшларга ибрат бўладиган талайгина байтлар битган.

Бобурнинг фикрича, ёшлар шахсини ҳаётнинг ўзи шакллантиради, лекин Бунда меҳнат ва меҳнатда тобланиш муҳим рол ўйнайди. Меҳнат қилган ва «машаққат чеккан кишилардагина чинакам инсоний фазилатлар таркиб топади.

Бобур меъросини ўрганишда унинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятида , адиблик ижодиётида ҳам чуқур зиддиятлар мавжудлигини унутмаслик керак.

Бобурнинг шеърлари оргинал ижод самараси сифатида кўп авлодларга зўр бўлиб келган, ота-боболаримиз сарқирра фаолиятидаги ижобий жиҳатлари учун Бобурни эъзозлаганлар, биз ҳам уни ва унинг маънавий меъросини, хусусан ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга молик бўлган аҳлоқий, маърифий ва педагогик ғояларини қадрлашимиз керак.

**Назорат топшириқлари.**

1 Тест. Бобур ўзининг Қайси асарларида таълим -тарбияга оид фикрларини юритган.?
А). «Бобурнома» асарида.
Б) « Хатти Бобурий» асарида
В). Ҳамма асарларида.
а ва б қатордаги жавоблар тўғри.(билиш)

2.Бобур қандай санъат тури, соха ва фанларни чуқур эгаллаган ?
а) Давлат арбоби, ёзувчи, тарихчи, шоир, бастакор, тарихчи, мусиқачи, меъмор.
б).Давлат арбоби, лашкарбоши, тарихчи, географ, биолог, мусикачи ва меъмор.
в).Давлат арбоби, лашкарбоши, бастакор, мунажжим, археолог, файласуф ва меъмор.
г).б ва в катордаги жавоблар тўғри.(тушунтириш)
3.Бобурнинг асарларини ўрганиб улардаги инсон тарбиясига оид фикр моҳиятини изоҳланг. Сизнингча «Бобурнома» асарида педагогик фикрлар баён этилганми? Фикрингизни ёзма равишда баён қилинг.(тушунтириш)
1. Бобурнинг асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини
Таҳлил қилинг.(анализ).
5. Миллий умуминсоний тарбияда Бобур асарларининг ўзига хослигини, ҳамда узвий боғлиқлигини таққослаб кўринг.(баҳолаш).

Адабиётлар рўйхати: И.А. Каримов Истиқлол ва маънавият Т., «Ўзбекистон», 1994 й.91 бет
2. Алишер Навоий Махбуб ул қулуб, асарлар, 15 томлик, Т., 1996 й., 13 том, 190 бет.
3. Бобур. “Бобурнома” асари Т., 1996 йил.
4.К. Хошимов ва бошқалар “Педагогика тарихи” Т., 1996 йил.
.5. И. Искандаров “Ўзбек педагогикаси антологияси” Т., 1995 йил 1-жилд.

**24 Мавзу XVII-XIX асрларда таьлим - тарбия ва педагогик фикрлар,,**
**(2 соат маъруза).**

**Асосий саволлар**

1. XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия , мактаб, фан ва маданият.
2. Жахон Отин Увайсийнинг педагогика ривожида тутган ўрни.
3. Муҳаммад Содик Кошгарийнинг ёшларни ахлоқан етук инсон бўлиб тарбияланишига оид қарашлари.

Таянч иборалар.

Ижтимоий, мафкуравий, адабий, маърифий ҳаёт, меъморий ансанбл, диний мафкура, фан арбоблари, адиблар, илохий таълим асослари, Отинойим мактаблари, "Одоб ас-солихан", иффат, насаб.

1. Асосий савол XVII-XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданиятнинг моҳиятини талабаларга тушунтирилади. Ўша

даврнинг таълимий-тарбиявий фикрларни тўғри талқин этилади, талабаларнинг мутафаккир олимларнинг асарларидаги ижобий хислатларни ўрганиб ўзларида кўникма ҳосил қилишга ўргатилади.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

1. 17-19 асрларда Бухоро,Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини тушунтириб беради.
2. 17-19 асрларда Бухоро Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини очиб беради.
3. 17-19 асрларда БухороДива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини таҳлил қилиб беради.

4.17-19 асрларда Бухоро, Хива, ва Қўқон хонликларида таълим- тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини ҳозирги тараққиётига таққослаб беради.

1. 15 асрнинг охири ва 16 аср бошларида Мовароуннахрда юз эллик йил хукмронлик қилган темурийлар сулоласи инқирозга учради. Унинг ўрнига Шайбонийлар хумонлиги ўрнатилди. Шайбоний ўлимидан кейин ўзаро урушлар авж олди оқибатда ҳар сохада турғунликка учради. Бу худудда учта хонлик ташкил топди. Бухоро, Хива кейинчалик Қўқон хонликлари. Бу хонликлар барпо этилгандан кейин ҳар соха ўз ривожини топа бошлади. Жумладан Бухоро хони Абдуллахон давлатлар билан ҳар томонлама ташқи алоқани ўрнатишга эришди. Бу ерда кўпрок адабиёт, тарих, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди. Табиий фанларга оид яратилган асарларни кўпайтириш усулларини ифода этувчи "Ҳисоблаш уссуллари ҳақида трактат) номли математикага оид аса юзага келди.

Бу даврда Абулғозийнинг "Шажараи Турк" асари Айниқса машҳур бўлди. Абулғозий 1603 йили Хива хони Арабмуҳаммад оиласида келди ва у 1645-1663 йилларда келиб хукмронлик қилган Абўлгозийнинг "Шажараи турк" асари машхур. У сипохилик, шоирлик тарихнавислик сохаларида шухрат топганди.

Абўлғозий Хоразмда илм-фанни тараққий эттириш ва маданиятни яхшилаш мақсадида ўз саройига бинокорлар, табиблар, шоирлар, тарихнавислар, адиб, хаттот ва 17-19 асрда Бухоро Хива, Қўқон хонликларида таълим тарбия фан ва маданият ривожини изоҳлаб беради.

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннахрда бир юз эллик йил хукмронлик қилган темурийлар сулоласи инқирозга учради. Унинг ўрнига Шайбонийлар хукмронлиги ўрнатилди. Шайбонийхон (1451-1510) Мовароуннахрда кучли марказлашган давлат барпо қилишган бўлса ҳам, унинг ўлимидан сўнг ўзаро урушлар авж олиб кетди ва бу худудда учта хонлик , аввало , Бухоро ва Хоразм, XVIII аср охирига "Қўқон хонлиги қарор топди. Аммо хонликлар ўртасидаги бетухтов ўзаро урушлар мамлакатни маълум даражада ҳароб эта бошлади, фан ва маданият сохасида турғунлик юз берди.

Мамлаката иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида, 1502 йилда Зарафшон дарёсига сувайиргич кўрилди. 1507 - 1508, 1529-1530, 1583, 1598 йилларда пул ислоҳоти ўтказилди.

Бухоро хони Абдуллахон даврида бошқа давлатлар ўртасида ҳар томонлама алоқалар ўрнатилишга эришилди. Жумладан Хиндистонда шох Акбар, Шарқий оврупада Иван Грозний билан дўстона муносабатлар ўрнатилди.

Абдуллахон ўз атрофига ёзувчи, шоир ва олимларни тўплаб уларга ҳомийлик қилди. Шоирлар орасида, Айниқса Мушфикий ўз мадхиялари, лирик шеър ва ҳажвиялари билан шуҳрат топди. Абдуллахоннинг топшириғи билан у турли бинолар учун тарихлар битди.

Шайбонийхоннинг "Таворихи гўзидайи нусратнома", Бобўрнинг “Бобурнома", Восифийнинг "Бадойеъ ул-вакоеъ", Фазлуллох ибн

Рўзбехоннинг "Меҳмонномаи Бухоро" каби йирик бадиий асарларида ўша даврнинг ижтимоий , мафкуравий, адабий маърифий ҳаёти ўз аксини топган.

XVII-XVIII асрларда меъморчилик сохасида кўплаб иншоотлар бунёд этилди. Бухорода Имомкулихоннинг нуфузли катта амалдорларидан Нодир девонбеги шаҳар кўркига кўрк қўшувчи масжид, ховуз, мадрасадан иборат катта меъморий ансамбл қурдирди. Нодирдевонбеги бундан ташқари, Самарқанддан 4 чақирим жанубда Хўжа Ахрор қабри олдига мадраса ва номозгох ҳам бино қилдирди.

Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида диний мафкура ҳукумрон эди. Турмушда ҳам, оилада ҳам, ҳар бир киши аҳлоқида, хулқ-атвори диний талабларга риоя этилар, мадрасаларда асосан илохий таълим эсослари ўргатилар эди.

Мадрасани битирганларидан мударрис, мутавали, қози, имомлар, шунинг билан фан арбоблари, адиблар, шоирлар ҳам етишиб чиқарди. Чунончи: Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Амин Косоний - Намангоний, Сайидо Намангоний, Шавқий Намагоний, Сайидо Насафий, Суфи Оллоёр, Зебунисо, Дилшод - Барно, Муҳаммад Мир Олим Бухорий, Абулғози Баходирхон кабилар бошқа касб эгаларини тўплади. Абўлғозий ота-боболарининг қунтсизликлари туфайли ёзилмай қолиб кетаётган хонлик тарихини яратишга қатъий киришди ва қобилиятли хаттотларни бу ишга жалб этди. Хоразмнинг ўтмиш маданияти Абулғозийнинг катта иштиёқ қизиқиш уйғотган эди. Абўлғозий "Шажараи тарокима" (1661), "Шажараи турк" (1664) ва табобатга оид "Манофеъ ул - инсон" (1664) каби нодир асарлар ёзди ва Хоразм тарихчилик мактабига асос солди.

Абўлғозий асарлари Шарқ тарихчиларининг - олимларининггина эмас балки, 1880 йиллардан бошлаб рус ва Ғарбий Оврупа олимларининг хам диккатта-эътиборини ўзига торта бошлади. Муаллифнинг "Шажараи туре асри 1825 йилда Козонда Румянцев , 1854 йилда Г.С. Саблуков, 1871 йил П.И.Демизонлар томонидан , "Шажараи тарокима" асари эса 1898 ва йилларда бир неча маротаба рус тилида нашр эттрилди.

Ўзбекистон худудидаги хонлик ва амирликлар даврида фан, адабий санъат, маърифат бир мунча ривожланган. Кўпроқ хон саройлари доирасида ҳам диний, ҳам дунёвий адабий асарлар ёзилган. Ўзбек тилида ёзилган асарлар орасида муаллифи халигача номаълум "Таворихи Гўзида" туркий қабилалар тарихи ва номлари кенг ёритилади. Бу даврда бошқа кўплаб тарихий, асарлар яратилганки, биз уларни ўрганишимиз орқали ўтмишни тўғри тасаввур қила олиш имкониятига эга бўламиз... Жумладан бу пайтда Муҳаммад Ёқубнинг "Гулшан ул-мулук", Муҳаммад Олимнинг "Тарихи амир Насрулло", Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳами Шарифларнинг "Тарихи амир Хайдар", Муҳаммад Хақимхон Турам "Мунтахабут таворих", Мулла Авазифа Муҳаммаднинг "таверн жахоннумойи", Мулла Ниёз Муҳаммаднинг "Тарихи Шохрух Абдурахмон Толенинг "Абўлфайзхон тарихи", Муҳаммад Вафо Кирмонийнинг "Тухфаи хоний" каби асарлари диққатга лойиқдир.

XVIII асрда яшаб ижод этган маърифатпарварлар орасида Сўфи оллоёр (асли исми Оллохёр) анчагина машхур бўлиб, унинг асарлари мактаб ва мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида кенг фойдаланилган.

Суфи Оллоёр фикрига оид "Сирож ул-ожизин", "Сабот ул-ожизин", "Мурод ул-орифин", "Махзан ул-орифин", "Нажот ул-толибин" асарларини яратди. "Суфи оллоёр" номи билан ҳалқ орасида машхур бўлган "Сабот ул-ожизин" деган асар мактабларда савод чиқарилиши билан ўқитилар эди. Унда ислом динининг асосий қоидалари, ақидалари баён этилганди. Ул инсоний фазилатлар бадиий ҳикматлар ҳамда ҳикоялар тарзида ифодаланади. Китобда илгари сурилган масалалар ояту хадисларга мувофиқ ёзилганлиги намоён бўлади. Асар форс ва араб тилини билмаган оддий ҳалқ учун мўлжалланган. Бу унинг муқаддимасидан ҳам кўриниб турибди. Унда Аллох таолони танимоқ баёнида", "аллоҳ таоло маърифатининг баёни", “Аллох таолонинг саккиз сифатининг баёни"дан сўнг иймоннинг, ришталарнинг баёни, пайғамбарларга иймон келтириш баёнидан сўнг ислом динининг асосий қоидалари юксак аҳлоқий талаблар, ҳикоятлар, ҳикматлар асосида баён этилиб берилади. Масалан: "Камтаринлик, ҳақида мавъиза", "Таъмадан тийилиш ҳақида", "Ёмонлар суҳбатидин қочиб, яхшилар суҳбатинда

бўлмоқнинг баёни", "Нафси шум баёнида" , "Банда аҳдида турмоғи баёнида", "Яхши ҳамрох баёнида", "Хиёнатдин йирок бўлмоқ баёнида", "Жавонмардлик нишони" каби боблар бунга мисолдир.

Бу даврда мактаб ва мадрасаларда грамматика, ҳандаса, мантик, роат, тафсир, шариат, ҳикмат, ислом тарихи ва ақидаларига оид илмий-назарий билимлар, иш юритиш, ҳуқуқшуносликка, савдо-сотиқ ишларига оид, мерос ва бойлик, тақсимот ва шу каби бошқа ўнлаб имлий билимлар, дунёвий ҳамда диний билимлар ўргатилар эди. Барча мадрасаларда мажбурий фан сифатида "Қуръон", "Тафсир", "Одоб ас-солихин", "Маслак ул-муттакин", "Сабот ул-ожизин", "Кимёи саодат", "Хадис", кабилар ўқитилар эди. Ўқиш муддатти 15-20 йилни ташкил этган. Масжид ёнидаги мактабда болаларга 7 йил алифбе, абжад, Қуръон, Фарзи айн, чор китоб, Хўжа Хафиз, "Маслик ул-муттакин" , Мирзо Бедилдан савод ўргатилган.

Ўзбек болалари ўқийдиган мактабларда "Китоби Фўзулий", "Лисон ул-тайр", "Девони Алишер Навоий", "Хувайдо", "Киссаи Девона машраб", Сўфи оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" китоби ўқитилган. Барча мактабларда иборaларнинг саводи чиқарилгандан сўнг Суфи Оллоёр ўқитилган.

Таълим-тарбия жараёнида хотин-қизларга , аёллар тарбиясига катта эътибор берилди. Ўқимишли, маърифатли, зиёли аёллар томонидан кўплаб мактаблар ташкил этилди ва у отинлар мактаби деб номланди.

**Назорат топшириқлари**.

1 .Қайси хон ўша даврда бошқа давлатлар ўртасида ҳар томонлама алоқалар ўрнатишга эришди? (билиш).
А). Бухоро хони
Б).Хива хони
В).Қўқон хони
2.Қайси қатордаги асарлар Абдулғозий асарлари ҳисобланади?
А). «Тарихи амир Насрулло» (тушунтириш)
Б). «Шажараи турк», «Шажараи тарокима».
В). «Манофеъ»,
Г). б,в қатордаги жавоблар тўғри.
3. 17-19 асрларда Бухоро Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини таҳлил қилинг (анализ)

4. 17-19 асрларда Бухоро Хива, ва Қўқон хонликларида таълим-тарбия, мактаб, фан ва маданият тараққиётининг моҳиятини таққослаб кўринг. (баҳолаш).

Жахон Отин Увайсийнинг таълим-тарбияга оид фикрларини моҳияти талабаларга тушунтирилади.Унинг педагогик қарашларини туғри талқин этиш ва мукаммал ўрганишга қизиқиш уйғотади.

Идентив ўқув мақсади: (талабар учуй укуи вазифалари).
1. Жаҳон Отин Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларини моҳиятини тушунтириб беради.
2.Унинг педагогик қарашларини изоҳлаб беради.
3.Увайсийнинг таълим тарбияга оид фикрларини таҳлил қилиб беради.
4.Жаҳон Отин Увайсийнинг педагогик қарашларини асослаб беради.

**Асосий савол баёни:**

Жаҳон Отин Увайсий Марғилон шаҳар Чилдухтарон махалласида, Фарғона тумани, Арсун қишлоғида туғилиб яшаган. Унинг отаси Қайнар девона ёки Девонаи Каландар деб юритилган. (Унинг Исмини Сиддиқбобо деб атаганлар). Онасининг номи

эса Чиннибиби эди. Уларнинг Увайсийдан катта Охунжон хофиз деган ўғли ҳам бор эди. Қайнар девона Косондан келиб, марғилонда турғун бўлиб қолган.

Дастлаб Жахонбиби ота-онаси ва акасининг кўмагида ўз-ўзича мутолаага берилади. Ўзбек, тожик мумтозлари, айниқса Жомий, Фузулий асарларини севиб ўқиб, улардан ўрганади. Увайсий тахаллуси билан шеърлар машқ қила бошлайди. У арўз вазнини ҳамда у билан боғланган муаммо санъатини мукаммал эгаллайди.

Увайсийнинг мактабдошлик фаолияти қайси йилларда бошланганлиги маълум эмас. Аммо у турмушга чиққунча, шоира, отинча сифатида анчагина танилиб қолган эди. Онаси Чиннибиби ўқитадиган қизлар мактабида аввал халифалик қилган, кейинчалик унинг ўзи мустақил тарзда қизларни ўқита бошлаган.

**Нодира Увайсийни ўз ҳимоясига олади. Иккала шоира эгачи-сингил тутинадилар. Нодира эгачисига Қўқондан ховли-жой инъом қилади. Увайсий Қўқонда Нодиранинг энг яқин кишиси, суҳбатдоши, сирдоши бўлиб қолади. Ҳалқ орасида тобора унинг обрўйи, шухрати ортади, Нодира саёхатга қаерга борса, Увайсийни ҳам ўзи билан бирга олиб боради. Нодира билан у Конибодом, Хужжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон, уш ва башқа шаҳарларда бўлади.**

**Бухоро амири Насрулло 1842 йилда Қўқон талон-торож қилиб, Нодирани вахшиёна ўлдиргандан кейин, Увайсий Марғилондан бутунлай кетиб қолади ва умрининг охиргача у Қуқонда яшайди.**

**Увайсийнинг муаллимлик фаолиятини ўрганар эканмиз, унинг ўқитиш усуллари ҳақида, ўша даврдаги қизлар мактаби, уларнинг мазмунида отинларнинг ўрни ҳақида муайян маълумотга ҳам эга бўламиз.**

**XIX асрда Ўзбекистонда, умуман Марказий Осиёда таълим-тарбия муаммолари билан махсус шуғулланувчи мутахассислар, олимлар, мутафаккирлар бўлмаган. Лекин даврнинг илғор кишилари шоир ва мутафаккирлари ўз маърифий қарашлари асосида таълим-тарбияни ривожлантирганлар. Шубхасиз, таълим-тарбиянинг моҳияти, ижтимоий роли, мақсад ва вазифалари, тарбиячининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни сингари масалалар ҳақида у ёки бу шаклда ўз фикрини билдирмаган, чинакам тарбиячи бўлиши қийин.**

**Ўтмишдаги барча шарқ мўтафаккир ва шоирлари сингари ўзбек отинларининг ҳам педагогика назариясига оид асарлари йўқ. Лекин уларнинг кўпчилигида назм иқтидорли бўлганлиги туфайли бизга мерос қилиб қолдирган шеърий дурдоналарига асосланган ҳолда таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлари, ҳалқа маърифий тарқатиш соҳасидаги интилишларини аниқлаш мумкин. Бир сўз билан айтганда, педагогика уларнинг асарларига сингиб кетгандир. Ана шундай маърифатпарвар ўзбек аёлларидан бири, ҳалқимиз орасида Увайсий тахаллуси билан машхур бўлган шоира Жаҳон Отин Увайсийдир.**

**У 1796-97 йилларда онаси отинлик қилган хусусий мактабда дастлаб ҳалифалик ва кейинчалик мустақил равишда отинлик қилган Жаҳон отин ўз мактабида таълим-тарбия соҳасида ўзига хос илғор усулларни қўллашга ҳаракат қилганлигини кўрамиз.**

**Аввало, шуни таъкидлаш кераки, XIX аср шароитида мактабларнинг аниқ таълим-тизими ҳақидаги гапириш бир оз қийин.**

**Бу даврда асосан мактабларнинг, яъний таълим муассасаларининг қуйидагича бошланғич мактаблар тузилишига эга эканини кўрамиз:**

**1. мактаблар:**

**А) ўғил болалар мактаблари-ўғли болаларга диний таълим-тарбия беришрадиган бошланғич мактаблар;**

**Б) отинойи мактаблари-қиз болаларга ислом қоидаларини ўргатадиган ва бошланғич таълим беришрадиган мактаблар;**

**В) мадрасалар-ўғил болаларга диний таълим беришувчи оли таълим муассасалари;**

**Юқорида санаб ўтилгантаълим учоқлари (отинойи мактабларидан ташқари) вақт даромадларидан келган маблағ ҳисобига таъминланарди.**

**Қизларга бошланғич диний таълим беришрадиган отинбиби мактаблари эса асосан хусуий бўлиб, отинларнинг уйларида ташкил қилинарди. Бундай мактаблар муайян бир ўқув режаси ва дастурига эга эмас эдилар. Ўқувчилар ҳам синфларга бўлиб эмас, балки болалар ўқитиладиган китобларни ўзлаштириш даражасига қарб гурҳларга бўлиб ўқитиларди.**

**Домла ёки Отинойи дарсни беришрилган вазифаифани ўқитиб кўриш ва янги топшириқ беришришдан бошлар эди. Хеч бир домла отинойида ўзига хос ишлар, умумий ўқув дарслиги ё бўлмаса ўқув услуби бўлмаса эди.**

**Отинойи мактабида ўқитишнинг сифати отинойининг билим даражасига ниҳоятда боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Чунки, қизлар учун мутлақо нотаниш бўлган араб графикасида ўқитиш ва ёзишга ўргатиш ниҳоятда қийин шароитда кечади, мактабларни битирувчилар орасида кўплаб оқила ва билимдон қизлар етишиб чиққанлиги ҳақида тарихда мисоллар кўп.**

**Увайсий Умархон саройида шоир сифатида шеър санъатидан, мусиқадан шу тарзда муаллимали қилган.**

**Жахон Отин Увайсий фаолият кўрсатган қизлар мактаби ҳам ана шундай ибрат олса арзийдиган билим ўчоқларидан саналган. Ўзининг бутун фаолияти давомида ҳалқимиз орзу умидларини рўёбга чиқаришга ҳаракатта қилган Жаҳон Отин ҳалқимизнинг оқила қизларини тарбиялаш, гўзал ҳаётга эришишнинг бирдан бир йўли деб ўйлаб, ўзининг бутун умрини ёш қизларга таълим ва тарбия беришришга бағишлади. Ўзберишк аёлларининг маънавий озодлиги уларнинг назм дунёсига кириб, баралла куйлашида муҳим ўрин тутади.**

**Жахон отиннинг мураббийлик фаолияти нимадан ибрат бўлганлигига бир мисол ва бу фаолиятнинг кичик бир лавхаси.**

**Увайсийнинг авлодлари шоирадан 4та девон қолганини айтдилар. Увайсийнинг ўз қўли билан кўчирган девонларидан иккитаси ёшлик чоғида йўқолган. Қолган иккитаси Андижонлик лўли хотин олиб кетиб йўқотган. Улардан кўчирилган уч нусха қўлёзма девон Андижон Давлат педагогика институти кутубхонасида сақланмоқда.**

**Увайсий хақиқий дўстни «сохиби идрок» ақли расо бўлиши лозимлигини таъкидлаш билан ақлий тарбияга эътибор беришради.**

**У ўз асарида ҳалқнинг онги, тили, дилида ёд бўлиб кетган хикматли сўзлар, мақоллар, иборалардан кенг фойдаланадики, Булар ҳам унинг асарларини тарбиявий аҳамиятини янада оширади.**

**Жахон отин Увайсий ўзберишк педагогикаси мактаблари тарихида ўз ўрнига эга бўлган буюк шахс.**

**У ўзининг мактабдорлик ва ижодий фаолияти билан ёшлар таълимида юксак ўринга эга. Увайсийнинг маърифий фаолиятида унинг аёллар саводхонлигини ошириш, ақлий тарбия, мусиқа санъати, қобилятли қизлар билан иш усуллари алоҳида ўрингга эга. У ўз даврининг ёш толибаларига ҳаётга мухаббат туйғуларини сингдириб борган, тез фикрлаш, чиройли сўзлаш ва бошқа тарбиялаш воситалари билан боғлиқ бўлган чистон топишмоқ усулларини яратишни ўргатган. Шунинг учун ҳам Увайсий ижодий меросини ўрганиш ва уни ҳозирги давр мактаблари таълим - тарбия тизими мазмунига киритиш муҳимдир.**

Назорат топшириқлари:

**1. 19 аср бошларида бошланғич таълим мактаблари қандай тузилишга эга бўлган?**

**А) Ўғил болалар мактаблари ўғил болаларга диний таълим –тарбия беришрадиган бошланғич мактаблар.**

**Б) Отинойи мактаблари қиз болаларга диний таълим –тарбия беришрадиган мактаблар. Ўғил болаларга диний таълим беришувчи оли таълим муассасалари.**

**В) Қуйи мактаб, корихона, мактаб интернат.**

**Г) А ва Б қатордаги жавоблар тўғри.**

3-Асосий савол: Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг ёшларни ахлоқан етук инсон бўлиб тарбияланишига оид қарашлар.

Мақсад: **Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг педагогик қарашларини моҳиятини тушунтиради. Унинг асарларининг таълимий-тарбиявий аҳамияти талабалар онгига сингдиради ва унинг асарлари ўрганишга қизиқишга ўргтади.**

Индентив ўқув мақсадлари

1. **Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг педагогик қарашларини моҳиятини тушунтиради;**
2. **Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг асарларидаги инсон тарбиясига оид фикрларни изоҳлаб беришради;**
3. **Муҳаммад Қоғарийнинг инсон тарбиясига оид фикрларни текшириб кўради.**
4. **Унинг инсон тарбиясига оид фикрларни ҳозирги давр ёшлар тарбияисга таъсирини шархлаб беришради.**

**Муҳаммад Содиқ Кошғарий ҳақида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Лекин ҳозирги пайтда бизга маълум бўлган «Одоб ас-Солихин» асасарининг ўзиёқ бизга унинг машхур педагог олим сифатида танитади.**

**Муҳаммад Содиқ Кошғарий 1740 йилда Кошғарда камбағал дехқон оиласида туғилган ва 1843 йилда у шу ерда вафот этган. Биз олимнинг тарбияшунос эканлигини унинг мероси қолдирган асарларидан биламиз. «Одоб ас-Солихин» («Яхши кишилар одоби»), «Зубдат ал-Масойил» («Масалаларнинг қаймоғи»), «Дур ал-Мўзохир» («Кўмакдошларнинг дурдонаси») ҳамда «Тазкиран хожагон» («Хожалар тазкираси») асарлари бизгача етиб келга.**

**Муҳаммад Кошғарийнинг «Одоб ас-Солихин» («Яхши кишилар одоби») «Зубдат ал-Масойил» («Масалаларнинг қаймоғи») асарлари туркий тилда яратилди. У 5 марта: Тошкентда 1889, 1901 йиллар ва Истанбўлда 1891-92, 1986 ййилларда қайта нашр этилган.**

**Мазкур асар мазмуни, номидан ҳам кўриниб тўрганидек, инсоннинг ҳаёти давомида зарур хулқ-одоб қоидаларига ўргатиш ғояси илгари сурилади. Унда кундалик турмушимизда ҳар бир ёш эгаллаб олиши зарур бўлган зохирий (ташқи) ва ботиний (ички) одоб ва аҳлоқ қоидалари нималардан иборат бўлиши зарурлиги ва шунда Буларнинг (толиб содиқларнинг) ҳам ўсиб, баркамол инсон даражасига етишиши таъкидланади. Муҳаммад Кошғарийнинг «Одоб ас-Солихин» асари муаллифининг ўзи таъкидлаганидек, муқадима ва 7 бобдан ҳамда ҳар бир боб 4 фаслдан иборат.**

**Ҳар бир инсон одоби зохирий ҳамда одоби ботинийни билиб, унга амал қилиши зарурлиги ва у одоб қоидаларини муътабар китоблардан жам этганлигини. Сўнг юқорида таъкидлаганимиздек, инсоннинг баркамол бўлиб етишишида кундалик турмушида зарур зохирий ва ботиний одоб қоидалари: саломлашиш ва рухсат сўраш, мулоқат одоби, ухлаш ва йўл юриш, суҳбат ахлининг ўзини тўтиши, эр-хотин одоби, тозалик ва озодалик қоидалари, меҳмон кўтиш, зиёфат ва овқатланиш одоби, сафар қоидалари баён этилади.**

**Биринчи боб рухсат сўраш ва саломлашиш, кўришиш, қўл олишиш ҳақида бўлиб, у 4 фасилдан иборат.**

**Маълумки, шарқ ҳалқларида бирор кимса бирорта уйга кирганда у ерга рухсатсиз кириб боравермай, маълум урф-одат қоидаларига риоя қилади. Ана шу қоидаларининг энг муҳимлари, Муҳаммад Содиқ Кошғарий ҳар бир одам келганлигини билдириш (эшикни қоқиш ёки йўталиш), овоз беришрилгандан сўнг ичкарига киришга рухсат сўраш ва сўнг кириш керАқлиги баён этилади.**

**Иккинчи фаслда эса саломлашишнинг 12 одоб қоидаси ҳақида фикр юритилади. Шунда салом беришриш ва жавоби масаласида ҳозирги пайтда ҳам юз беришраётган мунозарали фикрларга нуқта қўйгандек бўлади. Муаллиф айтишича, адаби аввал 2 мўмин киши келсалар хох ошно хох ноошно, салом беришришгайларки, салом беришриш суннатдир, жавоби фарзи айндир, дейди.**

**Мазкур бобда яна саломлашишидаги хатти ҳаракатталар, жисмонан заиф кишилар ва саломлашиш қоидалари, эркак ва хотин-қизларнинг саломлашиш қоидалари, салом беришрмаслик ва хотин-қизларнинг саломлашиш қоидалари, салом беришрмсалик ва жавоб қайтармаслик хақида ҳам ҳозирги давр учунмуҳим тавсиялар мавжуд.**

**Биринчи бобнинг учунчи фаслида беришрилган мулоқат (учрашув) одбига оид тавсиялар ҳам диққатга сазовар. Бунда учрашганда қўл беришриб кўришиш, лекин қўл учида эмас, астойдил, лекин қўлни силамай, очиқ юз билан кўришиш баён этилади.**

**Иккинчи бобда ухламоқ кийим кийиш, йўл юриш одоблари хақида фикр юритилади. Масалан, ухлаш олдидан эшикларни махкамлаш, идишларни оғзини ёпиш, ўриндаги кўрпани қоқиб ёзиш, ўт, чироқни ўчириш, ухлайдиган ўринни юмшоқ қилмаслик ўнг қўлига бир оз суяниб ётиш тавсия этиладики, бу қоидаларга риоя қилмаслик натижасида кўплаб нохуш воқеалар рўй беришрганлиги айтилади. Либос кийиш қодалари ҳам хулқ- одоб қоидаларинг таркибий қисми саналади. Бунда энг муҳимларидан киши имкон даражасида кийиниши лозимлиги, қулайлиги ва ёши, жинсига, жойига, фаслига мос бўлиши, уни тоза тўтиш , яхши либос кийганда манманлик қилмаслик, киймайдиган ортиқча либосларидан мухтожларга инъом қилиш каби тавсиялар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.**

**Йўл юриш қоидалари ҳар бир инсон учун бўлиши зарур бўлган қоидалар бўлиб, бу хақда қуйидагилар: йўлда юрганда меъёрида қадам ташлаш, атрофга алангламаслик, жамоат жойларида бошқаларга озор беришрмаслик, кексалардан кейин юриш, ўзтозлар билан бирга кетаётганда уларнинг ҳурматини сақлаш, йўлда ҳамкорлари бўлса улар билан бирга кетишлик, йўлда эса бирор киши билан учрашиб қолса, саломлашиб, тез ўтиб кетиш, агар зарур бўлса бирор четкага чиқиб сўзлашиш, йўлда оғиз суви ёки балгамни тўпурса юзини беришркитиш, уни ўнг томонга ёки олдига эмас, чап томонга ёки орқасига ташлаш, йўлда ёрдамга мухтожларга ёрдам беришриш, кишиларга азият етказадиган нарсаларни олиб ташлаш, мазлумлар ғам андухларига шерик бўлиб уларга ёрдам беришриш, яхши ишни маъқуллаб, ёмон ищдан қайтариш Қабилар баён этиладики, Буларни билиш катта-ю кичикка бирдек зарурдир.**

**Учинчи бобда сухбатлашиш одоби баён этиладики, бу одоб қоидаларига инсон ҳар бир дақиқада риоя этиши зарур.**

**Эр киши хотинига яхши муомала қилиши, уни беришхуда ғазаблантирмаслиги , олижаноб бўлиши, мурувват кўрсатиши, хавойи нафс балосидан сақланиши, агар аёл таккабур ва жафо кўрсатса, унга аввал насихат қилиб адаб беришриши , яхшитомонга юз тутса авф этиши зарурлиги баён этилади. Хотин эса эрининг рухсатисиз ҳеч жойга бормаслиги ва ҳеч кимни уйга келтирмаслиги, эрининг мол дунёсини сарф этмаслиги, ўз маъсулятини бажариши, эри хурсанд бўлса-хурсанд, ғамгин бўлса - ғамгин бўлиши, эрнинг топиш-тўтишига қаноат қилиш, эр вафот**

**этганда мотам тўтиб мархумнингрухини пок сақлаш хақида ибратли пандлар баён этиладики, бу нарсалар ҳозирги кунда ҳам долзарбдир.**

**Муҳаммад Содиқ Кошғарий «Одоб ас-солихин» асарида, касал ҳолини сўраш, таъзим ва мўсибат одоблари хақида ҳам фикр юритади. Бу нарсаларни Ҳар бир кишининг билиши муҳимдир.**

**Беришмор ҳам ўз навбатида касалидан нолиши мумкинлигини, оғир дардга чалинганда ўзига ўлим тиламасдан умр тилаши, оғирлашгани сезила бошлаганда гунохларидан тавба қилиб, қаризларини адо этиб, фарзандларини, қариндош ва дўстларидан розилик сўраши ва васият қилиши ҳамда уларга сабр қаноат тилаши энг муҳим қоидалар эканлиги такидланган.**

**Асарда мўсибат одоблари ҳақида ҳам баён этилганки, Буларни билиш, айниқса ёшларга зарурдир.**

**Асарда зиёфат, меҳмондорчилик одоби хақида ҳам кўпгина ибратли гаплар ёзиб қолдирилган. Жумладан меҳмондорчилик одоби хақида қуйидагилар ифодаланади.**

**Асарда меҳмонинг ҳам сохиби хонодонга қиладиган одоб қоидалари хақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилган. Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг «Одоб ас-солихин» асари ёшларнинг баркамол, маънавий юксак етук ахлоқли бўлишларида катта аҳамиятга эга. Мазкур асар кундалик турмушимизда Ҳар куни, ҳар дақиқада билиш зарур бўлган турмуш одобига оид хулқ- одоб қоидаларининг мажмуидир. Шунинг учун ҳам Шарқ педагогикаси тарихида «Қобуснома » каби бу асар ҳам, ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Бу асарни бобма - боб ўрганиш ёш авлоднинг маънавий камол топишига фойдаланиладиган беришбахо хазинадир, дейиш жоиз.**

Назорат топшириқлари.

**1. Тест: Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг «Одоб ас-солихин» («Яхши кишилар одоби ») асарида қандай ғоя илгари сурилади?**

**А) Инсонларни ахлоқан етук қилиб, тарбиялаш.**
**Б) Инсонни жисмоний ва ақлий етук қилиб тарбиялаш**
**В) Инсонни хулқ - одоб қоидасига ўргатиш.**

**2. Тест: Сизнингча Шарқ педагогикаситарихида қандай асарга таққослаш мумкин.**

**2. Мҳамад Содиқ Кошғарий асарларини тарбиявий аҳамиятини изоҳлаб беринг.**

**3. Мҳамад Содиқ Кошғарий асарларини тарбиявий аҳамиятини таҳлил қилиб беришринг.**

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият, Т., «Ўзберишкистон», 1994й.
2. Худойназаров Х Абдулғозий Боходирхон тарихчи ва адиб. –Т., «Ўзберишкистон»1994 й.
3. К Хошимов, С Нишонова, М Иномова, Р Хасанов. «Педагогика тарихи» Т. «Ўқитувчи» 1996 й.
4. И Искандаров «Ўзберишк педагогикасианталогияси» Т. «Ўқитувчи»,1995 й 1-жилд.

**25 XX-аср бошларида Туркистон мактаб-маориф ва педагогиканинг ахволи.**

**(2 соат маъруза)**

Асосий саволлар

**1.Туркистон ўлкасида диний-исломий татбиявий муассасалари ва педагогик фикрлар тараққиёти.**
**2.Туркистонда жадидчилик маърифатива таълим - тарбия.**
**3.Махмудхўжа Беришхбудийнинг педагогик тараққиётга қўшган хиссаси.**
